

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

Наманган муҳандислик-педагогика инситути

«Транспорт воситаларидан фойдаланиш» кафедраси.

А. Насритдинов.

«Автомобилсозлик технологияси»
фанидан.

Маъruzalар матни

Наманган – 2006 й.

А.Насритдинов Автомобилсозлик технологияси фанидан маъruzалар матни. НамМПИ.
Наманган – 2006 й.

Маъruzалар матни «Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш» йўналиши бўйича
техник-бакалаврлар учун мўлжалланган.

Маъruzалар матнида детал заготовкаларига қўйиладиган талаблар ва уларни олиш,
базалар ҳақида тушунча база турлари, ишлов бериш аниқлиги, ишлов бериш аниқлигига
таъсир этувчи омиллар, детал юза қатламининг тузилиши, ишлов беришга қўйиладиган
қатлам ва аниқлаш усуллари, деталларни технологиябоплиги, кесиб ишлов бериш
мосламалари корпус деталларини тайёрлаш думалоқ стерженларга ишлов бериш, ичи ковак
ва дисксимон деталларни ясаш, думалоқ бўлмаган стерженсимон деталларни ва автомобилни
кузов ва кабинасини тайёрлаш технологияси ҳамда автомобилларни йиғишнинг асосий
тамойиллари келтирилган.

Тузувчи: т.ф.н., доц. А.Насритдинов

Тақризчи: т.ф.н., доц. А.Полвонов

Маъruzалар матни «Транспорт воситаларидан фойдаланиш» кафедрасининг 2006-йил 18-
январдаги 6-сонли йиғилишида муҳокама қилинган.

Институт илмий-услубий кенгашининг 2006-йил мартдаги йиғилишида кўриб чиқилган
ва чоп этишга тавсия қилинган.

1-мавзу: Кириш. Автомобилсозлик технологиясининг илмий-техник тараққиёти.

Режа:

- 1.Кириш. Автомобил заводларида олиб борилаётган ишлар.**
- 2.Заготовка олиш технологик жараёнларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.**
- 3.Кесиб ишлаш ва автомобилларни йиғиш жараёнини ривожлантириш.**

1.Кириш. Автомобил заводларида олиб борилаётган ишлар.

Дунёдаги барча ривожланган мамлакатларда саноатнинг жуда тез суратлар билан ўсишга ва иқтисодиётнинг таянчларидан бири-автомобил транспорти саноатидир. Автомобил транспорти саноатининг ривожланиши саноатнинг бошқа тармокларининг ҳам тез суратлар билан ривожланишига олиб келади. Шу сабабли «Автомобил саноати Республикаимиз иқтисодиётининг таянчларидан биридир» - деган эди президент И.А.Каримов.

Иқтисодиётнинг ривожланиши автомобил саноатининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли президентимиз И.А.Каримов мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ республикага автомобил саноатини яратишга эътибор бера бошладилар ва бу борада биринчи қадам 1993-йил ДЭУ компанияси билан тузилган ЎзДЭУ қўшма корхонасини тузиш ҳақидаги битимдир. Бу билан Ўзбекистон автомобил ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторидан 28-давлат бўлиб ўрин олди. 1996 йил март ойида Асака шахрида Ўзбекистонда биринчи бўлиб автомобил йиғиш жихозларининг синови бошланди. Шу йилнинг июл ойида эса Ўзбекистонда йиғилган биринчи автомобил конвейердан чиқди. Илк қадамларда ТИКО, ДАМАС, НЕКСИЯ автомобиллари ишлаб чиқарилган бўлса хозирги кунда МАТИЗ, ЛАСЕТТИ линияга қўйиб ишлаб чиқарилмоқда.

1999-йилнинг март ойида Ўзбекистон автосаноати ўз ривожланишида яна бир қадам ташлади. Самарқанд шахрида СамКочАвто корхонаси ўз маҳсулотини бера бошлади. Бу завод йилига 5000 та автомобил ишлаб чиқариб, шундан 4000 таси кичик синфдаги автобус ва 1000 таси 5 т юк кўтарадиган юк автомобилидир. Ўзбекистон автомобил саноатининг келажаги янада порлоқ, келгусида бу корхоналарда йиғилаётган бутловчи қисмларнинг 80 фойзи Ўзбекистонда ишлаб чиқаришга режалаштирилган.

Массачусэтык техника институтининг тадқиқотларига қараганда битта автомобилни тайёрлаш учун Япония компанияларида ўртacha олганда 17 соатдан камроқ, Америкаликларда эса 25 соат ва европаликларда 36 соат вақт сарфланар экан.

Бундан ташқари автомобилларнинг янги моделларини Японлар ўртacha 46 ойда яратса Америкаликлар ва европаликлар учун 60 ой керак бўлар экан.

Бунда Японлар автоматлаштириш жараёнига жуда эҳтиёткорлик билан қарайдилар. Бу эҳтиёткорлик иккита сабаб билан тушунтирилади. Биринчидан автоматикани қўллашга қараганда маоши жуда юкори бўлса ҳам ишчи кучини қўллаш тежамлироқ. Иккинчидан, автоматикани қайта созлаш жуда мураккаб ва қийин. Шу нуқтаи назардан инсон анча эгилувчан робот. Ишлаб чиқариш жараёнида автоматика қанча кўп бўлса, ишлаб чиқариш оқим қаторлари шунча қаттиқ бўлиб қолади.

Шу сабабли автомобил русумларини бундан ўн йиллар аввал алмаштириш анча осон кечган, чунки у пайтларда автоматика камроқ бўлган.

Замонавий техника тараққиёти даражасига мос келадиган буюм конструкциясини, турли туман ҳалқаро меъёrlарни қониқтирадиган автотранспорт воситаларини (АТВ) ва ундан фойдаланиш фақат жиддий назарий ва экспериментал ишлар асосида яратилади.

Автомобил механизмларида содир бўладиган жараёнларни ўрганиш ва моҳиятини очиш натижасида ишончлилиқдан фойдаланиш ва динамиклик сифатларини, хизмат қилиш муддатларини, комфортабеллигини ошириш йўллари ишлаб чиқилади, автотранспорт воситаларини такомиллашган, содда хизмат кўрсатиш ва хизмат кўрсатишда қулай бўлишга эришилади. Автомобилларни тайёрлаш технологияси бўйича ахборотларни ўрганиш ва материалларни умумлаштириш тўпланган тажрибаларни самарали ютукларини мутахассисларга уларнинг амалий фаолиятида фойдаланиш учун умумлашган ҳолда бериш,

танқидий баҳолаш ва эскирган технологияларнинг камчилигини кўрсатиб беришга имкон беради.

2. Заготовка олиш технологик жараёнларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

Хозирги пайтларда автомобил заводларида техник қайта қуриш кетияпти, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлари ихтисослашган ва юкори даражада ташкил этилган янги заводлар қурилияпти. Алоҳида деталларни ва йиғма бирликларни йигувчи етказиб берадиган ва ишлаб чиқарадиган заводлар мажмуаси яратилмоқда. Автомат қаторлар ва уларнинг мажмуаси, автомобилларни йиғиш, деталларни қирқиб ишлаш, заготовка олиш жараёнларини комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш воситалари жорий қилинияпти.

Металл қуйиш соҳасида. Тупроқ қолипларда қўйма заготовка олишда ишлатиладиган таёқчаларни ясаш учун қум пурковчи ва қум ортувчи машиналардан, қолип ясадиган пресс машиналардан кенг фойдаланиш зарур. Қолип ичида бор йўғи 2-3 минут давомида қотиши лозим бўлган таёқчаларни ясадиган автомат ва ярим автомат машиналардан фойдаланиш давр тақозоси. Бу машиналар қуйидаги оғир қўл меҳнатини йўқотади ёки камайтиради.

Силкитиб қолип тайёрлаш ўрнига пресслаб тайёрлаш қўйма заготовкалар сифати ва аниқлигини оширади, шовқинни, қўл меҳнатини камайтиради. Катта босим остида қўйма тайёрлайдиган автомат қаторлар пресслаш усулида ишлайди. Бундай қаторларда ташиш ва технологик амалларнинг ҳаммаси автоматлаштирилган.

Қуймаларни тозалаш оғир иш ва кўп меҳнат талаб этади. Қатор заводларда бу иш агрегатлар билан бажарилади, уларни ҳам автоматлаштириш зарур.

Қобиқли қолипларга қуйиш ва эриб кетадиган моделлар бўйича тайёрланган қолипга қуйиш усууларида кўпроқ фойдаланиш керак.

Уларнинг автомат тарзда ишлайдиган қаторлари мавжуд. Қобиқли қолип усули болталаш усулига қараганда металл сарфини 20% гача, заготовкани кесиб ишлаш қийинлигини 15% гача камайтиради.

Эриб кетадиган моделлар бўйича тайёрланган қолипларга қуядиган автоматлаштирилган қатордаги амалларнинг тахминан 8% автоматлашган. Буларга модел қоришмасини, қўйма қолипни тайёрлаш, тозалаш, қуймаларга термик ишлов бериш ва бошқалар киради. Бу усул массаси 1,5 кг. бўлган пўлат заготовкаларни иссиқ ҳолда штамплаб тайёрлаш ўрнини босади.

Рангли металлар қотишмасини босим остида кокилга автомат тарзда қуйиш бўйича жиддий ишлар қилиш керак. Булардан ташқари истиқболда меъёровчи қурилмалардан, тебранувчи кокил машиналардан, унумдор эритувчи автоматлардан, автомат тарзда қуйиш воситаларидан ва ускуналардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Темирчилик соҳасида кўп заводларда боғланмаларни тайёрлаш учун комплекс механизациялаштирилган қаторлар ва автомат тарзда ишлайдиган штамплаш агрегатлари қўлланилади. Кейинчалик заготовкага хомашиб кесиб олишдан тортиб, заготовка тайёрлаш, унга термик ишлов беришгача бўлган барча амалларни автомат тарзда бажарадиган комплекс қаторларга ўтиш, кривошипли прессларда эзиз чиқариш усули билан болгаланма олиш, горизонтал болғалаш машиналарини ишлатиш зарур.

Қатор автомобил заводларида ғилдирак тишлари ва шлицаларини кесиб очиш ўрнига совуқ ва қизиган ҳолда пластик деформациялаш жорий қилинган. Бу усулни бошқа деталларга ҳам қўллаш мумкин. Асбобни ғилдиратиб тишлар ва шлицалар очиб кесиб ишлашга қараганда 10 карра унумлироқ: металл сарфи 10% га камаяди, тишлар ва шлицаларнинг мустаҳкамлиги 1.5 марта ортади. Иссик ҳолда ҳажмли штамплаш усулидан кўпроқ фойдаланиш керак.

Металлни қизиган ҳолда штамплайдиган кривошипли пресслар, юкори ток билан қиздириш, газ ёрдамида қиздириш, буларни ҳаммаси боғланмаларни кўплаб тайёрлаш ва уларнинг аниқлигини ошириш имконини беради.

Даврий прокатдан, жўваланган ва калибрланган материаллардан штамплаб детал ясаш кенг қўлланиладиган бўлади. Лист ва лентадан тайёрланган букланган ва штампланган профелларни ишлатиш қора металл прокати сарфини камайтиради. Кукунли металлургия ҳам машинасозликда кўп қўлланмоқда. Металлокерамиканинг иқтисодий самарадорлиги ва

техникавий зарурати бу усулда кўплаб деталлар ишлаб чиқаришга йўл очиб беради. Металл кукунларини ёпишириш, кимёвий ва термик ишлов бериш бўйича янги технологияларни қўллаб мустаҳкам ва сифатли заготовкалар олиш мумкин.

3. Кесиб ишлаш ва автомобилларни йигиши жараёнларини ривожлантириш.

Автомобилсозлик технологиясида заготовкаларни кесиб ишлаш бутун автомобилга сарфланган меҳнатнинг 30 фоизини ташкил қиласди. Заготовка тайёрлашнинг энг янги усуллари кесиб ишлашни камайтиради ва технологик жараённи анча ўзгартириб юборади. Замонавий усуллар билан тайёрланган қўйма ва штампланган заготовкалар ҳам шундай натижалар бериш мумкин.

Асосий ишлаб чиқаришда самарали технологик жараёнлар ва янги асбоблар жорий қилинмоқда. Масалан, қаттиқ қотишмалардан тайёрланган кўпқиррали, қайта чархланмайдиган пластинкалар ўрнатилган, ейилишга чидамли қоплама берилган ва катта тезликда ишлайдиган кескичлар; қаттиқ қотишмалардан тайёрланган сидиргич асбоблар билан сидириш; ўрта қаттиқ синтетик металлардан тайёрланган асбоблар билан нафис ва маромига етказиб ишлов бериш; тешикларни силлиқлаш ва бошқалар.

Саноатда квант генераторлардан фойдаланиш машинасозлик технологиясида катта ўзаришларга олиб келади. Лазерлардан фойдаланиб ишланиши қийин металларда ингичка тешиклар, ариқчалар очиш, металл бўлмаган материалларни кесиш, эритиш, легирлаш, пайвандлаш, айрим жойларга термик ишлов бериш мумкин.

Машинасозлик технологиясини ривожлантиришнинг энг замонавий йўналишларидан бири мослашувчан автоматлаштирилган ишлаб чиқариш тизимларини қўллаш хисобланади. Маълумки, бундай тизимлар саноат роботлари, микропроцессор техникаси ва электроника асосида яратилади. Бундай тизимларда юқори унумли ускуналар, программа билан бошқариладиган станоклар ишлатилади. Ўзи турли бўлса ҳам лекин технологияси ва ишлов берадиган юзасининг ўлчамлари бўйича битта гурухга кирадиган деталларга ишлов бериш имконини яратади, кескичининг ейилишини автомат тарзда компенсациялаб туради, кесувчи асбобларни автомат тарзда алмаштиради, асбоблардан носозликларни ҳам одам иштирокисиз ўзи топиб, чора кўради.

Йигув жараёнини такомиллаштириш учун деталлар ва узелларни йигув жойига автомат тарзда етказиб берадиган конвейрларни қўллаш лозим. Кабиналарни, кузовларни, металл платформаларни йигиши жараёни асосан пайвандлаш орқали амалга оширилади. Автомобил ишлаб чиқаришда пайвандлаш меҳнатнинг 10 фоизидан ошмайди. Рух билан қопланган ва бўялган деталларни пайвандлаш плазмали, электрон нурли ва бошқа турдаги пайванд усулларни қўллаш, унумдор пайванд автоматлар ва ярим автоматлардан фойдаланиш автомобилни йигишига талаб этиладиган меҳнатни камайтиради.

Автомобил деталларини ва йиғма бирликларини металл парда билан қоплаш ва бўяш ишларида қўлланиладиган теника жиддий ривожланди. Янги лок-бўёқ материалларини қўллаш ва илғор технологияларни қўллаш автомобилларнинг коррозияга чидамлилигини ошириди ва ташки кўринишини яхшилади.

2-мавзуу: Асосий тушунчалар.

Режа.

1.Ишлаб чиқариш жараёни.

2.Машинасозлик заводларининг турлари.

1.Ишлаб чиқариш жараёни.

Жамиятга керакли бўлган маҳсулот турли хил хом ашёлардан ишлаб чиқариш жараёни натижасида тайёрланади.

Ишлаб чиқариш жараёни маҳсулот тайёрлаш учун мазкур корхонадаги барча кишилар ва меҳнат қуролларининг биргаликдаги тайёр маҳсулотга айланишидаги барча босқичларни ўз ичига олади. Ишчи меҳнат қуроли (жиҳоз, ускуна, мослама) ёрдамида меҳнат предметига (дастлабки хом ашё, материалга) таъсир қилиб, уни тайёр маҳсулотга айлантиради.

Заводнинг ишлаб чиқариш жараёни машина деталларининг заготовкасини тайёрлаш, уларга турли ишловлар бериш (механик, термик, кимёвий) сифатини назорат қилиш йиғиш, синаш, омборларда сақлаш, транспортировка қилиш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш жараёни умумий холда қуидагича кўринишда ифодалаш мумкин.



Технологик жараён деб хом ашёни аста секин ўзгариб боришида ишчининг ва меҳнат куролининг хамма харакатларини қамраб олган ишлаб чиқариш жараёнининг бир бўлгигаайтилади. Технологик жараён ишлаб чиқариш обектининг шакли ўлчамлари механик хусусиятлари (материалнинг, заготовканинг ярим фабрикатнинг, деталнинг) ёки алоҳида олинган деталларнинг ўзаро алоқалари ўзгаради (йиғиш). Одатда технологик жараён деталга ёки буюмга нисбатан қаралади, ишлаб чиқариш жараёни эса-цехга ёки участкага нисбатан қаралади.

Технологик жараённи бажариш учун корхонанинг элементар бир бўлгаги сифатида технологик ускун, конвойрнинг бир қисми, шунингдек, челангандан вақт ичида меҳнат предмети ва иш бажарувчилар билан таъминланган иш жойи ташкил қилинади.

Детал тайёрлаш ёки йиғиш бирлигини йиғиш технологик жараёни бўлакларга бўлинади. Технологик жарённи бўлакларга бўлишни ишлов беришнинг турли-туманлиги ёки иқтисодий нуқтаи назар тақозо этади кўпинча детални ёки йиғиш бирлигини бир иш жойида тайёрлаш мумкин эмас. Бундай холатларда технологик жараённи шундай бўлакларга бўлинадики, уларни бир иш жойида бажариш мумкин бўлсин. Худди шу сабабларга кўпгина ҳолларда бутун деталл тайёрлаш ёки йиғиш бирлигини йиғиш технологик жараённи бир жойида бажариш мақсадга мувоғиқ эмас, чунки, бу мураккаб жиҳоз, асбоб-ускуна, юқори малаки ишчидан фойдаланишни оқламайди.

Кўп миқдордаги бир хил деталларни ёки бир турдаги йиғиш бирликларини тайёрлаш технологиясини бўлакларга бўлганда шундай бўлиши керакки, уларни бир хил вақт бирлиги ичида бир иш жойида бажариш мумкин бўлсин. Шундай қилиб технологик жараён ўз навбатида технологик амаллардан ташкил топади.

Технологик амал деб бир иш жойидан бажариладиган ва технологик жараённинг тугалланган бир қисмига айтилади. Масалан, цилиндрлар блоки гильзасини йўниш, хонинглаш ёки сийқалаш. Булар алоҳида олинганда ҳар бири бир амал бўлиб, комплекс ҳолда эса цилиндрлар блоки гильзасига механик ишлов бериш технологик жараёнини ҳосил қиласади.

Технологик амал ўз навбатида технологик ўтишлардан ташкил топади.

Ўтиш бу технологик амалнинг тугалланган бир қисми бўлиб, ўзгармас жиҳознинг ўзгармас иш тартибида бажарилган қисмидир.

Умуман олганда технологик жараённи бажарувчи восита бу технологик жиҳоз, ускуна ва асбоблардир.

Технологик жиҳоз деб технологик жараённинг маълум қисмини бажариш учун материал ёки заготовкани жойлаштириладиган, уларга таъсир қилувчи воситаларга ва зарур бўлганда энергия манбаи билан жиҳозланган ишлаб чиқариш қуролига айтилади. Технологик жиҳозларга дастгоҳлар, синаш қурилмалари, конвейрлар киради.

Технологик ускуна бу технологик жараённи бажариш учун технологик жиҳозга қўшимча ишлаб чиқариш қуролидир. Масалан


турли хил мосламалар, асбоблар, штамплар, пресс формалар.

Созлаш бу технологик жиҳоз ва ускунани маълум технологик жараённи бажаришга тайёрлашдир. Мослама ва асбобни дастгоҳга ўрнатиш, маълум бир сурилиш ва тезлигини танлаб олиб қўйиш ҳам созлаш ҳисобланади.

Заготовкага кесиб ишлов беришда бир қанча қўшимча ҳаракатлар амалга оширилади, масалан, заготовкани дастгоҳга ўрнатиш ва қотриш, ишлов бериб бўлгандан сўнг тўхтатиш ва бошқалар. Қўшимча ҳаракатлар детал сифатини ўзgartирмайди, аммо бу ҳаракатлар асосий ишлов бериш ҳаракатларининг бажарилишини таъминлайди.

Машинасозлик заводининг умумий технологик жараёни қуидагида.

Машинасозлик заводи



2. Машинасозлик заводларининг турлари.

Буюмларни ишлаб чиқариш усулини қўллаш белгилари бўйича ишлаб чиқариш категориясининг таснифланиши ишлаб чиқариш турлари дейилади. Ишлаб чиқаришнинг уч тури мавжуд бўлиб, улар: яккалааб, сериялаб ва ялпи ишлаб чиқаришдир.

Яккалааб ишлаб чиқаришда машинасозлик заводларидаги янги автомобилларни яратишдаги экспериментал цехларида яратилган автомобилларнинг намуна-нусхаси, баъзи машинасозлик фирмаларининг (РосРойс, Ягуар) якка таритбадаги буюртма асосида тайёрланган автомобиллари мисол бўла олади.

Яккалааб ишлаб чиқаришга қўйидаги хусусиятлар мос:

1. Жихозларнинг универсаллиги (экспериментал цех амалда маълум турдаги автомобилларнинг ҳамма деталларини тайёрлай оладиган жихозларга эга);

2. Ишловчиларнинг нисбатан малакаси юкорилиги билан, чунки ҳам бир ишчи (дастгоҳчи, тунукасоз, рихтовкачи, йиғувчи ва бошқалар) ҳар доим янги-янги амалларни бажариши керак.

3. Махсус мослама ва асбобларнинг жуда кам қўлланилиши, чуки уларни тайёрлашга анчагина маблағ талаб қилингани учун иқтисодий жиҳатдан фойдали эмас (фақатгина шундай ҳоллардагина амални бажариш уларсиз мумкин блмагандা); технология бўйича стандарт асбобларни қўллаш кўзда тутилади; барча ўлчашлар универсал ўлчаш асбоблари билан амалга оширилади (штангенциркул, линейка, микрометр ва бошқалар).

Яккалааб ишлаб чиқаришда ишлаб чиқаришни тайёрлаш мақсадга мувофиқ эмас. Деталлар соддалашган технология бўйича энг содда ускуналар ва юқори малакали ишчиларнинг катта ҳажмдаги қўл меҳнати билан тайёрланади. Бундай технологияда тўлиқ алмаштирувчанликни таъминлаш мумкин эмас, шу сабабли меъёрига етказиш ишларига йўл қўйилади. Бундай ишлаб чиқаришда буюм таннархи жуда юқори бўлади.

Сериялаб ишлаб чиқаришда маҳсулот даврий равища тақорланиб турадиган партиялар билан ишлаб чиқарилади. Сериядаги ёки партиядаги маҳсулотнинг миқдоррига кўра кам серияли, ўрта серияли ва катта серияли ишлаб чиқаришга бўлинади. Бундан ташқари ишлаб чиқаришнинг сериялилиги амалларни бириктириш коэффициенти, яъни бир ой давомида барча бажариладиган амаллар соннинг иш жойлари соннинг нисбати билан ҳам аниқланади.

Амалларни бириктириш коэффициенти кичик серияли ишлаб чиқаришда -20-40; ўрта серияли ишлаб чиқаришда -10-20; катта серили ишлаб чиқаришда эса -2-10гача қабул қилинади.

Серияли ишлаб чиқаришда кўпинча маҳсус жихозлар, механизациялашган ва автоматлашган қаторлар, маҳсус асбоблар, маҳсус назорат-ўлчаш асбобларидан (калибрлар, мосламалар, қурилмалар) фойдаланилади.

Серияли ишлаб чиқаришда яккалааб ишлаб чиқаришга қараганда меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати анча юқори, ўзаро алмашувчанлик таъминланади, таннарх бирмунча пасаяди.

Одатда маҳсус жихоз ва ускуналар механизация ва автоматизация воситаларидан фойдаланиш даражаси кичик серияли ишлаб чиқаришдан ялпи ишлаб чиқаришга томон ортиб боради. Аммо ишлаб чиқариш тури ва у ёки бу заводдаги ишлаб чиқариш технологик жараёнини ташкил этилишига қараб бўлиниши шартли технологик жараёнини ташкил этилишига қараб бўлиниши шартли характерга эгадир.

Юқорида кўриб чиқилган ишлаб чиқариш турига қатъий равища кирадиган цех ёки заводни топиш қийин.

Бир заводнинг ўзида, ҳатто цехда баъзи бир йиғиш бирликлар ёки детал даврий равища тақорланадиган партиялар билан, бошқалари эса тўхтовсиз катта партиялар билан тайёрланади. Яъни бир пайтнинг ўзида сериялаб ва ялпи тайёрланади.

Ялпи ишлаб чиқариш-ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдоррининг жуда катталиги ва тўхтовсиз ишлаб чиқиш билан тавсифланади. Ялпи ишлаб чиқариш қўйидагилар билан тавсифланади:

- Бир хил маҳсулотни (автомобилни ёки унинг агрегатларини)узоқ вақт узлуксиз кўплаб ишлаб чиқариш;


- жихозлар, ускуналар, мосламалардан юқори унум билан фойдаланиш;

- автомат қаторларни қўллаш имкониятининг борлиги;

- жихозлар фақат технологик белгиларига кўра ўрнатилади;

- ишчилар малакасининг паст бўлиши ва бунинг натижасида маҳсулот таннархининг нисбатан паст бўлиши.

Ялпи ишлаб чиқариш ўзининг оқим қаторлари билан тавсифланади. Бунда технологик жараённинг ҳар бир амали бир жиҳозга бириктирилган бўлади. Жиҳозлар эса технологик жараён кетма-кетлиги бўйича ўрнатилади. Ишчилар узок вақт фақат бир амални бажаради, бунда брак эҳтимоли камайиб иш унумдорлиги анча юқори бўлади. Ялпи ишлаб чиқаришда амалларни бириктириш коэффициенти 1 га teng. Машинасозлик заводлари ишлабб чиқариши ташкил этилишига кўра қўйидагича бўлади: комплекс, механика йиғув ва йиғув заводлари



Йиғув корхоналарини ташкил қилиш чет эл автомобил саноатида кенг тарқалган. Масалан АҚШ нинг «Крайслер» фирмаси 15 та йиғув заводига, «Дженерал Моторс» фирмаси эса 23 та йиғув заводига эга. Бундан ташқари АҚШ да 6 мингдан ортиқроқ заводлар автомобилнинг алоҳида деталларини тайёрлайди.

Машинасозлик заводларидаги ишлаб чиқариш турини белгиловчи омиллар 1.1 – жадвалда келтирамиз.

1.1-жадвал

Ишлаб чиқариш турини белгиловчи омиллар		Ишлаб чиқариш түри				
Маҳсулот ишлаб чиқариши кўлами	Маҳсулотни йиғиш меҳнат сарфи, соат	Яккалаb	Кам серияли	Ўрта серияли	Катта серияли	Ялпи
Бир ойда ишлаб чиқариладиган маҳсулот						
2500дан кўп 250-2500 25-250 2,5-25 0,25-25 0,25 гача	1 тагача 3 тагача 5 тагача 8 тагача - -	2-4 3-8 8-30 9-50 80 тагача -	5 тадан ортиқ 9...60 31-350 51-600 81-800 -	- 60 тадан ортиқ 351-1500 601-3000 801-4500 1000-6000	- 1500 дан ортиқ 3000 дан ортиқ 4500 дан ортиқ	- - 1500 дан ортиқ 3000 дан ортиқ 4500 дан ортиқ
Йиғилган маҳсулотлар рўйхатининг ўзгармаслиги	Кўпинча қайтарилимайдиган маҳсулот	Маҳсулот кичик партиялар билан ишлаб чиқарилади	Маҳсулот ишлаб чиқариш қайтарилиди	Катта партияли маҳсулот даврий равишида қайтарилиди.	Маҳсулот ишлаб чиқариш рўйхати узок вақтгача ўзгартмайди.	
Иш ўринларининг ихтисослашуви	Жараён батафсил ишлаб чиқилмайди. Технологик амаллар иш ўринларига доимий бириктириб қўйилади.	Жараён узеллар бўйича ва умумий йиғишга ажратилиди	Жараён батафсил бўлакларга бўлинган ҳолда ишлаб чиқилади.			
Ишлатиладиган жихоз түри	Универсал Универсал, айрим тур ишлардан ташқари 4-6 разрядли юқори малакали ишчилар	Иш ўрнига маълум даврда қайтарилидиган ишлар бириктириб қўйилади	Хар бир иш ўрнида узок вақт давомида маълум турдаги йиғиш ишлари бажарилади.	Махсус ва автоматлашган	Махсус	
Ускуна ва мослама		Универсал ва махсус	Тор ихтисосли 4-6 разрядли ишчилар			
Ишчиларнинг ихтисослашув даражаси		Универсал ва махсус				

Машинасозлик заводларининг маҳсулот-бу тайёр машина, агрегат, узел ёки алоҳида олинган детал бўлиши мумкин.

Буюм ёки маҳсулот деб донабай ёки нусхабай ўлчанадиган мазкур корхонада ишлаб чиқариш жараёнининг охирги босқичида олинган саноат маҳсулотдир.

Масалан УзДЭУ, СамКочавто корхоналарнинг оқирги босқичида тайёр автомобил, Фаргона механика заводидаги диск тайёрлаш цехининг охирги ишлаш босқичида аккумулятор олинади.

Буюмлар вазифасига кўра асосий ва ёрдамчи бўлиши мумкин. Асосий буюм реализация (сотиш) учун, ёрдамчи буюм эса корхонанинг эҳтиёжлари учун тайёрланади.

Машинасозликда заготовка ва дастлабки заготовка турлари мавжуд. **Заготовка** бу ишлаб чиқариш предмети бўлиб, ундан юза ғадир-будурлиги, шакли, ўлчами ва материал хусусиятларини ўзгартирилиб, детал тайёрланади.

Дастлабки заготовка эса бу биринчи технологик амалдан аввалги заготовкадир.

Детал деб йиғиш амалларини қўлламасдан бир хил материалдан (номи ва маркаси бўйича) тайёрланган буюмга айтилади. Масалан, тишли ғилдирак, тирсакли вал, цилиндрлар блоки, шатун, поршен, поршен халқаси ва бошқалар.

Йиғиш бирлиги бу маҳсулотнинг таркибий қисмлари йиғиш амалларини қўллаб (пайвандлаш, кавшарлаш, парчинлаш, пресслаш, бураш ва бошқа амаллар) тайёрланган маҳсулотдир. Масалан, радиатор, дифференциал, тормоз накладкаси, илашманинг етакланувчи диски ва бошқалар.

Яримфабирикат-бу етказиб берувчи корхонанинг маҳсулоти бўлиб, қўшимча ишлов ва йиғиш ишларини талаб қиласди.

Комплектловчи буюмлар – бу етказиб берувчи корхонанинг маҳсулоти бўлиб, асосий ишлаб чиқарувчи корхона учун таркибий қисм бўлиб хизмат қиласди. Масалан УзДЭУ корхонаси учун кузовдан ташқари барча агрегатлар комплектловчи буюм бўлиб саналади. СамКочавто корхонаси учун эса кузов ва рамадан ташқари барча агрегатлар комплектловчи буюмдир.

Мазкур корхонада тайёрланмайдиган, кооперация тариқасида олинадиган буюмлардан ташқари тайёр ҳолда олинадиган буюмлар сотиб олинадиган буюмлар дейилади. Масалан, қотириш деталлари, подшипниклар ва бошқа деталлар сотиб олинадиган буюм ҳисобланади.

Машинасозлик заводларида маҳсулотни-бу тайёр машина, агрегат, узел ёки алоҳида олинган детал бўлиши мумкин.

Буюм ёки маҳсулот деб донабай ёки нусхабай ўлчанадиган мазкур корхонада ишлаб чиқариш жараёнининг охирги босқичида олинган саноат маҳсулотидир.

Масалан УзДЭУ, СамКочавто корхоналарининг охирги босқичида тайёр автомобил, Фаргона механика заводидаги диск тайёрлаш цехининг охирги ишлаб чиқариш босқичида аккумулятор олинади.

Буюмлар вазифасига кўра асосий ва ёрдамчи бўлиши мумкин. Асосий буюм реализация (сотиш) учун, ёрдамчи буюм эса корхонанинг эҳтиёжлари учун тайёрланади.

Машинасозликда заготовка ва дастлабки заготовка турлари мавжуд. **Заготовка** бу ишлаб чиқариш предмети бўлиб, ундан юза ғадир-будурлиги, шакл, ўлчами ва материал хусусиятларини ўзгартирилиб, детал тайрланади.

Дастлабки заготовка эса бу биринчи технологик амалдан аввалги заготовкадир.

Детал деб йиғиш амалларини қўлламасдан бир хил материалдан (номи ва маркаси бўйича) тайёрланган буюмга айтилади. Масалан, тишли ғилдирак, тирсакли вал, цилиндр блоки, шатун, поршен, поршен халқаси ва бошқалар.

Йиғиш бирлиги бу маҳсулотнинг таркибий қисмлари йиғиш амалларини қўллаб (пайвандлаш, кавшадлаш, парчинлаш, пресслаш, бураш ва бошқа амаллар) тайёрланган маҳсулотдир. Масалан, радиатор, дифференциал, тормоз накладкаси, илашманинг етакланувчи диски ва бошқалар.

Яримфабирикат-бу етказиб берувчи корхонанинг маҳсулоти бўлиб, қўшимча ишлов ва йиғиш ишларини талаб қиласди.

Комплетловчи буюмлар-бу етказиб берувчи корхонанинг маҳсулоти бўлиб, асосий ишлаб чиқарувчи корхона учун таркибий қисм бўлиб хизмат қиласди. Масалан УзДЭУ корхонаси учун кузовдан ташқари барча агрегатлар комплектловчи буюм бўлиб саналади. СамКочавто корхонаси учун эса кузов ва рамадан ташқари барча агрегатлар комплектловчи буюмдир.

Машинасозлик заводларида ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларини бажариш турли цехларда-темирчилик, қуийш, термиқ, механика йиғув цехларида амалга оширилади. Бунга мувофиқ заводнинг ишлаб чиқариш жараёнига темирчилик цехининг ишлаб чиқариш жараёни, механика цехининг ишлаб чиқариш жараёни ва бошқаларга бўлинади.

Ҳар бир маҳсулот ишлаб чиқаришнинг натижаси билан боғлик бўлгани учун ишлаб чиқариш жараёни асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бўлиши мумкин.

Асосий ишлаб чиқариш жараёни натижасида хом ашё ёки дастлабки маериал тайёр маҳсулотга айланади, унинг ҳажми кор-хонанинг ишлаб чиқариш режаси билан белгиланади. Масалан деталлар тайёрлаш, йиғиш бирликларини ва машина тайёрлаш ва ҳоказо.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқарилган маҳсулот заводнинг ўзида ишлатилади. Масалан, Асакадаги УзДЭУ қўшма корхонасидаги асбобсозлик цехи кузов цехи учун штамплар ва турли ускуналар тайёрлаб беради, аммо, ейилган, ишдан чиқсан жиҳозларни таъмирлайди. Яъни бу цехнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти аҳолига сотиш учун асосий ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлайди ҳар қандай маҳсулот, автомобиллар ҳам хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришга боғлик бўлиб, уларнинг асосий вазифаси асосий ишлаб чиқаришни таъминлашдир. материал ва ярим фабрикатларни олиш, уларни сақлаш, автомобил

Шундай қилиб ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаш, иш жойларига хизмат кўрсатиш, деталларини тайёрлашнинг барча жараёнларини, йиғиш бирликларини йиғиш, синаш, материаллар, заготовкалар, деталларни транспортировка қилиш, теник назорат, тайёр маҳсулотни жойлаш ва сақлаш амалларини ўз ичига олади.

3-мавзу: Заготовка турлари ва уларни олиш усуллари.

Режа:

- 1. Заготовкаларга қўйиладиган талаблар.**
- 2. Қўйма усулида заготовка олиш.**
- 3. Босим билан ишлов берib заготовка олиш**
- 4. Бошқа усулларда заготовка олиш.**

1.Заготовкаларга қўйиладиган талаблар.

Транспорт машинасозлиги саноатида асосан заготовкаларнинг қўйидаги турлари ишлатилади: қора ва рангли металл қўймалари;

қора ва рангли металлардан штамповкалаб олинган заготовкалар; пўлат прокати ва бошқа материаллардан штамп-пайвандлаб олинган заготовкалар; пластмассадан штамповкалаб олинган заготовкалар; металлокерамик заготовкалар;

сортовой профиллни материаллардан (ғўла, труба, лист, лента) олинган заготовкалар.

Маълумки, деталнинг таннархи заготовка таннархи, унга ишлов бериш таннархидан иборат бўлгани учун детал тайёрлаш жараёнини комплекс олиб қараш керак, яъни заготовка тайёрлаш ва унга ишлов бериш жараёнини биргаликда олиб қараш керак.

Заготовка олиниши мумкин бўлган усуллардан мазкур шароитда детал тайёрлаш учун минимал таннархда тайёрланадиган энг мақбул усулни танлаб олиш керак.

Машина деталларининг бирламчи заготовкасини тайёрлашда тайёрлаш сермехнатлигини, механик ишлов беришдаги иш ҳажмини, металл сарфини имкони борича камайтириш талаби қўйилади. Агар заготовка дастгоҳда мосламалар ёрдамида ишлов бериладиган бўлса, у ҳолда

заготовка маълум аниқликда ва яққол кўзга ташланиб турадиган технологик базаларга эга бўлиши керак.

Бу талабларнинг бажарилмаслиги заготовкани дастгоҳга ўрнатишда каттагина ҳатоликларга ва созланган асбобларнинг шикастланишига олиб келиши мумкин.

Заготовка олишнинг турли усувлари бир хил аниқликни таъминлаши мумкин, аммо бу усувларнинг кам ҳаражатлилигини бир хил миқдордаги ишлаб чиқаришда турлича бўлиши мумкин.

Катта серияли ва ялпи ишлаб чиқариш шароитида заготовкалар шакли ва ўлчами бўйича тайёр детал шакли ва ўлчамига мумкин қадар яқин бўлиши керак. Шундагина ишлов беришга қўйиладиган қатлам ва механик ишлов бериш амалларининг сони камгина бўлиб, металдан фойдаланиш коэффициенти 0.9 гача етади.

Металлдан фойдаланиш коэффициенти деб тайёр детал вазнининг заготовка вазнига нисбатига айтилади, яъни

$$K = \frac{M_1}{M_2}$$

бу ерда M_1 -тайёр детал вазни, M_2 -заготовка вазни.

Ялпи ишлаб чиқариш шароитида заготовка тайёрлашнинг энг оқилона усулини танлаб олиш учун металдан фойдаланиш коэффициенти энг катта бўлган усулни олиш керак. Автомобил деталларининг ҳар бир гурухи учун бу коэффициентларнинг катта қийматлари технологик жараёнларни турларга ажратиш орқали амалга оширилади.

Заготовка олишнинг ҳар бир усули, кесиб ишлов бериш каби меҳнат сарфи ва таннарх билан ҳарактерланади. Шу сабабли заготовка тайёрлаш турини танлаб олишда текширув иқтисодий ҳисоб-китоблари қилинади.

2. Қўйма усулида заготовка олиш.

Транспорт машинасозлиги саноатида қўймаларни бир марталик, ярим доимий ва қолипларга қўйиб олиш мумкин.

Бир марталик қолипларга қўйиб қўйма олиш қора ва рангли металлардан турли оғирликдаги ва ўлчамдаги заготовкалар олишда ишлатилади. Қўйиш бир марталик ҳўл ёки қуруқ қўмли қолипларга қобиқли қолипларга ва эрийдиган андозали қолипларда амалга оширилади. Қўмли қолиплар опокли ёки опоксиз ерда тайёрланиши мумкин.

Қўмли қолиплар опокли ёки опоксиз (ер қолиплар)қилиб тайёрланади. Опоксиз қолиплар фақат қўлда, опокли қолиплар эса қўлда ёки машинада тайёрланиши мумкин. Ёғоч андозалар билан қўлда тайёрланган қолипларда иш унумдорлиги кам бўлиши билан бирга паст сифатли қўйма беради ва уларга мосламаларда ишлов бериб бўлмайди ва ишлов қўлда бажарилиши керак.

Қолиплар машинада тайёрланганда иш унумдорлиги қўлда тайёрлангандагига қараганда 10-20 марта кам. Шу сабабли кичик серияли қўйма ишлаб чиқаришда ҳам қолипни механизацияланган усулда тайёрлаш керак, ҳолбуки, қўйиш цехининг технологик жиҳозлари универсал бўлиб, осонгина қайта созланади.

Қўйиш цехида андаза тайёрлаш ускуналари махсус бўлиб, улар қўлда ёки машинада қолип тайёрлаш усувлари учун ҳам зарур.

Қўйма аниқлиги уни олиш усулига боғлиқ. Бир марталик қўлда тайёрланган қолиплардан 16-17 квалитет аниқлигини олиш мумкин, машинада тайёрланган қолиплардан эса, 15 квалитет аниқлигини, бундан ҳам аникроқ қўймалар олиш учун металл қолиплар ишлатилиб, ўзаклари (стерженлар) кондуктор ёрдамида йиғилиши керак.

Ер қолипларга қўйиш технологик имкониятларидан бири бу турли материаллардан қўйма олинганда қўйма деворининг қалинлигидир. 4-жадвалда заготовка олишда қўйма деворининг минимал қалинлиги келтирилади.


4-жадвал

Материал	Қўйма деворларининг минимал қалинлиги, мм		
	Кичик қўймалар	Ўртacha қўймалар	Катта қўймалар

Кулранг чўян	2.5-6	7-11	15-20
Болғаланувчан чўян	2.5-5	6-8	10-12
Пўлат	4-7	8-14	20-25
Бронза	2-4	5-12	11-15

Маълумки, чўян совиганда сиқилади, яъни чизиқли ўлчамлари ва ҳажми тораяди. Кулранг чўяннинг чизиқли торайиши 0.6-1.2 %, оқ чўян учун 1.2-2 %ни ташкил этади, ҳажмий торайиш эса 3 марта катта.

Қуйманинг ташқи юзалари ички қисмига қараганда тезроқ совийди. Натижада қуймада оқловчи қатлам ҳосил бўлади. Заготовкага ишлов берилганда бу қатламни олиб ташлаш керак. Бу қатлам қуйманинг катта-кичиклигига қараб, 2-20 мм бўлади. Қуймани қолипдан осон чиқариб олиш учун маълум қиялик бурчаклари билан қўйилади. Қўйиш қияликлари майдо қўймалар учун $\alpha=2-4^{\circ}$, катта қўймалар учун эса $\alpha=30^{\circ}-45^{\circ}$ олинади. R эса қўидаги хисобдан олинади:



$$R = \frac{1}{3} \dots \frac{1}{5} (a + b)$$

Колип тайёрлаш материалларига қўидаги талаблар қўйилади:

- газ ўтказувчанлик;
- ёнмаслик.


Колип тайёрловчи материалларнинг қўйма қўйилганда ёниб кетмаслиги унинг таркибига кўмир қўшиш билан эришилади.

Маълумки, қолиплар кварц қуми ва гил тупроқни аралаштирилиб тайёрланади. Қўйма ичидаги бўшлиқни ҳосил килиш учун қолипга ўзак қўйилади. Ўзаклар жуда оғир шароитда ишлагани учун улар жуда мустаҳкам бўлиши керак. Ўзакларнинг мустаҳкамлигини ошириш учун уларга суюқ ойна қўшилади. Серияли ва ялпи ишлаб чиқаришда ўзакларнинг минимал диаметри 30 мм, кичик серияли ва яккалашиб ишлаб чиқаришда эса 50 мм бўлади.

Қўймалар хўл ёки қуруқ бўлиши мумкин. Агар суюқ металлни хўл қолипга қўйсак, қолипдаги намлик бирданига буғланади ва бу намликлар қўйма юасида ўйиқчалар ҳосил қиласида ёки қолипни портлатиши ҳам мумкин. Шу сабабли муҳим ва катта қўймалар олинадиган қолиплар албатта 6-12 соат давомида 170-300° ҳароратда қуритилади.

Мураккаб шакли заготовкалар ер қолипларига қўйиб олинади. Аммо бунда заготовканинг аниқлиги унча юқори бўлмайди. Бу усулда металлдан анчагина иқтисод қилинади, қўйиш таннархи бирмунча паст. Шу сабабли бу усулда қўйма олиш анча кенг тарқалган.

Ўзакли қолипларга қўйиб қўйма олиш ер қолипларда олинган қўймаларга қараганда қўймани 25-30%га кесиб ишлов берилади, меҳнат сарфини эса 25% гача камайтиради. Бу усулда олинган қўймаларнинг аниқлиги 14 квалитетдан, юза ғадир-будурлиги R_a*5-20 мкм бўлади.




Марказдан қочма усулда қўйиб қўйма олиш асосан айланиш жисмларининг заготовкасини олиш учун қўлланилади. Масалан, гильзалар, халқалар, тишли фидираклар ва бошқалар.

Марказдан қочма куч

$$C = \frac{mV^2}{R}$$

Бу усулда икки қатламли қуйма олиш имкони бор, яни чүян-бронза ёки пўлат-чўян. Бу усулда олинган қуймаларнинг ташки юзаси жуда зич бўлади, чунки суюқ металл марказдан қочма куч таъсирида қолип деворларига қараб ҳаракат қиласди. Ташки юза аниқлиги ҳам жуда юқори бўлади, ички юза эса анча сийрак, юза тозалиги эса дағал бўлади. марказдан қочма усулда қуйма олиш айланиб турадиган қолипларда амалга оширилади. Қолипларнинг айланиш частотаси 250 дан 2000 мин⁻¹ гача боради. Баъзи ҳолларда комбинациялашган қолипларда, яни металл юзаларига қолип материалини бериш билан амалга оширилади. Марказдан қочма усулда қуйма олинганда заготовка сифати анча юқори бўлади, металл сарфи ва механик ишлов беришга бериладиган қуйма камаяди.

Доимий металл қолипларга қуйиб қуйма олиш, яни кокилга қуйиб қуйма олиш асосан рангли металлардан, айрим ҳоллардагина чўян ёки пўлатдан қуйиб қуйма олинади. Чунки қора металлар жуда юқори ҳароратда эригани учун қимматбаҳо кокил қолипнинг тез ейилишига олиб келади. Иккинчидан қора металлдан олинган қуйма сиртида окловчи қатлам ҳосил бўлади. Шу сабабли кокилда кўпроқ рангли металлардан қуйма олинади. Кокилнинг



Ажралиш тескислиги

3-расм. Металл ызаклар. 1,2,3 ызак =исмлари.

афзалликларидан яна бири шуки, уни қуритишга эҳтиёж йўқ. Ишлов беришга жуда кичик қатлам қувиш мумкин. Одатда кокилни нафақат ташки юза берадиган қилиб, балки ички юзаларни олишда ҳам, яни ўзакларни ҳам тайёрлаш мумкин.

Қолипнинг очилиб ёпилиши

пневмоузатма ёрдамида бажарилади. Қолипни суюқ металл билан тўлдиришдан аввал у 200-400 °C ҳароратгача қиздирилади, ишчи юзаларга эса пуркагич билан оловбардош бўёқ суртилади. Бу қуймани қолипдан ажратиб туриш учун хизмат қиласди. Бу усул мураккаб шакли қуймалар учун самарали ҳисобланади (поршенлар, двигателнинг цилиндрлар блоки каллаги, илашма картери). Кокилда тайёрланган заготовкаларнинг сифати жуда юқори, чунки унда металл бўлмаган қисмлар йўқ. Рангли металлардан олинган заготовкаларда минимал қалинлик 3мм, қора металлардан олинган заготовкаларда эса 5-7 мм бўлади.

Эрийдиган андозали қолипларга қуйиб қуйма олиш жуда аниқ заготовкаларни юқори легирланган ишлов бериш қийин бўлган металлардан заготовка олишда қўлланилади. Бундай усулда олинган қуйманинг аниқлиги ҳар 250 мм узунликка 0,5 мм. Бу усулда қуйма олишнинг асосий мақсади заготовкага механик ишлов бериш жараёнини максимал қисқартиришdir. Бу усулнинг моҳияти шундаки, жуда аниқ оловбардош қолип олиб уни суюқ металл билан тўлдиришdir. Андазани 50% парафин, 50% стеарин аралашмасидан тайёрланиши лозим бўлган детал чизмаси бўйича механик ишловга бериладиган қуйим ва металлнинг совигандаги қисқаришини ҳисобга олган ҳолда маҳсус пресс-қолипга эриган ҳолда прессланади. Андаза қотгандан сўнг пресс-қолипдан чиқариб ва суюқ оловбардош массага ботирилади ва устига ювилган кварц қуми сепилади. Натижада андаза юзасида оловбардош масса ва кварц қумидан иборат қатлам ҳосил бўлади. Бу қатлам қуритилади сўнгра яна оловбардош массага ботирилиб, устидан яна қум сепилади ва қуритилади. Жараён то керакли қалинликдаги оловбардош девор олинмагунча давом эттирилади. Одатда девор қалинлиги 1-2 мм етарли бўлади. Қолипни 30-40 % ли гидролизланган этил силикатига, сўнгра 60-70 % кварц қумига ботирилади. Шундан сўнг уни 6-8 соат давомида уй ҳароратида қуритилади 1200 °C ҳароратли ҳаво, буғ ёки сув берилиб, андаза эритиб юборилади. Андаза устидаги эримай қолган қобиқни металл яшиқларга ёки окопаларга солиб, 940 °C ҳароратда куйдирилади. Шундан сўнг қизиган қолипни суюқ металл билан тўлдирилади. Усулнинг


муракаблиги ва тайёрлаш қийматининг юқориличигини хисобга олган ҳолда бу усул қуйма олишнинг техник-иктисодий жиҳатдан асослангандагина қўлланилади.

Коромислолар, шлицали валлар, тишли ғилдираклар заготовкаси эрийдиган андазали қолипларга қуйиб олинади.


Қобиқли қолипларга қуйиб қуйма олиш. Қобиқли қолиплар майдада кварц қуми (92-95 %) ва бакелит типидаги термогреактив смолалардан (5-8%) тайёрланади. Қобиқли қолипларни тайёрлаш сода, юқори унумдор ва автоматлаштиришга қулай. Қобиқли қолиплар одатда икки ва ундан ортиқ бўлаклардан термогреактив елимлар ёрдамида елиманади.

Термогреактив смолаларнинг хусусияти шундаки, 120-150 °C гача қаттиқ ҳолатдан суюқ ҳолатга ўтади, қиздиришни 250-300 °C гача давом эттирилса, қайтмас жараён содир бўлиб, қаттиқ ҳолатга ўтади. қолип тайёрлаш жараёни қуйидагича: металлдан тайёрланган 150 °C гача қиздирилган ярим андазага қум-смола аралашмаси суркалади, у ярим андаза юзасидан иссиқлик таъсирида юмшоқ хамирсимон қобиқ ҳосил қиласди. Буни 5-10 мм ва ундан қалинроқ, яъни қуйма вазнига қараб ҳосил қилиш мумкин. Ҳосил бўлган қобиқни андазаси билан 250-300 °C ли минтақага ўтказилади. Бу ерда қобиқ қотади, сўнгра уни металл андазадан чиқариб олинади. Шу усул билан қобиқнинг иккинчи ярми тайёрланади. Сўнгра иккала бўлак елимланиб, қуритилади ва суюқ металл билан тўлдирилади. аниқ тайёрланган қолип аниқ қуйма олишни таъминлайди. Бу усулда алюминий қотишмасидан олинган қуймалар минимал коваги 10 мм, деворининг қалинлиги эса 1.5-2 мм, қора металлдан олинадиган қуймалар учун эса 3-5 мм. Бу усулда олинган қуймалар механик ишлов бериш ҳажмини 30-50 % га ва қолип тайёрлаш материалларини тахминан 10 марта қисқартиришга имкон беради. Қобиқли қолиплар тайёрлаш жараёнини автоматлаштириш қулай.

Босим остида қуйиши рангли металлардан мураккаб юпқа деворли ва деворлари жуда мураккаб кесимга эга бўлган қуймалар олишда фойдаланилади. Пресс қолиплар оловбардош материалдан тайёрланади ва 1000 °C гача қизиб кетишига рухсат этилади. Бугунги кунда автомобилларнинг цилиндрлар блоки, илашма картери, мой насосининг корпуслари босим остида қуйиб олинади.



4-расм. Металлнинг ўз оғирлигидан босим ҳосил қилиб, қуйма олиш



5-расм. Юқори босим остида

Бу усулда қуйма олишнинг энг содда усули статик босим остида қуйма олишdir. Бунда қуйма Н баландликдаги металлнинг ўз оғирлигидан ҳосил қилинаётган босим натижасида олинаётган қуйманинг зичлиги анча юқори бўлади. Жуда юқори босимларни бу усулда олиб бўлмайди. Жуда юқори босим остида қуйма олиш лозим бўлганда (4-6 МПа) инерт газлардан фойдаланилади. Бундан ҳам юқори босимда қуйма олишда поршенли машиналардан фойдаланилади. Бу усулда 200 МПа гача босим ҳосил қилиш мумкин.

Автомобилларнинг алюминий қотишмасидан тайёрланадиган цилиндрлар блоки поршенли машиналар ёрдамида олинади. Босим остида қуйиб олинган қуймаларнинг таркиби майдада донли бўлиб, уларнинг мустахкамлиги оддий қумли қолипларга қуйиб олинган қуймаларга қараганда 1.5 баравар ортиқ. Бу усулда олинган қуймаларнинг контури жуда аниқ бўлиб, юза ғадир-будурлиги $R_a \times 5-0.63$ мкм ни ташкил этади. Шу сабабли бу усулда олинган қуймаларга фақатгина яқуний ишлов берилади, холос. Аммо қуйманинг таннархи бошқа усулларга қараганда бирмунча юқори.

5-жадвалда турли усулларда олинган заготовкаларнинг аниқлиги, ғадир-будурлиги ва ишлаб чиқариш турини келтирамиз.

5-Жадвал

Кўйма олиш усули	аниқлиги (квалитетларда)	Юза ғадир-будурлиги, R_a , мкм	Ишлаб чиқариш тури
Ер қолипларда ёғоч андазалар билан кўлда тайёрланган қолипда	16-17	80-100	Яккараб, кам серияли
Шунинг ўзи, машинада тайёрланган қолипда	15	20-5	Яккараб, кам серияли
Ер қолипларда металл андазалар билан машинада қолип тайёрланиб, ўзаклар кондукторлар ёрдамида йигилганда	14	20-5	Катта серияли, ялпи
Ўзакли қолипларда	14	20-5	Барча тур ишлаб чиқаришда
Марказдан қочма усулда	13-15	40-10	Серияли, ялпи
Кокилда	12-14	20-2,5	Серияли, ялпи
Қобиқли қолипларда	13	10-2,5	Серияли, ялпи
Эрийдиган андазаларда	12	10-2,5	Серияли, ялпи
Босим остида	11-12	5-0,63	Катта серияли, ялпи

3.Босим билан ишлов бериб заготовка олиши.

Металларга босим ишлов бериш ўзининг юқори унумдорлиги, нисбатан меҳнат сарфининг камлиги, металдан самарали фойдаланиш ва металлнинг механик хусусиятларини яхшиланиши билан ажралиб туради.

Транспорт машинасозлиги саноатида заготовкалар боғлаш, иссиқ хажмий, совуқ хажмий штамплаш ва совуқ ҳолда лист штамплаш усули билан олинади.

Эркин болғалаш. Болғалаш молотларида амалга оширилади. Машиналарнинг шаклдор заготовкаларни сортовой прокатдан тайёрлаш учун пневматик ёки буғ, ҳаво болғадан фойдаланилади. Бу усулда заготовка олиш фақат яккараб ишлаб чиқаришдагина кўлланилади. Эркин болғалаш билан олинган заготовкаларнинг аниқлиги жуда паст, айни пайтда арzon ва универсал усул ҳисобланади.

Эркин болғалаш билан олинадиган заготовкаларнинг шакли ва ўлчамларини алмаштириладиган штамплар билан яхшилаш мумкин. Бу усул эркин болғалаш самарадорлигини ва аниқлигини ошириш учун майда ва ўртacha заготовкалар олишда қўшимча амал сифатида кўлланилади. Бунда унумдорлик 5-6 марта ортади. Бу усулда заготовка олиш учун заготовка пластик дифференциалланиш ҳароратигача (углеродли пўлатлар учун 1100-1250 °C) қиздирилади.

Заготовкалар вазни бир неча килограммдан бир неча тоннагача бўлган барча пластик металлар ва қотишмалардан олиниши мумкин.

Иссиқ хажмий штамплаш. Иссиқ хажмий штамплаш молотларида, штамповкалаш прессларида, горизонтал болғалаш машиналарида ва кўндаланг винт прокатлаш дастгоҳларида амалга оширилади.

Бугунги кунда молотларда штамплаш самарали ҳисобланмайди. Керакли шаклда заготовка битта штампда жойлашган бир неча ариқчаларда кетма-кет ишлов бериш билан олинади (кўп ариқчали штампларда). Заготовкалар кесиб ишлов беришга каттагина қўйим билан олинади.

Молотларнинг унумдорлигини ошириш ва заготовкаларнинг массаси унчалик катта бўлмаганда жараённинг меҳнат сарфини камайтириш учун кетма-кет штамплаш

кўлланилади: масалан, заготовка дастлаб прокат дастгоҳларида шакллантирилади, сўнгра кўп ариқчали штампларда якуний штампланади.

Заготовкаларни гидравлик, фрикцион ва кривошип прессларида штамплаш анча унумдор ва илғор усуллардан ҳисобланади.

Прессларда штамплаш молотларда штамплашга қараганда металл сарфини қисқартиради, заготовка массасини 10-15% га камайтиради, кесиб ишлов беришга сарфланадиган вақтни қисқартиради. Прессларда иш шовқинсиз бажарилади. Штампнинг юқори қисми ползунга маҳкамланган бўлиб, йўналтирувчи бўйлаб маълум масофага равон тушади, натижада унинг остики қисмига нисбатан қийшайиб қолишига барҳам берилади, заготовканинг шакли бир хил бўлади. Прессларнинг унумдорлиги молотларга қараганда 2-3 марта юқори; штамплаш ползун прессининг бир икки йўлида бажарилади. Автоматлаштириш ўнгай.

Енгил қотишмалардан ва деформацияланиш учун катта тезлик талаб қилмайдиган заготовкалар гидравлик прессларда штампланади. Бу пресслар секин юриувчи пресслар ҳисобланади. Бу пресслар олинган заготовкаларнинг қиймати бошқа усулда олинган заготовкаларга қараганда анча юқори.

Фрикцион пресслар рангли металл қотишмаларидан мураккаб ва аниқ заготовка олишда кўлланилади. Пўлатдан олинадиган заготовкалар эса аксарият ҳолда бир ариқчали штампларда олинади. Машинасозлик саноатида кривошипли иссиқ штамплаш прессларида штамповкалаш кенг тарқалган. Бу прессларда вазни 100 кг гача бўлган иссиқ ҳолда штампланадиган заготовкалар олинади. Бунда деформацияланиш тартиби, ўлчамларининг турғунылиги ва штампланган заготовкалар механик хусусиятининг ўзгармаслиги таъминланади. Стол ва ползунда итаргичларнинг қўлланилиши молотларда штампланганда штамплаш қияликларини 6-7 °C ўрнига 3-4 °C гача камайтиришга имкон беради. Штампларнинг бу хусусиятлари заготовкаларнинг аниқлигини ошриб, ишлов беришга қўйиладиган қатламни 25-30 % камайтиради. Штамплашнинг у ёки бу турини техник иқтисодий таққослаш билан танлаб олинади.

Ёпиқ штампларда асосан айланиш жисмлари, симметрик жисмлар (клапанлар, шатунлар) тайёрланади. Агар клапанлар ғўладан кесиб тайёрланадиган бўлса, унда унинг жуда кўп қисми чиқиндига чиқиб кетар эди. Бугунги кунда автомобилларнинг клапанлари заготовкаси икки усулда: оддий усулда эзиш ва электр ёрдамида эзиш билан олинади.



Эзиш билан клапан заготовкасининг олиш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда стержен сал йўғонлаштирилади.

Иккинчи босқичда каллак колибрювка қилинади. Бундай автомат прессларнинг унумдорлиги соатига 450-500 та заготовка олиш имконини беради, чунки пресснинг битта йўлда қиздиришида клапан заготовкасини бераверади. Заготовкаларнинг аниқлиги 0,2-0,4 мм, механик

ишловга қўйиладиган қўйим 0,5-0,8 мм (6-расм, а). Клапан заготовкаларини электр эзиш ёрдамида олинганида узунлиги ва учи цилиндрик юзаси бўйича шлифовка қилинган заготовка агрегатнинг юклаш призмасига ўрнатилади ва эзиш цилиндрининг штоги ёnlама контакт 3 ни охиригача сурилади. Сўнгра заготовка автомат тарзда қисилади. Контактлар орасидаги масофа бу пайтда 3-5 мм ни ташкил қиласди.

Радиал контакт 4 билан қисиши кучи керакли микдоррга етганда ёnlама контактга ток берилади. Натижада заготовка болғалаш ҳароратигача қизийди ва металлни олиш учун сурилади. Сўнгра радиал контакт 4 ёnlама контакт 3 дан узоқлашади, улар орасидаги масофа

катталашиб боради ва клапан каллаги учун керакли бўлган металл керакли ўлчамгача тўпланади. Шундан сўнг ток узиб қўйилади, радиал контакт очилади, поковка клапан каллагини штамплаш учун прессга берилади. Сўнгра заготовкалар стержен ён томонидан ўсимтларни кесиб ташлаш учун кесиш дастгоҳига узатилади.


Термик ишловдан сўнг заготовкалар куйиндидан тозаланиб назоратга берилади. Электр эзиш ёрдамида олинган заготовкалар-нинг аниқлиги 9-11 квалитетда. Қиздириш жуда тез (4 сек) бўлгани учун заготовка юзасида куйинди жуда кам ҳосил бўлади.

Жараённинг унумдорлиги соатига 450-500 та заготовка.

Айланиш жисмларидан заготовка олишда горизонтал болғалаш машиналарида заготовка олиш энг юқори унумдор ҳисобланади.

Бу усулда халқалар, втулкалар, стерженлар ва тишли ғилдираклар олинади. Бу заготовкалар учун дастлабки материал сифатида думалоқ прокат, диаметри 30-250 мм бўлган трубалар олинади. Горизонтал болғалаш машиналарида олинадиган заготовкаларнинг массаси 0,1-100 кг гача бўлиши мумкин. Металл йўқотилиши заготовка вазнига нисбатан атиги 1-3 %. Дастлабки металлни бир қиздиришда бир неча заготовка олиш мумкин. Заготовка деворларининг минимал қалинлиги 2,5 мм.

Горизонтал болғалаш машиналарида тайёрланадиган заготовкаларнинг тузилиши штампларни иккита ўзаро перпендикуляр x-x ва у-у текисликларда уч бўлакка ажралишига имкон бериши керак (7-расм).




7-расм. Горизонтал болғалаш машиналарида заготовка олиш. 1-қўзғалувчи қисм, 2- қўзғалмас қисм, 3- заготовканинг чиқиб турган қисми.

Горизонтал болғалаш машиналарида штамплар бир ариқчали ва кўп ариқчали бўлиши мумкин. Материал ҳисобланган узунлик бўйича берилади, сўнгра матрицанинг қўзғалувчи қисми 1 қўзғалмас қисми 2 билан бирлашади, пуансон 3 заготовканинг чиқиб турган қисмига зарб ҳаракатларини матрицанинг бўш қисми текисликда давом эттиради. Штампларнинг турғунлиги 15-20минг заготовкагача.

Амалиёт шуни кўрсатадики, горизонтал болғалаш машиналарида кўп миқдорда тайёрланадиган кичик ва ўлчамли (яrim-ўқлар кожухи, шар таянчи, цилиндрик ғилдираклар) детал заготовкаларнинг олиш мақсадга мувофиқ экан.

Узатмалар қутисининг бирламчи ва иккиламчи валлари, яrim-ўқлар ва шунга ўхшаш детал заготовкалари кўндаланг винт прокати (даврий прокат) усулида олинади. Бунда жараён юқори унумдор, заготовкалар аниқ бўлади. Заготовкалар ўлчамининг талаб килинган ўлчамдан четга чиқиши диаметри бўйича 1,5 % ва узунлиги бўйича 1,5 мм бўлади. Бундан ташқари заготовкаларнинг механик хусусиятлари яхшиланади, металлдан иқтисод қилиш қўйимни 25...30 % га кам боради. Даврий прокатка усулида заготовка олишнинг яна бир афзаллиги шундаки, жараён узлуксизdir ва уни тўлиқ автоматлаштириш имкони бор. Камчилиги - даврий прокатлаш валикларининг тайёрлашнинг мураккаблигидир.



8-расм. Болғалаш жўвалари.

Ғўла ёки полосадан (шатунлар, юпқа стерженлар, вилкалар) детал заготовкаларнинг тайёрлашда дастлабки ёки якуний қисиши учун болғалаш жўваларида жўваланади. Болғалаш жўвалари иккита валикдан иборат бўлиб, уларга сектор штампининг яrim қотирилган (8-а расм) валиклар синхрон

айланади, улар бирлашганда заготовка профилли ҳосил бўлади.

Заготовка ярим штамплар орасига тиқилади ва қисилади (7 б-расм). Болғалаш жўвалари металл ҳажмини 6-8 маротаба қайта тақсимлаб қисади ва чўзади. Жўвалаш 4-5 сек давом этади, шу сабабли жўвалашдан кейинги штамплашни заготовкани қиздирмасдан амалга оширса бўлади.

Масалан, шатун заготовкасини тўғри бурчакли полосадан тайёрлашда уни дастлаб болғалаш жўваларида жўваланади, заготовкани якуний шакллантиришда эса уни ариқчали штампларда бажарилади. Заготовка олишнинг бундай усули металл сарфини 10-15 % га қисқартириб, металл толаларининг қулай жойлашишини таъминлайди.

Совуқ ҳажмий штамплаш. Машиналардаги қотириш деталларининг ва бошқа майда деталларнинг (болтлар, гайкалар тормоз кранининг тикини роликлар, золдиrlар, кўндаланг рул тортқисининг вкладиши ва шунга ўхшаш майда деталлар) катта миқдоррда тайёрланадиган заготовкалар совуқ ҳажмий штамплаш, яъни чўқтириш билан олинади. Чўқтириш маҳсус совуқ ҳолда чўқтирувчи автомат прессларда бажарилади. Автоматнинг унумдорлиги минутига 400 донагача. Болт тайёрлаш учун дастлабки материал сифатида диаметри 32 мм дан ортиқ бўлмаган сим ўрами олинади.

Бугунги кунда электр чўқтириш билан заготовка олиш кенг ёйилмоқда. Электр чўқтириш билан олинадиган заготовкаларнинг аниқлиги 9-11 квалитетда бўлиб, металл жуда тез қиздирилгани учун (2-4 сек) куйинди ҳосил бўлмайди.

Совуқ ҳолда чўқтириш, электр усулида чўқтириш билан олинадиган болт ва гайкаларда механик ишлов билан олинадиган болт ва гайкаларга нисбатан металл сарфи 2 марта, меҳнат сарфи 5 марта ва маҳсулот қиймати 6 марта, кам.

Совуқ лист штамплаш. Бу усулда асосан автомобильнинг кузов деталлари, картерлар, қопқоқлар, дисклар ва шунга ўхшаш деталлар олинади, дастлабки материал сифатида юпқа пўлат лист ёки лента олинади.

Совуқ ҳажмий штамплаш амалларини икки гурухга бўлиш мумкин:

- 1.Ажратиш амаллари, улар ёрдамида материалнинг бир қисми ёки тўлалигича иккинчи қисмидан ажратилади: кесиш, тешиш, тозалаш, колибрлаш ва бошқалар.
- 2.Шакл ҳосил қилиш амаллари. Бунда ясси ёки фазовий заготовка керакли ўлчам ва шаклдаги деталга айланади: эгиш, қисиб чўзиш, борт чиқариш ва бошқа амаллар.

Технологик жараёнларни қисқартириш, унумдорликни ва тайёрлаш аниқлигини ошириш учун айрим штамплаш амаллари бирлаштирилади, яъни улар бир пайтнинг ўзида битта штампда бажарилади. Штамплашда бундай турли амалларни бирлаштириш, яъни комбинациялашган штамплаш юқори унумдор жараён ҳисобланади. Лист штамплашининг аниқлиги штамплар аниқлиги ва усулига боғлиқ. Комбинациялашган штампларда аниқлик $\pm 0,02$ дан 0,08 мм гача, кетма-кет штамплар билан штамплашда $\pm 0,1$ дан 0,3 мм гача ва алоҳида - алоҳида штамплар билан штамплашда эса 0,3 дан 0,5 мм гача бўлади.

Совуқ профилли жўвалаш. Бу усулда кўндаланг кесим юзаси кичик бўлган заготовкалар ёки диаметри 25-30 мм дан ортиқ бўлмаган заготовкалар олинади. Бу совуқ профилли жўвалаш билан майда модулли тишли ғилдираклар хроповик ғилдираклари винтлар ва турли мураккаб профилли деталларнинг заготовкаси олинади. Бу усулда олинган заготовкаларнинг фақатгина ён томонларигина механик ишлов берилади холос.

6-жадвалда турли хил усуллар билан босим остида ишлов берилади холос.

6-Жадвал

Заготовка олиш усули.	аниқлик (квалитет)	Юза ғадр- будурлиги, R_a мкм	Ишлаб чиқариш тури.
Эркин болғалаш	17 ва ундан паст	80 гача	Кичик сериялы яккалаб
Алмаштириладиган штамплар билан болғалаш	14-17	80 гача	Сериялы
Молот ва прессларда штамплаш	13-14	80-20	Сериялы, ялпи
Чеканкалаш, Колибрлаш	9-11 0,05-0,1 мм	10-2,5	Сериялы, ялпи
Горизонтал болғалаш машиналарида эзиш	13-14	80-20	Сериялы, ялпи
Болғалаш жүўалврида жүўалаш.	14-15	80-20	Сериялы, ялпи
Кўндаланг винт прокати	14-15	40-10	Сериялы, ялпи
Автоматларда совук чўқтириш.	10-12	5-1,25	Катта сериялы, ялпи
Сикиш билан чўзиш	9-11	80-20	Сериялы, ялпи

Умуман эркин болғалаш, иссиқ ҳолда штамплаш ва бошқа иссиқ ҳолда ишлов бериш усули билан олинган заготовкаларга якунловчи босқичда қолдиқ кучланишларни олиш, шунингдек, куйинди ва қолдиқлолип аралашмаларининг куйиндисидан, корризиядан тозалаш учун термик ишлов берилади (куйдириш ва нормалаш). Аниқ заготовкалар чеканкаланади, колибрланади ва тўғриланади. Заготовкаларни тозалаш, питрали, гидравлик, кимёвий (захарлаш билан) ёки механик усулда-уриш билан, галтовка барабанларида амалга оширилади.


4.Бошқа усулларда заготовка олиш.

Прокатдан заготовка олиш. Прокатдан бевосита заготовка олиш учун думалоқ, квадрат, олтиқиррали ва бошқа шаклдаги ғўла, шунингдек чокли ва чоксиз пайвандланган труба шаклидаги колибрланган сортовой прокатдан фойдаланилади. Автомобилсозликда - маҳсус профилли прокатлар ишлатилади, улар механик ишловни тўла ёки каттагина бўлагига қисқартиради. Асосан механик ишлов бу ҳолда тешик очиш, фаска чиқариш каби ишловнинг унчалик сермехнат бўлмаган жараёнлари билан чекланади.

Штамп - пайванд билан заготовка олиш. Автомобилнинг катта ва шаклдор деталларини алоҳида - алоҳида содда қисмларидан тайёрлаб, сўнгра бу қисмларни пайвандлаб бириттириш яхши самара беради. Замонавий электр пайванд усуллари ишлов берилган деталларни аниқ пайвандлаш имконини бериб, кейинги механик ишлов беришни тўлиқ истесно қиласи ёки каттагина қисмига камайтиради. Катта пайванд деталларнинг афзаллиги шундаки, уларнинг оғирлиги кўйма деталларга қараганда бир мунча камаяди. Штамп - пайванд заготовкаларининг яна бир афзаллиги шундаки, деталнинг оғир шароитда ишлайдиган қисмлари ёки элементлари юқори мустаҳкам легирланган пўлатлардан тайёрлаб, қолган қисми, яъни камроқ юклама қабул қиласидан қисми кам легирланган конструкцион ёки углеродли пўлатлардан тайёрланиши мумкин. Пайвандланадиган заготовкаларнинг айrim элементлари сифатида сортовой ёки шаклдор прокат, штампланган ёки боғланган заготовка ва қўймалардан фойдаланиш мумкин. Масалан, уч ўқли юк автомобилининг олдинги кўприги картери мураккаб шаклга эга бўлиб, уч қисмдан иборат, яъни труба, фланец ва кронштейн. Бу деталлар пайвандгача ишлов берилиб, сўнг пайвандланади. Пайванд оқим қаторида амалга оширилади. Агар олдинги кўприк картери кўйма усулида болғаланувчан чўяндан олинадиган бўлса, унга ишлов бериш учун маҳсус дастгоҳлар керак

бўлар эди. Иккинчидан заготовка анча катта ва оғирлиги ҳам штамп - пайванд заготовкага қараганда бир мунча оғирроқ бўлар эди.

Баъзи юқ автомобиллари двигателнинг поддон картери ҳам (9-расм) шу усул билан олинади.



9 - расм. Двигателнинг штамп - пайванд картери:

Бу картерлар иккита штампланган қисмдан иборат: 1-картер ва 2-таглик. Картер ва таглик қалинлиги 1,5 мм бўлган Ст8 пўлатидан штампланади. Картерга пўлат 35А дан қўйилган фланец 3 пайвандланади. Пайвандлаш иккита маҳсус пайвандлаш қурилмаларида амалга оширилади.

Биринчи-қурилмада картерни фланец билан, иккинчи-қурилмада эса тагликни фланец билан пайвандланади.

Металлокерамикадан заготовка тайёрлашда металл кукунларини совук ҳолда пресслаб, сўнгра кукунини ташкил қилувчи асосий металлнинг эриш ҳароратидан бир оз пастроқ ҳароратгача қиздирилади. Металл кукунининг материалларни шар ёки вихор тегирмонларида майдалаб, шунингдек, осон эрийдиган материалларни суюқ ҳолда 0.02-0.1 мм фракцияларга пуфлаб парчаланади. Пресслаш билан гидравлик ёки кривошиб прессларда 100-160 МПа босимда пресс-қолипларда амалга оширилади. қиздириш эса шихта таркибида кирувчи материаллар хусусиятига қараб ҳимоя мухитида амалга оширилади. Бу усулда заготовка тайёрлашнинг асосий афзаллиги шундаки, заготовкаларни бошқа усуллар билан тайёрлаш мумкин эмас. Заготовкаларни қийин эрийдиган металлардан ва қотишмалардан - таркибида эриш ҳарорати тубдан фарқ қиласидиган, яъни темир-кўргошин, волфрам-мис ва бошқа қотишмалар, шунингдек, металл ва металлмас бирикмалардан (мисс-графит); ғовак материаллардан (подшипниклар, филтрлар, втулкалар) олинади.

Бу усулда олинган заготовкаларнинг ўлчам аниқлиги 12-13 квалитетдан ва юза ғадир-будурлиги баъзи ҳолларда механик ишловни талаб қилмайди. Ишқаланишда ишлайдиган заготовкаларни металлокерамик заготовкаларни 8-10 % ғоваклик тайёрлаб, сўнгра мойга шимдириш тавсия этилади. Бу заготовкаларнинг мустаҳкамлик чегараси 300-320 МПа гача боради.

Масалан, автомобиллардаги мой насосининг тишли ғилдираги металл ғўлаларида қирқиши дастроҳларида тайёрланса металлнинг 70% қириндига чиқиб кетар эди. Бу тишли ғилдиракларни кукун металлургияси билан тайёрланганда эса металлнинг йўқотилиши 10% дан ортмайди, чунки металлокерамик тишли ғилдирак тешиги ва шаклланган тиши билан тайёрланади. Тайёрлаш меҳнат сарфи эса 1,5 баравар камайган.

Пластмассадан заготовка олиш. Пластмассадан заготовка олишнинг асосий афзалликлари уларнинг солиштирма оғирлигининг кичикилиги, антикоррозион, антифрикцион, иссиқлик ва электр изоляцион хусусиятлари дадир. Пластмассадан заготовка олишда уларда вазнининг кичик бўлгани ҳолда мураккаб шаклларни олиш имконини беради. Юкламада ишлайдиган детал заготовкалари арматурали қилиб тайёрланади. Пластмассалардан тайёрланган заготовка механик ишлов умуман берилмайди ёки жуда кам ишлов берилади. Қора ва рангли металларни пластмасса билан алмаштириш катта серияли ва ялпи ишлаб чиқариш шароитида қора металлар учун таннархини 1,5-3,5 марта, рангли металлар учун эса 5-10 марта камайтиради. Пластмассадан тайёрланган заготовкаларнинг асосий афзалликлари қуйидагилардир:

Кимёвий, сув, мой, бензинга турғунлиги юқори, электр изоляцион хусусиятлари яхши, шовқин ва тебранишларни ютади, ишқаланишга чидамли.

Аммо, пластмассаларнинг қуидаги камчиликлари бор: иссиқликка бардошлиги ва иссиқлик ўтказувчанлиги етарли даражада эмас, давомли ва ўзгарувчан юкламаларга сезгир.

Пластмасса ўзи нометалл материал бўлиб, табиий ва синтетик полиметрлар асосида олинади. Пластмассага тўлдирувчи ва боғловчи модда бўёвчи, мойловчи моддалар ва бошка қўшимчалар қўшилади. Пластмассада боғловчи модда сифатида сунъий термореактив ва термопластик смолалар, шунингдек бу смолаларнинг ўзаро аралашмаси ишлатилади. Шунга кўра пластмассалар термореактив ва термопластик турларга бўлинади. Термореактив пластмассаларга қуидаги пластмассалар киради: 1) кукунсимон пластмассалар (фенопластлар, аминопластлар, фторпластлар ва бошқалар); 2) толасимон пластмассалар (минерал тўлдиргичли кремний органик асосли композицияда) фаолит, волокнит, шишаволокнит ва бошқалар; 3) қатламли тўлдиргичи билан: пахта қофозли (текистолит), қофозли (гетинакс), ёғочли (ёғоч смолали пластик), асбестли (асботекистолит), шишали (шишатекистолит) ва бошқалар.

Автомобил саноатида текистолит, капрон ва бошқа пластмасса-лардан детал (заготовка) тайёрланади. Автомобиллардаги тақсимот валининг тишли ғилдираги, ёнилғи насосининг клапанлари текистолитдан тайёрланади: турли сирпаниш подшипниклари, втулкалар (марказий тормоз, ва илашма педалларининг гўпчаги) шайбалар, ёнилғи насосининг корпуси капрондан тайёрланади. Волокнитдан эса сирпаниш подшипниклари, сув насосининг парраги тайёрланади. Пластмассадан олинадиган заготовкалар (деталлар)ни пресслаб ва босим билан қуиб олинади. Бу усуллар мураккаб шаклии заготовкаларни аниқ ўлчами ва сифатли юза билан олиш имконини бериб, жуда кам механик ишлов талаб қиласди.

Олинган деталларнинг мустаҳкамлиги юпқа деворли алюмин ва чўян қуймаларининг мустаҳкамлигига мос келади, магний ва рух қуймаларининг мустаҳкамлигидан юқори туради. Пластмассадан детал тайёрлаш усуллари комбинациялашган усулда, яъни металл асосида тайёрлаш имконини беради. Асос сифатида пўлат, чўян, бронза ва бошка металларни олиш мумкин. Масалан, сув насосининг парраги волокнитдан тайёрланиб, ўқ ўтирадиган тешигига эса СЧ 18-36 тамғали кул ранг чўяндан втулка кийгизилади. Тақсимот валининг текистолитдан тайёрланган тишли ғилдирагининг тешигига эса пўлат втулка кийгизилади.

Термореактив ва термопласт пластмассаларнинг 0.6-1.0 МПа босимда ва 180-200 °C ҳароратда пресланади. Прессларда юқори частотали ток билан ҳам пресслаш мумкин. Термореактив пластмассалар оқувчанлик ҳолатига келгунча бир пайтнинг ўзида маълум босим ва ҳароратни талаб қиласди. Бу ўз навбатида заготовканинг керакли шаклини олишга имкон беради. Термопластик пластмассалар эса нафақат босим остида қиздиришни, балки босим остида совитишни ҳам талаб қиласди. Габарит ўлчамлари бўлган заготовкаларни пресслаб тайёрланганда уларни тайёрлаш аниқлиги 0.1 дан 0.2 мм гача бўлади. Пластмассадан тайёрланган заготовкаларга кесиб ишлов бериш, пайвандлаш ва елимлаш мумкин.

4-мавзу: Базалар ҳақида тушунча ва база турлари.

Режа:

- 1. Базалар ҳақида тушунчалар.**
- 2. Конструкторлик базалари.**
- 3. Технологик базалар.**
- 4. Ўлчаш ва йигиши базалари.**
- 5. Базалар танлаб олиш**

1.Базалар ҳақида тушунчалар.

Деталнинг барча юзаларидан асосийлари, яъни деталнинг машинадаги ишини таъминловчи юзалари ажратиб олинади. Бу юзалар машинанинг иш жараёнида бевосита иштирок этади (масалан тирсакли валда ўзак ва шатун бўйинларининг юзалари, тақсимлаш

вали муштчаларининг юзалари: киритиш ёки чиқариш клапанларининг ўтқазиш юзалари ва бошқалар) ёки бошқа деталларнинг асосий юзалари билан кинематик жуфтлик ҳосил қиласди (цилиндр ва поршен, тишли илашманинг иккита профилли) ёки учма-уч бирикмалар (масалан, тирсакли вал фланеци билан маховикнинг бирикиши).

Кўпгина ҳолларда асосий юзалар катта аниқлик ва юза тозалиги билан ишлов берилади. Ишлов бериш аниқлиги ва юза тозалигига кўра машинанинг иш сифати ортади.

Деталдаги қолган эркин юзалар ёрдамчи юзалар деб юритилади ва габарит ўрчамлари, мустаҳкамлиги ва оғирлиги билан белгиланади. Одатда бу юзалар асосий юзаларга қараганда камроқ аниқлик билан ишлов ёки бутунлай ишлов берилмайди (масалан тирсакли валнинг жағларига бутунлай ишлов берилмайди). Шундай қилиб база деб заготовкага ишлов беришда уни дастгоҳга ўрнатишида мўлжал олинадиган юзага айтилади.

Бошқача қилиб айтганда заготовкани дастгоҳда базалаш учун олинадиган юза, чизик ёки нуқтага айтилади.

Базалаш деб заготовкани танлаб олинган координата тизимида ҳолатини белгилашга айтилади.

Масалан, заготовкага механик ишлов беришда базалаш деб заготовкага дастгоҳ элементларига нисбатан сурилиш траекториясининг ҳаракатини белгиловчи ҳолатларни беришга айтилади.

Базалаш назарияси умумий бўлиб, у барча қаттиқ жисмлар учун тааллуқлидир, жумладан, йиғилган ҳолдаги машинасозлик буюмларига, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларига ҳам тааллуқлидир (механик ишлов беришда, транспортировкада, ўлчамда ва ҳоказо).

Маълумки, ҳар қандай қаттиқ жисм фазода танлаб олинган координатага нисбатан олтида эркинлик даражасига эга бўлиб координата ўқлари бўйича илгариланма ва бу ўқлар атрофида айланма ҳаракат қилиш керак.

Заготовканинг танлаб олинган координата тизимида ҳаракатланмаслигини таъминлаш учун унга олтида ишончли алоқадан иборат бўлган базалар комплектини кўйиш керак. Агар заготовка маълум эркинлик даражасига эга бўлиши керак бўлса, у ҳолда мос равишдаги алоқалар сони олиб ташланади. Масалан, вални дастгоҳда йўнишида уни қотириш керак. Айни пайтда унинг айланишини таъминлаш зарур. Демак, вални дастгоҳда базалаганимизда ўзининг бешта эркинлик даражасидан маҳрум қилинади, олтинчиси, яъни ўз ўки атрофида айланиши эса қолади.

Базалаш назариясида базаланувчи деталнинг ёки заготовканинг бошқа қаттиқ жисм билан туташиб нуқтаси идеал алоқа дейилади (ишқаланишсиз алоқа).


Бу алоқа базаланувчи детал ёки заготовкани битта эркинлик даражасидан маҳрум қиласди, яъни нормал N йўналишидаги бирикиш юзасидаги A нуқтада (10-расм.)

Кўпгина ҳолларда база сифатида текис ва цилиндрик юзалар, айрим ҳолларда эса-конуссимон ва сферик юзалар олинади.

Бир тўғри чизикда ётмаган учта эркинлик даражасидан маҳрум қиласидиган бўлса, нуқталар ўрнатиш базасини ташкил қиласди. Одатда бу нуқталар текисликка тегишли бўлади, камроқ ҳолда эса - сферага.

Бир тўғри чизикда ётадиган ва заготовканинг иккита эркинлик даражасидан маҳрум қиласидиган нуқталар йўналтирувчи базани ташкил қиласди. Йўналтириш базаларининг нуқталари одатда текисликка тегишли бўлиб, улар ўрнатиш базалари билан кесишади.

Чизмада тайёрлашда ва деталларга ўлчаб ишлов беришда база сифатида юзалардан ташқари чизиқл ва нуқталар ҳам қабул қилинади. Умуман базаларнинг



10-расм. Базанинг таянч билан туташгандаги тоз сипти.

қуйидаги турлари бор: кострукторлик, технологик, йиғиш, ўлчаш.

Конструктор чизмада детал юзаси ёки унинг ўқига мос келадиган ҳолатини бериш учун танлаб олган деталдаги юза, чизик ёки нүктага конструкторлик базаси дейилади.

Детал ёки заготовкага механик ишлов бериш жараёнида фойдаланадиган базаларга технологик базалар дейилади.

Детални назорат қилиш жараёнида фойдаланадиган базаларга назорат базалари дейилади.


Узел ёки агрегатни йиғиш жараёнида фойдаланадиган базаларга йиғиш базалари дейилади.

2. Конструкторлик базалари.

Юқорида қайд қилинганидек конструкторлик базаси детал ёки йиғиш бирлигининг буюмдаги ҳолатини белгилаш учун конструкторлик базасидан фойдаланилади. Бу базалар асосий конструкторлик ва ёрдамчи конструкторлик базаларига бўлинади. Асосий конструкторлик базаси деганда деталга ёки йиғиш бирлигига тегишли бўлган шундай база тушуниладики, унинг ёрдамида деталнинг буюмдаги ҳолати белгиланади. Мазкур деталга тегишли бўлган ёрдамчи конструкторлик базаси деганда эса унга бириктириладиган деталларнинг ҳолати белгиланади. Масалан, тирсакли валда ўзак бўйинларининг юзаси асосий конструкторлик базаси бўлиб ҳисобланади, чунки, бу юзалар орқали тирсакли валнинг двигателдаги ҳолати қайд қилинади, шатун бўйинларининг юзаси эса ёрдамчи конструкторлик базаси бўлиб хизмат қиласи, чунки улар ёрдамида тирсакли валга бириктириладиган шатунларнинг ҳолати қайд қилинади. Демак, детал юзаларининг турли ҳолатларини конструктор чизмада кўрсатилиши керак.

Ўлчам қуйишида конструктор деталларни йиғиш шартидан келиб чиқадиган ўзаро алоқаларини инобатга олади. Бошқа ҳолларда конструктор ўлчамларини ҳисоб-китоблар жараёнида ёки машинанинг иш жараёнида муҳим рол ўйновчи юза, чизик ёки нүктадан кўяди.

Масалан, бош узатманинг конуссимон тишли ғилдиракни конструкция қилишда база сифатида тишли ғилдиракнинг айланиш ўқи α ва конуси учи A нүкта қабул қилинади (11-расм).



11-расм. Конструкторлик базаси.


қўйиладиган ўлчам ва ҳар бир иккита кетма-кет жойлашган ўлчам битта умумий алоқадор юзага эга (12-расм).

Занжир усулида ўлчам қуйишининг камчилиги шундаки, ҳар бир ўлчамни деталнинг асосий юзасини тайёрлашда деталнинг асосий юзасидан ҳисобланадиган хатоликларнинг қўшилиб боришидир. Афзаллиги шундаки, ҳар бир ўлчам хатолиги бошқа ўлчамлар хатолигига боғлиқ эмас.

Бу базадан ғилдирак тишли гардишининг ўрта конуси учбурчак ϕ_1 унинг ясовчиси l ва монтаж ўлчами m кўйилади. Конструкция қилишда чизмага ўлчам кўйиш муҳим масала бўлиб ҳисобланади.

Чизмага ўлчамлар шундай кўйилиши керакки, детални тайёрлаш жараёнида ўлчаш кулагай бўлсин. Ўлчам кўйишнинг уч усули бор: занжирли, координатали ва комбинациялашган.

Занжирли ўлчам қуйиш усулида ҳар бир




12-расм. Шар борномаси

Координатага ўлчам қўйиш усулида деталнинг барча ўлчамлари битта танлаб олинган базадан қўйилади (13-расм). Шу сабабли ҳар бир ўлчам хатолиги ишлов бериш усулига боғлиқ. Ўлчамларни координата усулида қўйишнинг афзалиги шундаки, алоҳида ўлчамларни тайёрлашда уларнинг хатоликлари бир-бирига қўшилмайди. Демак, тайёрлаш аниқлиги анча юқори бўлади.

Координата усулида ўлчам қўйиш кенг қўлланилади. Масалан, тирсакли валларнинг ўқи бўйича қўйиладиган барча ўлчамлари биринчи таянч бўйинга яқин бўлган олд томонидан қўйилади, тақсимлаш валида эса биринчи таянч бўйинга яқин бўлган томондан бошлаб қўйилади.

Агар юзадаги айрим элементларнинг аниқ ўлчамда тайёрланиши талаб қилиниб, бу элементларнинг юзадаги жойлашувига уччалик юқори талаб қўйилмаса, бу ҳолда ўлчамлар комбинациялашган усулда қўйилади (14-расм).



14-расм. Комбинациялашган усулда


таъминлайдиган энг кичик қўйим қўйилади. бу қўйимларни янада кенгайтириш ишлов беришини арzonлаштиrmайди ёки жуда кам арzonлаштиради.

Чизмада асосий ўлчамларга қўйиладиган қўйимдан ташқари паралеллик, перпендикулярлик концентриклик ва бошқа қўйимлар ҳам қўйилади. Асосий бўлмаган нисбатларга қўйим қўйилмайди, чунки улар деталга ишлов бериш жараённида автомат тарзда таъминланади.

3. Технологик базалар.

Технологик базалардан детал тайёрлаш жараённида заготовкани кесиб ишлаш учун унинг холатини белгилаш учун фойдаланилади. Технологик базалар таянч-ўрнатиш ва текшириш базаларига бўлинади.

Таянч-ўрнатиш базаси деб шундай юзаларга айтиладики, улар дастгоҳ ёки мосламанинг ўрнатиш юзалари билан контактда бўлиб, заготовкани керакли аниқлик билан йўналтирилади. Заготовкадаги дастгоҳ ёки мосламанинг ўрнатиш элементи билан контактда



15-расм. Таянч-ўрнатиш базаси:

А-дарча; 1-3 - юзалар; L-дарча
марказидан детал четигача бўлган
масофа.

бўладиган ҳар қандай юзаси ҳам таянч-ўрнатиш базаси бўлиб ҳисобланавермайди.

Масалан, деталда А дарчани очишида L ўлчамни таъминлаш керак бўладиган бўлса, таянч-ўрнатиш базаси бўлиб, остики юза 1 ва ён юза 2 ҳисобланади. Юза 3 таянч билан контактда бўлса ҳам унинг ҳолати дастгоҳда берилган ўлчамга таъсир қилмайди.

Таянч ўрнатиш базалари асосий ва ёрдамчи базаларга бўлинади. Асосий таянч ўрнатиш базаси бу деталдаги асосий юзалардан ташкил топади. Масалан, тирсакли валдаги тақсимлаш шестерясини тешиги ва ён томони бўйича ўрнатилади, бу юзалар тишли ғилдирак заготовкасига ишлов беришда эса таянч ўрнатиш базаси сифатида фойдаланилади. Шу сабабли бу асосий таянч ўрнатиш бўлиб ҳисобланади. Агар заготовкага ишлов бериш жараёнида детални ўрнатиш учун махсус юзалар ҳосил қилинса, бу юзалар ёрдамчи таянч ўрнатиш базалари дейилади. Масалан, тирсакли ва тақсимлаш валларининг таянч бўйинларига дастгоҳда ишлов беришда марказлардан фойдаланилади. Яъни валларнинг икки ён чети марказидан марказий ўйиқлар очилади.

Бу ўйиқлар деталнинг иш жараёнида ишламайди ёки цилиндрлар блокининг асосий текисликларини фрезерлашда ва кўпгина бошқа амалларни бажаришда махсус ишлов берилган бобишкалари билан дастгоҳга ўрнатилади. Бу бобишка юзалари двигател иш жараёнида ишламайди ёки узатмалар қутисининг картери заготовкасига механик ишлов беришда у махсус йўлдош мосламага ўрнатишда картердаги технологик тешиклар ёрдамида ўрнатилади. Бу тешиклар ҳам узатмалар қутисининг иш жараёнида ишламайди. Шундай қилиб, асосий таянч ўрнатиш базалари деганда заготовкага ишлов бериш жараёнида фойдаланадиган ва бу юзалар деталнинг иш жараёнида ҳам асосий юза бўлиб, ҳисобланади (тирсакли валнинг ўзак бўйиннинг юзаси, цилиндрлар блокининг тепа ва остики юзалари ва х.к.). Ёрдамчи таянч ўрнатиш базалари эса фақат заготовкага ишлов бериш жараёнидагина фойдаланиб, деталнинг иш жараёнида улар ишламайди (тирсакли ва тақсимлаш валларнинг икки четидаги марказий ўйиқлари, цилиндрлар блокидаги махсус тайёрланган бобишка юзалари, тишли ғилдирак гўпчакларининг ташки юзаси ва х.к.). Баъзи ҳолларда ишлов берилаётган юзанинг ўзидан база сифатида фойдаланиш мумкин. Масалан, тирсакли валларни марказсиз жилвирлаш дастгоҳларида жилвирланганда ишлов берилаётган валнинг цилиндрик юзаси бир пайтнинг ўзида асосий таянч ва текширув ўрнатиш базаси бўлиб хизмат қилади, чунки жилвирлаш жараёнида шу юза билан детал (тирсакли вал) таянч линейкасига ва жилвирлаш тошига таянади ва у билан дастгоҳга нисбатан керакли йўналишда мўлжал олинади.

Заготовканинг бирор юзасига ишлов берилмасдан аввал, кесиб ишлов беришнинг биринчи амалида базаларга ишлов бериш учун ўрнатиш базаси сифатида қабул қилинадиган юза дағал таянч ўрнатиш базаси дейилади.


4.Ўлчаш ва ўигиши базалари.

Ўлчаш базаси деб деталнинг берилган ўлчамини ушлаб туриш учун ўлчаш бошланадиган юза, чизиқ ёки нуқтага айтилади. Бошқа юзаларга нисбатан бирор бошқа юзанинг тўғри жойлашишини текшириладиган юзалар ҳам ўлчаш базалари дейилади (паралеллик, концентриклик, перпендикулярлик ва х.к.).

Кўпгина ҳолларда токарлик кўпкескичли ва гидронусха қўчириш яримавтоматларида, шунингдек, бошқа дастгоҳларда ўлчамлар ўлчаш базаларидан автомат тарзда ҳосил қилинади. Масалан, кўрсатилган яримавтоматларда олдинги шпиндел бабкасида марказий тешикли таянч бўлиб ундан сузуви (пружинали) олдинги марказ бемалол ўтади. Вал заготовкасини марказга ўрнатилганда заготовканинг чети таянч билан туташади. Олдинги марказ эса пружина билан қисилади ва заготовканинг марказий ўйигига киради. Ишлов берилаётган заготовкалардаги ўйиқларнинг чукурлиги турлича бўлишига қарамасдан уларнинг ҳаммаси олдинги ва кетинги суппортларнинг созланган кескичига нисбатан ўқ йўналиши бўйича бир хил ҳолатни эгаллайди. Шундай қилиб олдинги суппорт кескичлари билан ишлов беришда (кўп кескичли яримавтомат) ва юқориги суппорт кескичлари билан ҳам (гидронусха қўчирувчи яримавтомат) ўқ бўйича олинадиган ўлчамлар ҳам, ўйиқлар ҳам, галтеллар фаскалари кетинги суппорт кескичлари билан ишлов беришда (кўп кескичли

яrimавтомат) ва пастки суппорт кескичлари билан ишлов беришда (гидронусха кўчирувчи яrimавтомат) заготовканинг четки ён томон юзасидан маълум масофада жойлашади. Мазкур ҳолатда бу юза ўлчаш базаси бўлиб хизмат қиласи.

Йифиш базаси деб йифилган узел ёки механизмда деталлар бир-бирига нисбатан ҳолати белгиланадиган юзага айтилади. Кесиб ишлов беришда йифиш базалари таянч ўрнатиш базалари сифатида фойдаланилади. Йифиш базалари ҳам ўз навбатида асосий йифиш базаси ва ёрдамчи йифиш базасига бўлинади. Асосий йифиш базаси деталнинг мазкур йифиш бирлигига ёки машинадаги ҳолатини белгилаш учун хизмат қиласи. Ёрдамчи йифиш базаси эса унга бошқа детални бириттириш учун хизмат қиласи. Масалан, 16- расмда А юза ҳаракатлантириш валида (бирламчи валда) асосий йифиш базаси бўлиб хизмат қиласи. Чунки унга сирпаниш пошибниги юзаси билан таянади. Шкивнинг Б юзаси эса шкив учун асосий базавий юза бўлиб хизмат қиласи, аммо валда Б юза ёрдамчи йифиш базаси бўлиб хизмат қиласи.




16-расм асосий ва ёрдамчи йифиш базалари
А- асосий йифиш базаси. Б- ёрдамчи йифиш
базаси

Бошқа бир мисол олсак, двигателнинг тирсакли валида ўзак бўйинларининг юзаси эса шатунларни йифишда ёрдамчи йифиш базаси бўлиб хизмат қиласи. Худди шунингдек, илашмани йифишда бирламчи валнинг шлицали юзаси асосий йифиш базаси бўлиб хизмат қиласи. Шу сабабли илашмани йифишда албатта бирламчи вални тирсакли валга ўрнатиб, сўнгра вал бўйича илашма йифилади. Акс ҳолда бирламчи валсиз йифилган илашмаларда узатмалар қутисини ўрнатиш жуда мушкул бўлиб қолади.

5.Базалар танлаб олиш.

Заготовканинг дастгоҳдаги ўрнини аниклаш учун унинг базаловчи юзалари сони ва жойлашувини шундай танлаб олиш керакки, статик аниқланадиган курилмани таъминласин.

Механикада кўриладиган қаттиқ жисм мувозанат ҳолатида заготовканинг ҳамма олтида эркинлик даражасини қўзғалмас таянчлар билан боғлаш керак. Қаттиқ жисмнинг бу олтида эркинлик даражаси учта ўзаро перпендикуляр координата ўқлари бўйича силжиш ва бу ўқлар атрофида айланишидир. Заготовканинг ҳар бир эркинлик даражасини боғлаш, уни мослама ёки дастгоҳнинг бир нуқтали таянчига қотириш билан амалга оширилиши мумкин.




17-расм. Заготовкани олти нуқта бўйича

Бундан шундай хулоса чиқадики, детални ёки заготовкани базалаш олтида таянч нуқтаси билан амалга ошириш қоидасининг зарурияти пайдо бўлади (олти нуқта қоидаси). Заготовканинг олтида эркинлик даражасини боғлаш (эркинлик даражасидан маҳрум қилиш) учун ўзаро учта перпендикуляр текисликда жойлашган олтида қўзғалмас нуқта керак, яъни учтаси битта текисликда, иккитаси иккинчи текисликда, биттаси учинчи текисликда (17-расм). Қолган барча қўзғалмас нуқталар ортиқча. Одатда заготовкани мосламага ўрнатишида статик ноаниқ ўрнатилади. Ортиқча қўзғалмас таянчларда заготовка ҳамма таянчларга таянмайди ёки уни барча таянчларга таянтириш учун деформациялаш керак.

Заготовкадаги исталган базаловчи юзаларни агар улар заготовкани статик аниқ ўрнатилишини таъминласа, у ҳолда олти нуқта қоидасига биноан олтида бир нуқтали


таянчлар билан ҳар доим алмаштириш мумкин. Масалан, вал заготовкасини цилиндрик юзаси бўйича призмада ён томонда таянч билан базалашда ва шпонкаси билан ўз ўқи атрофида айланишини фиксация қилиш 18-расмда кўрсатилган. Призманинг таъсирини тўртта бир нуқтали қўзғалмас нуқталар $a_1 b_1 c_1 d$ билан алмаштириш мумкин.

Қолган иккита эркинлик даражаси - бу призма бўйлаб суримиши ва валнинг ўз ўқи атрофида айланишидир.



18-расм. Валнинг призмалэ базалашини

двигатели шатунининг каллаклари ён томони ва бир тешиги, таянчи билан базаланишини кўрамиз. Мазкур ҳолатда шатунни АА текислиги, яъни ҳар иккала каллакнинг ён томонини учта қўзғалмас бир нуқтали таянч, $a_1 b_1 c$ ва ички цилиндрик юзадаги қисқа бармоқдаги базалашни (Б ни) иккита бир нуқтали таянч $d_1 e$ ва таянч учлик В ни битта бир нуқтали таянч f билан алмаштириш мумкин. (19-расм). Натижада ҳамма базаланувчи юзалари олтида бир нуқтали таянчлар билан алмаштирилади ва улар заготовканинг ҳамма олтида эркинлик даражаси билан боғланади.



19-расм. Шатунни ён томони, тешиги, калта учликдаги таянчи билан базалаш.

учун вал ўқи бўйича тешик пармалаш лозим бўлганда таянч нуқтага ҳожат қолмайди ва вални базалаш учун бешта етарли бўлади.

Базалаш эркинлик даражасини қанчалик камроқ боғлаш талаб қилинса, мослама конструкцияси шунчалик содда бўлади ва амаллар тежамли бўлади.

Одатда заготовкага механик ишлов беринчидан амалида уни дағал (ишлов берилмаган) юзалар билан ўрнатилади, улар дағал ёки бирламчи ўрнатиш базалари дейилади. Бу база дастгоҳга ўрнатилишига қараб таянч ўрнатиш ёки текширув ўрнатиш базаси дейилади. Дағал базадан одатда заготовкани дастгоҳга беринчидан марта ўрнатишда фойдаланилади. қайта ўрнатишларда эса база сифатида ишлов берилган юзалар олинади. Шунинг учун дағал база, демак беринчидан амал ҳам ўзидан кейинги барча ишлов берилган юзаларнинг ҳолатини белгилайди. Дағал база сифатида кўпгина ҳолларда тайёр деталда ишлов берилмайдиган юза олинади. Бу тайёр деталдаги ишлов берилмайдиган ва ишлов бериладиган юзалар ўртасидаги алоқанинг ўрнатилишини осонлаштиради.

Агар деталда ҳамма юзаларга ишлов бериладиган бўлса ёқитайёр деталдаги қолган юзани база сифатида қабул қилиш мумкин бўлмаса (юза узунлиги жуда кичик бўлса ёки юзадаги нуқсонлар кўп бўлса) у ҳолда дағал база сифатидан энг кичик қатлам олинадиган юза қабул қилинади. Бундай ҳолларда бошқа ишлов бериладиган юзалардан олинадиган қатлам етарли бўлмаганда ҳам ишга яроқсиз бўлмаслик ҳоллари кўпроқ кафолатланади.

Вал четидаги таянч призманинг ён томондаги бир нуқтали I таянч билан алмаштирилади, шпонка эса шпонка ўйиғи деворидаги бир нуқтали таянч кабидир. Натижада заготовканинг олтида эркинлик даражаси билан боғланувчи олтида қўзғалмас таянчини оламиз. Яна бир мисол тариқасида ички ёнув

Агар шатунни базалаш учун узун учлик олсан, у ҳолда бу учлик тўртта бир нуқтали таянч билан алмаштирилиши керак, яъни базалаш саккизта бир нуқтали таянчларда амалга оширилади. Бу заготовкани ўрнатилишининг статик ноаниқликка олиб келади. Бу ҳолда саккизта нуқтада контактни таъминлаш учун заготовка ёки учлик деформацияланиши керак.

Умуман кўпгина ҳолларда заготовканинг ҳамма эркинлик даражасини боғлаш талаб қилинмайди, шунинг учун қўзғалмас базалаш

Дағал базаларга қарама-қарши амаллар бажарилишида детал юзалари якуний ўлчамга эга бўладиган юзалардан фойдаланилганда тоза базалар дейилади. Қолган барча базалар оралиқ базалар дейилади.

Оралиқ база сифатида ва асосан тоза база сифатида асосий базаларни олиш керак. Бу билан ишлов бериш хатолигининг минимал бўлишига эришилади.

Детални ўрнатиш усуллари. Деталларни дастгоҳга ҳар бир ўрнатилиши қўйидагича фарқланади:

- мазкур ўрнатишда ишлов бериладиган юзадан металл қатлами олинади ёки шакли бошқа асбоблар билан юза тозалиги ўзгартирилади;
- деталнинг дастгоҳдаги ҳолатини аниқловчи базаловчи юзалар;
- таянч юзалар, яъни детал дастгоҳ столига тегиб турадиган юзалар ёки мосламаларнинг ўрнатиш юзалари, аммо базовий юза бўлиб хисобланмайдиган;
- ўлчаш базаларининг юзалари;
- қисиши юзалари, яъни қисиши кучини бевосита қабул қилувчи юзалар;
- эркин юзалар, яъни деталдаги мазкур ўрнатишда фойдаланилмаган юзалар.

Баъзи ҳолларда базаловчи юза бир пайтнинг ўзида қисиши юзаси ҳам бўлиши мумкин (ўзи марказлашадиган уч муштли токарлик патрони), шунингдек таянч юзаси ҳам бўлиши мумкин (тўрт муштли токарлик патрони, муштчалари якка ҳолда силжийди) ва бошқалар. Деталнинг дастгоҳга тўғри ўрнатилиши унинг дастгоҳга нисбатан маълум ҳолатини ва у билан ишончли алоқасини таъминлаши керак.

ДМАД (дастгоҳ-мослама-асбоб-детал) тизимининг бикрлиги туфайли детални қотирганда ишлов берилаётган юзалар ўз ҳолатини ўзгартиради.

Ўрнатиш хатолиги (детални қотирилиши ҳисобга олинмагандан) базанинг дастгоҳга нисбатан нотўғри жойлашганлигидан ёки шу базадан нотўғри ўлчаш натижасида келиб чиқади.

Берилган ўлчамларни автомат тарзда олинадиган бўлса, ишлов бериш таянч ўрнатиш базалари бўйича олиб борилади, бунда ўрнатиш хатолиги базанинг дастгоҳга нисбатан нотўғри жойлашганлигидан келиб чиқади. Ўрнатиш хатолиги заготовкадан базаловчи юзаларнинг уларни базаловчи юза шаклининг ноаниқлиги, ғадирбудурлиги дастгоҳ ёки мосламадаги ўрнатиш юзалари билан мос тушмаслиги, шунингдек ўрнатиш юзаларининг хатолигидан келиб чиқади. Бу хатоликлар миқдорри маълум меъёрлар билан регламентланади ва мосламадан фойдаланиш жараёнида даврий равишда назорат қилиб турилади.

Базадан ўлчаш хатолиги детални текшириб ўрнатишга солиштириш ҳисобига бўлади.

Қотириш хатолиги деб сиқиши кучи таъсиридан ишлов бериладиган юзанинг энг четки суримишига айтилади. Ишлов бериладиган юзанинг бу суримиши заготовканинг деформацияланишидан, мосламанинг таянч элементларидан ва бошқалардан келиб чиқади.

Мустақкам деталларда ва қисиши кучи тўғри тақсимланганда ишлов бериладиган юзанинг энг катта силжиши қисиши кучларининг контакт деформацияланишидан (заготовканинг эзилишидан) ҳосил бўлади, детал мустақкам бўлмаса, деталнинг деформацияланишидан ҳам ҳосил бўлади.

5-мавзу: Ишлов бериш аниқлиги.

Режа:

1. Аниқлик ҳолномаси
2. Ўлчам, шакл ва юзаларнинг ўзаро жойлашиши аниқлиги.
3. Ишлов бериш аниқлигига таъсир қилувчи омиллар.


1. Аниқлик ҳолномаси.

Ишлов бериш аниқлиги деганда тайёрланган детал ўлчамларининг чизмада кўрсатилган ўлчамларга мос келиш даражаси тушунилади. Машинасозлика аниқлик тушунчаси маҳсулотнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда геометрик ўлчамларининг аниқлиги билан ишлашга тўғри келади.

Ишлаб чиқаришда маҳсулотнинг абсолют ўлчамлари ва бошқа кўрсаткичларига эришиш жуда қийин. Шу сабабли онгли равишда ўлчам ва бошқа кўрсаткичларнинг олдиндан белгиланадиган, рухсат этиладиган четга чиқишиларига йўл қўйилади, яъни маълум қўйим (жоизлик) чегарасида ишланади. Машиналарнинг сифати ва аниқлиги энг аввало дастлабки материалларга боғлиқ. Шу сабабли заготовкаларни тайёрлаш аниқлигини ошириш кейинги ишлов беришлардаги меҳнат сарфини камайтиради, қиринди миқдоррининг камайиши ҳисобига эса материал сарфини камайтиради. Деталлар тайёрлаш аниқлигини ошириш меъёрига етказиш ишларини қисман ёки тўлиқ бартараф қилгани учун йиғиш алмашувчан бўлишига имкон яратади ва машиналарни оқим қаторида йиғишга шароит яратади. Бундан ташқари машиналардаги айрим деталларнинг тайёрлаш аниқлигини ошириш фақатгина уларнинг ишли тезлигини оширибгина қолмасдан балки улар қабул қиласидиган солиштирма юкламаларни ҳам ошириш имконини беради.

Шундай қилиб қўйим бу деталдаги юқориги энг катта ва пастки энг кичик чегаравий ўлчамлар айирмасидир. Абсолют қиймат бўйича у юқориги ва пастки четга чиқишиларнинг алгебраик айирмасидир. Функционал, конструкторлик ва технологик қўйимлар мавжуд.

Функционал қўйимларни детал ёки машинанинг эксплуатацион четга чиқишиларидан келиб чиқсан ҳолда қўйилади. Масалан, бу қўйимлар бирикмада бўлмаган юзаларнинг диаметрига бериладиган қўйимлардир (карбюратор жиклерларининг диаметри, тирсакли валнинг мой канали диаметри ва шунга ўхшаш юзаларга бериладиган қўйим). Функционал қўйим T_ϕ бу ҳолда ўлчамнинг энг катта T_ϕ^{\max} ва энг кичик T_ϕ^{\min} қийматлари айирмасига тенг бўлиб, буюмнинг эксплуатацион кўрсаткичларининг ўзгариши бўйича аниқланади. (20-расм).



20-расм. Қўйим майдонинг жойлашуви

Функционал қўйим T_ϕ эксплуатацион қўйим $T_{\phi k}$ ва конструкторлик қўйим T_k лардан ташкил топади. Эксплуатацион қўйим деталдан узоқ вақт фойдаланиш жараёнида талаб қилинган аниқлик сақлаб туриш учун зарур бўлган аниқлик заҳирасини тавсифлайди. Конструкторлик қўйими эса турли хил хатоликларни қоплаш учун ишлатилади.

Бирикадиган юзаларда конструкторлик қўйими детал тайёрлашдаги хатоликларни, бирикма ва машиналарни йиғишдаги, созлашдаги ва бошқа хатоликларни ҳисобга олади.

Конструкторлик қўйими ҳам машинанинг функционал вазифаси ва унинг иш шароити билан боғлиқ. Бу қўйим машинанинг иш шароити таҳлил қилиниб, уни тайёрлаш ва фойдаланиш ҳаражатларини ҳисобга олган ҳолда назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида бегиланди.

Технологик жараённи бажаришда ҳосил бўладиган оралиқ ўлчамлар қўйими технологик қўйим дейилади. Улар хатоликлар ҳосил бўлишининг мураккаб жараёни билан боғлиқ.

Технологик қўйимлар конструкторлик қўйимдан кичик бўлиши учун бу қўйимлар минимумга келтирилиши керак. Шундагина йиғиш бирликлари ва машиналарни йиғиш ишлари енгиллашади.

Конструкторлик ва технологик қўйимларнинг таҳлили технологик жараённинг нечоғлик мукаммал эканлиги ҳақида хукум чиқариш имконини беради.

Кўпгина ҳолларда машиналарни тайёрлашда технологик аниқлик заҳирасини ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир ва у аниқлик коэффициенти билан тавсифланади.

Технологик аниқлик коэффициенти деб танлаб олинган технологик жараёнда функционал қўйимнинг технологик қўйим нисбатига айтилади, яъни,

$$K_{TQ} = \frac{T_{\phi}}{T_t}$$

бу ерда T_{ϕ} – функционал қўйим.

T_t - технологик қўйим.

Машиналарнинг муҳим деталларини (цилиндрлар блоки, тирсакли валлар, тақсимлаш валлари ва бошқалар) тайёрлашда функционал ўлчамлар учун K_{TQ} нинг қиймати 1,2 дан кам бўлмаслиги керак. Шундагина қўшимча аниқлик ресурси ҳосил қилинади ва у буюмдан фойдаланиш жараёнида берилган аниқликни узоқ вақт сақлайди ва унинг кўпга чидамлилиги ортади. Шу билан бирга дастгоҳни созлаш аниқлигининг заҳираси ҳам ортади.

Шундай қилиб машинасозлиқда детал тайёрлаш аниқлиги нисбий тушунча бўлиб, ҳар қандай реал олинган деталнинг аниқлиги идеал деталга мос келиш даражаси билан баҳоланади.

Реал олинган деталнинг аниқлиги эса унинг айрим-айрим элементлари бўйича баҳоланади, яъни шакл аниқлиги, деталдаги айрим участкалардаги ўлчам жойлашиши аниқлиги. аниқликнинг бу ташкил этувчилиари детал чизмасида келтирилади. Умуман детал тайёрлаш аниқлиги мазкур корхонадаги технологик жараёнлар комплексига боғлиқ. Заготовка тайёрлаш аниқлигини ошириш ишлов беришга кўйиладиган қўйимни кичрайтириш имконини беради, бу эса ишлов бериш таркибини белгилайди, йиғиш ишларининг ҳажмини камайтиради.

2. Ўлчам, шакл ва юзаларнинг ўзаро жойлашиши аниқлиги.


Заготовкага кесиб механик ишлов бериш турли мослама ва кесиш асбоблари билан жиҳозланган металл қирқиши дастгоҳларида амалга оширилади. Хусусан заготовка (3) жиҳоз, яъни дастгоҳ (Д), мослама (М) ва асбоб (А) бутун бир тизимни ташкил қиласди.

Уларнинг элементлари бир-бири билан фақатгина боғлиқ бўлмасдан балки ўзаро ёпиқ бўлиши керак (2-расм).

Агар бундай туташиш бўлмаса, ишлов бериш жараёнини амалга ошириш мумкин эмас. Ҳар бир кўрсатилган элементлар

ўзининг сифати бўйича идеал ҳисобланмайди. Заготовкани деталга айлантиришда ҳамма элементлар ўз сифат кўрсаткичларини заготовкага ўтказади. Бундан ташқари кесиш жараёнининг ўзи ҳам айрим хусусиятларга эга бўлиб, у ҳам деталнинг сифат кўрсаткичларига ўзининг ўзгартиришларини киритади. Натижада деталда хатоликлар юзага келади ва деталнинг аниқлиги пасаяди. Машинадаги ҳар бир детал юзалар бирикмасидан ташкил топади. Замонавий машина деталларининг турли-туман бўлишига қарамасдан кўринишларининг бирикмаси чекланган. Булар цилиндрик, конуссимон, текис ва шаклдор юзалардир. Заготовкага механик ишлов бериш аниқлиги ёпиқ технологик тизимнинг ишлашига боғлиқ бўлиб, у уч аспектда намоён бўлади: ўлчам аниқлиги, шакл аниқлиги ва юзаларнинг ўзаро жойлашиш аниқлиги.

Деталдаги турли юзаларнинг ўлчам аниқлиги қўйимга мос бўлиши керак. Вал бўйинларининг диаметрдан четга чиқиши, тешикларнинг чуқурликлари ва диаметрлари



21-расм. Ёпиқ технологик тизим.

қўйим чегарасида бўлиши керак. Ўлчам аниқлиги маълум даражада маҳсулот сифатини белгилайди. Ўзининг вазифасига кўра ўлчамлар турли гурухларга киритилиши мумкин.

Координациялашган ўлчамлардан детал юзаларининг ва ўқларининг ўзаро жойлашувини аниқлашда фойдаланилади. Одатда бу ўлчамлар детлнинг муҳим юзаларига қўйилиб, унинг хизмат вазифасини белгилайди. Масалан, корпус деталларида текис юзалар ва подшипник жойлаштириладиган тешиклар асосий юза бўлиб ҳисобланади. Координацияловчи ўлчамлар корпусдаги цилиндрик ва текис юзаларни ўзаро боғлайди.

Йигиш ўлчамлари эса машинадаги бир элемент ўлчамларининг иккинча элемент ўлчамларига нисбатан ҳолатини белгилайди. Бу ўлчамлар энг аввало туташтирувчи юзаларга тегишилдири. Бундан ташқари **технологик** ўлчамлар бўлиб, улардан детал тайёрлаш ва уни назорат қилишда фойдаланилади.

Хуллас, ўлчам қайси гурухга киришдан қатъий назар унинг аниқлиги бевосита машинанинг сифатига таъсир қиласи, яъни унинг маълум чегарада ўз функциясини бажаришига таъсир қиласи.

Аниқлик муаммосини ечишда ўлчамтушунчаси уни иккинчи томонидан қараб чиқилишини ҳам талаб қиласи. Иккинчи томондан қаралганда **номинал**, **ҳақиқий** ва **чегаравий** ўлчам турлари бор. Номинал ўлчамга нисбатан чегаравий ўлчамлар аниқланади. Номинал ўлчам четга чиқишлиарни ҳисоблаш учун хизмат қиласи ва детлнинг хизмат вазифасига қараб конструктор томонидан белгиланади. Даствоҳ – мослама – асобоб- заготовка технологик тизими доимий (нормал) ўлчамни таъминланмаганлиги сабабли ишлаш хусусиятига қараб ҳақиқий ўлчам тушунчаси киритилади.

Уни рухсат этилган хатоликни ўлчвши билан аниқланади. Ҳақиқий ўлчам номинал ўлчамдан рухсат этилган қийматдан каттароқ қийматга фарқ қилиши мумкин эмас, шу сабабли иккита чегаравий ўлчамлар, яъни энг кичик пастки ва энг катта юқориги ўлчамлар бор. Номинал ўлчам қиймати энг катта ва энг кичик қийматлар орасида бўлади, шунингдек уларнинг бирига тенг бўлиши ҳам мумкин. Ҳақиқий ўлчам маҳсулот сифатини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга.

3. Ишлов бериш аниқлигига таъсир қилувчи омиллар.

Технологик жараёнларни лойиҳалашда технологик хатоликлар содир бўлиш сабабини ва берилган аниқлик таъминланадиган шароитни билиш керак. Ишлов бериш аниқлигига ишлов бериш жараёнига таалуқли бўлган турли омиллар таъсир қиласи. Уларга қўйидагиларни таъкидлаш мумкин: даствоҳнинг ноаниқлиги ва ейилганлиги; мосламаларнинг ноаниқлиги ва ейилганлиги; асбобларнинг ноаниқлиги ва ейилганлиги; детални даствоҳга ўрнатиш ноаниқлиги; ДМАД тизимининг бикир эмаслиги; ҳароратдан деформацияланиш; ишлов бериладиган деталнинг ички кучланишлари олдинги ишлов беришдаги хатоликларнинг кўчирилиши; ўлчаш воситалари ва усусларининг ноаниқлиги; даствоҳни созлашдаги ноаниқликлар ва бошқалар.

Юқоридаги омилларнинг таъсир даражаси ишлов бериш характеристири ва ишлаб чиқариш турига қараб турлича бўлади. Бу омилларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Кечкичнинг бу пастга тушиши деталнинг йўғонлашишини юзага келтирилади.

Маълумки, вертикал йўналишдаги силжиш детал ўлчамига сезиларли даражада таъсир қилмайди. Масалан, 50 мм ли диаметрни йўнишда кескичининг 0,2 мм га пастга сурилиши (йўналтиргичнинг ейилиши натижасида) ишлов берилаётган диаметрнинг 0,0016 мм га ўзгаришига олиб келади. Агар йўналтиргичнинг орқа қисми ҳам ейилган бўлса, бу четга чиқиш бундан ҳам кичик бўлади.

Маълумки йўналтиргичларнинг ейилиш бардошлигига кўпгина омиллар таъсир қиласи, улардан энг асосийси суппорт ва станинанинг материали ва термик ишлови, йўналтиргичга тушадиган юклама ва унинг узунлиги бўйича тақсимланиши, иш шароити (мойлаш, кирланиш ва бошқалар), суппортинг силжиш тавсифи ва бошқалар.

Йўналтиргичларнинг хизмат муддатини оширишда материал танлаб олишдан ташқари асосий эътиборни даствоҳни тўғри юклаш ва ишлатилишига қаратиш керак. Шундагина

йўналтиргич узунлиги бўйича бир текисда ейилади. Бундан шундай хулоса чиқадики, қисқа деталларга узун йўналтиргичли дастгоҳларда ишлов бериш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу ҳолда йўналтиргичнинг олд қисмида ейилиш кўпроқ орқа қисми эса ишламайди, натижада олд қисмида ейилиш кўпроқ орқа қисмида ейилиш камрок бўлиб, юқоридаги ҳолат юз беради.

Мосламанинг ейилганлиги ва ноаниқлиги. Механик ишлов бериш аниқлигига мосламаларни тайёрлаш аниқлиги ҳам катта таъсир кўрсатади. Мосламани дастгохга ўрнатганда турли хил оғишлар пайдо бўлади, ўрнатиш элементлари белгиланган ҳолатни эгалламайди. Маълумки мосламалар деталларни тайёрлаш аниқлигини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади. Деталга ишлов бериш аниқлиги 6-9 квалитет бўлганда мочсламанинг аниқ ўлчамларига бериладиган қўйма деталдаги мос ўлчамлар қўйимининг $1/2 - 1/3$ қисми билан белгиланади. Деталга ишлов бериш дағалроқ бўладиган бўлса (9 квалитетдан пастстрок) мослама ўлчамларининг аниқлигини деталдаги мос ўлчамлар қўйимининг 15-110 қисми бўйича белгиланади.

Хуллас, мослама тайёлашда ишлов бериш аниқлигига таъсир қилувчи маълум хатоликлар киради. Иш давомида мосламалар ейилади, энг кўп ейилиш ўрнатиш элементларидан кузатилади. Мосламаларни кўллаш билан пайдо бўладиган хатоликларни алоҳида-алоҳида қараш керак. Масалан, баъзи хатоликларни (мосламани ўрнатишдаги қийшайиш) доимий бўлиб, унинг таъсири партиядаги заготовкалаар учун бир хил, бошқалари эса тасодифий тавсифга эга (масалан, заготовкани қотирилишидаги ҳолати). Юқоридаги ташкил этувчи хатоликлар жамланади. Амалий фаолиятда ўрнатиш хатолигининг жамланган, яъни яқуний натижасини билиш кифоя, яъни унинг ташкил этувчиларнинг қийматини билиш шарт эмас.

Асбобнинг ноаниқлиги ва ейилганлиги. Кесиши жараёнида кесувчи асбобга йўналадиган заготовка ва қиринди таъсири этади. Чиқаётган қиринди таъсирида кесувчи асбобнинг олдинги юзаси ҳам, кетинги юзалари ҳам кесиши юзасига ва заготовканинг йўнилган юзасига ишқаланиши натижасида ейилади. Ейилиш тавсифи асбоб ва заготовка материалларининг физик-кимёвий хоссаларига ва таркибий ҳолатига, кесиши тезлигига, кесиши минтақасидаги ҳароратга ва кўпгина бошқа омилларга боғлик. Ейилиш асбобнинг ўтмаслашувига олиб келади ва охир оқибатда бундай асбоб билан ишлаш мумкин бўлмай қолади. Асбобнинг кесиши хоссалари чархлаб тикланади. Кесувчи асбоб чиқаётган қириндinin олдинги ва кетинги қирраларига ишқаланиши, асбоб материалининг пластик деформацияланиши ва уваланиши натижасида ейилади. Ишқаланиш асосий ҳодиса бўлиб, кесувчи барча асбобларда кузатилади. Кесувчи асбоб материалининг пластик деформацияланиши камдан-кам учрайди. Углеродли асбобсозлик пўлатидан, легирланган асбобсозлик пўлатидан ва тезкесар пўлатдан ясалган кесувчи асбоблар жуда оз уваланади. Металлокерамик ва минералокерамик қаттиқ қотишища пластинкалари кавшарланган кесувчи асбоблар уваланишига мойил бўлади.

6-мавзу: Детал юзаларининг сифати.

Режа:

1. Деталларнинг юза сифати.
2. Юзанинг шаклдан четга чиқиши.

1. Деталларнинг юза сифати.

Автомобил деталларининг юза сифати юзанинг геометрик ҳолномаси билан ва юза қатламишининг физик-механик хусусиятлари билан баҳоланади. Умуман юза қатламишининг сифати деганда учта кўрсаткич: юзанинг ғадир-будурлиги, унинг тарам-тарамлиги ва қатламнинг физик-механик хусусиятлари тушунилади. Гарчи бу кўрсаткичлар алоҳида-алоҳида қаралса ҳам, уларнинг ўзаро таъсири шубҳасизdir. Деталнинг хизмат вазифасига қараб гоҳи у кўрсаткич, гоҳи бу кўрсаткич белгиловчи бўлади.

Деталнинг юза сифатига баҳо беришда унинг тузилишига мурожаат қилиш керак. Ишлов берилган юзанинг геометрик ҳолномасига унинг ғадир-будурлиги (микронотекислиги), унинг шакли (макрогоеметрияси), тарам-тарамлиги ва механик ишлов изи йўналишининг ўзаро жойлашуви, шунингдек деталнинг ишлашидаги ҳаракат йўналишидир.

Юзанинг ғадир-будурлиги ва шакли унинг бўйлама ва кўндаланг йўналишидаги тузилишини характерлайди. Микро ва макрогоеметрияга бўлиш эса уларнинг пайдо бўлиши турлича эканлигига, шунингдек уларни ўлчаш қулай бўлишлиги билан боғлик.

Юзанинг тарам-тарамлиги ғадир-будурлиги ва унинг шаклидан четга чиқиши оралиғидаги ҳолатни эгаллади. 22-расмда реал олинган юзанинг схемаси тасвирланган. Юза ғадир-будурлиги $\frac{L_3}{h_3} < 50$ нисбат Билан характерланади; шаклдан четга чиқиш эса (оваллик,

бочкасимонлик ва бошқалар) $\frac{L_3}{h_1} \geq 1000$, тарам-тарамлик эса



$\frac{L_2}{h_2} = 50 \dots 500$ нисбат билан характерланади. Механик ишлов изининг йўналиши кесиши кинематик схемасига боғлик бўлиб кесувчи асбоб ва деталнинг ҳаракати билан белгиланади.

Реал олинган юза ҳар доим ғадир-будур бўлади. Детал кандай усуlda тайёрланишидан қатий назар у нотекис бўлади. Бу биринчидан қаттиқ жисмнинг дискрет атом-молекуляр тузилишидан келиб чиқсан ҳолда тушунтирилади. Тавсифи атомларнинг шакли ва ўзаро жойлашуви билан белгиланади. Иккинчидан, механик ишловдан сўнг доимо юзада турли шакл ва ўлчамдаги бўртиқ ва ўйиқлар шаклида кесувчи асбобнинг тифи таъсиридан изи қолади. Ғадир-будурлик кесиши амалга оширувчи бош ишчи ҳаракат йўналишида ҳам, сурилиш йўналишида ҳам ҳосил бўлади. Натижада бўйлама ва кўндаланг ғадир-будурлик ҳосил бўлади. Кўндаланг ғадир-будурлик сурилиш йўналишидаги нотекисликлар билан тавсифланади, бўйлама ғадир-будурлик эса кесиши тезлигининг йўналиши билан тавсифланади. Нотекисликларнинг шакли, ўлчами ва жойлашуви ишлов бериш турига унинг энг катта қиймати бўйича амалга оширилади.

Ғадир-будурликка юза қатламидаги эластик ва пластик деформациялар, кесиши тартиби, ДМАД эластик технологик тизимишнинг бикрлиги, кесувчи асбоб тифининг ҳолати, асбобнинг ишлов берилаётган юза бўйича ишқаланиши ва ишлов берилаётган материалнинг тури таъсир қиласи. Ғадир-будурлик миқдоррига кесиши тезлиги ва сурилиш катта таъсир қиласи, бунда кесиши тезлигининг таъсири жуда мураккаб. 23-расмда турли конструкцион пўлатларни йўнишдаги $R_z * k f(V)$ боғлиқлик графиги келтирилган.



1- эгри чизиқ кўпроқ перлит-ферритли синфидаги конструкцион пўлатлар учун тавсифли. 2- эгри чизиқ эса аустенит синфидаги зангламас ва иссиқбардош пўлатлар учун тавсифли. 3- эгри чизиқ эса енгил эрувчан металл ва қотишмаларга тегишли, 3 эгри чизиқ шуни кўрсатадики кесиши тезлиги маълум миқдоррга етганда харорат шу даражага етадики, унда ишлов бериладиган материал жуда юмшоқ бўлиб қолади ва баъзан эриб ҳам кетади. Шу сабабли кесиши тезлиги яна оширилса ишлов берилаётган юза ғадир-будурлиги ортади. 4-эгри чизиқ ишлов бериш жараёнида асбобнинг олдинги юзасида ўсимта ҳосил бўлмайдиган материаллар учун хосдир. Ғадир-будурликка сурилишнинг таъсирини кўрсатувчи график 24-расмда берилган. Расмдан

ишилар берилаётган юза ғадир-будурлиги ортади. 4-эгри чизиқ ишлов бериш жараёнида асбобнинг олдинги юзасида ўсимта ҳосил бўлмайдиган материаллар учун хосдир. Ғадир-будурликка сурилишнинг таъсирини кўрсатувчи график 24-расмда берилган. Расмдан

кўринадики, сурилишнинг ортиши билан ғадир-будурлик ортиб боради. Кичик сурилишларда ($S^*0,01-0,1$ мм/айл) асбобнинг олдинги қисмида ҳосил бўладиган тормозланиш қатламининг таъсири бўлади. Сурилишнинг $S < 0,01$ мм/айл гача кичрайишида ғадир-будурлик кичраймасдан, балки бир оз ортади, бу эластик қисилиш билан тушунтирилади. Кесиши чуқурлигининг ғадир-будурликка таъсири жуда кам бўлиб, амалда уни ҳисобга олмаса ҳам бўлаверади.

Кесувчи асбобнинг параметрлари ғадир-будурликка таъсир кўрсатади. Олдинги бурчак γ 0^0 дан 20^0 гача ўзгарганда ишлов бериладиган юза ғадир-будурлигига кам таъсир қиласди, чунки унинг қиймати кесичнинг кесиши тифига ўтишида жуда кам ўзгаради. Орқа бурчак α ғадир-будурликка таъсир қиласди, чунки асбобнинг ейилиши билан унинг орқа қисмининг ишлов берилаётган юза билан ейилиши ортади. Режадаги бош бурчак ϕ қолдик дўнгликлар режадаги бош бурчакнинг ортиши билан ортиб боради, айниқса катта сурилишлар минтақасида.

Ишлов берилаётган юза ғадир-будурлигига ва юзанинг тарам-тарамлигига ДМАД эластик тизимининг бикрлиги катта таъсир қиласди. Кесишида кесиши кучи ва ишқаланиш кучлари ҳосил бўлади, уларнинг таъсиридан кесувчи асбоб ўзининг ишлов бериладиган юза нормали бўйича ҳолатини даврий равишда ўзгартириб туради.

Нормал бўйича сурилиш дастлаб туташмадаги тирқишдан, сўнгра ДМАД тизимидағи деталнинг деформацияланишидан ҳосил бўлади. Агар кесиши кучлари, ва уларнинг моментлари орасида бир томондан, қаршилик кучлар, улар ҳосил қиласидиган моментлар иккинчи томондан ўзаро мувозанатлашса, бу сурилишлар барҳам топади. Кесиши кучи ва қаршилик кучларининг равон ўзгаришида, яъни уларнинг кичик частота билан ўзгаришида кесиши жараёни турғун бўлади, ғадир-будурлик ва тарам-тарамлик берилган чегарадан ташқарига чиқмайди. Кучлар миқдори катта частота билан ўзгарса ғадир-будурлик шакли ва ўлчамлари кескин ўзгаради. Нисбатан унчалик катта бўлмаган частоталарда ишлов бериладиган юзада тарам-тарамлик ҳосил бўлади.


Ғадир-будурликни учта баландлик параметрлари R_a , R_z , R_{max} ва иккита қадам параметри S ва S_m ва микропрофелнинг нисбий таянч узунлиги t_p билан баҳоланади. R_a параметр профиллнинг ўртача арифметик четга чиқиши дейилади ва интеграл критерия сифатида аниқланади, яъни:

$$R_a = \frac{1}{\ell} \int_0^\ell |y| dx$$

ёки тахминан

$$R_a = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n |y_i|$$

бу ерда n базавий узунлик ℓ да танлаб олинган нукталар сони; у-профиллдан четга чиқиши, яъни профиллнинг исталган нуктасидан ўрта чизиққача бўлган масофа.



24-расм. /адир-будурликка

У масофани т чизигидан пастда ҳам, баландда ҳам ордината сифатида ишорасиз олинаверади. R_z параметри ўнта нуқта узунликдаги бешта дўнгликнинг ўртача абсолют қийматлар ва бешта чуқурлик ўртача абсолют қийматлар йиғиндисини кўрсатади, яъни

$$R_z = \frac{1}{5} \left(\sum_{i=1}^5 |H_{i\max}| + \sum_{i=1}^5 |H_{i\min}| \right)$$

бу ерда: $H_{i\max}$ -профилнинг бешта нуқтасидаги максимум четга чиқиш, $H_{i\min}$ - профилнинг бешта нуқтасидаги минимум четга чиқиш.

Профилл дўнглигининг ўртача қадами S деб базавий узунликдаги махаллий дўнгликлар қадамининг ўртача қийматига айтилади. Профилл нотекислигининг ўртача қадами S_m -деб базавий узунликда ўрта чизикдаги қадамнинг ўртача қийматига айтилади. Профилнинг таянч узунлиги η_p ўрта чизикқа параллел бўлган базавий узунликда берилган сатҳдан берилган нотекисликларнинг чизиқлари йиғиндиси каби аниқланади.

Нисбий таянч узунлик t_p эса профилл таянч узунлигининг базавий узунликка нисбатидан аниқланади.

$$t_p = \frac{\eta_p}{\ell} = \frac{1}{\ell} \sum_{i=1}^n b_i$$

бу ерда p -профилл кесимининг сатҳи бўлиб, профилл дўнгликлари ва дўнгликлар чизигига эквидистант чизиқни кесувчи чизиқ ораси бўйича аниқланади (p ни R_{max} га нисбатан фоизларда белгиланади); b_i -микродўнгликда кесиб олинган кесма; t_p -параметр бирикма ҳосил қилувчи иккита деталнинг контактларининг (бирикиш юзасининг) тўлиқ тавсифи.

Дўнглик параметрлари R_a , R_z , R_{max} лар орасида корреляцион алоқа мавжуд. Ясси чўққили ва якуний мустаҳкамловчи ишловлар учун ўртача

$$R_{max} * 5,0 R_a \quad R_z * 4,0 R_a$$

Йўниш, сидириш ва фрезерлаш учун

$$R_{max} * 6,0 R_a \quad R_z * 5,0 R_a$$


Бошқа ишловлар учун эса

$$R_{max} * 7,0 R_a \quad R_z * 5,5 R_a$$

Ғадир-будурликни баҳолашда олтига параметрни киритилишининг асосий мазмуни шундаки, улар ёрдамида ғадир-будурликни деталнинг хизмат вазифасига ва ишлаш шароитига кўра регламентлаш мумкин. Одатда R_a интеграл ўлчови бўлиб хизмат қиласи ва маълум даражада юза нотекислигининг шаклини белгилайди. R_z ўлчовини аниқлашда эса кўпинча оптик асбоблардан фойдаланилади, у шунингдек, профиллограммалар билан ҳам аниқланиши мумкин.

Цех шароитида деталларнинг ғадир-будурлигини аниқлашнинг энг содда усули юза тозалигини намуна билан солиштириб аниқлашдир. Намуналар назорат қилинаётган детал материалларидан тайёрланган бўлиб, деталга қандай ишлов берилган бўлса, намунага ҳам шундай ишлов берилган бўлади. Намуна сифатида тайёр деталлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Оддий кўз билан баҳо бериш субъектив бўлиб, маълум тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин. Бу усул аниқ ишлов берилган деталларда катта қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли ғадир-будурликни қиёсий таққослаш учун таққослаш асбоблари: пневматик ва рефлектомерлар қўлланилади. Пневматик асбоблар юза бўйлаб ўтган каналлардаги ҳаво



25-расм. Ғадир-будурлик профилли ва унинг ҳолномаси.

сарфини ўлчашга асосланган асбобнинг учлиги текширилаётган юзага қисилади ва сарфига кўра юза ғадир-будурлигига баҳо берилади. Ҳаво сарфининг ўзгариши асбоб манометрининг шкаласи бўйича ўлчанади.

Рефлектомерларнинг тузилиши текширилаётган юзаларнинг қайтариш хусусиятидан фойдаланишга асосланади. Бунда манбадан чиқаётган нурлар текширилаётган юздан қайтиб, фотоэлементга тушади. Бу ерда микроток ҳосил бўлади, у кучайтиргичда кучайтирилиб, галванометрга берилади (ўлчаш қурилмасига) ва ғадир-будурлик миқдорри ўлчанади.

2.Юзанинг шаклдан четга чиқиши.

Ғадир-будурлик детал юзасидаги кичик участкаларнинг хатолиги сифатида қаралаётган бўлса, макрогоеметрик четга чиқиш эса кўрилаётган юзада бутунича олиб кўрилади. Шаклдаги катта хатоликлар бирлашма юзасига берилган барча ишловларни йўққа чиқариши мумкин, шу сабабли макрогоеметрия чизмаларида регламентланади. Шакл хатолигига олиб келувчи сабаблар қўйидагилардир: дастгоҳ ноаниклиги, ДМАД эластик тизимининг бикрлиги, аввалги ишловлардаги хатоликларни такрорлаш ва кесувчи асбоб хатоликлари.

Дастгоҳ хатолигига аввалги бўлимда қайд этилганидек, шпин-делнинг радиал ва ёнлама тепиши, станина йўналтиргичларининг эгрилиги ва уларнинг бир текисда ейилмаганлиги, шпиндел ўқининг столи текислигига перпендикуляр эмаслиги унинг параллел эмаслигини кўрсатиш мумкин.

ДМАД эластик тизимининг деформацияланиши ишлов берилаётган деталларда шаклдан четга чиқишининг 90% ини ташкил этади. Бунинг натижасида детал шакли бочкасимон, эгарсимон ва овалсимон бўлиши мумкин. ДМАД тизимининг деформацияланишидан ҳосил бўладиган шаклдан четга чиқишини ҳисоб-китоб йўли билан аниқлаш мумкин. Шаклдан четга чиқишини одий усулда ўзаро иккита перпендикуляр текисликда ўлчаб аниқлаш, детал шакли ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди. Шу сабабли детал макрогоеметриясини назорат қилишда маҳсус асбоблар қўлланилади.

Бу асбоблар ёрдамида деталнинг макрогоеметрияси тўғри бурчакли ёки қутб координаталарида ёзиб олинади. Тўғри бурчакли координаталарда детал макрогоеметрияси диаметрал кесимда ва ясовчи йўналишида амалга оширилади. Асбоб 500 дан 5000 марта гача катталаштиришга созланиши мумкин. Битта профилограммани ёзиб олиш учун 1 мин. атрофида вақт керак. Макрогоеметрияни кутб координаталарида ёзиб олиш асбоблари 50 дан 10000 марта катталаштиришни таъминлайди.

Юзанинг тарам-тарамлиги. Тарам-тарамлилик баландлиги ва қадам билан характерланади. Тарам-тарамлилик баландлиги ва қадами деярли бир хилда. Машиналарнинг эксплуатацион хусусиятларига тарам-тарамликнинг баландлиги кучли таъсир қиласи, шу сабабли у кўп марта катталаштирилган ҳолда баҳоланиши керак (1000-3000 ва ундан ортиқ).

Тарам-тарамлилик дастгоҳда ишлов беришнинг маълум шароитида титрashлар натижасида келиб чиқади.

Тарам-тарамлиликнинг баландлиги ва қадамини аниқлаш учун профиллографлардан фойдаланилади. Уларда тарам-тарамлиликнинг баландлигини анчагина узун бўлган трассада (125 мм гача бўлган трассада) маҳсус таянч золдир ўрнига пластинка қўлланилади.

Нотекисликларнинг йўналиши баландлиги, шакли ва унинг қиялик бурчаги юза геометриясини тўлиқ белгиламайди. Юзанинг энг муҳим тавсиф бу кесиш кучига нисбатан нотекисликларнинг йўналишидир. Ишлов беришда улар ишчи характеристга тик, параллел, кесишувчан, ихтиёрий, думалоқ ва радиал йўналган бўлиши мумкин (26-расм).

Нотекисликларнинг йўналиши ғадир-будурлик баландлиги бир хил бўлганда ейилишга жуда катта таъсир қиласи. Натижада деталларнинг иш шароити бир хил бўлганда уларнинг ейилиши ҳар хил бўлади.

Маълум бир фойдаланиш шароити учун оптималь йўналишини танлаб олишни амалиёт кўрсатади. Деталларнинг



26-расм. Цилиндрик юзанинг круглограммаси

бирикиш юзаларидаги нотекисликларнинг ишқаланиш кучининг йўналиши билан мос тушса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ҳолда бирлашма бирикиш юзасининг катта бўлишига қарамасдан юзадаги яхши мойланиш ҳисобига юзалар бир-бирига тегмайди.

Деталларнинг оғир иш шароитида нотекисликларнинг йўналиши кесишиши керак. Деталлар мойсиз, катта босимда ишлаганда ҳам нотекисликларнинг йўналишини шундай танлаб олиш керак, чунки нотекисликлар йўналиши параллел жойлашганда юзалар бир-бирига тегиши осонлашади.

Агар нотекисликлар ишли ҳаракатга нисбатан бурчак остида ёки тик жойлашса, ейилиши ортади. Қаттикроқ ишқаланувчи юзалардаги нотекисликлар баландлиги бир хилда бўлмаса, жуфтликни ҳосил қилувчи юмшокроқ бўлган иккинчи юзада ейилиш шунчалик кўпроқ бўлади (тирсакли вал бўйни ва вкладиш)

7-мавзу: Ишлов беришга қўйиладиган қатлам.

Режа:

1. Қўйиладиган қатлам ҳақида тушунча.

1. Қўйиладиган қатлам ҳақида тушунча.

Ишлов беришга қўйиладиган қатлам деб-детал тайёрлаш жараёнида детал заготовкасидан тайёр детал юзасигача олинадиган қатламга айтилади. Машинасозликда детал заготовкаларида металл кесиш дастгоҳларида ишлов бериладиган 20-30% металл (оғирлиги бўйича) қириндига чиқиб кетади. Шу сабабли ишлаб чиқаришга илмий жиҳатдан асосланган ишлов бериш учун қолдириладиган қатламларни тадбиқ этиш халқ хўжалигига катта аҳамиятга эга бўлган масалалардан биридир. Ишлов беришда олиб ташланадиган материал тайёрловчи завод учун амалда йўқотилган ҳисобланади, чунки қиринддининг қиймати янги материал қийматига қараганда жуда паст. Материалнинг ортиқча қатламини олиб ташлаш заготовкага дастгоҳларда қўшимча иш вактини, электр энергиясини, кесувчи асбобни талаб қиласди.

Ишлов беришга қўйиладиган қатламни камайтириш мақсадида ишлаб чиқаришга илғор технологиялар қўлланилади, яъни штамплантган тирсакли вал заготовкалари ўрнига токарлик ишловини деярли истесно этувчи махсус чўяндан қўйма валлар олинмоқда. Ишлов беришга жуда кам қатлам қолдириш ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки бунда механик ишлов бериш жараёнида дефект қатламнинг тўлиқ олиб ташлаш имкони йўқлигидан ишга яроқсиз бўлиш эҳтимоли ортади.

Тўғри қўйилган қатлам шундайки, унда энг кичик таннарх билан юқори сифатли маҳсулот бериб, цехнинг барқарор ишлашини таъминловчи қатламдир. Машинасозликда қўйиладиган қатламни аниқлашнинг бир неча усуслари бор. Уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин: тажриба-статик, аналитик, эҳтимоллий-статик. Уларни бир-биридан кескин чегаралаб ажратиш мумкин эмас, шу сабабли қўйида уларнинг асосий фарқларини келтирамиз.

Тажриба – статик усулни бошқа усуслардан анча аввал қўлланила бошлаган, чунки у анчагина аниқ натижалар берган. Бу усул эскирган тажриба натижаларини қўллашга асосланади. Тажриба-статик усуlda кўпинча умумий (қўйим) қатлам белгиланади, яъни юзага механик ва термо-кимёвий ишловларнинг барча технологик ўтишларига қўйиладиган қатлам белгиланади. Баъзан оралиқ қатламлар ҳам белгиланади, яъни мазкур ишловдаги технологик ўтишга оралиқ қатлам белгиланади. Бу қатламлар худди шундай деталлар тайёрлаш натижаларини умумлаштириш билан аниқланади ва у янги ишланган технологияларни, жиҳоз ускуналарни, детал тайёрлашнинг махсус шароитларини (маълум бир заготовканнинг аниқлигини, заготовкани дастгоҳнинг аниқ бир минтакасига ўрнатиш шароитини ва бошқалар) тадбиқ қилишни ҳисобга олмайди. Одатда тавсия этиладиган маълумотлар тайёрлаш шароитини акс эттириб, унда олинадиган қатламнинг энг катта қиймати берилади. Шунингдек услубий томондан берилган маълумотларнинг таҳлили

қандай ўтказилғанлиги, қатламнинг қайси қиймати тавсия этилияпти (энг кичигими, ўртачасими, энг каттасими) ва бунда заготовканинг ўлчамлари қандай аниқланғанлиги мавхумлигича қолади. Бундай маълумотларнинг йўқлиги бу усулнинг амалий қийматини пасайтиради.

Металлга ишлов бериш самарадорлигини ошириш йўлидаги интилишлар, моддий, меҳнат ва энергетик ресурсларни иқтисод қилиш йўлидаги интилишлар ва ишлов бериш шароитларини конкретлаштириш натижаси қўйиладиган қатламни кичиклаштиришга олиб келади. Бунда мазкур ишлаб чиқариш шароитидагина амалда бўлган омилларнинг таъсирини ҳисобга олиб, уларни дифференциаллашган тарзда таҳлил қилишга асосланади. Бу усул илфор усуллардан бўлиб, ишлаб чиқаришга жуда яқин бўлган шароитни моделлаштиришга имкон беради. Ҳисоб-китоб усулининг асосчиси В.М. Ковандир. Аналитик ва эҳтимолий-статик усуллар ҳам ҳисоб-китобий ҳисоланади.

Аналитик усулда турли ишлов бериш усулларини таҳлил қилишда оралиқ қатламни белгиловчи турли омиллар аниқланади. Цилиндрик юзанинг диаметрига минимал қатлам қўйидаги ифода билан аниқланади:

$$2Z_{\min} = 2 \left[(2R_z + h)_{i-1} + \left| \vec{P}_{i-1} + \vec{\varepsilon}_{yi} \right| \right]$$

бу ерда R_z – элементар ишлов берилаётган юзанинг ғадир-будурлик параметри, h_{i-1} – юза қатламдаги дефектнинг чуқурлиги;

\vec{P}_{i-1} - аввалги ишловдан қолган фазовий четга чиқишларнинг жамланма қиймати (цилиндрик юзалар учун вектор катталик);

$\vec{\varepsilon}_{yi}$ - бажарилаётган ўтишдаги заготовкани ўрнатиш хатолиги (цилиндрик юзалар учун вектор катталик).

Юзаларга ишлов беришда айланувчи векторлар \vec{P}_{i-1} ва $\vec{\varepsilon}_{yi}$ исталган бурчак ҳолатини эгаллаши мумкин, уларни олдиндан кўришнинг имкони йўқ. Шу сабабли векторлар кўшилуvinинг эҳтимолий қийматини квадрат илдиз қоидаси бўйича бажариш мумкин.

$$\left| \vec{P}_{i-1} + \vec{\varepsilon}_{yi} \right| = \sqrt{P_{i-1}^2 + \varepsilon_{yi}^2} .$$

Юзаларга ишлов беришда векторларнинг йўналиши ишлов берилаётган юзаларга тик йўналғанлиги ҳам назарда тутилади, шу сабабли

$$Z_{i_{\min}} = (R_z + h)_{i-1} + P_{i-1} + \varepsilon_{yi},$$


Шу нарсани қайд этиш керакки, барча ҳолларда $f(P_{i-1} = \varepsilon_{yi})$ қиймат заготовканинг ишчи минтақасидаги юза жойлашувининг амалда сурилишини белгилайди. Шу сабабли тайёрлаш жараёнининг аввалги ўтишдаги ҳосил бўлган силжиши (биринчи ўтишда бу заготовканинг силжиши) ва ε_{yi} нинг ишчи минтақасидаги силжиши ҳам ҳисобга олинади. Шубҳасиз, сабабли ε_{yi} ни ишлов берилаётган ўлчамнинг жами хатоликларида ҳам, ишлов беришга қўйиладиган қатламда ҳам ҳисобга олинади.

Ўлчамни копировка қилиш кузатилгани учун қуйидаги муносабатга эга бўламиз (27-расм):

$$D_{i-1 \min} - D_{i \ min} * 2Z_{i \ min} .$$

Бу ерда D –элементар юза диаметри.

Бу муносабатдан $D_{i-1 \ min}$ ни аниқлангандан сўнг $2Z_{i \ min}$ ни



27-расм. Ишлов беришга =ыйиладиган =атламни аналитик усулда ани=ланганда $Z_{i \ min}$ ни щисоблаш

юқоридаги ифодадан аниқланади. Сүнгра $D_{i-1\max}$ топилади, яъни

$$D_{i-1\max} * D_{i-1\min} * TD_{i-1}$$

Бу ерда $TD_{i-1} - D_{i-1}$ ўлчам қўйими.

Ҳисоб - китобнинг тўғрилиги қўйидаги формуладан текшириб кўрилади.

$$D_{i-1} - D_{i\max} * D_{i\min} * TD_{i-1} - TD_i * 2Z_{i\max} - 2Z_{i\min},$$

$$\text{Бунда } 2Z_{i\max} * D_{i-1\max} * D_{i-1\min}$$

Шу нарса эътиборга лойиқки, аналитик усулда ташқи юзалар учун минимал қиймат ҳисоб-китоб қилинса, ички юзаларда эса максимал қиймат ҳисоб-китоб қилинади. Бу усулдаги барча омилларнинг қиймати статик тадқиқотлар бўйича аниқланган бўлиб, маълумотномаларда келтирилади. Аналитик усулда умумий олинадиган қатлам қўйидагича аниқланади.

$$Z_0 * \sum_{i=1}^n Z_{i\min}.$$

Юқоридагига асосан аналитик усул асосини максимум-минимум усулидан иборат деб ҳисоблаш мумкин.

Ишлов беришга қўйиладиган қатламни эҳтимолий статик аниқлаш усули аналитик усулнинг ривожланишидир деб қараш мумкин. Аммо бунда заготовкада ишлов беришга қўйиладиган қатлам ва ўлчамларга таъсир қилувчи омилларни тадқиқот қилиш ва ҳисоблаш эҳтимоллик назарияси асосида бўлиб, назарий жиҳатдан ўзини оқлаган, шунингдек натижалари амалиётга анча яқин. Аввалгидек статик усуллар ишлаб чиқариш шароитидаги эксперимент натижалари таққиқот қилиш ва умумлаштириш учун фойдаланилган. Статик усулдан фарқли равишда бунда хulosалар фақатгина қатламга таъсир қилувчи омилларнигина ўз ичига олмасдан, балки меъёрий шартлар умумий қатлам ва оралиқ қатламлар қийматларини, жумладан детал ва заготовкалар тайёрлаш аниқлигини таъминловчи меъёрларни ҳам ўз ичига олади. Бу эса жиддий равишда технологик лойиҳалашни ойдинлаштиради, заготовка ўлчамларини асосли бўлишини таъминлайди. Шундай қилиб бу усулда технологик лойиҳалашнинг барча варианtlарини ойдинлаштириш мумкин.

Умуман олганда машинасозликда қўпгина детал ва узелларда қўйиладиган қатламнинг қийматини танлаб олишда ишлов бериш аниқлиги ва ғадир-будурликка қараб олинади. Жадвалда мисол тариқасида дастлабки ғадир-будурлик $R_a * 0,16-0,63$ мкм дан кам бўлмаган якуний амалларга бериладиган қатламнинг қиймати талаб қилинадиган аниқлик ва ғадир-будурликдан келиб чиқсан ҳолда берилган. Якуний амалларда олмос ва абразив пасталар кенг қўлланилади ва бугунги кунда янги жуда қаттиқ синтетик материаллар (эльбор, нитрил бор) жуда кенг қўлланилади. Таркиби ва тавсифи бўйича якуний ишлов пасталари турли-тумандир. Донадорлиги бўйича улар дағал-асосий донларининг ўлчами 40-100 мкм бўлиб, дастлабки амаллар учун ва майда донли пасталар донининг ўлчами 5-14 мкм ва нозик пасталарда доннинг ўлчами 1-5 мкм, якуний ва нозик ишлов амалларида қўлланилиб, $R_a * 0,02-0,08$ ва $R_z * 0,025-0,1$ мкм ғадир-будурликни таъминлайди.

7-Жадвал

Якуний ишлов беришга қўйиладиган қатламнинг қиймати.

Талаб қилинадиган ғадир-будурлик, мкм	Ишлов бериш аниқлиги, мкм	Амаллар кетма- кетлиги	Якуний ишлов қатлами, мкм
$R_a = 0,08-0,160$	3,0-5,0	1	0,03-0,05
$R_a = 0,040-0,080$	1,0-2,0	1 2	0,03-0,05 0,005-0,01

$R_a = 0,020-0,040$	0,2-0,5	1 2 3	0,03-0,05 0,005-0,01 0,002-0,003
$R_a = 0,050-0,100$	0,1-0,3	1 2 3 4	0,03-0,05 0,005-0,01 0,002-0,003 0,0005-0,001

Биринчи гурух пасталарини тайёrlаш учун асосан электрокорунд, майдалари учун эса-майда дисперсияли алюминий оксиidi ишлатилади. Шунингдек нормал, ва олий концентрацияли олмос пасталар ҳам қўлланилади.

Ишқаловчи асбоб конуслиги 1:50 бўлган кесгич бўлиб, унга конуслиги худди шундай бўлган кўйлак ўтказилади.

Бунда бўёқ бўйича конус юзаларни қўллаш 75% дан кам бўлмаслиги керак. Буни таъминлаш учун қисқичнинг ташки конус юзасини ва кўйлакнинг ички юзасига ишлов берувчи маҳсус разверткани битта ўрнатишда жилвирланади.

Ишқаловчи асбобнинг ишчи юзаси турлича (нақшли рельефга) эга бўлиши мумкин, бу якуний ишлов унумдорлигига таъсир қиласи.

Кўйлакнинг спирал ўйиги битта спирал қадамли қилиб ясалган бўлиб, 5-50 мм ли притирлар учун 150 мм га тенг. Ўйик кенглиги эса притир ўлчамига қараб 1-2,6 мкм бўлиши мумкин. Притир қўллаш учун одатда кулранг чўян олиниб, таркибини бир хил қилиш учун у куйдирилади.

Якуний ишлов беришда ишлатиладиган пасталар рўйхатини 8-жадвалда кетирамиз.

8-Жадвал

Якуний ишлов беришда ишлатиладиган пасталар.

Ишлов бериладиган материаллар	Эришиладиган ғадир-будурлик R_a мкм	Қўлланиладиган паста
Пўлат Р5,Х12,Ф1ЭИ 928 қаттиқлиги HR C64	0,02-0,16 0,16-0,63	ACM3/2- HOM;ACM5/3HOM; ACM7/5-HOM;ACM10/7- HOM;ACM8/20HOM;
ПўлатЭ18, ШХ15, 12ХНЗА 18x2 НЧВА, 38ХМЮ. қаттиқлиги HRC 64.	0,04-0,16 0,16-0,63	M-7; M-28; M-10; ГОИ-7
Юқорида келтирилган материалларнинг ҳаммаси HRC 41 қаттиқлигига	0,32-1,25	M-33; M-28; M-10; ГОИ-7
Мис асосли рангли қотишималар: ВБ-24; Бр5-2; ВБр-3 ва бошқалар.	0,32-1,25 0,16-0,32	M-33; M-28; M-10; ГОИ-7
Алюминий асосли қаттиқланоланган енгил қотишималар	0,32-0,63 0,08-0,16	ACM20/14-HOM; ACM14/10 HOM; ACM7/5- HOM; ACM3/2HOM
ВТ3-1 титан қотишималар ва бошқалар	0,16-0,32	БП-5В,БП-3В, БП-7В

Ҳар бир донли паста учун алоҳида притир қўлланилиши керак, чунки притирнинг юзаси аввалги ишлатилган пастага мослашиб қолади.

8-мавзу: Резина ва пластмасса деталларнинг технологиябоплиги.

Режа:

- 1. Резина ва пластмасса.**
- 2. Пластмасса деталларнинг технологиябоплиги.**

1.Резина ва пластмасса.

Каучукларнинг асосий массаси, шу жумладан барча синтетик полимерлар ишлаб чиқаришга куйишдан аввал уларни қирқишиш ва идишларга жойлаш каби дастлабки тайёрлов ишларини ўтади. Аммо баъзи синтетик ва натурал каучуклар декристаллаш ва пластикациялаш каби қўшимча ишлов талаб қиласди, чунки кристалл фазалари борлиги сабабли, юқори мустаҳкамлик ва қаттиқликка эга ва резина аралашмаларини қайта ишлашда техник хусусиятлари молекуляр вазнининг юқорилиги сабабли қониқарсиз.

Декристаллаш бу кристалланиш фазасининг эриш ҳароратидан юқорироқ ҳароратгача қиздиришдан иборатдир. Бу ҳарорат изопрекли натурал ва синтетик каучуклар учун 40....50⁰С га тенг.

Узлуксиз таъсир этувчи ҳаво камераларида каучукларни декристаллаш ва қиздириш вақти 6 соатни ташкил этади.

Каучукларнинг молекуляр вазнини талаб даражасигача камайтирадиган қўшимча амал пластикация деб аталади. Бунинг натижасида, каучук ва ундаги эритмаларнинг пластиклиги ортиб қовушқоқлиги камаяди. Натурал каучук сарфи кам бўлганда, унинг пластиклиги жўваларида ўртacha бўлганда резина алмаштиргичларда, шина саноатида эса катта миқдордаги пластикат елим учун юқори унумдор червякли пластикаторлар ишлатилади (энергия сарфи 1кг каучук елим учун 0.214 квт соат)

Макромолекулаларни тиклаш каучукнинг пластиклик хусусиятларининг йўқотишига ва эластиклик хусусиятини олиши вулканизация дейилади. Вулканизация юқори ҳароратлар олтингугурт ва унинг бирикмаларининг кимёвий бирикиши билан амалга оширилади.

Каучуда эриган кислород вулканизация давомида занжирнинг барбод бўлишига ва кўндаланг алоқалар ҳосил бўлишига ёрдам беради.

Вулканизациялашда энг маъкули ёки энг яхшиси унинг мустаҳкамлиги, чўзилишдаги модули, ишқаланишга бўлган қаршилиги хисобланади. Одатда, тўлиқ вулканизацияланмаган резинадан фойдаланишга ҳаракат қилинади.

Умумфойдаланиладиган вулканизациялаш жиҳозларнинг асосийлари қўйидагилар:

- 1) Вулканизациялаш қозонлари;
- 2) Вулканизациялаш пресслари;
- 3) Автоклав пресслари.

Вулканизациялаш жиҳозларнинг маҳсус турларига қўйидагилар киради:

- 1.Покришка ва камераларни якка ҳолда вулканизациялаш;
- 2.Покришкаларни вулканизациялаш форматерлари;
- 3.Покришкаларни вулканизациялаш учун автоклавлар;
- 4.Транспортер ленталари ва текис ҳаракатлантириш учун вулканизациялаш пресслари;
- 5.Понасимон ременлар учун вулканизациялаш пресслари;
- 6.Резина қопламали матолар учун вулканизациялаш камералари;
- 7.Резина ленталари ва ҳаракатлантирувчи текис тасмалар учун барабанли вулканизаторлар;

8.Буюмлар ишлаб чиқариш учун вулканизациялаш камералари;

9.Шаклли буюмлар учун карусел пресс тери автомат.

Пресс вулканизациялаш таъсир қилувчи асосий омиллар яратилаётган буюмдаги ҳарорат ва босим ишчи муҳитдир.

Резина деталларни вулканизациялашда ҳарорат асосан 140-170⁰ С ни ташкил этади. Айрим ҳолларда эса 190-200⁰ С ҳарорат ортганда вулканизациялаш давомийлиги камаяди.

Күпгина буюмлар 0,5.....5 МПа босим остида вулканизацияланади, бунда ғовак бўлиб қолишдан ҳоли бўлиб, буюмнинг ташқи кўриниши яхшиланади.



а

б

Мураккаб шаклии деталлар айланиш жисмлари арматурали металл пресслар формаларда, юқори босим остида резина аралашмасини даврий равишда шакллантириш билан тайёрланади. Қиздириш резина аралашмасини совук прессга ёки совук резина аралашмасини иссиқ пресс формага пресслашни–совуқшакллантириш, қиздирилган аралашмани қиздирилган пресс формаларга солиб пресс slab шакл олишни *иссиқ шакллантириши* дейилади.

Резина буюмларнинг ва пресс формаларининг тузилиши даврий шакллантириш жараёнларининг маҳсуслигини белгилайди.

Резина қотишмаларининг бикорлиги керакли пресслаш босимини ҳисоблашда инобатга олинади: юмшоқ қотишмалар учун (қовушқоқлиги 100^0 С да Муни бўйича 60 бирликдан кам).

Шакл бўшлиғида қотишмага бўлган босим $2.....2,5$ МПа ни, қаттиқ қотишмалар учун эса $7.....10$ МПа ни ташкил этади.

Бугунги кунда резина деталларини ишлаб чиқишининг икки йўналиши истиқболли ҳисобланади-кукунсимон каучукларини қўллаш ва буюмларни суюқ каучукдан тайёрлаш. Кукунсимон каучуклардан фойдаланишнинг афзалиги ишлов беришнинг биринчи босқичларида намоён бўлади, яъни резина қотишмаларини тайёрлашда. Ундан кейин технологик жараёнлар эса анъанавий усуллар бўйича давом этади. Резина буюмларини қаттиқ (а) ва суюқ (б) каучуклардан тайёрлашни схема кўринишида келтириш мумкин.

Суюқ каучукларни қайта ишлаш фақатгина маҳсус жиҳозлардагина амалга оширилиши мумкин. Суюқ каучуклар қовушқоқлиги 30^0 С да қаттиқ каучукларни қуйиб вулканизациялашдаги қовушқоқлигидан 150^0 паст, шу сабабли суюқлау чук асосидаги композицияларни босим остидаги қўйишда одатдаги резина қотишмаларини қўйишга қараганда камроқл куч талаб қиласди.

Суюқ каучукларни қуиши учун 30^0 С ҳароратда 4 МПа босим талаб қилинса, оддий аралашмаларга босим остида ишлов бериши учун 150^0 С ҳароратда 140 МПа босим талаб қилинади.

Резина саноатида арматура воситаси сифатида түқимачилик маҳсулотларидан пишишилган ип мато, трикотаж ва металл буюмлардан-сим, симтүр, тростлари ишлатилади.

Турли навли ва ўлчамли металл симтүрлар ва симлар, шиналар ва шланглар тайёрлашда кенг қўлланилади.

Металл оплёткали резина шлангларда совуқ ҳолда жўваланган пўлат сим ишлатилади. Диаметри 0.3 мм бўлган пўлат симнинг мустаҳкамлик чегараси $(2,10\dots 2,55)*10^9$ Па атрофида бўлади.

13та сим тўқимида иборат симнинг узилиш кучланиши-7.0 кН., 17та сим тўқимида 9.1 кН., 21та сим тўқимида эса 11.82 кН.

Резинани қисқа толалар билан тўлдириш резина буюмлар ва шиналар тайёрлашда янги материаллар яратишнинг илғор ўйналишларидан саналади.

Ичи бўш резина буюмларни ҳисоблашда қобиқда ҳосил бўладиган кучланиш унинг қалинлиги бўйича бир текисда тақсимланади ва шу сабабли эгувчи моментлар нолга тенг деб ҳисобланади, шунинг учун, қобик қанча юпқа бўлса қалинлиги бўйича кучланишнинг тенг тақсимланиш қонунияти ҳақиқатга шунчалик яқин бўлади.

Валлар учун резинадан тайёрланган арматурали манжетлар учун параметрларнинг чегаравий қийматлари қуидагида бўлиши мумкин:

-айланма тезлик 25.4 м/с (айланыш частотаси $10\ 000 \text{ мин}^{-1}$);

-ҳарорат 60^0C дан 200^0C гача, босим 2.11 МПа , тепиш 1.5 мм атрофида бўлади.

Бир ёқлама контактда бўладиган манжетда $F_{\text{рад}} - \text{радиал кучланиш}$:

$$F_{\text{рад}} = F_c [F_{\text{пр}} + F_d]$$

бу ерда F_c -манжетнинг валдаги тарангланиши ҳисобига ҳосил бўладиган таранглик;

$F_{\text{пр}}$ -халқасимон спирал пружинанинг қисиши кучи;

F_d -зичловчи муҳит таъсиридан ҳосил бўладиган кучланиш.

Ҳарорат атроф-муҳитга манжетнинг иш жараёнида асосан вал юзаси орқали узатилади.

Вал юзасининг ҳарорати қуидаги аниқланади:

$$t_{\text{юза}} = \frac{P_{\text{рад}} * \mu_{\text{пр}} * v}{427 * \alpha * d_b * l_b} + t_0$$

бу ерда $P_{\text{рад}}$ -Рад-Г_b-контакт юзаларга бериладиган умумий кучланиш;

$\mu_{\text{пр}}$ -ишқаланиш коэффициенти;

v -айланма тезлик;

α -иссиқлик бериши коэффициенти, $0.3 \text{ кВт/м}^2, {}^0\text{C}$.

d ва I_b –валнинг актив қисми (иссиқлик ўтказувчи қисми, $I_b=5 \text{ db}$);

t_0 -атроф-муҳит ҳарорати.

2. Пластмасса деталларнинг технологиябоплиги.

Пластмассадан ясалган деталлардан конструкциясини ишлаб чиқишида тайёр детал қолипдан чиқишини қийинлаштирадиган юзалар бўлмаслигига ҳаракат қилиш керак. Бунинг иложи бўлмаса, қолипни қўшимча қисмларга ажralадиган қилиб ясашга тўғри келадики, натижада ишни қимматлаштириб юборади.

Пластмасса деталларнинг бурчаклари қиррали ва ўткир бўлмаслиги керак. Бундай жой силликланиб думалоқ қилиб ясалади. Шунда қўйилган материал қолип ичидаги яхши оқади, бўшлиқни тўлдиради, детал ҳам мустаҳкам ва дарз кетмай ясалади. Детал деворларида кескин ўзгариш ҳам бўлмаслиги керак, акс ҳолда детал буралиб кетиши ёки дарз ҳосил бўлиши мумкин. Яна детал конструкцияси шундай бўлиши керакки, қолипни очганда деталда қотиб қолган ғадуруни осонгина кесиб ташлаш мумкин бўлсин.

Пластмасса деталларнинг ичига қўйиладиган ўзак бир томонлама жойлашиб қолмаслиги лозим, акс ҳолда детал буралиб қолади ёки дарз ҳосил бўлиши мумкин. Юпқа деворли

пластмасса деталларга ўзак кўйиш тавсия қилинмайди, чунки пластмассаларнинг кенгайиш коэффициенти металл ўзакларнига қараганда 10 марта ортиклигидан детал ёрилиб кетади. Агар детал конструкциясида мустаҳкамликни ошириш мақсадида қовурғалар қилинадиган бўлса, эриган пластмасса бўйлаб йўналтириш керак. Деталнинг очиқ кўндаланг юзи периметр бўйича жўякли қилиб ишлаш керак, акс ҳолда ўша жойлар ёрилиб кетиши мумкин.

9-мавзу: Деталлар заготовкаси юзасига ишлов бериш.

Режа:

- 1. Усулларни умумий тавсифи.**
- 2. Тифли асбоблар билан ишлов бериш.**
- 3. Жилвир асбоблар ёрдамида ишлов бериш.**
- 4. Пластик деформация усули билан ишлов бериш.**

1.Усулларни умумий тавсифи.

Деталнинг берилган шакли, ўлчамлари, юзаларининг жойлашуви ва ғадир-будурлиги, физик-механик хоссалари каби омилларига эришиш учун замонавий машинасозликда турли ишлов усуллари қўлланилади. Булар-тифли ва жилвир (абразив)асбоблар билан кесиш, юза бўйлаб пластик шакл ўзгартириш, электрофизик, электрокимёвий, иссиқлик ва бошқа усуллардир. Заготовкага ишлов бериш кўйим турли амалларда оз-оздан олинади, у босқичмабосқич камая бориб, пировардида, ишлов берилаётган юзанинг ўлчамлари чизмада кўрсатиласган миқдоррга тенг бўлиб қолади, ишлов ҳам тугайди. Шу тартиб жиҳатдан заготовкага ишлов бериш бир неча хил бўлади: дағал, (черновой), ярим тоза, тоза, нозик (юпқа), пардоз. Қўйида ушбу хилдаги ишловларнинг тавсифи бажарилиш тартибида келтирилади.

Дағал ишлов 16-18 квалитет аниқлиқдаги болғаланган ва қўйилган йирик заготовкалар учун қўлланилади. У дағал ишланган заготовкадаги шакл хатоларини ва фазовий оғишлиарни камайтиради. Натижада аниқлик 15-16 квалитетта яқинлашади, юза ғадир-будурлиги $R_a > 100$ мкм бўлади.

Хомаки ишлов дағал ишловдан чиқсан ҳамда 2-3 гурӯх аниқлиқдаги штампланган ва 15-квалитет аниқлиқдаги қўйма заготовкаларга берилади.у ишловнинг аниқлиги 12-16 квалитет, юза ғадир-будурлиги эса $R_a \leq 100-25$ мкм ораликларида бўлади.

Ярим тоза ишлов хомаки ишлов жараёнидан қолган қўйимни олиш учун қўлланади. Заготовканинг аниқлигига катта талаблар қўйилган бўлса, ҳар бир амалга берилган қўйимни камайтириб, амаллар сонини кўпайтириш, масалан, ярим тоза ишлов қўшиш керак бўлади. Унинг аниқлиги 11-12 квалитет, юза ғадир-будурлиги $R_a \leq 50-12,5$ мкм. Тоза ишлов катта аниқлик талаб этадиган деталларга қўлланилади ва яқунловчи ишлов бўлиб қолиши мумкин. У аниқ усуллар билан (юқори аниқлик билан қўйиш, аниқ штамплаш ва шу кабилар) тайёрланган заготовкаларга бир марта берилади; кейинги-нозик ишлов аниқлиги 8-11 квалитет, юза ғадир-будурлиги $R_a = 12,5-2,5$ мкм.

Нозик ишлов заготовка юзаси юқори даражада аниқ бўлишини таъминлайдиган ишлов хилидир. Жуда оз миқдорда қолган қўйимни жуда ҳам оз-оз миқдорда олиб ташлайди, шунинг натижасида юқори даражадаги аниқлик таъминланади. Юза ғадир-будурлиги $R_a = 2,5-0,63$ мкм.

Пардозловчи (финиш) ишлов заготовка аниқлигига (ўлчамига) деярли таъсир этмайди; таъсир этганда ҳам, ўзидан олдинги ишловнинг жоизлиги чегарасида бўлади; юза ғадир-будурлиги $R_a = 0,63-0,16$ мкм.

Қўйида энг кўп қўлланиладиган ишлов усуллари (асосан, узил-кесил ишлов) ҳақида маълумот берилади. Бу усуллар деталлар заготовкаси юзасининг аниқлиги ва сифатини шакллантиради: тифли ва жилвир (абразив) асбоблар билан ишлов, юза бўйлаб пластик шакл ўзгартириш, электрофизик ва электрокимёвий ишлов.

Тиғли ва жилвир асбоблар билан ишловда заготовка кесилади, қирилади ва булар-хозирги замон машинасозлигіда әнг қўп тарқалған усуллар ҳисобланади. Бу усулларни алоҳида-алоҳида ўрганған маъқул, чунки тиғли асбоблар билан катталиги HRC45 гача бўлған, қирувчи асбоблар билан эса, яна ҳам каттиқроқ металларга ишлов бериш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ. Баъзи ҳолларда ўта қаттиқ синтетик материалдан ясалган тиғли асбоблар билан қаттиқлиги HRC 45 дан ортиқ бўлған металларга ишлов бериш мумкин.

2. Тиғли асбоблар билан ишлов бериш.

Бу асбоблар билан ишлов беришни кенг тарқалған тоза ва нозик (юпқа) ишлов хилларида: кескич ёрдамида юпқа қириш, юпқа фрезалаш, развёртка ёрдамида юпқа кенгайтириш, юпқа сидириш (протягивание), шевинглаш мисолларида кўриб чиқамиз.

Нозик (юпқа) қириш (кенгайтириш ва торайтириш) ишлови берилаётган заготовка юзасини билинг-билинмас ғадир-будурликка олиб келиб, юқори даражадаги аниқликни таъминлайди. Юпқа кенгайтириш ва торайтириш катта кесиш тезлигига бажарилиб, жуда ингичка қириндиди юзадан олиб ташлайди. Юпқа қириш тезлиги заготовка материалига қараб 100-1000 м/мин оралиқда бўлади. Тезлик чўян заготовка учун 100-150 м/мин, учун 150-250 м/мин, рангли металл қотишмалари учун-1000 м/мин ва ундан юқори. Кескичнинг сурилиши хомаки ўтиш (кесиш) учун 0,15 мм/айл, яқунловчи ўтиш (кесиш) учун 0,01 мм/айл. Шуларга мос ҳолда кесиш чуқурлиги 0,2-0,3 ва 0,05-0,01 мм чегараларда олинади.

Қиринди жуда ингичка бўлганидан кесиш кучи кам бўлади, заготовка ҳам қаттиқ қизиб кетмайди. Шунинг учун юзада деформацияланган қатлам ҳосил бўлмайди, заготовкани дастгоҳга ўрнатиб қўйишда катта куч талаф қилинмайди. СМАД тизими ҳам кесиш кучларига қаттиқ қаршилик кўрсатмаслиги натижасида детал ишлови аниқ чиқади. Кўрсатилган хусусиятларига кўра нозик (юпқа) қириш 6-8 квалитет аниқликни таъминлайди, рангли металлар ва уларнинг қотишмаларидан тайёрланган заготовкаларга ишлов берганда 5-6 квалитеттага эришади. Юза ғадир-будурлиги қора металл заготовкаларда $R_a=2,5-0,63$ мкм, рангли металл қотишмаларидан $R_a=0,32-0,16$ мкм.

Юпқа қирқиб кенгайтириш деб, тешикларга ишлов беришни айтилади. Масалан, думалаш ва сирпаниш подшипниклари тешиги, узатмалар қутиси ва орқа кўприкдаги тешиклар, шатун тешиги, двигателлар ва компрессорлар цилиндрни ва шу каби тешиклар қириб кенгайтирилади.

Юпқа қириб торайтириш бирмунча камроқ тарқалған; цилиндрсизмөн юзаларга шундай ишлов берилади. Масалан, турли ўқлар, двигатель поршенинлари ва шу кабилар.

Юпқа (нозик) қириш хонинглаш, суперфиниш, жилолаш каби ишловлардан олдин юқори тезлиқда (10-15 минг айл/мин) ишлайдиган, юқори аниқлик ва бирликка (шпинделнинг радиус бўйича уриши 0,005 мм дан кам) эга бўлған дастгоҳларда бажарилади. Нозик қириш бир ёки қўп шпинделли, шпинделларнинг жойлашуви бир, -икки ва уч томонлама станокларда бажарилади. Стонокнинг барча гидравлик усулда сурилиши, кескичларнинг ўзи қаттиқ қотишма, олмос, эльбор ва бошқа-еъилишга чидамли материаллардан тайёрланган бўлиши керак.

Юпқа фрезалаш заготовкаларнинг очиқ, текис юзасига ишлов беришда, кўндаланг юзаси билан қирадиган фрезалар ёрдамида бажарилади. Фреза тахминан 0,0001 киялик билан ўрнатиладики, бундан мақсад-кесишда иштирок этмаётган тишлар ишлов берилган юзага тегмасин. Юпқа фрезалашда юзадан 0,2-0,5 мм қалинликдаги қатлам олиб ташланади. Фрезалаш аниқлиги; 1м узунликда текислик 0,02-0,04 мм оралиқда оғади, юза ғадир-будурлиги $R_a=2,5-0,63$ мкм оралиқда бўлади.

Развёртка ёрдамида кенгайтириш ҳам тешикларга ишлов беришда қўлланади.

Развёртка – таёксимон асбоб бўлиб, муайян бир ўлчам учун битта тайёрланади. Унинг бутун узунаси бўйлаб битта, айланаси бўйлаб бир неча кескич қирралар чиқарилган бўлиб, хомаки ишланган тешикка бир учи билан киритилади ва айлантирилади, Айни пайтда, тешик ўки бўйлаб ичкарига киритилади. Шу зайлда тешик развёртканнинг диаметри қадар кенгаяди. Развёрткалар ҳар бир ўлчам учун биттадан тайёрланганидан ташқари, нозик ва дағал ишлов

учун мўлжалланганлари ҳам бор. Юпқа кенгайтириш учун мўлжаллангани оддий развёрткаларга қараганда юқори даражада аниқлиги ва юза ғадир-будурлигини анча камайтириш билан фарқ қиласди. Бироқ, тешикнинг ўқи оғиб кетган бўлса, развёртка тузата олмайди, чунки у бошланғич тешик бўйлаб харакат қиласди ва симметрик равишда қириб бораверади. Юпқа развёрткалаш 5-7 квалитет аниқликни таъминлади, юза ғадир-будурлиги $R_a \leq 1,25-0,63$ мкм бўллади. Бу усул нисбатан қиммат ва ишлаб чиқаришда қийинчилик туғдиради. Юпқа қириш учун развёртка тайёrlаганда диаметр жоизлигини 5-квалитет аниқликдаги жоизликнинг 0,6 улушигача қабул қилинади. Юпқа қўйимни қирадиган развёртканинг тиғларини жуда авайлаш керак, акс ҳолда ундан кейин ғадир-будурлик ошиб кетади, аниқлик пасаяди.

Дағал развёрткалаш тешик пармалаб очилганидан ва зенкерлангандан кейин ёки дағал ва юпқа кесиб кенгайтиргандан кейин бажарилади. Юпқа ва дағал развёрткалаш аниқлиги 8-9 квалитет, ғадир-будурлиги $R_a = 2,5$ мкм; тоза развёрткалаш аниқлиги 6-7 квалитет, ғадир-будурлиги $R_a = 1,25$ мкм; юпқа развёрткалаш аниқлиги 5- квалитет, ғадир-будурлиги $R_a = 0,63$ мкм.

Сидириш (протягивание) заготовканинг ички ва ташки юзаларига нозик ишлов бериш усулларидан ҳисобланади. Кўндаланг кесими турлича (доира, квадрат, кўпбурчакли, тишлишилицали, шунингдек, турли ариқча ва чукурчалар) тешикларни сидириш-ички сидиришга киради. Текисликларни, мураккаб бичимли юзаларни сидириш - ташаки сидириш дейилади.

Текис цилиндр тешикларни сидириш 6-9 квалитет аниқликни ва $R_a = 2,5-0,63$ мкм ғадир-будурликни таъминлади. Тешикларни тоза сидиришда асбобнинг кескичлари диаметри 0,02-0,04 мм га ортиб боради. Бир тўпи 100та бўлган заготовкаларнинг тешигига ишлов беришда одатдаги ишлов: пармалаш, зенкерлаш ва развёрткалаш ўрнига сидириб ишлов бериш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлади. Ташки юзаларни сидириш 11- квалитет аниқлик беради. Сидириш горизонтал ва вертикаль, ҳаммабоп ва маҳсус автоматлар ва ярим автоматларда бажарилади.

Тешикни силлиқлаш сидиришга ўхшаган ишлов тури, лекин у нисбатан калтароқ асбоб ёрдамида бажарилади. У ишлов бериладиган тешик ичидан пресс ёрдамида итариб ўтказилади. Бу усул якуний ишлов бўла олади, 6-квалитет аниқлик ва $R_a = 1,25-0,63$ мкм ғадир-будурлик беради.

3. Жилвир асбоблар ёрдамида ишлов бериш.

Қуйидаги жараёнларни кўриб чиқамиз: силлиқлаш, хонинглаш, ишқалаб мослаш, жилолаш, суперфиниш ва микрофиниш.

Силлиқлаш цилиндр, текис ва мураккаб шаклли юзаларга дастлабки ва якунловчи ишлов бериш усули сифатида машинасозликда кенг қўлланади; 5-7 квалитет аниқлик ва $R_a \leq 1,25-0,08$ мкм ғадир-будурликни таъминлади; силлиқловчи станоклар ёрдамида бажарилади.

Детал силлиқлаш қўйма ёки қиздириб штампланган тайёrlанган заготовкаларда асос (база) юзасини ҳосил қилиш учун қўлланади. Бундай силлиқлаш билан сезиларли қўйимни (1 мм ва ундан кўпроқ) олиб ташланади, шунинг учун йирик донали (80-125), сегмент чархтошлар ишлатилади, у қалингина қатламни олади, ғадир-будурликни $R_a = 2,5-1,25$ мкм га туширади. Бундан ташқари сегмент чархтош ишлов бериладиган юза билан яхши туташганидан унумдорлик юқори бўлади.

Ўлчамга мослаб силлиқлаш серияли ва ялпи ишлаб чиқаришда, олиб ташланадиган қатламга ва юзага қўйилган талабларга қараб, бир ёки икки амалда бажарилади. Бир амаллик ишловда диаметр бўйича 0,2-0,6 мм қатлам (қўйим), икки амалда – 0,6-0,8 мм қатлам олинади. Юзага жуда юқори талаблар қўйилса, юпқа силлиқлаш амали қўлланади, у диаметр бўйича 0,04-0,08 мм олади.

Шундай қилиб, силлиқлашда дастлабки, якунловчи ва зарур бўлганда, юпқа силлиқлаш амаллари бўллади. Амаллар самарали бўлиши учун силлиқловчи чархтошни тўғри танлаш керак. Унинг донадорлиги ишлов берилаётган юзанинг сифатига бўладиган талаблар ва технологик жараённинг самарадорлиги орқали аниқланади. Йирик донали чархтош билан

силлиқлашда чархтошнинг иш унуми юқори, солишири мағлубиятта сарфи эса кам бўлади, бироқ юза сифати пастроқ юради.

Силлиқлашнинг турли амаллари учун қўлланадиган чархтошнинг донадорлиги бўйича қўлланиш чегарасини таҳминан аниқлаш мумкин. Дастреба силлиқлашда донадорлик 40-80 бўлиши керак, шунда юза ғадир-будурлиги $R_a=1,25\text{--}0,63\text{ мкм}$ бўлади. Якунловчи силлиқлашда донадорлик 12-40 ($R_a=0,63\text{--}0,16\text{ мкм}$) ва юпқа силлиқлашда донадорлик 6-10 ($R_a=0,08\text{ мкм}$) бўлади силлиқловчи чархтошнинг бошқа кўрсаткичлари ишлов берилаётган заготовканинг физик-механик хоссаларидан келиб чиқади.

Анъянавий қиравчи доналардан ясалган чархтошлар билан бир қаторда металли ва органикали бириктирувчиларга олмос ва эльбор зарралари қўшиб тайёрланган чархтошлар ҳам кенг қўлланади. Бу чархтошларда қиравчи доналар чархтошнинг доираси юзаси бўйлаб 1,5-2,5 мм қалинлиқдаги қатламда жойлашади. Металл боғловчили чархтошларни қаттиқ қотишмаларга, шишага, керамика ва шу каби бошқа материалларга ишлов беришда, органик боғловчили чархтошларни- мўрт ва ўта қаттиқ материалларни юпқа силлиқлашда қўллаш тавсия этилади.

Юпқа силлиқлаш бошқаларидан жуда юпқа қатламни олиб ташлаш билан фарқланади-дастгоҳ столи бир марта юрганда ёки заготовка бир марта айланганда 0,005 мм гача қатлам шилинади. Буюмнинг ҳаракат тезлиги 10-20 м/мин бўлса кесиши тезлиги 30-40 м/с. ишлов жараёнида кўндаланг ҳаракат тугагач, ғилдирак ишлов берилаётган юзадан 5-10 марта ўтказилади. Цилиндр, ясси ва мураккаб юзаларнинг аниқлиги дастлаб 6-8 квалитет бўлса, юпқа силлиқлашдан сўнг 5-6 квалитетга етади.

Юпқа силлиқлаш ишлов берилаётган юзанинг хатосини сезиларли даражада тўғрилайди. Масалан, дастлабки хато 30-50 мкм бўлса, ишловдан сўнг 10 мкм гача камаяди; 2,5-5 мкм гача тўғрилаши мумкин; юза ғадир-будурлигини ГОСТ 2789-73 бўйича таҳминан уч класс пасайтиради.

Ташқи цилиндр юзаларни силлиқлашда 24A40CM1-C2 русумли жилвир ғилдирак кенг қўлланади, чунки уни иш жараёнида майда донали ғилдиракларга қарагандан кам ёғ босиб кетади.

Юпқа силлиқлаш кўпгина ташқи юзалар учун қўлланади. Тешикларга юқори аниқлик билан ишлов беришда тежамлироқ усуллар (юпқа қириш, юпқа развёткалаш, хонинглаш ва х.к.) қўлланади. Қиравчи чархтошни вақти-вақти билан мувозанатлашга катта эътибор берилади. Чархтош айланиб турган пайтда (ишлашдаги тезликка яқин) стробоскопик қурилма ёрдамида статик мувозанатлаш яхши натижалар беради.

Чархтошни тишлашиши билан унинг ишчи юзаси шакли ва микропрофилли, кесиши қобиляти тикланади. Тишлашиш махсус қисқичга ўрнатилган олмос донаси, олмос қалам, олмос ғўлача ёки олмос пластина ёрдамида амалга оширилади. Йирик серияли ва ялпи ишлаб чиқариш шароитларида автоматлар ёрдамида амалга оширилади. Чархтошни олмос билан кўндаланг суриш бир мартасига 0,05-0,01 мм бўлади.

Юпқа силлиқлаш жараёни совитувчи суюқликни кўп талаб қиласи. Бундан ташқари суюқлик яхши фильтранган бўлиши керак, акс холда чархтош зарраси ёки металл қириндиси ишлов минтақасига тушиб қолиши мумкин. Йирик гурухли ва ялпи ишлаб чиқаришда юпқа силлиқлаш яримавтомат ва автомат тарзда бажарилади.

Хонинглаш-жилвир қайроқчалар билан тешикларга тоза ишлов бериш жараёнидан иборат; тешик шаклини катта аниқликка етказади, юзаси ғадир-будурлигини сезилар-сезилмас даражага олиб келади ва кам деформацияланган қатлам қолдиради. Бироқ, тешик оғиб кетган бўлса, хонинглаш уни тўғрилай олмайди. Бу ишни олдинги ишловда тўғрилаш лозим бўлади.

Хонинглаш цилиндрический махсус каллак (хон) ёрдамида бажарилади. Унинг ичига радиус йўналиши бўйича бир текис кенгая оладиган қилиб қайроқчалар ўрнатилган. Каллак қайроқчалари билан бирга тешик ичидаги бориб келиб ва айни пайтда, айланиб туради. Натижада тешик юзасида ингичка излар тўр ҳосил қиласи. Детал ишлаётган пайтда тўр ичини мой қоплаб олганидан ишқаланишини ва ейилишни камайтиради. Автомобил ва

трактор двигателларининг цилиндрлари, цилиндрлар блокидаги вкладишлар ўрнатиладиган тешиклар, станокларнинг орқа бабкасидаги пинол тешиги, ҳавони сиқиб ҳайдаб берувчи механизм (компрессор)ларнинг цилиндрлари ва ҳ.к. хонинглаш. Бир томони берк тешикларга ҳам ишлов бериш мумкин, факат, бунда қайроқчалар ҳаракатини чекламаслик мақсадида халқа ариқча қолдириш керак.

Хонинглашнинг ҳозирги замон даражасида диаметри 6 мм дан 500 мм ва ундан каттароқ тешикларга ишлов бериш мумкин. Тешикнинг узунлиги ўз диаметридан кичкина бўлиши ҳам, 1 м ва ундан ортикроқ бўлиши ҳам мумкин. Диаметри унча катта бўлмаган тешикларга ишлов беришда силлиқлашга қараганда хонинглаш самаралироқ. Хон (каллак)нинг қайроқчалари кесиши жараёнида яхши иштирок этади-бир вақтнинг ўзида ишлайдиган қиривчи доналар сони силлиқловчи ғилдиракникига қараганда 400 мартағача кўп, бироқ айланыш тезлиги тахминан 60 марта кам. Узун тешикларга хон билан ишлов бериш унча қийин эмас, консол ҳолда ўрнатилаги силлиқловчи ғилдирак эса СМАД тизимининг бикрлигини анча камайтириб юборади, натижада унумдорлик ва аниқлик пасаяди. Бундан ташқари хоннинг қайроқчалари ишлов берилаётган юзага катта босим бермайди: 0,2-1,5 МПа ($2-15 \text{ кг}/\text{см}^2$); кесиши минтақасидаги ҳарорат $50-150^\circ \text{C}$ оралиқда бўлгани сабабли, деформацияланган қатлам сезмас даражада бўлади.

Хоннинг конструкцияси 28 расмда кўрсатилган. Корпус (1)нинг айланаси бўйлаб тўртта (2) жойлашган. Уларга қайроқчалар (3) ёпиштирилган.


Тутқичлар - сурувчи деталлар (4) га ўрнатилган. Улар марказий таёқчанииг иккита конус юзасига таяниб туради.

Станокнинг гидравлик тизими билан уланган шток (марказий) таёқчани суради. Шунда унинг иккита конусли юзаси сурувчи деталларни ўзи билан бирга ҳаракатга келтиради, натижада қайроқчалар (3) радиус бўйича ташқарига туртиб чиқади ва юза хонингланади.

Қайроқчалар тешикка кирадиган ва ундан чиқадиган пайтда ишлов берилаётган юзага бекордан-бекор тегиб кетмаслиги учун хон корпусида йўналтирувчи тўртта планка ўрнатилган. Планкалар доирасининг диаметри D_1 ишлов берилаётган тешик диаметридан 0,5 мм кичик. Қайроқчалар тутқичи (2) ва сурувчи детал (4) иккита спиралсимон пружина (8) ёрдамида конус юзалар (5)га доим тегиб туради.

Гидравлик тизимдан келаётган куч қайроқчаларнинг ташқарига ҳаракатини таъминлайди холос. Гидравлик босим тўхтагач, пружина (9) конус юзалар (5)ни юқорига кўтаради. Шу пайтда бошқа пружиналар (8) қайроқчаларни ўз ҳолатига қайтаради.


Қайроқчаларнинг узунлиги ишлов берилаётган тешик узунлигининг 0,5-0,75 улушига бўлиши тавсия этилади. Узунлиги диаметридан кичик бўлган тешикларни (халқа, втулка ва ҳ.к. деталлар) хонинглашда қайроқчалар узунлиги тешик узунлигига teng ёки ундан 1,4 марта ортиқ бўлгани маъкул. Қайроқчалар сонини бир вақтда ишлаши керак бўлган қиривчи доналар сонига қараб олинади: 2,3,4,5,6 ва ҳ.к. Майда тешиклар учун ҳатто битта қайроқчали хон тайёрланади. Ишлов берилаётган тешик шаклининг ўқ бўйича кесимдаги аниқлиги қайроқчалар ундан



маъкул. Қайроқчалар сонини бир вақтда ишлаши керак бўлган қиривчи доналар сонига қараб олинади: 2,3,4,5,6 ва ҳ.к. Майда тешиклар учун ҳатто битта қайроқчали хон тайёрланади. Ишлов берилаётган тешик шаклининг ўқ бўйича кесимдаги аниқлиги қайроқчалар ундан

ташқарига чиқа олиши (I) натижасида таъминланади. Унинг қиймати қайроқча узунлиги (1)нинг 1/3-1/4 қисмича олинади. (29-расм).

Хонни станок шпинделлига бикр қилиб ва шарнир ёрдамида ўрнатиш мумкин. Биринчиси, массаси кўп бўлмаган, ўзи барқарор турмайдиган ва кичик ўлчамли деталларни хонинглаш учун қўлланилади. Биринчисида детал станок шпинделлининг ўқига тик текислик бўйича сурилиш имкониятига эга бўлиши керак, иккинчисида-детал станок столига қўзғалмас қилиб ўрнатилиди. Детал ва хоннинг бундай ўрнатилиши ишлов аниқлигига ёрдам беради.



29-расм.Хоннинг
=айро=чалари
узунлигини созлаш
схемаси

Хонинглаш маҳсус бир-ёки кўп шпинделли, вертикал ва горизотал станокларда бажарилади. Баъзи станокларнинг шпинделлига тебранувчи қурилма ўрнатилиб, унинг амплитудаси 0-12 мм, иккиланган тебраниши минутига 350-650 га teng бўлади. Бу қурилмалар хонга қўшимча тебранма ҳаракатлар беради, натижада ишлов бериладиган юза узунлиги кичкина бўлади ва хоннинг бориб-келиш тезлиги чекланган пайтда ишлов самарадорлигини оширади. Инерция кучлари ошиб кетмаслигини қўзлаб ҳам хон тезлиги чеклаб қўйилади. Йирик серияли ва ялпи ишлаб чиқаришда, станок яrimавтомат ва автомат тарзда ишлайди. Ўлчамлар аниқлиги фаол назорат асборлари ёрдамида текширилади. Станоклар автомат қаторларга осонгина қўшилиб кетади.

Хонинглаш амали қўйидаги тартибда бажарилади: каллак ишлов бериладиган тешикка киритилади; қайтар-илгарилама ва айланма ҳаракат берилади; қайроқчалар ёйилиб, ишлов бериладиган юзага тегади; қайроқчаларга муттасил гидравлик босим таъсир этиб туриши натижасида қатлам сидириб, олиб ташланади. Баъзи ҳолларда, ишлов охирида қайроқчаларга босим камайтирилади, шунда ишлов аниқлиги ва сифати ошади.

Хонинглаш учун қўйим берилади. Унинг миқдорри ишловнинг бошланғич хатосидан, заготовка материалининг физик-механик хоссаларидан, ишловга ва ишланаётган юзанинг ўлчамларига қўйилган талаблардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. Хонинглашдан олдин развёрткалаш, сидириш, тоза қириб кенгайтириш, юпқа қириб кенгайтириш, силлиқлаш ва ҳ.к. амаллардан бир нечтаси бажарилиши мумкин, шунинг учун ишлов хатоси ҳар хил бўлади, демак, хонинглаш ҳам турлича ва маълум оралиққа эга бўлади: диаметр бўйича 0,08-0,005 мм.

Агар олиб ташланадиган қатлам диаметр бўйича 0,04 мм дан катта бўлса ва юза ғадир-будурлигини $R_a=0,32$ мм дан юқори бўлмаган даражада таъминлаш талаб этилса, ишловни икки-дастлабки ва якунловчи амалларда бажариш тавсия этилади. Дастлабки амалда қўшимча қатламнинг кўп (75-80%) қисми йирик донаси қайроқчалар билан олинади. Якунловчи амалда майда донали қайроқчалар билан, диаметр бўйича 0,010-0,015 мм қатлам олинади.

Электрокорунд (Э9А) ёки кремний карбид (К3)нинг жилвир доналаридан керамика ёки бакелит боғловчилар ёрдамида тайёрланган қайроқчаларни ишлатиш тавсия этилади. Қайроқчаларнинг 8-3 ва M28-M20 ва б. доналилиги танланади.

Кесиш шароитини танлаш каллакнинг айланма тезлиги қўйидаги миқдорларда танланади: чўян заготовкалар учун 60-750 м/мин, пўлат учун 45-60 м/мин, рангли қотишмалар учун 70-90 м/мин. Бориб-келиш тезлги 10-20 м/мин оралиқда олинади.

Хонинглаш аниқлаш 4-6 квалитет, ғадир-будурлиги $R_a=0,16-0,04$ мкм. Хонинглаш минтақасига совитувчи суюқлик (керосин, керосин ва парафин аралашмаси, мойловчи ва совитувчи маҳсус суюқлик) мўл берилади.

Саноатда олмос қайроқчалар билан хонинглаш кенг тарқалган, эльборли қайроқчалардан фойдаланиш бошланиб келияпти. Олмосли хонинглаш жилвирли

қайроқчалар билан хонинглашга қараганда қатор устунликка эга: жилвир қайроқчаларга қараганда олмос қайроқчалар ейилишга 150-200 марта күпроқ чидайды; олдинги ишлов хатоларини тузатиша самарави; ишлов тез суръатлар билан бажарилади; тешик шаклининг аниқлиги 10 марта ортади; ғадир-будурлик 2-4 класс пасаяди. Бу устунликлар олмосли хонинглашни каттароқ хатоси бўлган тешикларга қўллаш имконини беради.

Олмосли хонинглашда қириладиган ишлов қатлами (қўйим) қуйидаги миқдоррларда қабул қилинади (диаметр бўйича): пўлат заготовкаларда 0,12-0,005 мм, чўян заготовкаларда 0,2-0,005 мм.

Ишловнинг талаблари ва шароитидан келиб чиқиб АСР200/160- синтетик олмос донали қайроқчалар қўлланади. Улар юза ғадир-будурлигини $R_a=2,5-1,25$ мкм миқдорда таъминлайди. Доналар АСМ 28/20 русумли қайроқчалар $R_a=0,16-0,08$ мкм ғадир-будурликни беради. Бошқа русум қайроқчалар ҳам қўлланади. Олмосли каллакнинг айланма тезлиги 70-100м/мин (юриш узунлиги 150мм ва ундан ортиқ).

Олмосли хонинглаш жараён унумини, юза сифати ва аниқлигини оширади. Уни автоматик қаторларда бажариш кўпроқ самара беради.

Ишқалаб мослаш аниқ ишлов усулларидан бири бўлиб, 5-квалитетни таъминлайди. Цилиндр юзалари 1 мкм гача, текис параллел плиталарни маромига нозик етказиша -0,05 мкм аниқликка эришиш мумкин. Юза ғадир-будурлиги $R_a\leq 0,1$ мкм га тушади. Ишқалаб мослаш пастага аралаштирилган жилвирловчи зарралар (доналар) ёрдамида бажарилади. Паста ишқалайдиган асбоб ёки мосламанинг детал юзасига суртилади. Ишқалаб мослашда детал юзасидан жуда оз миқдорда қатlam туширилади, шунинг учун унинг юзи 6-квалитет аниқликда тайёрланган ва ғадир-будурлиги $R_a=1,25-0,32$ мкм дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ишқалаб мослаш усули билан цилиндр, конусли, текис ва мураккаб бичимли юзаларга ишлов бериш мумкин. Тушириладиган қатламнинг катта-кичиклигига қараб ишқалаб мослаш бир, икки, баъзан уч амалда бажарилади.

Дастлабки ишловда икки томонга берилган 0,002-0,005 мм қалинликдаги қатlam, якунловочи ишловда – 0,05 мм камроқ қатlam олиб ташланади.

Дастлабкиси йирик жилвир доналар билан, якунловчиси-майда жилвир доналар билан бажарилади. Ишқалаб мослашда илгари йўл қўйилган хатолар тўғрилаб юборилиши мумкин. Жилвир зарралари тўғри танланганда юза ғадир-будурлигини 2-4 класс пастга тушириш мумкин.

Ишқалаб мослаш амаллари қўл билан ёки станоқда бажарилиши мумкин. Ишқалаш тезлиги биринчисида 2,6 м/мин, иккинчисида –10-30 м/мин ва ундан юқори. Юза сифатига катта талаб қўйилса тезлик камайтирилади. Асбобнинг ишқаланувчи юзага босими дастлабки ишловда 0,2-0,4 МПа ($2-4 \text{ кг}/\text{см}^2$), якунловчида -0,10-0,15 МПа ($1,0-1,5 \text{ кг}/\text{см}^2$) бўлади.

Ишқалаб мослашнинг турли қўринишлари бор: ишқалагичнинг юзасига ботиб, едирилиб кетадиган қаттиқ жилвир доналар билан, ишқалагичнинг юзасига едирилиб кетмайдиган юмшоқ жилвир доналар билан, кимёвий фаол пасталар билан.

Қаттиқ жилвир доналарга электрокорунд, наждак, кремний карбиdi, бўр карбиdi, олмос чанг, шиша чанг ва шу кабилар киради. Бу ҳолда ишқалагич материали ишланаётган юза материалидан юмшоқроқ бўлиши керак. Жилвир доналар ишқалагич билан заготовка юзаси орасига тушиб, ҳаракат пайтида ишқалагич юзасига едирилиб кетади ва у ерда маҳкам ўрнашиб олиб, заготовка юзасини силлиқлайди. Ўтмаслашиб қолган доналар асбоб юзасидан тушиб колади, лекин қаттиқ зарраларнинг едирилиши тўхтамай, давом этаверади, шундан ишқалагичнинг кесиш қобиляти сақланиб туради.

Маромига етказишнинг дастлабки босқичида 16-10 донали, якунловчи босқичида 8-М14 донали жилвирлар ишлатилади.

Юмшоқ живир доналарга крокус, вена оҳаги, трепел, хром оксиди ва бошқалар киради. Бу ҳолда ишқалагич заготовка материалидан қаттиқроқ материалдан тайёрланади. Баъзи ҳолларда қаттиқ ишқалагичлар қўшимча қилиб, хром билан қопланади, натижада уларнинг ейилиши камайиб, ишлов барқарор бўлади.

Кимёвий фаол паста ГОИ ёрдамида ишлов бериш ишқалаб мослаш жараёнини тезлатади. ГОИ таркибиға юмшоқ жилвир доналар, кислота (стеарин ва олеин) қўшилади. Кислота заготовка юзасидаги микро нотекисликлар қиррасини юмшатади, жилвир доналар уни текислаб юборади, юзанинг асосий металли эса, тирналмайди. Ишқалаб ишлашнинг бу усули билан оз вақт ичидаги жуда юқори аниқликка ва жуда кам ғадир-будурликка эришиш мумкин. Усул, ўз моҳиятига кўра, кимёвий-механик жараёнга айланиб кетади.

Ишқалаб мослаш материалини тайёрлашда ёпишириувчи модда сифатида минерал мой, парчаланган ёғ, керосин ва шу кабилар қўлланади. Улардан бирини ишлов бериладиган заготовка материали ва талабларга қараб танланади. Қаттиқ жилвир доналар билан ишлов берганда, ишқалагични чўян, бронза, қизил мис, юмшоқ пўлат, қўроғшин, суръма каби материаллардан тайёрланади. Юмшоқ жилвир доналар билан ишқаланганда ишқалагич тобланган пўлатдан, шиша ва бошқа қаттиқ материаллардан ясалади.

Суперфинишлаш жилвирлаб ишлов беришнинг бир тури бўлиб, қайроқчалар ёрдамида бажарилади. Улар ишлов берилаётган юзага кичик 0,05-0,3 МПа (0,5-3,0 кг/см²) куч билан босилади ва тебранма ҳаракатлар қилиб, микро нотекисликларнинг чўққиссини кесиб кетади ва ғадир-будурлик камаяди.

Бу жараёнда мойловчи-сотовучи суюқликнинг аҳамияти катта. Суюқлик керосинга 10-20% (веретенное) ёки турбина мойи қўшиб тайёрланади.

Қайроқча ишлов бериладиган юза билан туташганда, нотекисликларнинг энг юқори чўққисига тегиб қолади. Қайроқчалар, маълум даражада босим бериб айлантирилганда чўққиларни кесиб ташлайди ва металл ичига кириб борган сари кўпроқ қирралар билан туташади, демак, қайроқчанинг детал билан туташган юзаси кўпаяди, ўз навбатида, қайроқчага босим камаяди. Натижада жилвир доналар мойловчи-совитувчи суюқлик пардасини ёриб ўта олмай қолади-юзани тирнаш тўхтайди.


Суперфинишлаш амали учун ишлов қатлами берилмайди ва у олдинги ишловнинг жоизлиги чегарасида бажарилади. Шунинг учун ҳам бу жараён юзанинг аниқлигига ўзгариш ҳосил қилмайди ва якунловчи ишлов сифатида қўлланади.

Деталнинг ҳар бир муҳим юзаси учун ўзига тегишли ғадир-будурликка рухсат этилгани сабабли, суперфиниш амалида, берилган ғадир-будурликка эришиш учун, нотекисликларнинг чўққиссини олиб ташлаш билан кифояланишдан бошқа илож қолмайди. Шунинг учун, бу амал бажарилаётганда шароитга қараб ишлов давомийлиги белгилаб қўйилади, вақт тугагач, станог автоматик тарзда тўхтайди. Қайроқчалар ва иш шароити тўғри танланса, юза ғадир-будурлигини $R_2=0,2-0,25$ мкм қилиш мумкин. Шунда микропрофиллнинг таянч юзаси 15-20% дан 80-90% гача ортади, деформацияланган қатлам 2-3 мкм дан ортиқ бўлмайди.

Суперфинишнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда, у заготовкага бериладиган ҳамма ишловлардан (силлиқлаш, юпқа кириш ва ҳ.к.) кейин бажарилади. Бу ишлов ҳар хил шаклли ва турли материаллардан, хатто пластмассадан ишланган деталларга берилади. Ишлов бир ёки икки амалда бажарилади. Заготовканинг ишлов бериладиган юзаси ғадир-будурлиги чизмада кўрсатилган даражада 2-3 класс дағалроқлбўлган ҳолда суперфиниш икки амалда бажарилади.


Пўлат заготовкалар учун ЭА 9, чўян заготовкалар учун К36 ва К37 қайроқчалар тавсия этилади. Уларнинг донадорлиги 10 дан M14 гача оралиқда бўлиши керак. Дастребки (биринчи амал) суперфинишлаш йирик донали қайроқчалар билан, якунловчиси-майда донали қайроқчалар (M28-M14) билан бажарилади.

30-расмда цилиндрнинг сиртини суперфинишлаш схемаси берилган. Сирт билан қайроқчалар ҳолати ишлов жараёнидагидек кўрсатилган. Заготовканинг айланма тезлиги ($V_{ай}$) қайроқчаларнинг тебранма ҳаракати тезлиги ($V_{теб}$) га боғлиқ ҳолда тайинланади. Бу боғлиқлик цикл бошида $V_{ай} (2\frac{1}{4}) V_{теб}$ нисбатида, цикл охирида $V_{ай} = (8+16) V_{теб}$ нисбати билан ифодаланади. Тебранма ҳаракат тезлиги 5-7 м/мин оралиқда қабул қилинади. Агар қайроқча узунлиги (ℓ) ишлов бериладиган юза узунлиги (L) дан кичик бўлса, заготовка ўз ўқи бўйлаб, 1-1,5 м/мин тезлик ($V_{ўк}$) билан ҳаракат қилиб туршига зарурат туғилади.



30-расм Суперфинишлаш схемаси

Кейинги йилларда машинасозликда олмосли суперфиниш қўллана бошлади. Металли ва органик боғловчилар асосида тайёрланган олмосли қайроқчалар жараённи жадаллаштиради. Амалнинг унумдорлиги жилвирли суперфинишдагига қараганда 1,5-2 марта ортади. Бу- қайроқчаларнинг юзага босими 30-50 % ошиши ҳисобига бўлади.



31-расм.Микрофинишлаш учун каллак

Микрофинишлаш юкори даражада аниқ тайёрланган юзаларга якунловчи ишлов сифатида қўлланади. Ишлов қатламини тебранувчи қайроқчалар билан суперфинишлашдаги тартиб каби бажарилади (30-расм). Бироқ юкори даражадаги аниқлиги билан ажралиб турадиган жараёндир, ғадир-будурликни жуда ҳам камайтириш билан бир қаторда қўйимни олиб ташлаб, ишлов аниқлигини оширади. Ишлов бир ёки бир неча амалда бажарилиши мумкин. 31-расмда цилиндр сиртини микрофинишлайдиган каллак сихемаси берилган.

У учта қайроқча билан детални сиқиб олади ва ишлов аниқлигини микрон даражасигача етказади. Юқоридаги тутқич қайроқча билан бирга гидравлик юритма таъсирида радиус бўйича сурилади, қолган икки тутқич ўз қайроқчалари билан ҳаракатни юқоридаги тутқичдан олади.

Улар орасида тишли ғилдирак билан рейка узатмаси бор бўлиб, у каллак корпуси ичига жойлашган. Жараёнда қайроқчалар ишлов юзасига катта босим билан ёпишганидан ва олмосли қайроқчалар қўллаш мумкин бўлганидан олдинги хатолар тўғриланиб кетиши мумкин. Тиленхауз фирмасининг тавсиясига кўра микрофиниш амалини заготовка юзасини кесгич ёрдамида тоза қириб ташланган дан кейин бошлаб юборавериш мумкин.

Микрофиниш ишловининг юкори даражадаги аниқлиги ва сифати баъзи ҳолларда йиғув ишида учрайдиган саралаб ишлаш ўрнига тўла ўзаро алмашувини қўллаш имконини беради. Бу ишловни турли шаклдаги заготовкаларга: цилиндр, текис, мураккаб бичимли ва ҳ.к. қўллаш мумкин. Микрофиниш ишлови учун мўлжалланадиган станоклар махсус бўлиши ҳам мумкин, автоматлаштирилган ва агрегатли ҳам бўлиши мумкин. Микрофинишни автомобил заводлари тирсакли вал бўйинларига, сателлитларга ва шу кабиларга қўллайди.

Жилолаш эркин жилвир зарралар билан бажарилади ва юзанинг ғадир-будурлигини тайинланган даражага туширади. Ишлов юмшоқ намат, бўз, фетр, қайиш ва бошқа материаллардан ясалган доирачалар билан берилади. Доирача юзига ялтиратувчи паста суркалади ёки жилвирловчи суюқлик оқими берилади. Улар ишлов бериладиган юза билан ўзаро таъсирга қириб, ундан маълум бир қатламни олади. Жилоловчи юмшоқ доира ишлов қатлами бир текис ололмайди, шунинг учун ҳам бу ишлов юзанинг геометрик аниқлигини таъминлай олмайди. Юза ғадир-будурлигини берилган даражага олиб келиш учун зарралари турлича бўлган жилвирловчи куқунлар ишлатилади. Жилолаш бир ёки бир неча амалда бажарилиши мумкин, Кейингисида аввал йирикроқ заррали жилвир куқун ишлатилиб, сўнг - майдаси қўлланади.

Жилолаш амали силлиқлаш, кескич билан қириш, рандалаш, совук ҳолда штамплаш, жўвалаш каби механик ишловлардан кейин бажарилиши мумкин, юза ғадир-будурлигини $R_a=0,032-0,012$ мкм. қилиш, кимёвий фаол пасталардан фойдаланганда детал юзасини кўзгудек қилиб юбориш мумкин. Ишқаловчи материал сифатида электрокорунд, темир оксиди, жилвир, хром оксиди, кремний карбид ва бошқалар ишлатилади. Улар ишлов

бериладиган материалга қараб танланади. Жилвир пастанинг таркиби қора металлар учун (%ларда): мум - 25, ёғ - 4, парафин - 25, керосин - 4, темир оксида - 42. Рангли металлар қотишмаси учун темир оксида ўрнига хром оксида олинади.

Жилолаш ишлови заготовкаларни кўл кучи ва механик тарзда ушлаб турадиган ва узатадиган станокларда ва автомат станокларда бажарилади. Жилвирли тасмалар билан ишлов якунловчи амал сифатида қўлланади. Бу ишловни берадиган автомат станокларнинг турли-туман конструкциялари мавжуд. Бу жараён асосан ялтиратишга киради, чунки жилвирли тасма ишланувчи юзага ўзининг таранглиги сабабли ёки резинка, чарм, фетр, намат ғўлачалар ёрдамида босиб турилади. Маълум миқдордаги қўйимни олиб ташлаш кафолати йўқ. Бу усул билан аниқ қилиб тайёрланган деталларга ишлов бериш қисқа давом этади ва диаметр бўйича 0,005 мм.дан ортиқ қатлам олинмайди. Олдинги ишловдан қолган ўлчамни бузмаслик учун шундай қилинади. Юза ғадир-будурлигига кам талаб қўйиладиган дағал деталларга ишлов беришда бу амал қўпроқ давом этиши ва каттароқ қатлам олиб ташланиши мумкин. Аниқ юзаларга ишлов берганда ғадир-будурликни бир классга тушириш (яхшилаши) мумкин. Тасмадаги жилвир доналарини таъминлаш ишлов талабаридан келиб чиқади. Қора металларга жилвир тасмалар билан 20-40 м/с, рангли металларга 40-45 м/с тезлик билан ишлов бериш мумкин.

Жилвирли тасмаларни газмол ёки қофоз асосида тайёрлаш мумкин. Масъулиятли деталлар учун олмосли тасмалар ишлатилади. Жараён унумдорлиги тасманинг таранглик кучига ёки тасмани ишлов берилаётган юзага босиб турадиган роликнинг кучига, шунингдек, жилвирнинг донадорлигига ва тасма билан юзанинг нисбий ҳаракати тезлигига боғлик.

4. Пластик деформация усули билан ишлов бериш.

Бундай ишлов заготовкадан қиринди олмай бажарилади ва берилган аниқлик билан, берилган ғадир-будурликка эришишга қаратилади. Унинг асосий ва кенг қўлланадиган усуслари: калибрлаш, текислаш ва ёйиш, олмосли текислаш, марказдан қочма-зарб бериш асбоблари ёрдамида парчинлаб зичлаш.

Калибрлаш билан заготовканинг турли шаклдаги тешикларига ишлов берилади. Асбоб сифатида калибрловчи мосламалар, зўлдирлар ишлатилади. Зўлдир пресс ёрдамида, белгиланган таранглик билан тешикдан ўtkазилади. Тешик узунлиги катта бўлса, сидирувчи станоклар ва сидирувчи калибрлар ёрдамида ишлов берилади. Жараённинг асосий кўрсаткичи калибрловчи асбобнинг ишлов бериладиган тешик диаметридан хиёл катталиги натижасида юзага келадиган тарангликдир.

Калибрлаш катта ёки кичик тарангликда бажарилади. Кичик тарангликда пластик деформация чуқурлиги камроқ бўлади, юзанинг ғадир-будурлиги камаяди, шакл хатоси ва тешик ўлчамларининг оғиши 30-35 фоиз пасаяди. Бундай калибрлашни қалин деворли заготовкаларга ишлов беришда қўллаш мақсадга мувофиқ. Девор қалинлигини тешик радиусига нисбати 0,5 дан ортиқ бўлиши керак. катта таранглик билан калибрланганда пластик деформация минтақаси заготовка деворининг бутун қалинлиги бўйича тарқаб кетиши мумкин. Бундай таранглик билан, девори қалинлигининг тешик радиусига нисбати 0,2 дан ортиқ бўлмаган цилиндр ва втулкалар калибрланади. Бу ҳолда тешик диаметри, деталнинг ташки диаметри ва узунлиги катталашиб кетади, яъни калибрлаш аниқлиги пасаяди. Таранглик миқдори тешик диаметри ва детал материалининг физик-механик хусусиятларига қараб белгиланади. Тешик диаметри 10-120 мм чегараларда бўлганида таранглик тахминан қўйидагича бўлади: пўлат заготовкалар учун 0,03-0,088 мм, чўян учун 0,05-0,20 мм, рангли металлар ва уларнинг қотишмаси учун 0,03-0,35 мм.

Калибрловчи асбоблар-калибрлар-кўпинча BK8 ёки BK15M қотишмаларидан тайёрланади.

Пўлат ва рангли металлар қотишмасидан тайёрланган заготовкаларни калибрлашда совитувчи суюқлик мўл берилади ва ишлов тезлиги қўйидагича бўлади: пўлат учун 5-10 м/мин, рангли қотишмалар учун 2-60 м/мин, чўян учун 5-12 м/мин. мойловчи совитувчи

сүюқлик сифатида керосин, махсус моддалардан бири ишлов берилаётган материалга қараб танланади.

Калибрлаш аниқлиги күп жиҳатдан заготовканинг қаттиқлигига боғлиқ. Юпқа деворли заготовкалар 8-6 квалитет, қалин деворлилиги 6-5 квалитет аниқлик билан ишланиши мумкин. Күп ҳолларда калибрловчи асбобнинг диаметрини тажриба йўли билан, амални бажариш шароитини ҳисобга олган ҳолда ўлчамига етказиб тайёрланади. Таранглик ошганда калибрлаш аниқлиги камаяди.

Калибрлашдан кейинги юза ғадир-будурлиги бир қанча омилларга боғлиқ: заготовканинг қаттиқлиги ва материали, асбобнинг физик-механик хусусиятлари, мойловчи-совитувчи суюқлик, асбоб ва заготовканинг нисбий ҳаракати. Ғадир-будурликни 2-4 классга пасайтириш мумкин. Масалан, қалин деворли пўлат заготовканинг кескич ёки развёртка билан кенгайтирилган тешиги калибрланганда ғадир-будурлик $R_a=2,5-1,25$ дан $R_a=1,25-0,16$ мкм га ўзгаради.

Калибрлаш амали асбобнинг бир ёки бир неча марта ўтиши ҳисобига бажарилади. Бирок, тешик юзаси қайта-қайта деформацияланаверса, материалнинг юза қатламида зўрикиш пайдо бўлиб, материал уқаланиб кетиши мумкин.


Текислаш ва ёйиш-юзанинг нотекисликларини пластик деформациялаш бўлиб, жуда қаттиқ роликлар ва зўлдирлар ўрнатилган махсус асбоблар ёрдамида бажарилади. Цилиндр деталнинг ташқи сирти текисланганда, унинг ўлчами камаяди, ички сирти (тешик) текисланганда ўлчами кенгаяди. Текислашда юзада пластик деформация ҳосил бўлиб, ғадир-будурлик камаяди, унинг физик-механик хоссалари ўзгаради, чунончи, микро қаттиқлик ошади, сиқувчи қолдик кучланиш пайдо бўлади, яъни юза қатлам зичланади. Ишловнинг бу тури юзанинг сифатини анча оширади, бироқ ундан кейин деталга термик ишлов бериб бўлмайди, акс ҳолда юза илгариги ҳолатига келиб қолади.

Текислаш жараёни микро нотекисликнинг чўққилари миқёсида ўтади, шунинг учун ишлов аниқлиги бор-йўғи 5-10% ортади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, текислаш амалини 6-10 квалитет аниқликда тайёрланган юзаларга қўллаш самарали бўлади.

Текислашда юза ғадир-будурлиги ўрта ҳисобда 1-2 класс пасаяди. Масалан, бошланышда ғадир-будурлик $R_a=2,5-1,25$ мкм бўлса, текислашдан сўнг $R_a=1,25-0,35$ мкм бўлиши мумкин. Текислаш тезлиги шароитга қараб 30-150 м/мин оралиқда қабул қилинади. Асбобнинг юзага босимини ўлчамларига ва материалнинг физик-механик хусусиятларига қараб, бир неча кг дан бир неча тоннагача олинади. Асбобнинг сурилиши унинг конструкцияси ва юза ғадир-будурлигига қўйилган талабларга қараб аниқланади. Масалан, роликлар билан ишлов берилганда, сурилиш ролик энининг 0,3 улушкига teng олинади. Асбобнинг таранглиги, бошланғич ва якуний ғадир-будурликка қараб, 0,03-0,30 мм оралиқда бўлади. Совитувчи-мойловчи суюқлик ўрнида машина мойи, машина мойи ва керосининг 50% ли аралашмаси, бошқалар ишлатилади.

Текислаш амалини асбоб битта ўтганда бажарган маъқул, акс ҳолда юза ҳаддан ортиқ зичланиб кетади. Амал ҳаммабоп ва махсус станокларда бажарилади.

Олмосли текислаш ишловида асбоб детал юзасида маълум босим билан сирпаниб ўтади, шунда микронотекисликлар эзилади, юзанинг қандайдир қатлами зичланади. Бундай ишлов берилган юзаларнинг ейилишга ва толикишга бардоши юқори бўлади. Шунинг учун ундан суюқлик ўтказмайдиган зичлагичнинг ишқаланувчи жуфтини тайёрлашда фойдаланилади, уларга анъанавий термик ишлов беришга ҳожат қолмайди.



Олмосли асбобда (32-расм) олмос кристали (4) бўлиб, унинг қирраси 0,6-4,0 мм оралиқдаги радиус билан силлиқланган; махсус тутқич (1) билан қотирилган. Тутқичда пружинали қурилма (2) бор, у олмосни детал юзасига босиб туради. Текислаш жараёнида олмосли асбобдаги оғишлар индикатор (3) да кўриниб туради. Олмосли текислаш ишлов аниқлигига суст таъсир этади, юза ғадир-

32-расм. олмос билан силлиқлаш учун түткіч


будурлигини 2-3 класс пасайтириб R_a нинг қийматини 0,16-0,025 мкм га етказади.

Юза сифатига таъсир этувчи омиллар текислаш кучи ва олмоснинг сурилишидир. Юзанинг микро қаттиқлиги 50-60% га ортади.

Олмосли текислаш тезлигини заготовка материалига боғлиқ ҳолда танланади. Рангли металлар қотишимаси ва юмшоқ пўлатлар учун тезлик 10-80 м/мин, тобланган пўлатлар учун 200-250 м/мин оралиқда олинади.

Олмосли текислаш қора ва рангли металлардан тайёрланган ва силлиқлаш, юпқа кириш ва бошқа ишловлардан чиқиб, берилган аниқликка етказилган заготовкаларга берилади; маҳсус ва ҳаммабоп станокларда бажарилади.

Марказдан қочма зарб бериш асбоби ёрдамида парчинлаш юза ғадир-будурлигини 1-2 класс пасайтиради ва қаттиқлигини 30-80 % оширади, юза сиртида 400-800 МПа (40-80 кг/см²) миқдорларда сиқувчи кучланиш ҳосил қиласади.



33-расм. юзани зўлдирчалар билан зичлаш.

Жараён қуидаги кечади: лаппак (33-расм) нинг гардишидаги чуқурчаларга роликлар ёки зўлдир эркин ҳолда жойлаштирилган бўлади. Лаппак тез айланганда марказдан қочирма куч таъсирида гўлача ёки зўлдир чуқурчадан отилиб чиқиб, ишлов берилаётган юзага урилади ва орқага қайтади. Бу жараён жуда тез ва кўплаб гўлача ёки зўлдир томонидан содир бўлганидан ишлов юзасининг маълум қатламини деформациялади. Бу жараёнда муҳим аҳамиятга эга бўлган омил асбоб таранглиги (h) дир.

Унинг қиймати катта бўлса, зичланиш самараси ошади, лекин юзанинг ғадир-будурлиги ҳам ортиб кетиши мумкин.

Бу ишловни ҳар қандай шаклли ва ҳар қандай металл ва қотишималардан ясалган деталларга бериш мумкин. Ундан олдинги ишлов силлиқлаш, кескич билан қириш ва шу кабилар бўлиши мумкин, улар ғадир-будурликни $R_a=5,0-0,63$ мкм қилиб таъминлаши керак.

Марказдан қочма зарб бериш асбоб ёрдамида парчинлаш тезлигини заготовка материали ва унинг физик-механик хусусиятларига боғлиқ ҳолда танланади. Дискнинг айланма тезлиги 8-40 м/с; заготовканини 0,5-1,5 м/с; асбоб таранглиги 0,01-0,025 мм, сурилиши 0,02-0,20 мм/айл оралиқларида белгиланади. Мойловчи- сотувчи суюқлик сифатида керосин ва машина мойининг аралашмаси ишлатилади.

10-мавзу: Кесиб ишлов бериш мосламалари.

Режа:

- 1.Мосламани вазифаси.
- 2.Технологик мосламаларнинг элементлари.
- 3.Маҳсус мосламаларни конструкциялаш услуби.

1.Мосламани вазифаси.

Машинасозликда заготовкалар станокка уч усулда ўрнатилади: ҳар бирининг юзасини текшириб ўрнатиш; белги чизиқларини текшириб ўрнатиш; мосламага ўрнатиш.

Мослама, бу иш қуроли бўлиб, ишлов бериладиган заготовкани қотириш учун керак. Уни қўллаш қуидаги натижаларни беради:

а) кесиб ишлашдан олдин заготовкага белги қўйишга ва станокка мослаб ўтиришга ҳожат қолмайди;

б) худи шу сабабларга кўра ҳамда бир вақтнинг ўзида ишлов берилаётган заготовкалар ёки ишлов бераётган кескичлар миқдоррига ёки кесиши суръатининг ортишига кўра иш унумдорлиги ошади;

в) заготовканинг зарурий ҳолати автомат тарзда таъминланиши ва кесувчи асбоб тўғри ҳолатда туриши ҳисобига ишлов аниқлиги юқори бўлади;

г) станокни қисман ёки буткул автоматлаштириш ҳисобига кўп станокли хизмат қўрсатишни ташкил этиш мумкин;

д) назорат харажатлари камаяди;

е) станокчи ишчиларнинг меҳнати енгиллашади ва малакаси пастроқ ишчиларни жалб қилиш мумкин.

Деталларни ясаш жараёнида ишлатиладиган мосламаларни ҳам уч гурухга ажратиш мумкин: универсал, махсус ва ёрдамчи.

Универсал мосламалар металл кесувчи турли станокларда ишланадиган, шакли ва ўлчамлари турлича бўлган заготовкаларни ўрнатиш ва қотириш учун қўлланади. Бу гурухга станок тискиси, айланадиган столлар, бўлувчи қурилмалар, люнетлар, турли патронлар, планшайба ва ҳ.к. киради.

Махсус мосламалар бир хил ўлчамли заготовкаларни кесиб ишлаш бўйича муайян технологик амалларни бажариш учун қўлланади. Улар бошқа амалларга қўлланмайди.

Янги машиналарни ўзлаштириш ва чиқариш махсус мосламаларни лойихалаштиришни талаб этади. Автомат қаторларда йўлдош мосламалар ишлатилади.

Уларни қўллаш ишлов аниқлигини бирмунча туширади, чунки ўрнатувда қўшимча хатоликлар рўй беради. Бироқ, бир жойда мухим ишлатиладиган мосламаларнинг ўрнига йўлдош мосламаларни қўллаш деталнинг конструктив хусусиятларидан келиб чиқади. Масалан, ишлов берилаётган заготовканинг қуруқ ўзини транспортёр ёки бошқа восита ёрдамида бир жойдан иккинчи жойга кўчириш ва детални мухим мосламалар билан ўрнатиб аниқ ишлов бериш мумкин бўлмаганда йўлдош мосламаларга зарурат туғилади. Йўлдош мосламаларни автомат қаторда қўллашнинг камчилиги орасига тўплагич қўйишнинг имкони йўқлигини қўрсатиш мумкин.

Ёрдамчи мосламалар кесувчи асбобни технологик ускуна (станок)га ўрнатиш учун хизмат қиласди.

Мослама ишлаб чиқаришнинг тури ва қўламига, заготовка шаклига, улар ўлчамларининг аниқлигига ва детал ясашнинг технологик шароитларига боғлиқ ҳолда танланади.

Якка тартибли ва кам кичик серияли ишлаб чиқаришга металл кесувчи станокнинг технологик имкониятларини оширувчи универсал мосламалардан фойдаланиш хос. Ялпи ва йирик серияли ишлаб чиқаришда махсус мосламалар ишлатилади. Улар ишловнинг берилган барқарор аниқлигини таъминлайди, заготовкани ишловга тез ва соз ўрнатишга ёрдам беради, технологик амалларни бажариш учун ажратилган вақтга қатъий риоя қилиш имконини беради.

Заготовкани ўрнатиш ва қотиришга мўлжалланган мосламалар технологик мослама ҳисобланади.

2.Технологик мосламаларнинг элементлари.

Технологик мосламаларнинг асосий элементлари ва қурилмалари қуйидагилар: таянчлар (ўрнатиш элементлари), сиқувчи қурилмалар, куч юритгичлар, корпуслар, ёрдамчи деталлар ва ажратувчи қурилмалар, кесувчи асбобни ўйналтирувчилар.

Технологик мосламаларнинг конструкциясини яратадигандан уларнинг самарадорлигини, ишлов бериладиган заготовканинг тўғри ҳолатию тўғри қотирилишини тақазо этадиган қатор омилларни ҳисобга олиш керак. Улар қуйидагилардан иборат: қулайлик ва хавфсизлик, кесиб ишлашнинг берилган аниқлигини таъминлашга етарли қаттиқлик, юқори унумдорлик, ясаш осонлиги, таъминлаш ва ейилган деталларни алмаштириш осонлиги.

Таянчлар (ўрнатиш элементлари) мосламага ўрнатиладиган заготовканинг тўғри ҳолатини таъминлаш учун хизмат қиласди. Бунинг учун заготовканинг асос юзаси таянчга тегиб туриши керак, сиқувчи қурилма шу ҳолатни муқим қилиб қўяди. Қотираётганда асос

юза таянчда қимирламаслиги, илмий тилда айтилганда, биронта координата ўқи бўйлаб на тўғри чизиқли, на айланма ҳаракат қилиш керак. Яна бошқача айтсак, эркинлик даражасининг ҳаммасидан маҳрум қилиниши керак.

Таянчларнинг миқдорри ва жойлашуви технологик жараёнда қабул қилинган асослаш схемаси билан мутаносиб бўлиши керак. Агар заготовкани ўрнатиш ғадир-будурлигини $R_{2\text{q}}80$ мкм гача бўлган ва кесиб ишлов берилмаган юза бўйича амалга оширилса, туташ юзаси чекланган таянчлардан фойдаланилади, бу эса, ўрнатиш хатосини камайтиради. Заготовкани кесиб ишлов берилган ва бошқа ишлов талаб этмайдиган юзаси бўйича ўрнатганда, туташ юзаси катта таянчлардан фойдаланиш керак. Ҳамма ҳолда таянчнинг бикрлиги юқори бўлиши керак.

Таянчлар Ст8 ёки Ст20 русумли пўлатдан, қаттиқлигини HRC*55-60 оралиқда, таянч юзасининг ғадир-будурлигини $R_{a\text{qL}}0,63$ мкм қилиб ясалади.

Баъзан таянчларнинг ишлов бериладиган заготовка билан туташадиган юзаси (таянч юза) хромланади ёки қаттиқ қотиши маҳрум қопланади.

Асосий ўрнатувчи элементлар-мослама корпусига қотириб қўйилган доимий таянчdir.

Мосламаларнинг сиқувчи қурилмалари заготовкани маҳкамлаб қўйиш ва ишловдан кейин-бўшатишга хизмат қиласди. Бу қурилмалар мосламага ўрнатилган заготовкани, унинг ҳолатини ҳеч қандай ўзгартирмасдан, қотишига ҳамда ишлов берилаётганда силжиб ёки титраб кетмаслигига хизмат қиласди. Улар асосан механизациялашган юритгичдан куч олади. Кўпинча заготовкани тўғри ўрнатиш ва марказлаштириш учун ўрнатувчи-сиқувчи турдаги қурилмалар (омбирли қискичлар, ўзидан-ўзи марказлаштирадиган патронлар....) ишлатилади.

Сиқувчи қурилмаларнинг оддий ва мураккаб турлари бўлади. Масалан, винтли, экскентрикли қискичлар (омбир-ғанг, ажралувчи гардишлар, мембранали патронлар). Кўп ўринли мосламаларнинг сиқувчи қурилмаларини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Бир нечта заготовка қаторасига ўрнатиладиган ва уларнинг кўндаланг юзаси бўйича гайка билан сиқиб қўядиган гардиш энг оддий қурилма хисобланади. Бундай гардишлар тишли ғилдиракларга, дискларга, поршен ҳалқаларига ишлов беришда ишлатилади. Сиқувчи куч, бу ҳолда кетмакет узатилади.

Мураккаб сиқувчи қурилмалар бир-бири билан уланган бир нечта оддий қурилмалардан ташкил топади. Уларга узлуксиз ҳаракатдаги ва автоматик сиқувчи қурилмаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Биринчи хили вертикал фрезерловчи, вертикал-силлиқловчи ва кўп шпинделли станокларда ишлатилади. Сиқувчи қурилманинг муайян бир кўринишини ёрдамчи вақтнинг асосий вақтга нисбатига қараб аниқланади. Агар асосий вақт ёрдамчи вақтни қоплаб юборса, қурилмаларнинг турли кўринишларидан фойдаланиш мумкин.

Автоматик сиқувчи қурилмалар, заготовкани мослама қотиришдаги кўл кучини бартараф этади. Улар кучни станок механизмларидан ёки кесиши кучидан олади. Масалан, кўп шпинделли пармаловчи станокларда-пружинали қискичлар, гидравлик нусха кўчирувчи токарлик ярим автоматларда-иккита экскентрик муштчали тизгинли патрон. Сиқувчи қурилмаларни сиқилган ҳаво, суюқлик, электр кучи ва бошқа тасвиirlар ёрдамида автоматлаштириш ишчининг меҳнатини енгиллаштиради-ишга туширувчи ва тўхтатувчи механизмларни бошқариб туришдан озод қиласди. Бу вазифаларни станок механизмлари билан уланган автоматик кранлар, тақсимлагич(золотник)лар, оралиқ ва узгичлар бажаради; автоматлар ва ярим автоматларда эса-тақсимловчи механизмлар бажаради. Автоматик мосламаларда заготовкани ишловдан олдин қотириш ва ечишда кам куч ва вақт сарфлаш, уни силжитмасдан бир текис қотириш ва юзасини бузмаслик. Кесиши кучини асосан мосламанинг таянч элементларига тушиши керак, шунинг учун улар сиқувчи қурилмаларга қараганда қаттикроқ бўлиши керак. Сиқувчи кучларни тақсимлагандан ағдариб юборувчи кучлар, буровчи моментлар пайдо бўлмаслигини кўзда тутиш, заготовка даражада деформацияланишиб қотирганда мустаҳкам ва турғун бўлишини таъминлаш керак. Сиқувчи кучларнинг доимийлиги ишловнинг аниқлигига таъсир этади.

Сиқувчи кучлар ҳисоби. Бу кучлар Янги, махсус мосламаларни лойихалашда ёки маълум куч билан ишловчи сиқув қурилмали, универсал мосламалардан фойдаланишда ҳисобланади. Махсус мосламаларни лойихалашда ҳисоб заготовка тушадиган кучларнинг катталиги, йўналиши ва қўйиладиган нуктalarни аниқлашдан иборат. Катталиги ва йўналишини заготовкани ўрнатиш ва қотиришнинг қабул қилинган схемасидан, унга таъсир этадиган кесиши кучлари ва моментлари орқали топилади. Жойлашувини эса, шундай аниқлаш керакки, заготовканинг ўзини ёки уни мослама билан бирга ағдариб юбормасин, бураб ташламасин. Бикр бўлмаган заготовкаларни қотиришда сиқувчи кучлар таянчларга ёки уларнинг яқинига туширилади, қаттиқ заготовкаларни бу кучлар таянчлар ўртасига туширилади.

Кесиб ишлов беришда заготовкаларга кесувчи кучлар таъсир этади. Шу кучлар ва таянчлар реакциясини аниқлайди, шакллантиради. Масалан, заготовка кучлар ва моментлар таъсири остида мувозанат сақлаш шарти билан ечилади. Сиқувчи кучлар мосламага ўрнатилган заготовка силжиб кетмаслигини таъминлайдиган даражада бўлиши керак. Универсал мосламалардан фойдаланилганда сиқувчи кучлар текшириш учунгина ҳисобланади.

Сиқувчи кучларни ҳисоблашда эластик деформация ҳисобга олинади. Ўзидан-ўзи тормозланадиган сиқувчи қурилмаларда (винтли, понали, эксцентрикли) ҳаракатга келтириш усулидан қатъий назар (қўл кучи, сиқилган ҳаво ва суюқлик), эластик деформация сиқувчи кучларга тўғри мутаносиб. Сиқувчи қурилмаларнинг бошқа турлари (пневматик, гидравлик ва пневмогидравлик механизмлар)даги куч қарши кучларга қараб топилади. Масалан, ортиб борувчи кучлар пневмоцилиндр штокига тушганда, бу кучлар поршен ортидаги сиқилган ҳаво ёки мой босимидан ортган тақдирдагина шток суриласди, акс ҳолда шток бир жойда тураверади, қурилма заготовкани сиқувга олмайди.

Винтли қисқичлар заготовкаларни қўл кучи билан қотириб қўядиган, механизациялаштириладиган йўлдош-мосламаларда қўлланилади. Уларнинг конструкцияси турлича бўлади. Заготовка эзилиб қолмаслиги ва сурилиб кетмаслиги учун винтнинг учига бўш (эркин) қилиб бошмоқ кийгизилади. Заготовкани сиқувчи куч дастакнинг узунлигига, унга қўйилган йўл кучига, винт учининг кўндаланг юзига ва резьба шаклига боғлиқ. Винт учи сферик ва текис бўлиши мумкин.

Понали қисқичлардан мураккаб сиқувчи механизмлардан ёрдамчи восита сифатида фойдаланилади. Улар соддалиги, қулайлиги ва мосламага жойлаш осонлиги билан ажralиб туради. Понали қисқич ўз-ўзидан тормозланиш хусусиятига эга бўлиши керак: бу-ишлов бериладиган заготовкани ишончли равишда сиқиб қўйиш имконини беради. бир қиялик пона мосламанинг механизациялашган юритгичнинг бошланғич кучини орттириб беради. Юритгич штоки сурилиб, понани босади ва унинг кия юзасида вертикал йўналган сиқувчи куч хосил қиласди. Унга қарши турадиган кучлар: 1-реакция кучи, у кия юзага тик йўналади; 2-шу юза ишқаланиш кучи; 3-понанинг горизонтал юзасидаги ишқаланиш кучи. Уччаласиям қарама-қарши йўналган бўлади.

Заготовка мосламага қотирилган пайтда пона мувозанатда бўлади.

Эксцентрикли қисқичлар тез ишга тушадиган механизмлар сирасига киради. Эксцентрикларнинг ишловчи профилли айлана, логарифмик ёки Архимед спирали шаклида бўлиши мумкин. Энг оддийси валик ёки дискча шаклидаги доиравий эксцентрик ҳисобланади. Заготовкани мосламага қотирганда доиравий эксцентрик ўз ўки атрофида маълум бир бурчакка бурилади. Бу ўқ асосий ўққа нисбатан бир оз четроқдан ўтади, оралиқни «эксцентриситет» дейилади ва у ўзидан-ўзи тормозланишини таъминлаши керак. Бунинг учун эксцентрикнинг кўтарилиш бурчаги α маълум бир ҳолатда ишқаланиш бурчагидан ошмаслиги керак, яъни $\phi \geq \alpha$ бўлиши лозим. Эксцентрикли қисқичларнинг ўзидан-ўзи тормозланиши эксцентрик диаметрининг эксцентриситетга нисбатидан аниқланади. Нисбат 14-16 бўлса, ўзидан-ўзи тормозланиш содир бўлади.

Эксцентрикли қисқичларнинг асосий ўлчамларини ГОСТ 9061-68 бўйича танлаш керак. Доиравий эксцентрикларда диаметр $d=32-70$ мм, эксцентриситет эса $L*1.7-3.5$ мм бўлади.

Улар 20Х русумли пўлатдан ясалиб, 0.8-1.2 мм чукурликкача цементация қилинади ва HRC*55-60 қаттиқликкача тобланади.

Заготовкаларни мосламага сиқиб қўйиш учун куч берувчилар (юритгичлар). Технологик мосламаларда кўл кучи билан сиқиб қўйиш ўрнига механизмлардан фойдаланишга ҳаракат қилинади. Шунда иш унуми ортади, заготовкани ўрнатиш ва ечиш вақти қисқаради, иш шароити енгиллашади ҳамда заготовка омонат ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

Пневматик юритгичлар пневмо цилиндр ёки пневмокамера кўринишида бўлади. Пневмоцилиндрлар диаметри 50-300 мм оралиқда ва ўзи бир ва икки томонлама ишлайдиган бўлади. Бир томонлама ишлайдиганида поршени дастлабки ҳолатга пружина қайтаради. Бундай цилиндрлардан, ишлови тугаган заготовкани мосламадан ечиб олиш катта куч талаб қилмайдиган ҳолларда фойдаланилади. Шунда сиқилган ҳаво тежами 30 % гача боради. Икки томонлама ишлайдиган пневмоцилиндрларда поршен иккала томонга, сиқилган ҳаво кучи билан бориб келади.

Пневмоцилиндрлар қўзғалмас, айланувчан ва тебранувчан қилиб ясалади. Қўзғалмас ёки стационар цилиндрлар дастгоҳнинг-фрезалаш, пармалаш ва бошқа столига ўрнатилади; айланувчи цилиндрлар-токарлик ва револверлик станокларига ўрнатилади.

Диафрагма ёрдамида куч узатишда пневмокамера бир томонлама ишлайдиган қилиб ясалади. Унинг иккита тарелкаси бўлиб, улар пўлатдан штампланиб ёки чўяндан қўйиб ясалади. Уларнинг орасида диафрагма сиқилган ҳолда туради. Диафрагма мойга чидамли резинка шимдирилган ва қопланган кўп қаватли газмолдан ясалади. Пневмоцилиндрларга қараганда камера конструкция жиҳатидан оддий ва арzonга тушади, ҳавони чиқариб юбормайди ва узоққа чидайди. Масалан, пневмоцилиндрларнинг манжети 50 000 ҳаракатдан ортигига дош бермайди, камераники эса-500 000 марта ишлашга ярайди. Пневмокамераларнинг камчилиги-штокнинг йўли қисқалигига ва у ҳаракат пайтидаги кучнинг ўзгариб туришида.

Гидравлик куч юритмаларининг пневматик куч юритмаларига нисбатан афзаллиги-суюқликнинг босими катта бўлишида. Бу, ўз навбатида Яна бир қанча афзалликларга-катта сиқув кучи, ишқаланувчи деталларни мойлаш имконияти, кичик ўлчамлар ва масса-сабаб бўлади. Камчилиги сифатида конструкциянинг мураккаблиги ва қимматлигини кўрсатиш мумкин.

Гидравлик куч юритмаси - мустақил жиҳоз бўлиб, электро-двигател, ишчи гидроцилиндр, насос, бак, бошқариш ва ростлаш аппаратлари ҳамда қувурлардан иборат. У якка фойдаланишга мўлжалланган (бир нечта станок учун) бўлади.

Пневмогидравлик куч юритмаларининг ҳажми кичикроқ бўлса ҳам, заготовкани катта куч билан сиқади. Уларни баззан гидрокучайтиргичли пневмоюритгич дейилади.

Уларнинг иши қуйидагича кечади. Цехнинг сиқилган ҳаво берувчи тармоғидан ҳаво пневмоцилиндрнинг штоксиз бўшлиғига киради, шунда поршен шток-плунжер билан бирга чапга сурилади. Шток-плунжер гидроцилиндр ичидағи мойни сиқади; мойнинг босими ошиб поршен шток билан чапга сурилади, натижада шток бошқа механизмлар ёрдамида мосламанинг сиқувчи қурилмаларига куч узатади. Пневмоцилиндр поршеннинг юзаси шток-плунжер юзасидан қанчалик катта бўлса, гидроцилиндрдаги мой босими пневмоцилиндрдаги ҳаво босимидан шунчалик юқори бўлади.

Корпуслар, ёрдамчи деталлар ва бўлиш қурилмалари. Корпусга мосламанинг ҳамма элементлари ўрнатилади, шунинг учун у ҳар қандай мосламанинг асосий детали ҳисобланади. Бу элементларнинг корпусда жойлашуви ва конструкцияси ишлов бериладиган деталларнинг шакли ва ўлчамлари ҳамда ишлов турлари билан аниқланади. Мосламанинг бошқа элементлари сингари корпус ҳам содда бўлиши ва арzon битиши керак, бикр, мустаҳкам ва турғун бўлиши зарур. Сиқиш ва кесиш кучлари ишлов берилаётган детал орқали корпусга ўтади. Корпус деформацияланмаслиги ва ишлов бераётганда титрамаслиги, ишлов бериладиган деталларни тезда ўрнатиб-ечиш имконини бериши, қириндилардан тез ва

соз тозаланиши, станокка ўрнатилиши ва унга техник кўрсатилиши билан қулай бўлиши зарур.

Мосламалар корпусининг заготовкаси ҳар хил йўл билан тайёрланиши мумкин: кулранг чўяндан қўйма; пўлат плиталардан, листлардан ва профилли прокатлардан (уголник, швеллер) пайвандланган; боғланган пўлатдан; қўйма ва пайвандланган; алоҳида-алоҳида стандартланган ва нормаллаштирилган деталларни винтлар билан бирлаштирилган.

Автомобил ва трактор саноатида ўрта ва йирик ўлчами мосламаларнинг корпуси, одатда, қўйма ёки пайвандлаш йўли билан тайёрланади. Қўйиш йўли билан мураккаб шакли корпусларни бикр қилиб ясаш мумкин.

Пайвандлаб тайёрланган корпусларнинг бикрлигини ошириш учун маҳсус қобирғалар пайванд қилинади.

Шаклан мураккаб бўлмаган деталларга ишлов беришда ишлатиладиган мосламаларнинг корпусини пўлатдан болғалаб ясаш мумкин.

Мосламаларнинг энг кўп қўлланадиган ёрдамчи деталлари ҳисобига тутқичлар, корпусларнинг таянчлари, мосламани станокка ўрнатишни тезлатадиган шпонкалар, ишлов берилиб бўлган деталларни итариб чиқарувчилар, станокни созлашда қўлланадиган тиргаклар киради. Бу деталлар учун чиқарилган стандартлар ва нормаллар бор.

Мосламанинг ишлов бериладиган детал ўрнатиб қўядиган айланма қисмини муайян бир ҳолатда тўхтатиб қўйиш учун бўлиши курилмалари ишлатилади. У айланма қисмда жойлашган бўлиш диск ва қотиравч (фиксатор) дан иборат бўлади. Қотиравчилар ҳам ҳар хил бўлади, энг кўп тарқалгани пружина ёрдамида сакраб чиқади-да, тешикка кириб қолади.

Кесувчи асбобни йўналтирувчи элементлар. Булар кондуктор деб ҳам аталади. Тешикларни маълум бир нуқтадан очишда ёки уларга развёрткалар, зенкерлар билан ишлов беришда, борштангада ўрнатилган кескич ёки кесувчи каллак билан кенгайтиришда кондукторлар ишлатилади ва бунда ҳеч нарсани ўлчаб ўтиришга ҳожат қолмайди. Кондукторларнинг втулкалари доимий, алмаштирилувчи, тез алмаштирувчи ва маҳсус бўлади.

Доимий втулкалар кондуктор тешигига пресслаб ўрнатилади ва одатда, пармалар ва зенкерларни йўналтиришда ишлатилади.

Алмаштириладиган втулкалар прессланган втулкаларга кегизилади ва винт билан қотирилади.

Детални мосламага бир ўрнатишда, битта тешикка кетма-кет бир нечта асбоб (масалан, зенкер ва развёртка) билан ишлов беришга тўғри келадиган ҳолатлар бор. Шунда тез алмаштирувчи втулкалар қўйилади.

Пармалаш ва зенкерлаш учун мўлжалланган втулкалар тешигининг диаметри жоизлиги f7 ўтқазиш (посадка) талаби жавоб бериши керак; развёрткалашга мўлжалланган втулкаларда вал тизими бўйича qб ўтқазишга жавоб бериши лозим. Агар тешик ўқининг жойи аниқлиги 0,050 мм ва ундан кўпроқ бўлса, тешикнинг жоизлиги парма билан ўтиш учун h6 ўтқазишга, тозлаб развёрткалаш учун qб ўтқазишга эга бўлиши керак. Бунда асбоб жуда ҳам қизиб кетишини эътибордан соқит қилмаслик даркор.

Втулкани пастки кўндаланг юзасидан деталнинг ишлов бериладиган юзасигача бўлган масофа втулка диаметрининг 0,3-1,0 улуши қадар олинади; мўрт материалларга ишлов беришда камроқ масофа, қайишқоқ материалларга ишлов берганда кўпроқ олинади.

3.Маҳсус мосламаларни конструкциялаш услуби.

Технологик жараёнларни лойихалашда маҳсус мосламалар конструкциясининг кўринишлари белгилаб олинади. Станокни муайян бир амалга мўлжаллаб, созлаш чизмасида детал мосламага ишлов бериладиган каби қотирилган ҳолда кўрсатилади.

Станок мосламаларининг конструкциясини ишлаб чиқишидан олдин заготовка ва деталнинг ишчи чизмаларини, технологик жараённи ва мосламани лойихалашда туртки бўлган амалга станокни созлаш чизмасини ўрганиб чиқиш. Шундан кейингина ўрнатувчи элементларнинг тури ва ўлчамлари, миқдорри ва ўзаро жойлашуви аниқланади. Сўнгра,

сикувчи куч қўйиладиган жой белгиланади, технологик жараёндан маълум бўлган кесиши кучига қараб сиқиши кучининг миқдорри аниқланади.

Заготовкани мосламага сиқиб қўйиш ва ундан ечиб олиш давомийлигига, шакли ва аниқлик даражасига, сикув кучининг миқдорри ва қўйиладиган жойига қараб сиқув қурилманинг тури ва ўлчамлари танланади. Шундан сўнг, кесувчи асбобнинг ҳолатини назорат қиласидиган ва уни йўналтирадиган деталларнинг тури ва ўлчамлари танланади, шунингдек зарурӣ ёрдамчи қурилмалар аниқланади. Бу ишларда мавжуд стандарт ва нормалардан иложи борича кўпроқ фойдаланиш керак.

Мосламани лойиҳалаш қофозга заготовкани умумий шаклини туширишдан бошланади. Мослама қанчалик мураккаб бўлишига қараб заготовканинг бир неча проекцияси чизилади.

Мосламанинг умумий кўринишини лойиҳалашда заготовканинг умумий кўриниши (контури) атрофига мосламанинг элементлари: таянчлар, сиқувчи қурилма, асбобни йўналтирувчи деталлар ва ёрдамчи қурилмаларни бирма-бир чизиб чиқилади. Кейин мослама корпусининг умумий шакли (контури) чизилади.

Мосламанинг умумий кўриниши 1:1 масштабда чизилади, деталларга рақам берилади, спецификацияда ГОСТлар, нормалар, материаллар, деталларнинг миқдорри ва термик ишлов кўрсатилади. Мослама конструкциясини тайёрлашда кесиши кучига қараб сиқув кучи, ўрнатиш хатолиги, механизациялашган куч узатилганда - куч юритмасининг асосий ўлчамлари ҳисоблаб топилади. Мосламанинг умумий кўриниши чизмасида энг катта ўлчамлар, мосламанинг аниқлигига ва йиғишдаги назоратга тегишли ўлчамлар кўрсатилиши керак. Кондукторлар учун втулкалар диаметри, уларнинг ўқлари орасидаги масофалар, бу ўқлардан ишлов бериладиган заготовканинг асос юзасигача бўлган масофалар, кондукторнинг асосий туташадиган деталларини ўтқазиш асосий ўлчамлар ҳисобланади.

Мосламанинг умумий чизмасида ва деталларнинг ишчи чизмасида жоизликларни тўғри кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга.

Лойиҳаланаётган мослама маълум даражада, айниқса, сиқувчи ва кесувчи кучлар йўналишида бикр бўлиши керак. Юқори бикрлик учма-уч уланган жойларнинг камлиги, яхлит ёки пайвандланган конструкциялар кўлланилиши билан таъминланади.

Учма-уч уланган жойларни ҳам бикр қилиш мумкин, фақат, бунинг учун ўша жой сиқувга ишлайдиган ва юзасининг нотекислиги кам бўлиши керак. Кўзғалмас туташ жойларда қотиравчи болтлар бикрликни таъминлайди. Буралишга ишлайдиган туташ жойларда болтларни бир хил оралиқ билан, букилишга ишлайдиган туташ жойларда эса, аксинча-нейтрал ўқдан олисрокда нотекис ўрнатиб қотирилади. Тобланган деталларни туташтирганда бикрлик термик ишлов олмаган деталларга қараганда юқори бўлади.

Мослама корпуси заготовкани сиқканда деформацияланмаслиги ва станокнинг мослама ўрнатилган столи ҳам деформациялан-маслиги керак.

Мосламаларни қўллаш самарадорлиги. Махсус мосламаларни қўллаш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаши керак. ҳисобларда муайян бир технологик амални бажаришга мўлжалланган турли мосламалар таққосланади.

Мосламалар самарадорлиги уни қўллашдан кўрилган йиллик тежам ва ўз харажатини коплаш муддати билан аниқланади. Мосламанинг йиллик харажатларига унинг амортизация ажратмалари, ишлатиш ва техник хизмат харажатлари ҳам қўшилади.

11-мавзу: Технологик жараёнларни лойиҳалаш.

Режа:

- 1. Технологик жараёнларни ишлаб чиқиш тартиби.**
- 2. Технологик жараён вариантиларининг техник-иктисодий таҳлили.**
- 3. Технологик жараёнларни намуналаштириш.**
- 4. Технологик жараённи лойиҳалашни автоматлаштириш.**

1.Технологик жараёнларни ишлаб чиқиш тартиби.

Заготовкаларга кесиб ишлов беришнинг технологик жараёнларини ишлаб чиқиш комплекс масала бўлиб, уни муайян шароитларда ҳал қилиш учун заготовкани тайёр деталга айлантиришнинг оптимал вариантини топиш лозим, айни пайтда техник талабларга жавоб берадиган сифат ва аниқлик бажарилиши зарур. Бунинг учун куйидаги дастлабки маълумотлар ва материаллар керак: деталнинг ишчи чизмаси ва шу детал иштирок этган йиғма бирликнинг чизмаси; заготовканинг ишчи чизмаси, деталларни тайёрлаш дастури; ишлаб чиқилган технологик жараённи бажариш шароитлари (мавжуд корхона, истиқбол ва ҳ.к.); кесув ва ўлчов асбобларига тааллуқли ГОСТлар ва нормалар; мосламаларнинг нормалари ва альбомлари; ускуналарнинг технологик тавсифлари; меъёрлар, қўлланмалар ва йўриқномалар (қўшимча қатламларни ҳисоблаш, кесиш шароитларини танлаш ва ҳ.к.).

Детални ясаш технологик жараённи маълум бир тартибда ишлаб чиқилади. Деталнинг ишчи чизмасини ва детал иштирок этган йиғма бирликнинг умумий чизмасини ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш билан технологик жараённи ишлаб чиқиш бошланади. Деталнинг вазифалари ва иш шароитлари ҳам ўрганилади. Хатолар ва камчиликлар (ўлчамларни ва аниқликни нотўғри кўрсатиш, ғадир-будурлик, шакллар ва юзалар бўйича нотўғри талаблар ва ҳ.к.) топилса, дархол тўғрилаш керак.

Заготовкани ясаш усулини тайёрлов цехининг (куйиш, таъмирлаш ва б.) технологияси белгилайди. У заготовка материалига, миқдоррига биноан иш тутади. Механик ишлов технологиясининг вариантини танлаш ва тузиш заготовка турига боғлиқ.

Технологик жараён хомаки, нозик ва пардоз амалларга бўлинади. Амаллар шундай шаклланадики, натижада ҳар бирининг қийинлиги маҳсулотни чиқариш тактига (оқимли қаторда маҳсулотни тайёрлаб чиқариш вақти) тенг ёки каррали нисбатда бўлсин. Ускуналардан фойдаланиш коэффициентини ошириш мақсадида амалнинг станок вақти чиқариш тактига тенг ёки каррали нисбатда бўлишига интилиш лозим.

Технологик жараён бир ёки кўп ўтишли ва кўп вазинли амаллардан ташкил топади. Бир ўтишли амалда бир ёки бир неча бир хил кесувчи асбоб билан ишлов берилади. Масалан, бир тешикни бирваракайига икки томондан пармалаш, валнинг цилиндр юзасини бир неча кескич билан кириш, бир даста валнинг кўндаланг юзини фрезалвш бир ўтишли амалга мисол бўлади.

Кўп ўтишли амалда бир ёки бир неча деталнинг юзасига бир ёки бир неча асбоб билан ёинки бир неча деталга турли асбоблар билан (револвер станокларда ишлов, нусха кўчирувчи ярим автоматларда кесиш ва ҳ.к.) ишлов берилади. Кўп позицияли ёки агрегатли станокларга асосланган кўп вазиятли амаллар ҳам шунга киради. Амалларни шакллантиришда бир йўла кўп станокни бошқариш ёки касб ўриндошлиги имкониятини ҳам кўзлаш мухим. Юқори унумли станокларни (ярим автоматлар, автоматлар, автоматик қаторлар) шундай танлаш керакки, улар амалларни бир жойда жамлашга, вазият ва ўтишларни бир вақтда бажаришга имконият яратсин. Юпқа қатламни олиш билан боғлиқ бўлган хомаки ишловни, юқори аниқликни бўлмаса ҳам катта унумдорликни таъминлайдиган станокларда бажариш керак. нозик ишлов берадиган амаллар юқори аниқликни таъминлайдиган станокларда, пардозлаш амаллари-прецизион (юқори даражада аниқлик берадиган) станокларда бажарилади.

Технологик жараённинг таркибига мавжуд корхонадаги шароитлар ва янгидан лойиҳаланаётган заводдаги бўлажак шароитлар жиддий таъсир ўтказади. Мавжуд корхонада

ищиз турган ёки қўшимча иш бериш мумкин бўлган ускуналар ҳам технологик жараённи шакллантиради. Бу ҳолда жараённи кўп микдоррдаги деталларга лойиҳалаш ускуналар сонини маҳсулот чиқариш коэффициентига оддийгина кўпайтиришдан иборат бўлиб қолмасдан, технологик ва ташкилий ечимлар хисобига амалга оширилиши зарур. Янги қурилаётган завод учун технологик жараён ишлаб чиқиша ускуналар деталларни арzon тайёрлаш нуқтаи-назаридан танланади.

Шундай қилиб, технологик амални лойиҳалашда қўйидаги маълумотларга эга бўлиш керак: заготовкага ишлов бериш йўналиши (маршрути), уни асослаш ва қотириш схемаси, кўрилаётган технологик амал таъминлайдиган ишлов аниқлиги ва юза ғадир-будурлиги, олдинги амалларда эришилган аниқликлар ва ғадир-будурликлар, қўйимлар. Агар технологик амал оқими қаторига мўлжалланаётган бўлса, юқоридагилардан ташқари, ишнинг суръатини ҳам олдиндан билиш керак. йўналиш ёрдамида илгаридан белгиланган амал ойдинлаштирилади: ўтишларнинг навбатлари ва устма-уст тушиш имкониятлари тайинланади, ускуналар ва жиҳозлар узил-кесил танланади, кесиш режими ва вақт меъёри ҳисобланади, созлаш ўлчамлари тайинланади ва созлаш схемаси тузилади. Технологик амалнинг эҳтимолий икки-уч варианти, лойиҳалашнинг техник иқтисодий тамойилига риоя қилинган ҳолда унумдорлик ва таннарх бўйича таққосланади. Лойиҳалашда битта деталга кетадиган вақтни қисқартиришга ҳаракат қилиш лозим.

Оқимли қатордан фойдаланилганда бу вақтни қатор унумдорлиги билан мувофиқлаштириш керак.

Вақт меъёрини қисқартириш учун бир неча технологик ўтишларни бир вақтда бажариш керак. асосий вақт юқори унумли ва аралаш асбобларни қўллаш, кесиш режимини ошириб, ишлов қатламини камайтириш, технологик ўтишлар сонини ва асбобнинг ишчи юришини қисқартириш ҳисобига камаяди. Ёрдамчи вақтни заготовкани ўрнатиш ва ечиш, ёрдамчи юришлар вақти ҳисобига камайтириш мумкин. Бунинг учун тезкор мосламалардан фойдаланиш керак.

Технологик амалларни лойиҳалаш кесиш режимларни, СМАД тизимининг бикрлигини ҳисобга олган ҳолда кутилаётган ишлов аниқлигини, ишчи ва ёрдамчи юришларни ва шу кабиларни ҳисоблаш билан бир вақтда бажарилади.

Кесиш режими ишланган юзанинг аниқлиги ва сифатига иш унуми ва таннархига жиддий таъсир этади. Бир асбобли ишловда кесиш режимларини белгилашнинг тартиби қўйидагicha: аввал кесиш қалинлиги аниқланади, кейин асбобнинг суримиши ва ундан кейин кесиш тезлиги. Қалинлик ишлов қатламига ва уни иш бажарадиган бир юришда олиб ташлаш имкониятига қараб аниқланади. Агар ишлов аввалдан созлаб қўйилган станокда бажарилса, кесиш қалинлиги ҳам илгаридан ҳисоблаб қўйилган ишлов қалинлиги энг юқори микдоррда олинниб, иш бажариладиган юришлар сони камайтирилади. Берилган аниқлик ва юза ғадир-будурлигини таъминлаш мақсадида иш бажариладиган юришларнинг сўнгиларидан кесиш қалинлиги камайтирилади.

Кесувчи асбобнинг суримиши энг катта микдоррда олинади. Хомаки ишловда технологик тизимнинг энг бўш қисми (заготовка кесувчи асбоб, станокнинг бирор элементи) чекловчи омил бўлади. Тозалаш ва пардозлаш ишловларида суримиши юза аниқлиги ва ғадир-будурлигига бўлган талабга биноан белгиланади. У мавжуд меъёрларга қараб ҳисобланади ва танланади, лекин станокнинг паспорт кўрсаткичлари билан келиштирилган бўлиши шарт.

Кесиш қилинлиги ва суримиш танлангандан сўнг, кесиш кучининг тангенсли ташкил этувчиси ва кесиш моменти, сўнгра станокни сиқиши кучи (буниси мослама конструкциясини ишлаб чиқишига керак), зарурий ва сарфланадиган қувват ҳисобланади. Сиқув кучини ҳисоблаётганди кесиш қалинлигининг энг юқори чегараси, сарфланадиган қувват ҳисобланади оралиқ қўйимнинг ўртача қиймати бўйича ҳисобланган кесиш қалинлиги (бир тўп заготовкага ишлов беришда шуниси маъқул) олинади.

Кесиш тезлиги, ушбу технологик ўтишнинг бажарилиш шароитини ҳисобга олган ҳолда, формулалар бўйича ҳисобланади ёки меъёрлардан олинади. Одатда, бу тезликни ҳисоблашда, кесувчи асбобнинг чидамлилигига қаралади:

$$\vartheta = C_v / T^m$$

бу ерда: C_v - ишловнинг муайян шароитларига, кесиш қалинлигига, сурилиш ва заготовка материалига боғлиқ бўлган доимий сон; T -кесувчи асбобнинг чидамлилиги, мин; m -нисбий чидамлилик кўрсаткичи ($m < 1$).

Кесиш тезлиги ҳисоблангандан сўнг шпиндел айланишининг частотаси (ёки столнинг, сирпанғичнинг иккапланган юришлари сони) аниқланади. Ҳамма рақамлар станокнинг паспорт кўрсаткичлари билан солиширилади ва зарурат бўлса, ҳисобларга тузатиш киритилади.

Кўп асбобли ишлов учун кесиш режимини аниқлашнинг хусусияти шундаки, ҳамма асбоблар берилган технологик амал кўзланган тартибда ишлашини таъминлаш зарур. Бунда шу амални бажарувчи ускуналарнинг хусусиятини эътиборга олиш керак. Масалан, токарлик-револвер станокларида, кўп кескичли токарлик яримавтоматларда, кесиб кенгайтирадиган станокларда, битта ёки бир нечта блокка (суппорт, тутгич, борштанга) кесувчи асбоблар тўпламини ўрнатиб кўйиб, ишлов бериладиган ҳолатлар бўлади. Ҳар бир блокдаги асбобларнинг сурилиши бир ҳил, тезлиги эса заготовканинг ўлчамига қараб ҳар ҳил бўлади. Кесиш қалинлиги ва сурилиш бир асбоб билан ишлангандаги каби қабул қилинади.

Кесувчи асбоблар блоки учун сурилиш станокнинг имкониятига ёки ишланаётган заготовканинг қалинлигига қараб энг кам миқдорда белгиланади. Нозик ишлов беришда сурилиш юза ғадир-будурлиги талабига биноан чегараланади. Заготовканинг энг катта диаметри ва энг катта узунлигига ишлов берадиган кесувчи асбоб чегараловчи ҳисобланади. Танланган сурилишни станокнинг паспорт кўрсаткичлари билан таққосланади. Чегараловчи асбоблар учун кесиш вақтининг коэффициенти аниқланади:

$$\lambda = \ell_{kc} / \ell_{no}$$

бу ерда: ℓ_{kc} -муайян асбобнинг кесиш йўли: ℓ_{no} -асбоблар блокининг иш бажарадиган юриш йўли.

Созводаги ҳар бир асбобнинг чидамлилиги (кесиш кучи шунга мўлжалланади):

$$T_k T_m \lambda$$

Бу ерда: T_m -муайян созводаги чегараловчи кесув асбоблар бир ҳил ишлаган шароитдаги шартли-иқтисодий чидамлилик, мин.

T_m нинг қиймати меъерий жадваллардан олинади. Улар ишланаётган заготовка материали ва кесув асбобини, созводаги асбоблар сонини, уларнинг тури ва ўлчамини ҳисобга олади. Мўлжалланган чегараловчи кесув асбобларининг чидамлилиги бўйича, меъёрларига қараб кесиш тезликлари-V аниқланади; уларнинг энг кичиги чегараловчи асбобга тааллуқли бўлади. Шу тезлик бўйича шпинделнинг айланиш частотаси-n ҳисобланади ва станокнинг паспорт кўрсаткичига қараб тузатилади. Сўнгра, кесиш моменти ва қуввати ҳисобланади. Улар ҳам станокнинг паспорт кўрсаткичлари билан, шпинделнинг мазкур айланиш частотасига мос ҳолда таққосланади ва зарур бўлса, тузатиш киритилади. Бунинг учун сурилиш ва кесиш тезлиги ўзгартирилади.

Кўп шпинделли пармаловчи, кесиб кенгайтирувчи, узунасига фрезаловчи станокларда блок ёки каллакка ўрнатилган кесув асбоблари тўплами турли тезлик билан, лекин бир ҳил сурилиш билан ишлайди. Ҳар бир асбобнинг ишлаши, ишлов бериладиган юзанинг ўлчамига боғлиқ ҳолда турлича давом этиши мумкин. Бу ҳолда созводаги ҳар бир асбоб учун кесиш қалинлиги тайинланади, шундан сўнг меъёрларга қараб сурилиш-шпинделнинг бир айланишида кескич ўтадиган йўл-S_o танланади. Кейин, кесиш тезлиги бўйича чегараловчи асбоблар ва уларга қараб амалдаги чегараловчи кесув асбобининг шартли-иқтисодий чидамлилиги аниқланади. Шартли-иқтисодий чидамлиликтининг меъёрларидан фойдаланиб, созводаги ҳамма асбоблар учун кесиш тезлигини чидамлилик бўйича эмас, ишланадиган юзанинг аниқлиги ва сифатига қараб белгиланади. Кейин асбоблар ўрнатилган шпинделларнинг айланиш частотаси-n_a ва кесувчи асбобнинг бир минутдаги силжиши аниқланади:

$$S_m = S_0 n_{at}$$

S_m нинг энг кичик қиймати кўп шпинделли каллак учун қабул қилинади, шундан сўнг асбоб шпинделларининг айланиш частотасига тузатиш киритилади:

$$n_{at}kS_m / S_0 n$$

Шунга қараб амалдаги кесиши тезлиги ҳисобланади:

$$\vartheta_a k \pi d n_{at} / 1000$$

Тайинланган кесиши режимлари жами кучини, кесиши моменти ва қувватини беради. Бу рақамларга асосан кесиши режимларига, станокнинг паспорт кўрсаткичларига таққослаб, тузатиш киритилади. Автомат қаторлар ва агрегат станоклар учун кесиши тезлигини шундай белгиланадики, асбобларнинг чидамлилиги иш сменасининг ярмидан кам бўлмасин. Ўтмаслашиб қолган асбоблар тушлик вақтида ва сменалар ўртасида, ускуналарни тўхтатиб қўймай алмаштирилади; кам ишлайдиган асбоблар сменалар оралиғида ёки бир неча сменадан сўнг алмаштирилади. Асбобни алмаштириш-мажбурий, унинг ейилишига қарамайди.

Ишлаб чиқилган технологик жараён технологик хужжатлар билан расмийлаштирилади. Технологик хужжатларнинг ягона тизимида (ЕСТД-единая система технологической документации) шундай хужжатларнинг тўплами кўзда тутилган. Улардан асосийлари: йўналиш картаси (маршурутная карта) ва технологик жараён картаси.

Йўналиш картасида буюмни тайёрлаш ёки таъмирлаш технологик жараёни (назорат ва узатишлар билан бирга) акс эттирилади. Унда ҳамма амаллар технологик кетма-кетликда, ускуналарни, жиҳозларни, материал ва меҳнат меъёрларини белгиланган шаклда кўрсатилади.

Технологик жараён картасида ҳам йўналиш картасидаги сингари, буюмни ясаш ва таъмирлаш (назорат ва узатишлар билан бирга) технологик жараённи ёзиб қўйилади, лекин бу ерда йўналиш картасидан фарқли ўлароқ, битта цехда, технологик кетма-кетликда бажарилаётган бир ҳил ишнинг амаллари, технологик жиҳозлар, материаллар ва меҳнат меъёрлари кўрсатилади.

Технологик хужжатлар тўпламига амаллар картаси, эскизлар картаси, технологик кўрсатмалар, деталлар (йиғма бирликлар) қайдномаси ва бошқа хужжатлар ҳам киради.

Амаллар картасида битта амалга тегишли ўтишлар, ишлов режимлари ва технологик жиҳозлар кўрсатилади. Серияли ва ялпи ишлаб чиқаришда бундай карталар ҳар бир амал учун тузилади ва йўналиш картаси билан тўлдирилади. Амаллар дастурлар асосида бошқариладиган станокларда бажарилса, ҳисоб-технологик карта тузилади. Унда кесувчи асбобнинг ҳаракат траекторияси ва ишнинг элементлари кўрсатиладики, шуларга қараб станокни бошқарувчи дастур тузилади.

Эскизлар картасида маҳсулотни ясаш ёки таъмирлаш бўйича технологик жараённи, амал ёки ўтишни бажариш учун зарур бўлган эскизлар, схемалар ва жадваллар берилади. Кесиб ишлаш учун бу карталар созлов эскизлари кўринишида берилади (заготовкани ўрнатиш схемаси, олинган ўлчам қўйимлари ва юзалар ғадир-будурлиги). Жадваллар ва схемалар эскиз картанинг бўш жойида, тасвирнинг ўнг томонида ёки пастида берилади.

Бўтловчи картада йиғма буюм тўпламига кирадиган деталлар, йиғма бирликлар ва материаллар маълумотлар берилади.

Технологик йўл-йўрикда иш усуслари ёки детал ясаш технологик жараёнлари (шу жумладан, назорат) техника воситаларини ишлатиш тартиблари ва хоказо ёзиб қўйилади.

Технологик хужжатлардаги кўрсатмаларга қатъий риоя қилиш корхонадаги технологик интизомни ва сифатли маҳсулотни таъминлайди.

Технологик жараённи лойиҳалаш билан бирга маҳсус ускуналарни, ишчи назорат мосламаларини, кесув ва ўлчов асбобларини конструкциялаш бўйича техник топшириқ ҳам ишлаб чиқилади.

2. Технологик жараён вариантларининг техник-иқтисодий таҳлили.

Кесиб ишлаш технологик жараёни икки-уч вариантда бажарилади. Энг самарали вариант техник-иқтисодий таҳлил йўли билан танланади.

Амал технологик жараённинг асосий, ҳисоблаш элементи ҳисобланади. Амални бажариш учун сарфланадиган вақт (вақт меъёри) муайян шароит учун шу амални қўллаш мезони бўлиб хизмат қиласди. Вақт меъёри- t_1 (битта детал учун) қуидагича аниқланади:

$$t_1 K_{at} K_{t_e} K_{tx} K_t$$

Бу ерда: t_{at} -асосий технологик вақт; t_e -ёрдамчи вақт; t_{tx} -иш жойига техник ва ташкилий хизмат кўрсатиш вақти; t_t -ишчининг танаффуслари ва табиий эҳтиёжлари учун вақт.

$$\text{Асосий технологик вақт: } t_{at} = L_x i / S$$

Бу ерда: L_x - ҳисобий ишлов узунлиги (кесиш узунлиги, асбобнинг меъёрдан ортиқ юрган йўли); S -сурилиш, $\text{мм}/\text{мин}$; i -асбоб билан юриб ўтиш сони.

Иш жойига техник ва ташкилий хизмат кўрсатиш вақти (станокни мойлаш ва тозалаш, станокдан қириндилар тушириш ва х.к.) тезкор (оператив) вақтга нисбатан фоизлар билан меъёранади:

$$t_{op} = t_{at} + t_e$$

Дам олиш танаффуслари ҳам тезкор вақтга нисбатан фоиз билан тайинланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда вақт меъёрини қуидагича ёзиш мумкин.

$$t_1 = (t_{at} + t_e) [1 + (t_{tx} + t_t) / 100]$$

Вақт меъёрига тескари катталикни маҳсулот меъёри (вақт бирлигига дона билан ўлчанади) дейилади:

$$Q = 1 / t_1$$

Бир сменадаги маҳсулот миқдорри:

$$Q = 60 T_{cm} / t_1$$

бу ерда: T_{cm} - иш сменасининг давомийлиги, соат.

Вақт ва маҳсулот меъёrlари станок амалларининг асосий мезони бўлиб хизмат қиласди ва иш унумдорлигини белгилайди. Амалларнинг турли варианtlари учун вақт меъёри - t_1 ни аниқлаб, уларни унумдорлик бўйича таққослаш мумкин.

Деталларни гурух-гурух (партия) қилиб, ишлов бериш шароитларида (амалларнинг даврий қайтарилиб туриши, қайта созланадиган гурух станоклар қаторида ишлаш) тайёрлов-якуний ишлар (иш ва чизмалар билан танишув, усқунани тайёрлаш ва созлаш ва хоказо) вақти- T_{ta} ни ҳам ҳисобга олиш зарур. Берилган гурух (тўп) деталларнинг вақт меъёри- T_r .

$$T_r = t_1 n + T_{ta}$$

Бу ерда: t_1 - вақт меъёри; n - гурухдаги деталлар сони; T_{ta} - тайёрлов-якуний вақт (гурухнинг катта-кичиклигига боғлиқ эмас).

Вақт меъёри бўйича асосий вақт коэффициентини аниқлаш мумкин:

$$\eta = t_{at} / t_1$$

Бу коэффициент ўхшашиб амаллар варианtlари таққослашда хизмат қилиш мумкин. Турли усусларни баҳолаш учун уни қўллаб бўлмайди, масалан, сидириш (протягивание) юқори унумли усул ҳисобланади, η коэффициент эса, тешикларни сидиришда развёрткага қараганда кичик. Бу-сидиришда асосий вақтнинг кичикилиги билан изоҳланади.

Детал ясаш жараёнида, заготовка ясаш усулини ҳисобга олган ҳолда яхлит тавсифлаш учун материаллардан фойдаланиш коэффициентини қўллаш мумкин:

$$\eta_m = \rho / P$$

бу ерда: ρ -тайёр детал массаси; P -заготовка массаси.

3. Технологик жараёнларни намуналаштириш.

Турли автомобил ва трактор заводларида бир ҳил ёки шакли ва ўлчамлари билан бир-бирига яқин турадиган деталларни ясаш учун ҳар-ҳил технологик жараёнларни қўллаш натижасида бу деталлар сермеҳнатлилиги ҳам бир биридан жиддий фарқланади. Бунинг сабаблари-қўлланадиган ускуналар, технологик жиҳозлар, маҳсулот ҳажмининг турли-туманлигидадир.

Турли-туманликни бартараф этиш учун технологик жараёнларни лойиҳалашга тегишли умумий тамойилларни ишлаб чиқиши ва асослаш ҳамда деталларнинг таснифи асосида намунавий жараёнларни ишлаб чиқиши лозим.

Умум қабул қилинган таснифлагиңча биноан ҳамма машинасозлик деталлари иккى синфга бўлинади. 1-айланиш жисмига оид деталлар (вал, втулкалар, дисклар, цилиндрлар..), 2- айланиш жисмига оид бўлмаган деталлар (корпуслар, плиталар, ричаглар..) киради. Ҳар қайси синф, ўз навбатида, деталнинг конструктив хусусиятига қараб синфчаларга, сўнгра гурух ва гурухчаларга бўлинади.

Технологик жараёнларни намуналаштириш-муайян синфдаги ҳамма деталларни тайёрлашга оид бўлган жараёнларни яратиш тушинилади. Бу жараёнлар турли ишлаб чиқариш шароитларида исталган детални ясашнинг оптимал технологик жараёнини ишлаб чиқишига асос бўлиши ҳам керак.

Технологик жараёнга турли омиллар таъсир ўтказади: детал конструкцияси (ўлчамлар, шакл, ишлов аниқлиги), умумий миқдори ва заготовка ясаш усули.

Детал ўлчамлари зарурий ускуналарнинг тавсифига ва технологик жараёнга жиддий таъсир ўтказади. Деталларнинг шакли бир хил бўлса ҳам, ўлчамлари билан кескин фарқлқилса, технологик жараёнлар бир-бирига ўхшамайди (масалан, деталнинг тирсакли вали билан компрессорни худди шундай вали). Двигател тирсакли валининг ўзак ва шатун бўйини йирик маҳсус ва ихтисослаштирилган токарлик станогида йўнилади, компрессор валининг бўйинлари эса, оддий токарлик ёки кўп кескичли станокда мосламалар ёрдамида йўнилади. Корпус деталлар (цилиндрлар блоки, сув насоси корпуси..) ҳам турли ускуналарда бажарилади.

Оқимли ишлаб чиқариш шароитларида турли оқимли қаторлар (якка, жуфтланган, гурух) бир хил ўлчамли ва бир синф, бир-бириникига ўхшаган технологик жараёнга эга бўлган деталлар учун яратилади.

Деталнинг шакли кўп жиҳатдан уни ясаш жараёнини аниқлаб беради. Баъзи ҳолларда турли шаклдаги деталлар ўхшашиб технологик жараёнлар билан ясалиши мумкин. Масалан, поғонали вал ва крестовина ташки кўринишдан кескин фарқлқилади, лекин уларнинг ўрнатув асоси ва амаллар кетма-кетлиги бир хил. Поғонали валнинг ён қиррасини, чор бармоқнинг цапфасини фрезалаб, марказ чукурчаси очиб олингач, валнинг икки томони, чор бармоқнинг цапфаси ҳомаки ва тозалаб қирилади. Пардозлаш амали иккала детал учун силлиқлаш бўлиб, вални иккита марказ орасига сиқиб қўйилган ҳолда, чорбармоқни патронга қистган ҳолда бажарилади.

Ўхшашиб технологик жараёнлар корпусларда, кронштейнларда, устунларда ҳам бор.

Ишлов аниқлиги ҳам детал ясашнинг технологик жараёнига таъсир этади. Детал юзасининг юқори даражада аниқлиги кўшимча пардозлаш амаллари ҳисобига таъминланади. Бў кўшимча амаллар технологик жараёнга асосий амаллар бажаришини ўзгартириштирилган қилиб киритилади. Бу, ўз навбатида, юқори наиқлик билан ишлайдиган станокларга зарурат туғдиради. Натижада механик ишловнинг меҳнат сарфи ортиб кетади.

Тайёрланадиган деталлар миқдори ускуналарни танлашга ва демакки, технологик жараёнга таъсир қиласди. Юқори унумли ускуналар, маҳсус автоматлаштирилган мосламалар ва қурилмалар, маҳсус кесув ва ўлчов асбоблари кўп детал тайёрлаш имконини беради.

Заготовка ясаш усули деталнинг конструктив хусусиятларига, ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ ва кесиб ишлаш жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Йирик серияли ва ялпи ишлаб чиқаришда намуналаштирилган технологик жараён тайёрлаш учун қўйпол заготовка ясаш усусларини (эркин болғалаш, қўл кучи билан қуиши ва х.к.) қўллаш ярамайди. Чунки кесиб ишлашда 2-3 марта кўп металл қириндига чиқиб кетади, ишлар қийинлиги ва нархи ошади.

4.Технологик жараённи лойиҳалашни автоматлаштириши.

ЭҲМ лар ёрдами билан катта технологик масалаларни ечиш мумкин. Стандарт деталларни ясашнинг намуналаштирилган технологик жараёнларини лойиҳалаш, технологик лойиҳалаш учун меъёларни ишлаб чиқариш шулар жумласидан. ЭҲМ ёрдамида заготовка ясаш усулини танлаш, ишлов қатлами ва аниқлигини, кесиш режими ва вақт меъерини ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун кесиб ишлаш ва йиғувуга тегишли технологик жараёнларни лойиҳалаш асосий технологик масалалардан бири ҳисобланади. ЭҲМдан технологик

ускуналар мажмуасини автомат равишида бошқариш воситаси сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

ЭХМ ёрдамида технологик жараёнлар лойиҳалаш ишидан олдин лойиҳаланаётган жараённинг математик моделини ишлаб чиқиш керак. математик модел аналитик ёки тажрибий ифодалар, жадваллар кўринишига эга бўлади. Мураккаб ҳодисаларни аниқ математик формуласалар билан ифода қилиш қийин, шунинг учун уларни тахминий ифодалар билан акс эттирилади.

Технологик лойиҳалаш алгоритмини ва унга тегишли ЭХМ дастурини дастлабки кўринишида ишлаб чиқиш энг қийин масала ҳисобланади. Алгоритм, бу-кўйилган масалани ечиш учун маълум бир тартибда бажариладиган амаллар тизимиdir. Дастур шу алгоритмни бирор тил билан ифода этишдир. Уни ЭХМ бошқарувчи сигналларга айлантирадиган буйруқлар мажмуаси, деб ҳам тушуниш мумкин.

Деталлар заготовкасига ишлов бериш технологик йўналишлари намуналаштирилган технологик жараёнлар асосида ишлаб чиқилади. Дастлабки маълумотлар сифатида детал конструкцияси ва уни тайёрлашнинг техник шартлари, заготовка кўриниши, маҳсулот ҳажми, ускуналар ва технологик жиҳозлар ҳақидаги маълумотлар ишлатилади. Бунда деталга қабул қилинган классификаторга биноан ёндошилади.

ЭХМ ни технологик жараёнлар лойиҳалаш учун кўлланганда қийинчилик 10-15 марта, таннарх 2-4 марта камаяди. Деталнинг умумий таннархи 50-70% камаяди.

Якка фойдаланиладиган замонавий компьютерлардан технологик жараёнларни лойиҳалашда фойдаланилса, нафақат сермеҳнатлилик ва таннарх камаяди, балки бўлажак деталнинг юқори сифатига ва аниқлигига ҳам ҳисса қўшилади.

12-мавзу: Корпус деталларини тайёрлаш.

Режа:

- 1.Умумий ва конструктив технологик хусусиятлари.**
- 2.Орқа кўприклар картерини кўриниши.**
- 3.Кичик литражли автомобилларнинг орқа кўприги картерини тайёрлаш.**
- 4.Цилиндрлар блокини тайёрлаш.**

1.Умумий ва конструктив технологик хусусиятлари.

Корпус-деталлари (корпуслар) ичига алоҳида деталлар ва йиғма жойлаштирилган. Корпуслар мураккаб шаклга эга бўлади. Уларда ишлов бериш мақсадида станок моламаларига ўрнатиладиган оддий ва ишончли асос юза йўқ, шунинг учун улар ишлов бериш жараёнида ҳам, станокдан станокка узатилаётганда ҳам йўлдош-мосламаларга ўрнатилган ҳолда туради.

Ишлов беришида технологик асос сифатида бир-бирига параллел, иккита аниқ тешик ва ҳамма амалларда бир хил мосламалардан фойдаланиш имконини беради. Агар корпусдаги асос юзалар қониқарли бўлмаса (масалан, калта бўлса) ёки асос тешиги умуман йўқ бўлса, унда технологик юза ҳосил қилиб, тешиклар очилади ва шуларга таяниб ишлов берилаверади.

Корпусларга ишлов бериш учун автомат қаторлардан фойдаланилади. Уларда кесиб ишлаш бўйича турли-туман амаллар: фрезалаш, сидириш, пармалаш, резьба кесиш, тешикни йўниб кенгайтириш, хонинглаш ва шу кабилар бажарилади. Кесиб ишлашдан ташқари айrim йиғув ишлари (втулкаларни уриб киритиш, болтларни қотириш ва х.к.), ювиш, синов ва назорат амаллари ҳам бажарилади.

Корпуслар асосан кулранг ва болғаланувчи чўяnlардан ёки алюминий қотишмаларидан қўйиб тайёрланади. Шунингдек, пўлат листлардан штамплаб пайвандланган корпуслар ҳам бўлади (кичик литражли автомобилларнинг орқа кўприк картери, юқ автомобилидаги олдинги тортувчи кўприк корпуси, ЗИЛ-131 двигателининг картери ва б.). Кўйма

корпусларнинг энг катта ўлчамлари ва массаси, материали ва тайёрлаш усули деворлар қалинлигини белгилаб берадиган энг муҳим омиллар ҳисобланади.

Штамплаб пайвандланган корпуслар чўян қўймаларга қараганда кичикроқ, енгилроқ ва ишловга қулайроқ бўлади. Бундай корпусларнинг айрим қисмларини турли конструкцион материаллардан: катта куч остида ишлайдиганларини юқори мустаҳкамликка эга бўлган легирланган ва углеродли пўлатдан тайёрлаш мумкин. Шунингдек, сортли ва мураккаб бичимли прокат, штампланган ва қўйма қисмларни аралаш ишлатиш мумкин.

Автомобилнинг корпус деталлари конструкцияси ва ўлчамлари жиҳатидан турли-туман, шунинг учун уларни тайёрлаш технологик жараёнлари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Мисол тариқасида бир нечта шундай деталларни тайёрлашни ўрганамиз: орқа кўприк картери, кичик литражли автомобил узатмалар қутисининг картери, цилиндрлар блоки, енгил автомобил тирсакли валнинг ўзак подшипниклари қопқоғи ва х.к.

2. Орқа кўприклар картерини қўриниши.

Конструктив ва технологик хусусиятлари. Орқа кўприк катта кучлар таъсирида ишлайди. У турли материаллардан ясалган, турли шаклларга эга деталларни пайвандлаб, уриб, ўрнатиб, тайёрланади. Қўйма корпусли ва штампланган кожухли ажралмас бирикмаларда қувурлар, цапфалар, кронштейн ва х.к. деталлар ишлатилади. Картерни йиғишдан олдин бундай деталларнинг заготовкалари металл кесувчи станокларда ишланади, сўнгра йиғилган картерга якуний ишлов берилади. Орқа кўприкнинг картерида бошқарувчи ва бошқарилувчи тишли конуссимон ғилдираклар, дифференциал ва ярим ўқлар жойлашган; картернинг цапфасида ғилдирак, гупчаги, ярим кожухда-тормоз диски, осма таянчи ва бошқа деталлар ўрнатилади. Юқорида айтилган хусусиятларга кўра картер етарли даражада бикр ва аниқ бўлиши керак.

Конструкцияси жиҳатидан орқа кўприк картерлари яхлит қўйма, штамплаб пайвандланган усулда тайёрланган бўлади.

Яхлит қўйма картерлар бикр, оғир ва катта бўлади. Улар катта юк кўтарувчи автомобилларда, катта қувватли шатаклагичлар, ғилдиракли ва ўрмаловчи тракторларда ишлатилади. Кўп юк кўтарадиган автомобилларнинг картери қўйма пўлатдан, ярим ўқлар эса пўлат қувурлардан тайёрланади. Унча кўп бўлмаган юк кўтарувчи автомобиллар ва кичик тракторлар картери болғаланувчан чўяндан ясалади.

Яхлит картер заготовкаси хом қум қолипларда олинади. Бу қолипларни эса, металл моделлар бўйича машина ёрдамида қолиплаб тайёрланади. Олинадиган қўйманинг аниқлиги ГОСТ 2009-55 бўйича 1-классга тўғри келади. Бундай заготовкаларни кесиб ишлаш анча қийин ва қиммат, чунки конструкциянинг картери икки қўринишда тайёрланади: орқа кўприк механизмлари учун картер. Кейингиси технологиябоплироқ, чунки кичикроқ, енгил ва қулай.

Штамплаб пайвандланган картерлар юк кўтарувчанлиги ўрта ва кичик бўлган юк автомобилларида, кичик литражли енгил автомобилларда ишлатилади. Бу конструкция яхлит қўйма конструкцияларга қараганда кичик, енгил ва кам чиқиндили, бироқ бикрлиги нисбатан кам, тайёрлаш қийинлиги юқори ва дастлабки материали қиммат. Унинг бикрлигини ошириш учун кўп куч тушадиган жойларга қовурғалар, дисклар учбурчак таянчлар пайвандлаб қўйилади.

Бу картерлар икки бўлакдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлак пўлат тунукадан штамплаб тайёрланади: қўринишидан - тоғарасимон балка, бир-бирига ёпиширилганда кийимнинг енгига ўхшаб қолади. Унинг қалинлиги автомобилнинг юк кўтариш қобилятига қараб 3,5-9,5 мм бўлади.

Аралаш тайёрланадиган картерлар ўрта класс енгил автомобилларда ва юк кўтариш қобилятига ўрта ва катта бўлган юк автомобилларда қўлланади. Бу конструкциянинг марказий қисми-бош узатманинг корпусидир. У, одатда, болғаланувчан чўяндан куйиб тайёрланади. Оғир шароитларда ишлайдиган автомобиллар ва тягачларнинг бош узатма корпуси пўлатдан куйилади ёки штампланган ва очилиб-ёпиладиган қопқоқ билан яхлит қуйилган холда тайёрланади. Бундай корпус икки бўлакдан ажралади ва уларнинг ичига

дифференциал қутисининг подшипниклари ўрнатилади. Картернинг иккала конструкциясида ярим ўқлар ғилофининг қувури пресслаб кегизиладиган енг бор.

/илдиракли тракторларнинг орқа кўприк картери яхлит қўйма бўлиб, ярим ўқнинг қўйма енглари унга бураб қотирилган.

Бош узатманинг қўйма корпуси ярим ўқлар ғилофи билан улангунга қадар кесиб ишлашдан тўлиқ ўтади. /илоф, пўлат қувурлардан тайёрланиб, учининг ташқи диаметри цапфа билан пайвандлашга мосланиб «ўтқазилади». Цапфалар тормоз лаппагининг фланеси билан яхлит қилиб ёки диксисмон фланес кўринишда тайёрланади. Уларни улашга тайёрлаб қўйилган яримўқ ғилофининг ишловидан чиқсан бўйнига ўтказиб, сўнгра пайвандланади. Шундан кейин кесиб ишланадиган яқунловчи ишлов берилади.

Аралаш тайёрланган картернинг афзаллиги-унинг ихчамлигига ва турли қисмларни ҳар хил материлдан тайёрлаш имкониятидир. Камчиликлари-уланмалар кўп бўлгани сабабли бикрлиги етарли бўлмайди, шу сабаб девор қалинлигини кўпайтириш ва ўтказиш юзаларини каттароқ масофага чўзиш керак.

Орқа кўприклар картери конструкциясининг турли-туманлигига қарамай, ўлчамларнинг аниқлигига, туташув юзаларнинг ғадир-будурлигига ва уларнинг ўзаро жойлашуви аниқлигига бўлган умумий тарафларни ёзиш мумкин:

-цапфанинг думалаш подшипниги ва ғилдирак гупчаги мой тутқичи қўйиладиган бўйни диаметри 6-7 квалитет аниқликда ва юза ғадир-будурлиги $R_a \leq 1,25$ мкм бўлиши керак;

-енгил автомобилларнинг штамплаб пайвандланган ва аралаш тайёрланган картеридаги подшипник ўрни 6-7, баъзан 5- квалитет аниқликда ғадир-будурлиги $R_a \leq 1,25$ мкм бўлиши керак;

-юқ автомобилларининг яхлит қўйма ва штамплаб уланган картерининг ўртасидаги, бош узатма корпуси ўрнатиладиган тешик 8-9 квалитет аниқликда ишланиши керак(300-400 мм диаметрли тешик аниқлиги 0,10-0,15 мм);

-енгил автомобилларнинг штамплаб пайвандланган картерининг ўртасидаги катта тешик аниқлиги - Н14. Қўйма картердан фарқли ўлароқ бу картер ишлатилганда бош узатма корпусини марказлаштириш ўрнатиладиган юзаларига эмас, координат тешикларга мўлжалланади;

-яхлит қўйма картерлардаги ярим ўқлар ўрнатиладиган тешик, аралаш тайёрланган картерларнинг енгидаги (ташқи) ярим ўқлар ғилофи ўрнатиладиган тешик ва марказлаштирадиган чукурчалар, тракторларнинг орқа кўприги картеридаги яримўқларнинг ҳажмдор ғилофи ўтқазиладиган тешик 7-8 квалитет аниқликда ва тешик ғадир-будурлиги $R_a = 2,5$ мкм бўлиши керак;


-яримўқлар ғилофидаги ташқи ўтказиш бўйинларининг ва яримўқ қувури, қувурлар ўтқазиладиган тешикларнинг ўқдошлиги 0,05 мм;

-бош узатма корпусининг таянч юзасидан яримўқлар марказигача бўлган масофа аниқлиги 0,2-0,3 мм;

-бош узатма корпусининг таянч юзаси ва яримўқларнинг чизма ўқи орасидаги нопараллеллик 300 мм узунликда 0,10-0,15 мм дан ошмаслиги керак.

3.Кичик литражли автомобилларнинг орқа кўприги картерини тайёрлаш.

Штамплаб-пайвандлаб тайёрланган картер заготовкасини ясаш ва унга кесиб ишлов бириш технологик схемалари бир-бирига ўхшайди. Фарқи-жараёнларнинг комплекслигига. Масалан, Москва автомобил заводида («Москвич») картер бўлакларни пайвандлаш фланесни пайвандлаб ёпиштириш ишлари автомат қаторига бириктирилмаган пайвандловчи автоматларда бажарилади, фланесни пайвандлаб улашдан олдин картер учларига тешик кенгайтирувчи икки томонини станок ёрдамида ишлов берилади. Волга автомобил заводида орқа кўприк картерлари заготовкасини пайвандлаш ва механик ишловдан ўтказиш учун автомат ёки автоматлаштирилган қаторлар комплексидан фойдаланади. Комплекс учта оқимдан иборат. Ҳар қайси оқимда 4 тадан автомат қатор, 3 тадан автоматлаштирилган қатор ва зичликни текширадиган автомат курилма бор.



34-расм. Жигули автомобили ор=а

«Жигули» автомобили орқа
кўприги картерини
тайёрлаш учун қаторлар
комплекси.

34-расмда

автомобил картери

кўрсатилган. У юқорига ва

пастки қисмлардан иборат.


Қисмлар қизиган ҳолда

жўваланиб, ўрама қиладиган пўлат тунукадан совуқлайн штамплаш усулида тайёрланган. Пўлатнинг русуми 15КП(НВ143), қалинлиги $3,5 \pm 0,15$ мм. Қисмлар узунасига жойлашган иккита чок билан пайвандланган. Қувур шаклига кирган картер учларига болғалаб тайёрланган иккита фланес (1) пайвандланади. Улар 30 (НВ179) русумли пўлатдан ясалади. Унда яримўқлар подшипниги ва мой тутқичлар ўрнатиладиган жой ва тормоз ҳитлари билан подшипникларни қотирадиган пластиналарнинг болти кирадиган 4та тешик бор бўлиб, улар ҳам ишловдан ўтади. Картернинг ўртаси кенгайган ва катта тешиги бор. Тешикнинг гардиши қайрилиб, фланес (5) таянч юзага айлантирилган. Унга бош узатманинг картери уланади. Фланеснинг 2 томонига 2та ярим ҳалқа қопланиб пайвандланган бўлиб, уларда 8та M8x 1,25 ўлчамли резьба бор. Ўртадаги бу катта тешик орқа томондан қопқоқ билан беркитилган. Қопқоқда мой қўйиш тешиги бор. У конуссимон резъбаси билан ўз-ўзидан зичланиб кирадиган тиқин билан беркитилади. Мой тўкиш тешиги (6) картернинг пастида бўлиб, у ҳам тиқин билан беркитилган. Картернинг юқориги қисмида ҳаво кириб туриши учун сапун ўрнатилган.

Картер юқориги бўлагининг консол қисмига 2та ёстиқча (2, османинг пружиналарини ўрнатишга хизмат қиласди), кронштейн (3, османинг юқориги штангасини ўрнатишга хизмат қиласди), скобалар (4, гидротормоз найчаларини ўрнатишга хизмат қиласди), кронштейн (орқа тормозлардаги босимни ростлайдиган юритгичга хизмат қиласди) ва баъзи бир бошқа деталлар пайвандланган. Картер пастки бўлагининг консул қисмига кронштейн (7)лар (пастки штангалар ва орқа осма амортизаторларига хизмат қиласди) пайвандланган.

Орка кўприк картерини ясаш иккала бўлакни штамплаб тайёрлашдан бошланади.

Бўлаклар биринчи 8 вазиятли автомат қатори икки томонлама узунасига кетган чок билан, флюс остида пайвандланади ва шлаклар тушуриб ташланади. Кейин заготовка 15 вазиятли автомат қаторга узатилади (2-расм). Бу қатор 4та бир ва икки томонлама ишлайдиган горизонтал ва вертикал агрегат



35-Расм. Орқа кўприк картери заготовкасини кесиб
ишлайдиган 15 ўринли автомат қатор схемаси.

станоклардан (C1,C2,C3,C4) ва тамғаловчи механизмдан иборат.

Қаторнинг асосий техник кўрсаткичлари:

Унумдорлик, дона/с	60
Станоклар , дона.....	4
Куч берувчи каллаклар, дона.....	5
Ишчи вазиятлари, дона.....	5
Бурилиш станцияси, дона.....	1
Электр двигателлари, дона.....	15
Электр двигателларининг умумий қуввати, кВт	60

Қаторнинг ўлчамлари, м	12,5x6,2
Масса, т	44,5

Қатор бажарадиган ишлар: кўндаланг юзаларни кесиш, тешикни йўниб кенгайтириш ва икки томондан рах чиқариш (икки томонлама, горизонтал агрегат станок - С1); узунасига туширилган, бир томондан пайванд чокини тозалаш (вертикал фрезаловчи) худди шундай чокни-иккинчи томондан-тозалаш (С3); тамғалаш; картер заготовкаси ўртасидаги тешикни йўниб кенгайтириш ва рах чиқариш (икки шпинделли, вертикал, кесиб кенгайтирувчи агрегат станок-С4).

Учинчи, 9 вазиятли автомат қаторда иккита фланес-картер (яримўқлар ғилофи) билан, иккита пастки кронштейн-орқа османинг амортизатори билан уланади, бошқа деталлар флюс остида пайвандланади.

Автоматлаштирилган, 4 вазиятли қаторда осма пайвандлаш машиналари ўрнатилган. Улар пайванд чокларини, учма-уч туташган жойларни пайвандлаб тугатади, ярим халқа қопламаларни ичкаридан пайвандлайди. Деталлар вазиятдан вазиятга транспортёр билан ташиб турилади. Шундан сўнг заготовкалар осма транспортёрга илиб қўйилади. Бу транспортёр бошқа йўналишдан қопкоқларни олиб келади, улар картерга флюс остида пайвандланади. Кейин автомат пневматик ускуна заготовканинг зичлигини текширади, шундан сўнг заготовкалар тозалаш ва бўяш қаторига олиб кетилади. Ундан кейин шу осма конвейернинг ўзи тайёр маҳсулотни 16 тонналик гидропрессларга олиб боради. Пресс картерни узунасига ва кўндалангига сиқиб, тўғрилайди.

Иккита пайвандловчи ва битта механик ишлов берадиган бу қаторлар занжирли транспортёр-тўплагич воситасида ўзаро уланади. Пайвандловчи машиналар, тўғриловчи пресслар, назоратчи постлар ва зичликни текширадиган автоматик ускуна, ҳаммаси конвейер воситасида ўзаро боғланган.

Орқа кўприк картери заготовкасини тўлиқ кесиб ишлаш. Орқа кўприк картерининг асосий юзалари: редуктор картери маҳкамланадиган таянч юза; орқа кўприк ретуктори маҳкамланадиган болт тешиклари; орқа тормозлар шчитини улашга мўлжалланган тешиклар; подшипникларнинг таянч текислиги ва орқа тормоз шитлари.

Орқа кўприк картерини кесиб ишлашга бўлган асосий талаблар: редуктор уланадиган таянч юзанинг ғидир-будурлиги $R_{zK}20$ мкм дан ортиқ бўлмасин; резьбали тешикларнинг қийшиқлиги ва оғиши 0,08 мкм гача; подшипниклар ўрнатиладиган тешиклар - $\varnothing 72^{+0,030}_{-0,005}$ мм; мой тутқичлар ўрнатиладиган тешиклар - $\varnothing 45^{+0,06}$ мм; бу тешикларнинг ғадир-будурлиги $R_z=2,5$ мкм; подшипникларнинг таянч текислиги орасидаги масофа $1208\pm0,05$ мм.

4. Цилиндрлар блокини тайёрлаш.

Цилиндрлар блокининг конструктив ва технологик хусусиятлари.


Автомобил двигателининг цилиндрлар блоки-асосий узеллардан биридир. У мураккаб конструкция бўлиб, кривошип-шатунли механизм, мой хайдагич, газ тақсимлагич, тирсакли валлар ва шу кабиларни ўз ичига олади. Цилиндрлар блокига каллак, илашма картери, таглик, тақсимлаш тишли ғилдираклар қопқоғи, сув насоси кабилар маҳкамланади.

Цилиндрларнинг жойлашувига қараб блоклар икки хил бўлади, бир қаторли ва V-симон. Цилиндрлар блоки чўяндан ёки алюминий қотишмасидан тайёрланади. Иш хажми кичик двигатель блокида қуруқ ярим гильза кўринишидаги цилиндрлар бир қаторда жойлашади. Ўрта ва катта иш хажмига эга бўлган двигателлар блокидаги цилиндрлар V-симон йўналишда жойлашади; блокнинг ўзи чўян ёки алюминий қотишмасидан қўйиб тайёрланади; цилиндр вазифасини сув билан совутиладиган чўян гильзалар бажаради; клапанлар тепадан пастга очилади. Чўян блокларни газ чиқарувчи клапанлар учун ўта чидамли легирланган қотишмалардан тайёрланган, алмаштирилувчи ўриндиклар қўйилади. Цилиндрлар блокига кесиб ишлов бериш технологик жараёнларининг хусусияти шундаки, битта холатда икки томондан ишланаётган блок ўлчамлари юқори аниқликда бажарилиши ва юзалар билан ўрнатув тешиклари бир-бирига нисбатан аниқ жойлашиши зарур. Масалан, цилиндр кўзгуси ва тирсакли валнинг ўзак подшипниклари вкладиши уясининг ўлчамлари ва шаклининг

аниқлиги, каллак қўйиладиган юзанинг ўзак подшипниклар ўқига нисбатан жойлашувидаги аниқлик.

Цилиндрлар блоки мураккаб шаклли бўлганидан, қўйилган заготовка совуш пайтида деформацияланади. Шунинг учун қуйманинг нуқсонларини аниқлаш ва деформациянинг камайтириш мақсадида тоза (нозик) ишловнинг дастлабки технологик амалларида энг катта ўлчамларга эга бўлган юзалардан (узунлик ва юза) ишлов қатлами (қўйим) олинади. Бундай узунлик ва юза бир қаторли блокда юқориги ва пастки, олдинги ва орқа юзалар хисобланади.

Патки юза таглик (поддон) билан, юқори юза-блок каллаги билан туташади. Уларга барабан-фрезерли ёки сидириш станокларида ишлов берилади. Олдинги юза тақсимлаш тишли ғилдираклар қопқофи билан, орқа юза-илашма картери билан туташади. Улар узунасига фрезаловчи ёки барабан-фрезали станокда ишланади. Юқориги ва пастки юзаларга ишлов беришда цилиндрлар блоки ёрдамчи технологик базаси билан ўрнатилади. Бундай база сифатида блокнинг ён томонида, пастроқда, икки томонда иккитадан жойлашган (1 ва 2) тўртта қўйма бўртма хизмат қиласи. Дастлаб бўртмалар ихтисослаштирилган кўп шпинделли фрезалаш станогида фрезаланади. Бунда блокни ўзак подшипник вкладишлари қўйиладиган иккита чекка уяси билан асослаб, пружиналаштирилган призма шаклли иккита ўрнатув сухарлар билан тираб қўйилади. Блокни тирсакли вал бўйлаб мўлжалини олиш учун унив қирқилган конус втулка ёрдамида охирги цилиндрнинг муайян ҳолати турғунлаштирилади. Шу тикин ва яна, ясси қисқич ёрдамида блок пастки юзаси билан мослама плитасига босиб қўйилади.



36-расм. Цилиндрлар блокининг кўринишлари.

Улчамлари ва массаси катта бўлмаган блокларнинг технологик бўртмалари фрезалашда, блокни кенгаювчи иккита оправкага, энг чеккадаги иккита цилиндри билан ўрнатилади (оправка цилиндрларга киради). Блокни иккита бўртма ва пастки юзаси билан асослагандан қўшимча қилиб, иккита тешик (ёрдамчи технологик асос) очилади ва развёрткаланади. Блокнинг олдинги ва орқа юзаларини фрезалашда ҳам блок худди шу тарзларда асосланади.

Автомат қаторларда ишлов берилганда ўзгармас асослар-блокнинг пастки юзаси иккита ўрнатув тешиги билан (ёрдамчи технологик асослар)-иши беради.(37-расм)

V-симон цилиндрлар блокининг заготовкаси пастки юзалар ва иккита ўрнатув тешиги билан асосланади. Бу юзалар автомат қаторда ишланади: асос сифатида технологик бўртмаларнинг текислиги ва ўзак подшипниклар уяси олинади. Блокни автомат қаторда хомаки мўлжаллаб олиш учун унинг ён текислигидаги бўртмаларнинг кўндаланг юзасидан фойдаланилади.

Цилиндрлар блоки заготовкасини олиш. Цилиндрлар блоки-мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиласиган қўйма деталдир. Юзаларнинг кўплиги ва мураккаблиги, нисбатан юпқа ташки ва ички деворлар, кескин ўтишлар, бикрлик учун қўйиладиган қовурғалар, шунингдек детал заготовкасига қўйиладиган юксак талблар-хаммаси қўйма заготовка олиш технологиясини мураккаблаштириб боради. Масалан, стерженларни тайёрлаш, уларни бир-бири билан туташтириш, блокни қуийиш ва х.к. Мураккаб шаклли стерженларнинг ўлчамлари ва шаклларини аниқ таъминлаш мақсадида улар махсус мосламалар ёрдамида бир-бирига ёпиштирилади. Уларни юқориги ва пастки ярим қолипларга ўрнатишда ҳам махсус мосламлардан фойдаланилади.



37-расм. Цилиндрларнинг айрисимон блоки заготовкасидаги асос юзалар ва тешиклар.

Цилиндрлар блоки заготовкаси СЧ

18, СЧ21 ва бошқа русумли кулранг чўянлардан, кум қолипларга машина ёрдамида қуйиб тайёрланади. Эриган чўяннинг ҳарорати 1340°C дан кам бўлмаган пайтда қолипга қуилади. Блок заготовкасининг муракаблигини хисобга олиб, қуйманинг ҳарорати 500°C дан тушгандагина опокадан чиқариб олинади, стерженлар эса 400°C дан пастрокда чиқарилади. Қўйма майда донали, зич таркибга эга бўлиши керак; чуқурчалар, дарзлар ва бошқа хилдаги қўйма нуқсонлар бўлмаслиги лозим. Асосий сиртлар ва ён томондаги юзалар текис бўлиши талаб қилинади. Қотиб қолган қўйиш ариқчаси, ҳовураклар (выпор) ортиқча қуйилмалар ва нотекисликлар махсус камераларда питра билан отиб тозаланади. Блокнинг ички юзаларидаги кум ва тупроқ қолдиклари ҳам шу камераларда чиқариб ташланади. Заготовка $150\text{-}200^{\circ}\text{C}$ ҳароратда, 5 соат давомида чиниктирилади.

Цилиндрлар, сув ғилофи ва газ ўтказувчи йўлаклар деворларининг қилинлиги-номинал ўлчамдан 2мм дан ортиқ оғмайдиган қилиб ишланади. Чизмада кўрсатилмаган қўйма радиуслар 5 мм, қияликлар эса 2° гача олинади. Чўян заготовкаларнинг қаттиқлиги НВ 143-289 бўлиб, у кулранг чўян русумига боғлиқ. Ҳар бир блок заготовкасининг сув ғилофи ($3\text{-}5$) 10^5 Па миқдорда суюқлик босими билан, 3 минут давомида синалади. Бунда ҳеч қаердан сув сизмаслиг ёки терлаш ҳодисаси бўлмаслиги лозим. Чўян блокларни кесиб ишлаш учун бир томонга 3-5 мм қўйим қолдирилади. Цилиндрлар блоки алюминий қотишмасини металл қолипларга ёки босим остида-металлдан ясалган пресс-қолипларга қуйиб тайёрланади. Бундай блоклар чўяндан ишланганларига нисбатан енгил, механик ишловга қолдирилган қўйим кам бўлади; уларнинг ишлов бериладиган жойлари ҳам камрок-уланадиган ва бошқа деталлар билан бирикадиган текисликлари ишланади, холос.

Босим остида $(10\text{-}12)10^6$ Па қўйиш вертикал ҳолатда, махсус машиналарда бажарилади. Бунда пресс-қолип 250°C гача, алюминий қотишмаси эса 650° гача қиздирилади. Алюминий қотишмаларни кокилга қўйишда стерженлар ишлатилади. Улар автомат ёки яrimавтомат тарзда ишлайдиган кум пуркайдиган машиналарда тайёрланиб печда қуритилади. Стержен материалыга ёпишириувчи сифатида формалдегидли қатрон аралаштирилади.

Алюминий блокни босим остида пресс-қолипли қўйишдан олдин, унинг ичига цилиндрнинг чўян гильзалари, мой ўтказувчи найча (иккита пўлат втулкалар билан бирга), блокнинг пастки қисмида иккита пўлат втулка ўрнатилади. Мой найчалари тақсимлаш вали бўйлаб жойлаштирилади. Пастроқка ўрнатиладиган иккита пўлат втулка жуда муҳим детал бўлиб, дастлабки ишловда технологик база бўлиб хизмат қиласи. Шунинг учун блок қўйилиб бўлгач, механика цехида, кондуктор ёрдами билан ўша втулкалар ўрнатилган жойда тешик очилади ва развёртка қилинади.

Қўйилган металл қотгандан сўнг кокил очилади, заготовка чиқариб олинади ва 2 соат давомида совитилади. Кейин стерженлар уриб чиқарилади, қўйиш ариқчаси махсус станокда кесиб ташланади.

Кесиб ишлаш учун техник шартлар. Цилиндрлар блокининг асосий юзалари ўлчамлари, ўзаро жойлашуви юқори даражада аниқлик билан, ғадир-будурлигини иложи борича кам қилиб, кесиб ишланади.

Блоклар цилиндр диаметрига кўра серияларга бўлинади. Масалан, ГАЗ автомобиллари двигатели цилиндрлари 5 сериядан иборат. Кўндаланг ва бўйлама йўналишда шакллари оғишини хисобга олган цилиндр диаметри сифатида энг кичик қиймат қабул қилинади.

V-симон цилиндрли блокларни автоматлаштирилган ҳолда кесиб ишлаш. Бир қатор цилиндрли блокларга нисбатан тараққий этган. ЗИЛ автомобил заводида бешта автомат қатордан иборат мажмуя мураккаб таркибга эга ва уларни бирлаштириб автоматлаштирилган участка ҳосил қилинган. Бу ерда бензинли ва дизел двигателларнинг V-симон блоклари тўлиқ ишловдан чиқади. Саккиз цилиндрли блокларни кесиб ишлашда қаторларни қайта созлаб ўтирилмайди иккала турдаги двигател блоклари қаторларга аралаш ҳолда келаверади.

Қаторга келиб тушган блок заготовкаси қайси турдаги двигателга тааллукли бўлса, ўзига яраша сигнал берилади ва ўшанга яраша қатордан ўрин олган ишчи аъзолар ҳаракатга келади.

Автоматлаштирилган участка 147 станокдан иборат. Уларда 312 та куч узеллари бор: шпинделларнинг умумий сони 1554та; ҳаммаси бўлиб 455 та электр двигател ишлади; умумий куввати 2216 кВт; жаъми ускунанинг массаси таъминан 1688 т; участка майдони 3605 м².

«Автодизел» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги автоматлаштирилган участка катта кувватли дизел двигателларни V-симон блокларга мўлжалланган ва кўп жиҳатдан ЗИЛдаги участкага ўхшайди. Баъзи фарқлари ҳам бор. Бу қатор 6 ва 8 цилиндрли блокларга ишлов беради. Блоклар аралаш келаверади, иш вазиятлари қаторни тўхтатмасдан, автомат тарзда ўзини-ўзи қайта созлаб олади.

Автомат қаторларга тушган блоклар вертикал ва горизонтал ўқ бўйича кўп маротаба айлантирилади. Қаторнинг куч узеллари, айлантирувчи механизмлар, ташувчи воситалар ва қурилмалар, заготовкаларни сиқиб турувчи ва муайян бир ҳолатда турғун тутувчи механизмлар, мосламалар-ҳаммаси, гидростанцияларнинг юритгичларидан куч олади. Ёрдамчи механизмлар ишини бошқариш учун назорат қилувчи, ростловчи ва тақсимлаш аппаратлар қўйилган. Улар қаторлар билан ёнма-ён турган гидростанцияларнинг вертикал ҳитларига ўрнатилган. Гидроюритгичлар ичидаги мойнинг ҳарорати терморегуляторлар, сувли иситгич ёки совитгичлар ёрдамида доим бир хил ушлаб турилади. Ҳароратни муҳим ушлаб турадиган қурилмалар гидростанцияларнинг мой ишлари ичига жойлаштирилган.

Ишқаланадиган юзаларни мажбуран мойлаб туриш мақсадида қаторларга меъёровчи «насослар» ўрнатилган. Улар маълум цикллар сони бажарилгандан кейин автомат тарзда ишга тушади. Қаторлар ёнида асбоблар учун жавонлар қўйилган. Уларда кесувчи асбоблар тўпламларининг заҳираси сақланади. Кескич асбобларни муайян ўлчамларга мослаб олиш қатордан ташқаридағи мосламаларда бажарилади.

Цилиндрлар блокини текшириш. Назорат-сермеҳнат жараён. Уни автоматлаштириш баъзи ҳолларда қийин. Амаллар орасидаги назоратдан ташқари ишлов тугагач, якуний назорат ҳам ўтказилади. Блокларни назорат қилиш-ташқи кўринишини кўздан кечириш билан бошланади ва ўлчамларнинг аниқлиги, юзаларнинг бир-бирига нисбатан жойлашуви, тешикларнинг ўқдошлиги каби кўрсаткичлар турли асбоблар ёрдамида текширилади. Ўзак подшипниклари ва тақсимлаш валининг подшипниклари ўтирадиган тешиклар пневмоэлектрик датчикли қурилмалар ёрдамида текширилади. Бундай қурилмалар тешикни Зта кўрсаткич бўйича текширади: диаметрнинг энг катта ва энг кичик оғиши, тешикнинг энг кичик диаметрдан оғиши берилган чегарада бўлган ҳолатдаги нисбий брак. Агар тешикнинг диаметри берилган чегарадан чиқиб кетса, шунга мувофиқ чирокли сигнал берилади. Чирок такрор ёнса, автомат қатор тўхтаб қолади.

Цилиндр гильзаси ўрнашадиган тешикларни ва гильза бўртмаси билан ўтирадиган ариқча чуқурлигини текширишда маҳсус қурилмадан фойдаланилади. қурилманинг электр ёрдамида уланувчи датчиги бўлиб, йўл-чироқ (светофор) каби ишлади. Диаметрнинг ноаниқлиги ва калибр-тиқинлар текширилаётган тешикка кирмаслиги ҳақидаги товушлар микроулагич-узгичлар орқали берилади; қаторни тўхтатиш ҳақида товуш берилганда ўлчов қурилмасида йўлчироқ ёнади. Диаметри тешикнинг номинал диаметридан 0,1 мм га кам бўлган назорат тиқинида ўлчов улагичларини жойлаштирадиган ариқча бор. Улагичлар ричагли тизим орқали датчиклар билан уланган.

Ўзак подшипниклари ўтирадиган тешик ўқининг цилиндр ўқига нисбатан перпендикулярлиги жўвали индикатор-мослама билан қўйидаги тартибда текширилади. Энг чеккадаги ўзак таянч тешикларига конус втулка киритиб, унинг ичига жўва киритилади. Жўвага кронштейнли призма ўрнатилган, унинг ичига индикатор жойланган. Кронштейндаги таянч ва цилиндр деворига тегиб турган улагич ёрдамида индикатор кўрсатадиган маълумот қайд этилади. Кейин приzmани кронштейн билан бирга 180⁰ га айлантириб, яна индикатор маълумоти қайд этилади. Қайд этилган маълумотларнинг фарқи хатоликнинг иккиланган қийматини билдиради. Бу хатолик ўзак подшипниклар тешигининг цилиндр ўқига нисбатан жойлашув хатосини билдиради.

Жўвали индикатор мосламадан бошқа текширувларда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, турткич ўқининг тақсимлаш вал подшипникларининг ўқига нисбатан жойлашуви; тақсимлаш вал ўқидан мой насоси қотириладиган юзагача бўлган масофа киради.

Тирсакли ва тақсимлаш валлари остидаги тешиклар ўқларининг параллеллигини индикаторли мослама ёрдамида текширганда ҳар бир ўқ оправкадаги тешиклар серияга киритилади. Иккала оправка тирқишиз ўрнатилади, оправкалар ўқи орасидаги масофа индикатор билан ўлчанади. Индикатор ўлчов ричагининг бурилиш бурчакларини акс эттиради. Ричаг оправканинг ташкил этувчисига тегиб туради.

Резьба очиладиган тешикларнинг мавжудлиги ва чукурлиги автомат қатордаги қурилмалар ёрдамида текширилади. Улар ичи ковак цилиндрли пайпаслагичлар ўрнатилган кўп шпинделли каллакдан иборат. Тешикларда қолган қириндилар сиқилган хаво билан ҳайдаб тозаланади. Бундай қурилманинг ташки кўриниши кўп шпинделли пармалаш каллагини эслатади, фақат бу ерда парма ўрнига пайпаслагич ўрнатилган.

Ҳамма блоклар маҳсус қурилмада ўтади. Шундан сўнг улар двигателни йиғиш конвейерига узатилади.

13-мавзу. Думалоқ стержен кўринишидаги деталларга ишлов бериш.

Режа:

- 1.Умумий қоидалар.**
- 2.Тирсакли ва поғонали валларнинг конструктив ва технологик хусусиятлари.**
- 3.Тирсакли вални тайёрлаш.**
- 4.Кулачокли валларни тайёрлаш хусусиятлари.**

1.Умумий қоидалар.

Думалоқ стержен кўринишидаги деталлар конструктив жиҳатдан бир-бирига яқинлигидан келиб чиқиб, уларнинг заготовкасига ишлов беришнинг технологик жараёни схемасини қўйидагича ёзиш мумкин (ичи ковак валлар ва айрим майда деталлар бундан мустасно): а) чивик ёки қувурдан қиздирилган ҳолда штамплаб ёки қўйиш йўли билан дастлабки заготовка тайёрлаш; б) кесиб ишлов беришда заготовкани марказий тешиклари ёки бўйинлари юзаси ёрдамида асослаш; в) заготовкани айлантириш билан бирга токарлик ишлов бериш; г) узун валларга ишлов беришда бўйинларни люнетга мослаб дастлабки йўниш ёки силлиқлаш; д) шаклдор юзаларга ишлов бериш; е) иккинчи даражали юзаларга ишлов бериш; ж) зарурат бўлса термик ишлов бериш; з) термик ишлов беришдан кейинги силлиқлаш; и) мувозанатлаш; к) маромига етказиб ишлаш.

Стержен кўринишидаги муайян деталларни тайёрлашда бу схемага айрим қўшимчалар киритилади. Масалан, тирсакли ва кулачокли валнинг заготовкасидаги шатун бўйинлари ва кулачокларга ишлов берилаётганда айланиш ўқини суриш керак, ичи ковак валларни ясаш технологик жараёнларига эса, ички тешикка ишлов бериш амаллари қўшилади.

Поғонали валларни, узатмалар қутисининг иккиласми вали, тирсакли ва кулачокли вални ясаш технологик жараёнларининг хусусиятларини кўриб чиқамиз.

2. Тирсакли ва поғонали валларнинг конструктив ва технологик хусусиятлари.

Поршенли ички ёнув двигателларининг энг муҳим деталларидан бири тирсакли вал хисобланади. Цилиндрдаги ҳаво-бензин аралашмаси ёнгач «шатун-поршен» сериядаги куч тирсакли валга тушади, у-кучни трансмиссияга узатади. Шу жараёнда тирсакли валга катта динамик куч тўғри келади. Тирсакли валдаги ўзак бўйинларнинг ўлчамлари ва миқдорри двигател турига, цилиндрлар сони ва жойлашувига боғлиқ.

Икки таянчли тирсакли валлар одатда, ишчи ҳажми кичик двигателларда 3-5 таянчлари-ўрта ишчи ҳажмли двигателларда, 7 ва ундан кўп таянчлilarи-катта қувватли двигателларда қўлланади. Тирсакли валнинг айрим конструкцияларида посангилар қўйилади. Тирсакли валнинг шатун бўйинлари 120° , 180° бурчак остида (бир текисда) ва камдан-кам 90° бурчак остида жойлашади.

Тирсакли валлар заготовкасини кесиб ишлаш технологик жараёни шу турдаги бошқа деталларниң қараганда мураккаб. Тирсакли вал етарлича бикрликка эга бўлмайди, шунинг учун кесиши кучлари таъсирида нисбатан осонгина деформацияланади. Ишлов бериладиган юзаларга юқори талаблар қўйилганлиги сабабли, кесиб ишлашнинг технологик жараёнини тузишда асослаш, вални қотириш, технологик амаллар кетма-кетлиги ва усқунани танлаш каби омилларга катта эътибор бериш керак.

Одатда, ишлов бераётганда, асос қилиб ўзак бўйинларнинг юзаси олинади, баъзи амалларда технологик асослар-марказий тешиклар олинади. Тирсакли вал етарлича бикр туриши учун, кесиб ишланётганда унинг узунлиги бўйлаб қўшимча таянчлар қўйилади. Ишлов бериш учун қўйим белгилаш пайтида бажариладиган амалларнинг қандайлигини ҳам ҳисобга олиш керак: ҳомаки, тоза, якуний. Бу қўйим кам бўлса, кесиши кучи ҳам кам бўлади. Ишлов натижасида чизмадаги ўлчамга яқинлашган сари тирсакли вал заготовкасининг эластик деформацияси камайиб боради. Жоизликлари аниқ қўрсатилган юзалар тоза ва якуний ишлов амалларидан ўтади.

Тирсакли вал заготовкаларига кесиб ишлов беришнинг технологик жараёнини тўлиқ автоматлаштириш катта қийинчиликлар билан боғлик.

Хозир бу деталларни кесиб ишлаш қисман автоматлаштирилган участкаларда, баъзи амаллар учун юқори унумдорликка эга бўлган автомат ва яримавтомат станокларни қўллаб, бажарилади.

Ўқдаги иккиламчи валнинг конструкцияси етарлича бикр эмас, шунинг учун кесиб ишлашда қўшимча таянч берилади. Етарлича бикр эмаслигининг белгиси иккала учидаги диаметр бошқаларига қараганда кичкина ва узунлигининг диаметрига нисбати 8-10 дан ўтиб кетади. Бу валларга юқори мустаҳкамлик, ишлов қулайлиги, ички кучланишлар тўпламидан камроқ таъсиrlаниш талаблари қўйилади; ейилишга чидамли бўлиши учун уларга термик ишлов берилади.

Ўқнинг иккиламчи валлари заготовкаси ҳомашёни қизиган ҳолда штамплаб, прокатдан, ротацияли болғалаш машиналарида сиқиб, электр токи таъсирида чўқтириб ва бошқа усуслар билан ясалади. Поғонали валлар заготовкасини ясашда металлдан фойдаланиш коэффициенти 0,7 дан ортади.

Иккиламчи валнинг конструктив хусусиятлари ва ишлаб чиқариш кўлами кесиб ишлаш технологик жараёнини белгилайди. Унинг умумий схемаси қуйидагича: қўндаланг юзаларни фрезалаш ва марказ белгилаш; токарлик ишлов; силлиқлаш; шлицаларни фрезалаб ёки думалатиб очиш; резъбаларни фрезалаб ёки думалатиб очиш; термик ишлов (цементация, тоблаш ва бўшаштириш); юзаларни ялтиратиш; шлицаларни силлиқлаш; якуний назорат.

Кесиб ишлашда асосий база (асос) қилиб валнинг таянч юзалари қабул қилинади. Бироқ ташки юзаларга ишлов беришда улардан асос сифатида фойдаланиш қийин. Шунинг учун, кўпинча марказий чукурчалардан фойдаланилади. Бундан ташқари юзаларнинг деярли ҳаммасини ягона технологик асос билан ишлаш имкони туғилади.

Поғонали ўқларнинг ташки юзалари токарлик-нусҳа оловчи, кўп кескичли горизонтал станокларда, бир ва кўп шпинделли вертикал автоматларда қирилади.

Серияли ва ялпи ишлаб чиқариш шароитларида поғонали валларнинг ташки юзалари гидронусҳа қўчирувчи қурилмали токарлик станокларда қирилади. Валларни марказлар орасига сиқиб қўйиб ишлов бериладиган доимий асосдан олинган ва валнинг узунаси бўйлаб жойланган ўлчамларга риоя қилиш учун олдинги марказ қўзгалувчан бўлиши керак. Бунда заготовканинг қўндаланг юзаси таянч халқага тегиб туради. Шундай қилинса, вални марказлаш хатоси ишлов аниқлигига таъсир этмайди.

Серияли ишлаб чиқариш шароитларида кўп кескичли ва токарлик-нусҳа қўчириш станоклари, ярим автоматлар ва автоматлар кенг қўлланилади. Бикр валларга (энг катта поғона узунлигини унинг диаметрига нисбатан 10-15) бир ўтишда нусҳа олиб ва кўп кескичли усуслар билан ишлов берилганда 9-11 квалитет аниқлик таъминланади. Узунлиги ва диаметри катта ва поғоналари кескин ўзгарадиган валларга кўп кескичли ишлов бериш

усули нусха олиш усулига қараганда самаралироқ, чунки бўйлама суппортга бир нечта кескични ўрнатиб қўйиш мумкин.

Валнинг ташқи юзаларига токарлик ишлов бериш икки вариант (йўсин)да бажарилиши мумкин: 1) хомаки ва тоза ишловларга ажратиб ўтирай бир йўла (ўтишда) ишлаш (ишлов катлами кам бўлган аниқ заготовкаларда); 2) хомаки ва тоза ишловларга ажратиш.

Кесиши ҳаддан ташқари ортиб кетиб вални деформациялаши мумкин, шунинг учун кўп кескичли ишловда асбобнинг суримиши гидро-нусха кўчириш станогидагига қараганда камроқ бўлиши талаб этилади. Ундан ташқари, кўп кескичларни бир йўла ишлатиш техник хизмат кўрсатиш вақтини кўпайтиради. Шунинг учун муайян ҳолатда поғонали валнинг ташқи юзаларига ишлов бериш усулини эришиладиган аниқлик даражасига ва иқтисодий самараға қараб танлаш керак.

3. Тирсакли вални тайёрлаш.

Кичик ҳажмлидвигателнинг тирсакли вали тўлиқ таянчли ҳисобланиб, 5та ўзак ва 4та шатун бўйни бор. Ўзак бўйни диаметрининг номинал қиймати 51 мм, шатун бўйинники 48 мм. Тисакли валнинг ва ўзак бўйинларга туташган жағларида посангилар бор. Шатунлар 180^0 остида жойлашган валда қия тешиклар очилган; уларнинг ичидан мой оқиб шатун бўйинларга келади. Вал таянчли бўлгани сабабли ўзак бўйинлардан шатун бўйинларга мой келиши маромида кечади, чала таянчли валлардаги каби номақбул мой келиши ҳоллари бўлмайди. Қия тешикларнинг кераксиз очиқ жойларига тиқинлар пресслаб (4та жойда) ва кернлаб (нуқталарни пачоқлаш, Зта жойда) ташланади. Таъмирлаш пайтида чўқиндилардан тозалаш мақсадида тиқинлар олинади. Тирсакли валнинг олдинги учида сегментли шпонка бор. Унга газ тақсимлаш механизмининг етакчи занжирли юритгичига тегишли юлдузсимон тишли ғилдирак ва генераторнинг шкиви ўрнатилиди. Улар валнинг энг учида жойлашган храповик ёрдамида қотирилади. Тирсакли валнинг орқа томонида фланес бор.


Унга ўз-ўзидан маҳкамланиб қоладиган бта болт ва қистирма ёрдамида чўяндан ясалган залвор ғилдирак (маховик) туташтирилади. Энг орқадаги кўндаланг юза чуқурчасида зўлдирили подшипник учун уя очилган. Бу подшипникнинг ички халқасига узатмалар қутисининг етакчи вали бир учи билан кириб туради.

Заготовка тайёрлаш. Тирсакли вал таркибида шарсимон графитлар мавжуд бўлган юқори мустаҳкам, маҳсус чўяндан куйилади. Унинг хусусиятлари таркибида шарсимон эркин графитлар мавжуд бўлган юқори кремнийли пўлат хусусиятларига яқин. Бундай чўян-суюқ ҳолида оқувчан, қўйиш ҳарорати пўлатницидан паст. Ундан тайёрланган заготовкаларнинг таркиби зич ва металл кесувчи станокларда яхши ишланади, тирсакли валлар эса юқори иш кўрсаткичларига эга бўлади.

Тирсакли валнинг 12,8 кг ли заготовкасини машина ёрдамида қолипланган қум қолипларга қуйиб, ҳосил қилинади. Ўртадаги ўзак ва шатун бўйинларида ишлов учун қолдириладиган катлам 2-3 мм, қолган бўйинларда - 1,5-2,0 мм.

Олинган заготовкалар қуйидаги техник шартларга жавоб бериши керак: нормалашдан кейин заготовка қаттиқлиги НВ235-265; ажратиш чизигидаги силжиш 0,5мм гача, ғудур 1,0 мм гача (посанги мимтақаси бундан мустасно); ишлов катлами учун жоизлик $\pm 1,0 \div -0,5$ мм; ўлчовлар аниқлиги (жоизликдан ташқари) $+1,0 \div -0,5$ мм; заготовка чизмасида кўрсатилмаган ўлчамлар тайёр детал чизмасидан олинади.

Енгил автомобилнинг тирсакли вали заготовка олиш технологияси йўналиши схема тарзида кўрсатилган.



38-расм. Ваз 2101 автомобили тирсакли вали ва унинг қўйма заготовкаси

Тирсакли вал заготовкалари якуний назоратдан түлиқ ўтгач, механика цехига ташиб кетилади.

Кесиб ишлашнинг техник шартлари. Тирсакли вални кесиб ишлашда асосий юзаларнинг ўлчамлари, уларнинг ўзаро жойлашуви юкори аниқлик билан таъминланиши, нотекисликларнинг баландлиги кам бўлиши керак. Бу талаблар қўйида берилади:

Диаметрининг аниқлиги, квалитет:

Ўзак ва шатун бўйинларда.....	5
Етакчи юлдузча-ғилдирак ва шкив четидаги бўйинда.....	6
Мойтутқич фланеси (панжаси)да.....	6
Бўйинларнинг оваллиги, конуслиги ва ботиқлиги, мм.....	0,004
Шатун ва энг чекка ўзак бўйинлар ўқларининг параллелликдан оғиши, мм	0,03
залвор ғилдирак ўрнатиладиган фланес кўндаланг юзидаги текисликнинг оғиши, мм	0,05
залвор ғилдирак радиуси узунлигига уриш, мм дан кам... .	0,03
тирсакли валнинг мувозанатсизлиги, ГСМ.....	12
юза ғадир-будурлиги кўрсаткичи, Ra, мкм:	
ўзак ва шатун бўйинларида.....	0.32x0.16
юлдузча-тишли ғилдирак ва шкив ости бўйинда.....	2.0-1.2

9-Жадвал

Амаллар	Ускуна
Стержен қолиплаш	стержен ясадиган икки вазиятли машина
Стерженни якуний ишлаш	Стол
Кўз билан назорат қилиш	
Қолиплаш, стерженни қолипга ўрнатиш ва қўйиш. қолипни уриб чиқариш	Автомат қатор
Қуймадан стерженларни чиқариш	Ўша
Қуйиш ариқчасини кесиб ташлаш	Ўша
Биринчи тозалаш	Питра билан тозаловчи ускуна
Қуйиш ариқчаси ўрнини жилвирлаш	Икки тошли шилиб силлиқловчи ускуна
Ажратиш чизигини жилвирлаш	Шилиб силлиқловчи ускуна
Термик ишлов (нормаллаш)	Узлуксиз ишловчи печ
Иккинчи тозалаш	Питрали ускуна
Қаттиқлик назорат қилинадиган жойларни силлиқлаш	Шилиб силлиқловчи ускуна
қаттиқликни назорат қилиш	Бринелл асбоби
Графитнинг сфераланиш даражасини назорат қилиш	Махсус асбоб
Магнитоскопик назорат	Магнитоскоп
Кўз билан якуний назорат (100%)	Стол

Булардан ташқари мой тутгич остидаги юзада кесувчи асбоб излари қолмаслиги керак.

Чўян тирсакли вал заготовкаларига кесиб ишлов бериш бўйича комплекс технологик жараён автоматлаштирилган участкаларда бажарилади. Ишлов бериш технологик базани тайёрлашдан бошланади. Кўндаланг юзаларни қирқиши, икки томондан марказ очиш саккизта технологик бўртмани фрезалаш 13 вазиятли автомат қаторда бажарилади. Қатор бир-бири билан қатъий транспорт воситасида уланган Зта станокдан иборат. Қаторда 17та заготовка учун заҳира жойи ва автомат тарзда назорат кўндаланг (Зта вазият). Қаторнинг техник кўрсаткичлари қўйидагича:

10-Жадвал

Соат ичидағи унумдорлик, дона	62
Станоклар сони	3
Куч каллакларининг сони	5
Шпинделлар сони	9
Вазиятлар сони	13
Ишчи вазиятлар сони	3
Назорат вазиятлар сони	3
Электр двигателлари сони	18
Электр двигателларининг умумий қуввати, кВт	685
Қатор ўлчамлари, мм	11,5-3,5
Масса, т	18,6

Заготовкалар ишловга хар бир қатор бошидаги юклашдан бошланади. Заготовкалар мосламанинг ўз-ўзидан марказлашадиган призмаларида ўзак бўйни ва мойтутгич остидаги юзаси билан туради. Узунасига йўналишда юзага мўлжаллаб қотирилади. Чизмада айнан шу юзадан ўзак ва шатун бўйинларигача бўлган ўлчамлар кўрсатилади.

Валларни мувозанатлаштириш. Номувозанатлик посангилардан ортиқча металлни ўйиб ташлаш билан йўқотилади. Шундан кейинги назоратни дисбаланс 12 гсм дан ортиқ бўлса, вал автомат қатордан четда қайта мувозанатланади, номувозанатликни йўқотиш учун посангилар жилвир доира билан тозаланади. Тирсакли валларни мувозанатлаштирадиган автомат қатор хомаки ва узил-кесил мувозанатлайдиган қурилма, назорат қурилмаси мувозанатланган валларни саралайдиган механизм, валларни мувозанатлашга олиб келадиган ва автомат қатордан оладиган занжирли иккита транспорт қурилмасидан иборат. Бошқарув пўлатдан амалга оширилади.

Тирсакли валларни мувозанатлаш учун қаторни юклаш, дисбаланснинг бошланғич қийматини назорат қилиш ва икки юзани ўйиб, уни йўқотиш, қолдиқ дисбалансни назорат қилиш, тирсакли валларни қатордан тушириш ишлари автомат тарзда бажарилади.

Тирсакли валларни мувозанатлайдиган автомат қаторнинг техник кўрсаткичлари қўйидагicha:

11-Жадвал

Бир соатлик унумдорлик, дона	103
Детал массаси, кг	10
Дисбаланс бурчаги, (0)	10
Валнинг айланиш частотаси, айл/мин	673
Парма диаметри, мм	11
Пармалаш радиуси, мм	60
Ўқнинг энг катта чукурлиги, мм	20,5
Дисбаланс миқдорри, ГСМ:	
Бартараф этиладиган энг каттаси	348
Берилгани	12
Ускунанинг сезгирилиги, ГСМ:	
ўлчовда	1,9
Назоратда	0,34
Сув сарфи, m^3/c	5
Электр тармоқ кучланиши, В	380
Ток частотаси, Гц	50
Истеъмолдаги умумий қувват, кВт	525

Маромига етказувчи амаллар. Мувозанатлангандан кейин тирсакли вал кўпкескичли маҳсус токарлик станогига ташиб келтирилади. У ерда кўндаланг юзалар маромига етказиб

кесилади, ўзак бўйинларда галтеллар ҳосил қилинади. Сўнгра, ҳудди шундай станокда ўзак бўйиннинг кўндаланг юзалари ва юлдузча-ғилдирак тиралиб турадиган юза қирқиласди. Алоҳида столда каналлар, қопқоқ ости, шатун бўйин четлари, мувозанатловчи чуқурчалар атрофи ва бошқа жойларда қолиб кетган ғудур-будурлар тозаланади.

Тирсакли вални сиқилган ҳаво билан яхшилаб пуфлангач, лентали ялтиратувчи автомат станокда 5та ўзак ва 4та шатун бўйинлар, мойтутқич жойи ялтиратилади. Шундан сўнг валлар конвейерли ювгич агрегатга келиб тушади. Алоҳида стенда мой каналларининг қопқоқлари уриб киритилади ва бир нечта жойида керн билан пачоқланади, шпонкалар ва подшипник қўйилади, юлдузча-ғилдирак кегизилади.

Пўлатдан ясалган тирсакли валлар заготовкасига ишлов беришда, қўшимча тарзда галтелларни мустаҳкамлаш мақсадида обкатка қилинади.

Чўян тирсакли валларни тайёрлашга тегишли юқорида кўриб чиқилган комплекс технологик жараёндаги асосий янгиликлар қўйидагилардан иборат: автомат қаторга жойлаштирилган ЮЧТ билан ишлайдиган маҳсус ускунада термик ишлов бериш; манипуляторлар билан жиҳозланган токарлик станокларда ўзак ва шатун бўйинларни йўниш; автомат қаторда якуний силлиқлаш.

4. Кулачокли валларни тайёрлаш хусусиятлари.

Кулачокли валлар машинасозлиқда, масалан, тақсимлаш механизмларида ва бошқариш жараёнларида кенг қўлланилади. Ички ёнув двигателининг тақсимлаш вали клапанларнинг турткичини, клапанларни, мой ҳайдагични, ёқилғи ҳайдагични, ўт олдиришни тақсимлагични ва ёнилғи насосини ҳаракатга келтиради. Ушбу вазифаларга мос равишда тақсимлаш валининг конструкциясида мураккаб шаклли кулачоклар, тишли гардиш, эксцентрик, кичик диаметрли таянч бўйинлар кўзда тутилган. Буларнинг ҳаммаси бир ўқса жойлаштирилганда валнинг узунлиги катталашиб кетади. Автомобил ва тракторлардаги тақсимлаш вали унча бикр детал хисобланмайди, узунлигининг диаметрга нисбати 15-35 оралиқда.

Тақсимлаш валларини тайёрлашдаги аниқлик ва сифат қуйидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

1. Таянч бўйинларнинг аниқлик ишловдан сўнг 6-квалитет, ғадир-будурлиги $R_a=0,63\div0,32$ мкм, оваллиги ва конуслиги 0,01 мм, нисбий тепиши (биение) 0,015-0,02 мм дан ошмаслиги керак.
2. Бўйин кўндаланг юзасининг бўйин ясовчисига (цилиндрик сиртига) нисбатан қиялиги 0,02-0,03 мм гача, ғадир-будурлиги $R_a=1,25\div0,80$ мкм.
3. Кулачокларнинг ишчи юзасининг ғадир-будурлиги $R_a=0,63\div0,32$ мкм гача.
4. Кулачоклар симметрия ўқининг тақсимлаш валдаги тишли ғилдирак остидаги шпонка ариқчаларига нисбатан оғиши $\pm(30\div1^030)$,
5. Мой ҳайдагич ва чақмоқ тақсимлагич ғилдирагидаги гардиш тишларининг ғадир-будурлиги $R_a=1,25\div0,8$ мкм.

Автомобил ва тракторларнинг тақсимлаш валлари узунлигига қараб, уч серияга бўлинади: 500 мм гача, 500-1000 мм оралиқда, 1000-1500 мм оралиқда. Улар углеродли ва легирланган пўлатдан, легирланган чўяндан ясалади. Заготовкалар қиздириб штамплаш, тупроқ қолипларга ва қобиқли қолипларга қуйиш усуллари билан тайёрланади. Штамплаб тайёрланган валлар юмшатилади ёки нормалланади, шунда ички кучланишлар йўқолади. Пўлат валларга термик ишлов берилиб (тоблаш ва бўшатиш), қаттиқлиги HRC 52-58 га, чуқурлиги 2-5 мм га етказилади. Ишлов чуқурлиги кулачокларда 10 мм гача боради. Чўяндан қуйиб тайёрланган тақсимлаш валларига механик ишлов жараёнда термик ишлов берилиб, қаттиқлик HRC 52-58 гача етказилади.

Чўянни қобиқли қолипларга қуйиб тақсимлаш вал ясаш-машинасозлиқдаги истиқболли йўналишdir. 12-жадвалда шу усулни тавсифловчи маълумотлар келтирилган.

Қўйма тақсимлаш валининг массаси болғаланганига қараганда 10-15% кам. Одатда, тақсимлаш валларининг кўндаланг юзаларига, марказий тешикларига таянч бўйин ва фланесга, ундаги тешикларга ва шпонка ариқчаларига, кулачокларига ишлов берилади,

кулачоклар билан бўйинлар пардозланади (якуний ишлов), ишлов сифати назорат қилинади.

12-Жадвал

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Заготовка	
		штампланган	қўйма
Валнинг қийшиқлиги	мм	1.5-2.5	0.6-1.0
Таянч бўйинларининг оваллиги	мм	1.0-1.5	0.4-0.6
Ташки нуқсонларнинг рухсат этилган чуқурлиги	мм	1.0-1.5	0.8-1.0
Ишлов қатлами (қўйим)	мм	3-5	1.0-2.5
Қияликлар	градус	7	2
Ўлчамлар аниқлиги	квалитет	15-16	12

Юқорида айтганимиздек, тақсимлаш валлари ишлов жараёнида етарлича бикр турмайди кесиш кучлари таъсирида деформацияланиб, кейинги ишловларда бир томонга урадиган бўлиб қолиши ёки айрим юзалари буралиб-қийшайиб қолиши мумкин. Шунинг учун ишлов жараёнида қўшимча таянчлар қўлланилади, станокларда икки томонлама юритиш қўлланади, амаллар сони кўпайтирилади. Бошқа тадбирлар ҳам қўлланиши мумкин.

Йирик серияли ва ялпи ишлаб чиқаришда қўндаланг юзаларга, марказ чуқурчаларга, таянч бўйинлар ва фланецга ишлов бериш автоматлаштирилган станоклар ва автомат қаторларда бажарилади.

Штамплаб тайёрланган валларнинг кулачокларига термик ишловдан олдин маҳсус станокларда (нусха олувчи токарлик ва нусха олувчи силлиқлаш) ишлов берилади. Термик ишловдан сўнг кулачоклар силлиқланади ва жилоланади. Қуйма валларнинг кулачоклари термик ишловдан олдин икки марта силлиқланади ва ялтиратилади.

Кулачокларни силлиқлаш ярим автомат циклда ишлайдиган нусха олувчи станокларда бажарилади. Силлиқлаш вақти кўп жиҳатдан ишлов қатламига боғлиқ. Термик ишловдан кейин кулачокларни силлиқлаш учун қўшимча қатlam 0.25-0.50 мм оралиқда берилади. Кулачокларни силлиқлашда вал омбирли қисқичларга силлиқланган энг чекка таянч бўйинлари билан ўрнатилади ва ўртадаги таянч бўйинлари гидравлик люнет билан мустаҳкамланади. Вални айланиб кетишдан сақлаш учун шпонка ариқасига ёки фланец тешигига таянч қўйилади. кулачок профилли қўндаланг сурилиш ҳисобига бажарилади, баъзи ҳолларда силлиқловчи доиранинг вал бўйлаб силжиши автомат тарзда ёзиб олинади. Термик ишловдан кейин силлиқлашда кулачокнинг ишчи юзасида куйган жой ва дарзлар пайдо бўлиш хавфи бор. Бундай бўлмаслигини кўзлаб тоза силлиқлашга бериладиган қатлам камайтирилади.

Кулачоклар жилвир тасмалар билан станокда жилоланади. Станоқдаги жилолаш каллагини кулачоклар сонига teng бўлади. Жилолашда вал 10-15 м/мин тезлик билан айлантирилиб, 6.8 мкм қатlam олиб ташланади. Бундай станокларга вални марказлаш орасига ўрнатиб, бурилиб кетишдан сақлаш учун шпонка ариқасига таянилади.

Кулачокларнинг профилли ва жойлашуви текширилаётган детални этalon вал билан таққослайдиган мослама ёрдамида назорат қилинади.

14-мавзу. Ичи бўш цилиндрлар типидаги деталларни тайёрлаш.

Режа:

- 1.Ичи бўш цилиндрларнинг конструктив ва технологик хусусиятлари.
2. Поршен бармоқларини тайёрлаш хусусиятлари.

1. Ичи бўш цилиндрларнинг конструктив ва технологик хусусиятлари.

Ичи бўш цилиндр турига кирадиган деталларнинг конструктив хусусияти шундаки, уларда бир марказ атрофига жойлашган (концентрик) бир нечта цилиндрсизмон юзалар

мавжуд бўлади. Бу деталлар нафакат ичи ковак цилиндрни билдиради, Айни пайтда, мураккаб ички ва ташки юзаларга эга бўлган айланиб ишлайдиган цилиндр шаклли жисмидир (тормоз барабани, тракторларнинг таянч ғалтаклари, дифференциал сателлитларининг товоқча-чашкаси ва х.к). Бундай деталларнинг заготовкалари фақат асосий туташ юзаларига-ташки ва ички цилиндрсизон юзаларига-ишлов берилиши билан тавсифланади. Ишлов, одатда, заготовка айланиб турганида берилади, баъзан тескариси, яъни қўзгалмас заготовкага айланиб кесувчи асбоб билан ишлов бериладиган ҳолатлар ҳам бўлади (масалан, тракторнинг таянч ғалтакчasi тешигини йўниб кенгайтириш).

Ишловдан ўрнатиш асоси вазифасини заготовканинг кўндаланг юзаларидан бири ва ички ёки ташки цилиндрсизон юза бажаради. Мураккаб деталларнинг заготовкаси баъзан шаклдор ташки юзаси билан ҳам асосланади. Кейинги ишловларда доимий асос қилиб ишлов берилган юзалар олинади (кўндаланг юза ва цилиндрсизон юза). Бурчак бўйича қотириш (буралиб кетишдан асраш) да деталнинг биронта туртиб чиқкан жойидан ёки кўндаланг юзадаги тешикдан фойдаланилади.

Ичи бўш цилиндрларга (втулка ва вкладиш сингари майда деталлар бундан мустасно) ишлов беришнинг технологик жараёни қўйидаги умумий кетма-кетликда бажарилади: 1) ташки ва ички юзаларни, бир томондаги кўндаланг юзани хомаки йўниш; 2) шу ишнинг ўзи-иккинчи томондан; 3) биринчи амалдаги юзаларни ярим тоза ва тоза йўниш; 4) шу ишнинг ўзи-иккинчи томондан; 5) бўртма жойда фреза билан кичкина текислик тайёрлаш; 6) бўртмалар ва фланесларда тешик очиш, уларни цековкалаш, развёрткалаш ва резьба очиш; 7) ички ва ташки цилиндрсизон, шаклдор ва конуссимон юзаларга нафис ишлов бериш.

Гусеницали тракторларнинг таянч ғалтакчалари, юк автомобиллари ғилдирагининг гупчаги ва поршен бармоқчаларини тайёрлаш технологиясини кўриб чиқамиз.

2. Поршен бармоқчаларини тайёрлаш хусусиятлари.


Қуйида енгил автомобилларнинг кичик иш ҳажмли двигатели поршенининг бармоқчасини тайёрлаш технологияси келтирилади.

Босим остида ишлов бериш. Поршен бармоқчаси заготовкаси 12ХН2 русумли пўлатдан, комплекс оқимли қаторда эзib чиқариш усули билан олинади. Заготовка доналарини кесиб олиш 21,5кН кучли прессда бажарилади. Унинг иш унуми- соатига 2740 дона. Бу доналар лентали конвейерда назорат-сараплаш автоматига келиб тушади. У ерда заготовкалар массасига қараб (нормал,камайтирилган, оширилган), 50 ± 1 г. аниқликда 3 серияга ажратилади. Шундан сўнг заготовкалар лентали конвейер бўйлаб чўқтирадиган прессга юборилади. Пресс бир соатда 1370 дона бармоқчани чўқтиради. Пресснинг назорат қурилмаси заготовка баландлигини текширади. Баландлик берилган қийматдан оғиб кетган бўлса, прессни тўхтатишга бўйруқ берилади. Уни қайтадан ишга тушириш учун яроқсиз заготовкани прессдан олиш керак. Чўқтиргандан сўнг заготовкалар ювилади, юмшатилади ва фосфатланади. Юмшатиш маҳсус печда, $650-850^{\circ}\text{C}$ ҳарорат остида ва ҳимояловчи мухитда амалга оширилади. Фосфатлаш ҳам маҳсус агрегатда кечади. Унинг охирги ваннасида заготовкалар $75-80^{\circ}\text{C}$ даражада, 3 минут давомида совутилади. Эзib чиқариш прессининг иш унуми соатига 1480 дона.

Поршен бармоқчасини диаметри (d)га нисбатан анча катталигига ($h/d \geq 10$).

Эзib чиқариш, тешик очиш ва ташки диаметр бўйича калибрлангандан кейин заготовкалар назорат ва шнекли агрегатда ювишдан ўтиб, конвейер ёрдамида иккита агрегат станокка узатилади. Уларнинг айланувчи столи бор.

Кесиб ишлов бериш. Иккита агрегат станокда заготовканинг кўндаланг юзалари кирқилади ташки ва ички раҳлар ҳосил қилинади, диаметри 9,0 мм.лик тешик



39-расм. поршен бармоқини босим остида ишлаш кетма-кетлиги.

кенгайтирилади. Ҳар қайси станокнинг бир соатлик иш унуми - 640 донадан. Сүнгра заготовкалар термик цехга-цементациялаш, тоблаш ва бўшатиш учун юборилади. Цементлаш чуқурлиги 0,6-0,8 мм., ташки юза қаттиқлиги $\geq HRC 60$; ичкарисидаги қаттиқлик HRC 21-30. заготовкаларнинг ҳаммаси ташки юзаси бўйича назоратдан ўтади. Цементлаш чуқурлиги ва ичкаридаги қаттиқлик эса, ҳар тўртинчи идишда текширилади.

Бармоқчаларнинг ташки юзаси Зта автомат қаторда хомаки ва тоза силлиқланади. Қаторларнинг ҳар биридан Зтадан марказсиз-силлиқлаш станоги бор. Ҳар қайси автомат қаторнинг бир соатлик иш унуми 425 дона заготовка.

Қатор автомобил заводларида бармоқчалар, ташки юзасининг узил-кесил (якуний) ишлови сифатида жилоланади. Бу иш марказсиз-силлиқлаш станогида кенг доира (≈ 500 мм) ёрдамида бажарилади. Юза ғадир-будурлиги $R_\xi=0,1 \div 0,08$ мкм бўлади. Суперфиниш ишлови ҳам бериладиган пайтлар учрайди. Уни марказсиз-суперфиниш станоги бажаради. Бу станокда 5та суперфиниш каллаги бўлиб, уларга турли доналарга эга бўлган жилвир қайроқчалар ўрнатилган. Советувчи ва мойловчи суюқлик сифатида керосин ва мой аралашмаси ишлатилади. Ишлов берилган юза ғадир-будурлиги $R_\xi=0,4 \div 0,2$ мкм.

Станокнинг техник кўрсаткичлари қўйидагича:

Бир соатлик унумдорлик, дона.....	330
Суперфиниш каллаклар сони.....	5
Жилвир қайроқчалар сони.....	5
Ишлов диаметри, мм.....	5,5-7,0
Жўваларнинг айланниш частотаси, айл/мин.....	64-386
Заготовкаларнинг айланма тезлиги, м/мин.....	20-120
Заготовканинг бўйлама сурилиши, м/мин.....	0,2-3,32
Тебраниш амплитудаси, мм.....	3-6
Қайроқчаларга босим, МПа.....	0-4
Электр двигател қуввати, кВт.....	1,4
Станок ўлчамлари, м.....	0,6x1,57x1,4
Масса, т.....	1,05

Ювилгандан кейин поршен бармоқчаларининг узунлиги, оваллиги, конуслиги, шунингдек, икки еридаги ташки диаметри якуний назорат қилиниб, 5 серияга (Зта серия - ишга яроқли, бир-биридан 4 мкм фарқ билан; тузаладиган брак; тузалмайдиган брак) сараланади ва ҳар қайси серия маҳсус ранг билан белгиланади. Назоратни автомат бажаради, у бармоқчаларни қўйидаги серияларга ажратади:

13-Жадвал

Серия	1	2	3
Диаметр, мм	21,972-21,976	21,976-21,980	21,980-21,984

Автоматнинг индуктив датчиги ҳарорати билан назорат қилинаётган поршен бармоқчасининг ҳарорати орасидаги фарқ энг кўпи билан 3°C ни ташкил қиласи. Фарқ шундан катта бўлса автомат тўхтайди. Автоматнинг иш унуми, соатига 1800 дона бармоқча.

Саралангандан кейин поршен бармоқчалари лентали конвейер билан пакетловчи автоматга узатилади. Бу ерда бармоқчалар жуфт-жуфт қилиб ўтказмайдиган қоғозга ўралади ва қоғозга ҳам ранг белги қўйилади. Тайёр детал омборга жўнатилади.

15-мавзу. Диск типидаги деталларни тайёрлаш.

Режа:

- 1. Деталларнинг конструктив ва технологик хусусиятлари.**
- 2. Трактордаги қувват олиш вали механизмининг гардишли цилиндрсимон ғилдирагини тайёрлаш.**
- 3. Цилиндр тишсли ғилдиракларни тайёрлаш.**
- 4. Конуссимон ғилдиракларни доираси юзасида тишлар очиш.**
- 5. Валларда шлица очиш.**

1. Деталларнинг конструктив ва технологик хусусиятлари.

Дисксимон деталлар автомобиль ва тракторсозликда кенг қўлланади. Бу турга залвор ғилдирак маҳовиклар, тормоз барабанлари, илашма дисклари, цилиндрсимон ва конуссимон ва шу каби қатор деталлар киради. Уларнинг конструктив хусусияти шулардан иборатки, ҳаммаси айланиб ишлайди ва диаметри қалинлигидан анча катта. Бу деталларнинг баъзиларида марказий тешик (цилиндрсимон, конуссимон ёки шлицали) бор; бошқаларининг доираси бўйлаб, марказий тешик билан концентрик ҳолда маҳкамлаш учун мўлжалланадиган тешикчалар бўлади.

Кўрилаётган турдаги кесиб ишлов бериш технологик схемаси бир хил бўлиб, асосий амаллар заготовка айланаётган ҳолда берилади, қолган амалларнинг технологик схемаси муайян деталнинг конструктив кўринишидан келиб чиқади. Масалан, тишсли ғилдираклар тайёрлашда тишлар кесиш (ёки думалатиб чиқариш) ва уларни пардозлаш. Тоза ва пардозловчи технологик амалларнинг микдорри заготовка олинган усулга ва детал тайёрлашнинг техник шартларига боғлиқ.

Дисксимон деталларнинг заготовкаси болғалаш усули билан, чўян, пўлат ва рангли қотишмалардан куйиб, тунукани совуқ ҳолда штамплаб тайёрланади. Айрим ҳолларда қувур ва чивиқ прокатдан ҳам тайёрланади.

Дисксимон деталларни кесиб ишлаш технологик схемаси ичи бўш цилиндрларни ишлаш схемасига кўп жихати билан ўхшаб кетади. Фарқи шундаки, дисксимонларнинг узунлиги (яни, эни) қисқа, асосан кўндаланг юзасига, қисқагина цилиндрсимон ва конуссимон юзаси олинади, кейинги амалларда эса-олдинги амалда ишловдан чиққан юза асос бўлади. Агар заготовкани бурчак бўйича ҳам ўрнатиш ёки мўлжалга олиш зарур бўлса, туртиб чиққан биронта бўртмага асосланади, буниси умуман йўқ бўлса, олдинги амалларда ишловдан чиққан тешикка асосланилади.

Дисксимон деталларнинг кенг тарқалгани-тишли ғилдираклардир. Автомобиллар ва тракторларнинг ишончлилигига ва узоқ муддат ишлашига бўлган талаблар ошиб боргани сайин тишсли ғилдиракларга ҳам катта талаблар кўйилади. Уларнинг бир қатор геометрик параметрлари юқори аниқлик (6-5 даражада) билан бажарилиши, тишсли юзасининг ғадир-бурурлиги $R_{\xi} \leq 0,32$ мкм бўлиши керак.

Шунингдек тишлар бир-бири билан илашганда шовқин бўлмаслиги ва туташган юзалар мустаҳкам бўлиши керак. Автомобил ва тракторларнинг тишсли ғилдираклари 45 селект, 18 ХГТ, 12x2H4A, 38ХС русумли пўлатлардан тайёрланади.

Автомобил ва тракторларнинг дисксимон деталларидан муҳимлари қандай тайёрланишини батафсил кўриб чиқамиз.

2. Трактордаги қувват олиш вали механизмининг гардишли цилиндрсимон ғилдирагини тайёрлаш.

Заготовка олиш. Аксарият тишсли ғилдиракларнинг заготовкаси кривошили прессларда «КШП-Исс», кўп вазиятли, қиздирилган ҳолида штамплайдиган автоматларда, горизонтал-болғалаш машиналари ва болғаловчи ускуналарда тайёрланади. Биринчи технологик ўтишда, одатда, дастлабки заготовка чўқтирилади, кейингиларида ёпиқ қолиплар ичida штампланади. Заготовка юмшатилгач ёки нормаллаштирилгач, асосий ўлчамлари, ташки юзаларининг марказий тешикка нисбатан ҳолати ва қаттиқлиги текширилади.

Заготовкалар 45 селект русумли, 0,42-0,47% углеродли (ГОСТ 1050-74) пўлатдан «КШП-Исс»да штамплаб олинади. Бу ускуна қиздирилган чивиқсимон прокатдан пресс-қайчи ёрдамида қирқиб олинган заготовка доналарини тахтайдиган ва уни иш жойидан олиб кетадиган манипулятор билан жиҳозланган. Пресс-қайчининг босими $P=16000$ т, унумдорлиги соатига 180 та заготовка, КШП-Исс нинг босими $P=6300$ т, унумдорлиги-икки сменада ишланганда, йилига 9,5 минг тонна заготовка олинади.

Тишли ғилдирак заготовкасини штамплашдаги ва нотекисликларни кесишдаги ўтишлар акс эттирилган. «КШП-Исс»да штамплашдан олдин дастлабки заготовка болғалаш ҳароратигача қиздирилади. Заготовкани штамплаш 3 ўтишда бажарилади; ғудирларни кесиб ташлаш 2 ўтишда бажарилади: аввал фланецдаги ғудур қирқилади, кейин тешик уриб очилади.

Тешикли ғилдирак заготовкасининг массаси $P_t=44.6$ кг, детал массаси эса $P_d=21.61$ кг. Демак, металдан фойдаланиш коэффициенти 0.48.

Ҳосил бўлган боғланма куйидаги техник шартларга жавоб бериши керак: 1) ГОСТ 8479-70 нинг «П» серияга биноан НВ*156-197; 2) юкка аниқлик-ГОСТ 7505-74 бўйича биринчи класс; 3) пўлат серияли М1 (ГОСТ 7505-74); 4) боғланманинг мураккаблик даражаси-С₃ (ГОСТ 7505-74); 5) штампни ажратиш юзаси-текис; 6) ғудурлар-қирқиб ташланган; 7) кўрсатилмаган штамплаш қияликлари-7°; 8) юза ўқининг ташки юза ўқига нисбатан оғиши ≤ 1.4 мм; 9) уриб очиладиган тешик ўқининг оғиши ≤ 1.6 мм; 10) фланецнинг буралиб кетганлиги ≤ 0.8 мм; 11) юзанинг радиус бўйича уриши ≤ 0.8 мм; 12) уриб очилган тешикдаги қайрилган қиров (заусенец) ≤ 10 мм; 13) фланеснинг кўндаланг юзасидаги қиров ≤ 8 мм; 14) қолган техник шартлар-ГОСТ 8479-70га биноан.


Қўйим 7-8 оралиқда; баъзи кўндаланг юзаларга 5 мм. ва 7 мм. берилади. (40,41,42-расм)

Кесиб ишлаш автоматлаштирилган қаторда бажарилади. У кўп шпинделли токарлик, агрегатли ва маҳсус ярим автоматлар билан жиҳозланган. Кўп шпинделли вертикал ярим автоматларда токарлик ишлов беришда заготовкалар станокдан станокка конвейер орқали узатилади. Ҳар бир станокнинг калта конвейери бор, зарур ўринларда заготовкани тўсиб қўйиш учун стрелка билан ҳам жиҳозланади. Икки- уч станок ўртасида транспорт вазифасини битта заготовкага мўлжалланган кран-балка бажариши мумкин. У ҳар бир ишчи учун ўрнатилади.

Бир ёки бир неча амалларни бажарадиган бир турли станоклар орасида заготовкаларни ташиб ёпиш осма конвейер ёрдамида бажарилади. Бу конвейерларнинг тушириб-илиб қўйадиган тагликлари бор. Заготовка қўйилган тагликлар мослама ёрдамида илиб-тушириб турилади. Станокларни юклаш ва юксизлантиришда кўтаргичлардан фойдаланилади.

Охирги участкада амаллараро транспорт воситаси-монорельсdir. У битта заготовкани ушлай оладиган тельфер билан жиҳозланган. Амаллар орасида захирани тўплаш учун стол-стеллажлар қўйилган назорат столлари ҳам илиб-туширувчи қурилма, кўтаргич билан жиҳозланган. Улар конвейердан заготовкалар ва тайёр деталларни туширади, назорат столига узатади ва идишга жойлади.

Катордаги станокларда кесиши минтақасидан қириндиларни чиқариб ташлашга мўлжалланган қурилма бор. Қиридини станоклардан узоклаштиришда шнекли транспортёр ишлайди. У кесиб ишлаш қатори бўйлаб



40-расм. Тракторларнинг қувват олиб тишлиайдиган механизмидаги гардиш тишли ғилдирак: 1-12-кесиб ишланадиган юзалар

ўрнатилган. Шнекли транспортёр кириндини пластинкали магистрал транспортёрга беради, у орқали цехдан чиқариб юборилади.

Кесиб ишлов беришда қаттиқ котишмалардан ясалган кўпқиррали, чархланмайдиган пластинкалар билан ясалган асбоблар (токарлик амаллари) ва тез кирқувчи пўлатдан ясалган кескичлар (тиш сидириш, тиш ўйиш, тишларни шевинглаш, фланесда маҳкамлаш учун мўлжалланган тешиклар очиш) ишлатилади.

Заготовкалар ва тайёр деталлар ювиш машиналарида суюқликни куч билан пуркаб ювилади. Заготовкалар ва деталлар бир томондан кириб, иккинчи томондан чиқиб кетади. Ювадиган суюқлик (4-5% эмульсол, 10% гача сода, 0,1-0,2% натрий нитрит, 0,003% фурацилин) нинг ҳарорати 80°C дан ортиқ бўмаслиги керак.

Гардишли тишли ғилдиракни кесиб ишлашга техник талаблар қуидагилардан иборат.



7 ва 12 юзаларнинг оваллиги ва конуслиги $\leq 0,023$ мм.


1.7 ва 12 юзаларнинг ўзаро уриши $\leq 0,08$ мм.

2.7 ва 12 юзаларнинг умумий ўқига тегишли: а) 4 юзанинг радиус бўйича уриши $\leq 0,16$ мм; 9 ва 10 юзаларнинг радиус бўйича уриши $\leq 0,3$ мм; б) Б кўндаланг юзанинг уриши $\leq 0,1$ мм; в) 8 ва 11 кўндаланг юзаларнинг уриши $\leq 0,06$ мм.

3.В тешикчалар ўқининг номинал ҳолатдан сильжиши $\leq 0,25$ мм. База-4 юза.

4.Эталон тишли ғилдирак билан илаштириб текширишда 7 ва 12 юзалар бўйича ўрнатилади.

5.7 ва 12 юзаларда ўйгичнинг чиқиши изи ($\leq 0,1$ мм) рухсат этилади, фақат излар айланы бўйлаб бир текис жойланган бўлиши шарт.



каттиқлиги HRC 50 бўлиши керак. 8 ва 11 кўндаланг юзалардан 10 мм (бундан ортиқ бўлмасин) масофада ўтиш минтақаси рухсат этилади.

9.Икки тиши орасидаги ўқлараро масофанинг оғиши 0,095 мм гача рухсат этилади.

3. Цилиндр тишли ғилдиракларни тайёрлаш.

Цилиндрсимон тишли ғилдирак-дисклар 18ХГТ, 12Х12Н4А, 38ХС русумли ва бошқа легирланган пўлатлардан тайёрланади.

Заготовка олиш. Автомобил заводларида цилиндрсимон тишли ғилдираклар заготовкасини материални қизиган ҳолда ҳажмли штамплаш усули билан, механик-болғаловчи прессларда ва горизонтал-болғалаш механизмларидан тайёрланади.


6. Гардишли-тишли ғилдиракни икки бўлакдан ясад, пайвандаш мумкин. Бунда чок зич ва мустаҳкам бўлиши керак, дарзлар, бўшликлар ва бошқа нуксонлар рухсат этилмайди.

7.Чизиқли ўлчамларда оғиш чегаралари кўрсатилмаган бўлса, 15-квалитет аниқликда бажарилади.

8.Пайвандлаб тайёрланган детал тишларини ЮЧТ билан тоблангандан сўнг тиши киррасидан 5 мм (ва ундан ортиқроқ) пастдаги 3 мм дан кам бўлмаган участкасининг

Тайёрлаш тартиби қуйидаги: бошланғич заготовка күндаланг юзасида чўқтирилади, ҳажман штампланади, тешик уриб очилади, ғадир-ғудур кесиб ташланади. Заготовка ичидаги қисынан бўлган кучланишлар нормаллаштириш ва қиздириб бўшатишда йўқотилади. Заготовкани назорат қилганда қаттиқлиги, асосий ўлчамлари ва ташки юзаларининг марказий тешикка нисбатан жойлашуви аниқланади. Ана шу омиллар кесиб ишлаш технологик жараёнини, унинг қийинлигини кўп жиҳатдан белгилайди. Автомат қаторларда ишлов берилганда ишлов қатламига ва унинг рухсат этилган энг чекка оғишлирага қаттиқ талаблар қўйилади.

Цилиндрсимон ғилдиракларда тишларини эзиб чиқариш усули. Бу усул билан ЗИЛ-130 автомобили орқа кўпригидаги ғилдираклардан тишлар ясаш хомаки фрезалашга нисбатан битта деталга металл сарфини 4,5 кг камайтиради. ЗПС-350 моделли станокда цилиндр-диск тишларини эзиб чиқариш тартиби қуйидаги: механик болғалаш прессида олинган болғаланма қисқич мосламага ўрнатилиб, иккита стакан-юқориги ва пастки билан қотирилади. (43-расм). Индуктор яқинлаштирилиб, уланганда заготовка ЮЧТ таъсирида болғалаш ҳароратигача қизийди. Тишларни эзиб чиқариш икки босқичда бажарилади аввал четида ҳалқаси бор текис роликлар штампланган заготовкани ташки диаметри ва тишли гардишнинг эни бўйича калибрлайди ва тиши эзиб чиқариш учун зарур ўлчамга етмагунча калибрлайверади. Тишларни, айниқса уларнинг учларини эзиб чиқариш жараённида қолип яхши тўлиши мақсадида, заготовканинг ташки юзаси калибрланганда ботик шаклга келтирилади ва роликларнинг юзаси шунга мослаштирилган. Заготовка қотирилган ҳолда индуктор билан бирга гидроюритгич ёрдамида тишларни эзиб чиқарадиган ҳолатга келтирилади. Заготовкани иккинчи марта қиздириб белгиланган ҳароратга етказилгач эзиш жараёни бошланади. Бунда бошқа иккита ролик ишга тушади. Улар втулкалардаги каллакка ўрнатилган. Каллаклар механик тўсиққа урилганда жараён тўхтайди. Узоқлаштириш ҳақидаги буйруққа биноан тишли ролик дастлабки ҳолатга қайтади. Заготовка бўшатилади ва очилади.



43-расм. ЗПС-350 русумли станокда цилиндр

формалари ташланадиганда тиши эзиб чиқариш схемаси

амалдаги маълумотларга қараб тузатиш киритилади. Тузатиш шундай киритилади, тишларни шакллантираётганда ариқчалардан эзиб чиқарилаётган металл ҳажми тишларнинг юқори қисмини тўлдириш учун зарур бўлган металл ҳажмига тенг бўлсин. Амалиётда аниқланишича, эзиб ишланаётган заготовканинг диаметри тайёр тишли ғилдирак диаметридан тахминан икки модул кичик бўлиши керак.

Станок юқорида баён этилган циклда соатига 25-30 заготовкани ишловдан ўтказади. Агар уни, станокни қиздирадиган қурилма ва манипулятор билан жиҳозланса, унумдорлик яна ҳам ошади.

Кесиб ишлаш тавсифи. Тишлари эзиб чиқарилган ғилдирак-заготовка қиздирилиб юмшатилгач механизма цехига ташиб келтирилади. Бу ерда токарлик станоги билан унинг контури бўйлаб ишлов берилади. Ишлов тишларини тоза фрезалаш ва шевинглаш учун зарур. Юк автомобили узатмалар қутисининг дисксимон тишли ғилдирагини тайёрлаш амаллари кетма-кетлиги берилган.

Текис ва тишли роликлар втулкага ягона узел кўринишида йиғилган ва гайка билан жипслаштирилган. Ҳалқаларнинг диаметри роликлар диаметридан катта, шунинг учун заготовка металли ўқи ўналишида оқиб чиқмайди. Тишли роликларнинг ҳалқалари ҳам худди шундай тузилган ва шундай вазифа бажаради.

Заготовканинг ўлчамлари ва шакли хисоблаб чиқилади, кейин

Цилиндрсимон тишли ғилдирак-дискларга токарлик ишлови беришнинг илғор усули бир ва икки шпинделли токарлик яримавтоматларни крестли ва гидронусха олувчи, 2-4 та кесувчи асбобга мўлжалланган револвер суппортлар билан жиҳозлаб туриб ишлов беришдир. Бундай яримавтомат юқори бикрликка эга бўлса, цилиндрсимон тишли ғилдираклар заготовкасига комплекс ишлов бериш ва кетидан тешикни хонинглаш мумкин. Бунда тиш кесиладиган асос сирти кўндаланг юзининг уриши 50 мкм дан ошмаслиги керак. Юза ғадир-будурлиги $R_\phi=4-2.5$ мкм.

Цилиндрсимон ғилдиракларда тишлар кесиш ва уларга ишлов бериш усуллари. Тиш кесиш муҳим ва энг қийин амал бўлиб, ғилдиракнинг аниқ ва сифатли чиқиши кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

Дисксимон ва бармоқсимон модулли фрезалар билан тиш кесиш нусха кўчириш (жим-жимали фрезалаш) усули билан амалга оширилади. Битта ариқ кесиб бўлингач заготовка тақсимлаш механизми ёрдамида битта тишга буралади ва фреза кейинги ариқни қирқади. Бу усулнинг унумдорлиги камроқ, аниқлиги ҳам юқори даражада эмас, шунинг учун уни қўллаш чекланган.

Хар бир модулга диск фрезалар тўплами ишлатилади. Ярим автоматларда ишлов аниқлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида модулли диск фрезалардан кўп шпинделли тақсимлаш каллакларидан фойдаланилади. Червякли фрезаларни ишлатиш иқтисодий талабга жавоб бермаса, шунингдек, йирик модулли ва шеврон ғилдиракларда тиш кесиш лозим бўлганида бармоқсимон, модулли фрезалар қўлланади. Улар маҳсус станокларга ўрнатилади.

Червякли фрезалар билан тиш кесиш ғилдиратиш усули билан бажарилади. Бу усул нафақат автомобил саноатида, балки машинасозликнинг бошқа тармоқларида ҳам кенг қўлланади. Бунда кесиш узлуксиз бажарилганидан аниқлик ҳам, унумдорлик ҳам юқори бўлади.

Тиш фрезалаш. Червякли фрезалар билан тиш кесиш бундай ишларда муҳим ўрин тутади. Бу усул тиш кесиладиган заготовкага, айниқса, унинг база юзаларига катта талаблар қўяди. Узунлиги 25 мм бўлган ҳамма заготовкалар тешигининг конуслиги 5-8 мкм орасида рухсат этилади. Берилган қўйимлар (мкм) технологик жараёнда таъминланади.

Заготовка диаметри, мм	Кўндаланг юзанинг уриши	Шаклдан оғиши	Радиус бўйича уриш
<25	8-13	5-8	80
25-100	10-20	8-13	130
100-200	15-30	10-15	130
200-300	25-50	13-18	130

Заготовканинг гир айланаси бўйлаб токарлик ишлови берилгач, тешикни 10-20 мкм қўйим билан хонинглаш керак. Бу тешик заготовканинг ташқи базасига ва иккала кўндаланг юзасига ишлов беришда база сифатида ишлатилади.

Ишлов маҳсус токарлик станогида, заготовка оправкага ўрнатилган холда берилади. Тиш кесиш, одатда, бир тўп заготовкада бир йўлда бажарилгани учун, кўндаланг юзалар параллеллигини оғиши 10-25 мкм дан ошмаслиги лозим.

Ўқ бўйича суриб тиш фрезалаш червякли фреза билан бажарилади. Червяк тишнинг бутун баландлигига мослаб қўйилади ва заготовка ўқи йўналишида ҳаракат қиласи. Оддий тиш фрезалаш станокларида қўлланадиган бу универсал усулнинг жиддий камчилиги бор: катта масофа (ℓ) га сурилади (тишнинг бор баландлиги қадар). Масофа, заготовка диаметри ошса ва тиш чизиғининг ғилдирак ўқига нисбатан оғиши кўп бўлса, ортади.

Радиус ва ўқ бўйича суриб тиш фрезалаш. Червякли фреза тишнинг бутун баландлиги қадар заготовкани кесиб кирган пайтда заготовка ўқига радиус йўналишида сурилади. Тиш баландлиги тўла олинган, уринма ҳаракат билан ўқ бўйлаб суриш автомат тарзда уланади ёки узилади. Тиш маҳсус станокларда оддий червякли фрезалардан фойдаланиб кесилади.

Асбобнинг бундай харакатида, ўқ бўйлаб сурилишга қараганда заготовкани кесиб қиркиш вақти қисқаради. Червякли фрезанинг кўп ейилишини ҳисобга олган ҳолда суриш 0,7-0,9 мм/айл қийматлари билан чекланади. Бу усул ғилдиракларни фрезалаб тиш очишида, масалан, тиш чизиги катта қияликка эга бўлганда, катта диаметрли червяк фрезалардан фойдаланганда, икки ўтишли тиш фрезалашда, мақсадга мувофиқ.

Диагонал бўйича суреб тиш фрезалаш ўқ бўйлаб ҳаракат уринма ҳаракат билан бирга бажарилади. Натижада, червякли фреза параллелограмм диагонали бўйлаб сурелади. Шунда фреза силлиқ ишлайди, унинг тишлари бутун узунликда бир текис ейилади, бу эса, ўз навбатида, асбобнинг ейилишга чидамлилигини оширади. Бу усул тишли гардиши кенг ғилдиракларга ишлов берганда, бир нечта ғилдиракка бир йўла ишлов берганда ёки кесилаётган материал ўта қаттиқлигидан фрезанинг ейилишига чидамлилигини талаб қилинганда қўлланилади. Бундай ҳолларда узун (160-180 мм) ва аниқ червякли фрезаларни ишлатиш керак.

Тиш фрезалашнинг икки ўтишли усулида заготовка бир марта ўрнатилиб биринчи (хомаки) ва иккинчи (тоза) ўтиш тиш қирқилади. Иккинчи ўтишда кесиши чукӯрлиги 0,5-1,0 мм бўлади. Биринчи ва иккинчи ўтишда кесиши режими тарзида ўзгартирилади. Биринчи ўтишда сурелиш ва кесиши тезлиги фрезанинг турғунлигини, тиш фрезаловчи станок ва сиқиб турувчи мосламанинг бикрлигини ҳисобга олган ҳолда аникланади. Биринчи ўтиш тиш фрезалаш билан йўл-йўлакай, иккинчиси-унга қарши йўналишда бажарилади. Иккинчи ўтишда бош ҳаракат тезлиги ва ўқ бўйлаб силжиш, биринчи ўтишдагига нисбатан юқори. Бу усул билан модули 4 мм дан кўп бўлган ғилдиракларга ишлов берилади, унумдорлиги юқори, автоматлаштириш енгил, тиш ўлчамлари аниқ ва турғун.

Икки ўтишли тиш фрезалашда червякли фрезанинг ўқ бўйича ҳаракати икки усулда бўлади. Биринчи усулда фреза хомаки ишловда ҳам, тоза ишловда ҳам бир ҳолатда туради, демак, фрезанинг муайян тиши иккала ўтишда иштирок қиласди. Иккинчи усулда хомаки ишловдан кейин фреза ўқ бўйлаб ҳаракат қиласди ва тоза фрезалашда, биринчи ўтишда иштирок этмаган тишлар иштирок этади. Бу-тишли ғилдираклар аниқ тайёрланишига, тишларнинг ён томонлари сифатли бўлишига кўмаклашади. Бу усул катта ўлчамли ғилдиракларда тиш фрезалашда, насосларнинг ғилдиракларида тўғри тишлар кесишида кўпроқ самара беради. Насос ғилдиракларининг бу усулда ишлаш бир ўтишли ишловга қараганда 2-марта унумлироқдир.

Тиш фрезалашда меҳнат унумдорлигини турли йўллар билан ошириш мумкин. Манипуляторлардан фойдаланиш, червякли фрезанинг ўқ бўйлаб ҳаракатини автоматлаштириш энг самарали йўллар ҳисобланади. Ялпи ишлаб чиқаришда тиш фрезаловчи станокларни манипулятор билан жиҳозлаш (ёки автомат-станок ишлатиш) меҳнат унумдорлигини 20% дан ортиқ кўпайтиради. Манипуляторлар ва бир неча соат мўлжалланган заҳира тўплагичлардан фойдаланиш бундай автоматлар узлуксиз ишлашини ташкил этиш имконини беради.

Автомобил заводларининг тажрибасидан маълум бўлишича, червякли фрезаларнинг ўқ бўйлаб ҳаракатини автоматлаштириш қайта чархлашлар ўртасида ейилишга чидамлилигини 20-40% га кўпайтиради, фрезани кўл кучи билан суреб кўйиб, созлаш вақтини битта чархлашга ҳисоблаганда, 10-15 мин камайтириш мумкин. Червякли фрезанинг тўлиқ сурелиши механизмининг чеккадаги узиб-улагичга таъсир ўтказади. Ҳисоблагичга киритиб кўйилган зарур заготовкалар миқдорри ишловдан ўтгач, станокни автомат тарзда ўчириш буйруғи берилади. Фрезани станокдан ечиб, чархлашга узатилади.

Червяк ғилдираги тишини кесиши. Бу жараён ғилдиратиш усули билан бажарилади. Червяк вазифасини бажараётган червякли фреза ва червяк ғилдираги заготовкаси тиш кесиши жараёнида узлуксиз айланниб турадилар ва червякли узатмаларга хос кинематик илашмани ҳосил қиласди. Тиш фрезалаш қуйидаги усуллардан бири билан бажарилади: радиус бўйлаб, уринма бўйлаб ва иккаласи (радиус, уринма) бўйлаб суреш. Куйида шуларнинг ҳар бирини кўриб чиқамиз.

Радиус бўйлаб сурилиб тиш фрезалаш. Червякли фрезанинг ўқи горизонтал ва ғилдирак заготовкаси ўқига нисбатан симметрик ўрнатилади. Заготовканинг радиус бўйича ҳаракати червякли ғилдирак тишлари бор бўйи билан кесилмагунча давом этаверади. Кейин радиус бўйича ҳаракат тўхтаб, тишларни заготовканинг бутун айланаси бўйлаб якуний профиллаш бошланади. Бу пайт заготовка камидаги марта тўла айланади. Фрезанинг узунлиги ишлашган юзаларни тўлиқ қоплаши керак. /илдирак билан илашишга кирадиган томондаги масофа тишларни хомаки ишлаш учун керак.

Уринма бўйлаб суриб тиш фрезалаш сидирувчи суппортли станокларда бажарилади. Суппорт червякли фрезани ўқ бўйлаб суради. Ишловнинг бошида фреза тишнинг бор баландлиги бўйича кесадиган қилиб ўрнатилади ва ўз ўқи бўйлаб ғилдиракнинг ажратувчи доирасига уринма бўлиб суралади. Шунинг учун тиш кесиш жараёнида фреза ўқи билан ғилдирак заготовкасининг ўқи орасидаги масофа ўзгармай туради. Фреза тишларининг заготовкага босқичма-босқич кириб боришини олинадиган конус таъминлайди. Бу конуснинг узунлиги кесувчи тишлари $\phi=20\div26^0$ бурчак билан қирқилган. Фрезанинг калибрловчи қисми узунлиги битта тўлиқ ўрами билан ғилдирак тишларини узил-кесил шакллантиради. Бу усул унумдорлик жиҳатидан радиус бўйича сурилиб тиш кесиш усулига қараганда пастроқ, бироқ аниқлик жиҳатидан-устун.

Червяк ғилдиракларини икки амалда кесиш учун (аввал радиус бўйича, кейин урунма бўйича суриб кесиш) тоза кесишга 0,5-1,0 мм. ишлов қатлами (тишнинг бир томонига) қолдирилади.

Радиус ва урунма бўйича суриб тиш фрезалаш червяк ғилдираги тишларини радиус бўйича суриб (фрезанинг олувчи қисми) хомаки ишлаш билан уринма бўйича суриб (фрезанинг цилиндр қисми) тоза ишлашни бирга олиб боради. Демак, бирлаштирилган усул уринма ҳаракатдагига қараганда, радиус бўйича сурилиш туфайли юқори унумдорликни таъминласа, уринма бўйича сурилиш туфайли тоза ишловнинг аниқлигини таъминлайди. Шу билан бирга фрезанинг уринма бўйлаб кириши қисқаради.

Ишлаб чиқаришнинг кўлами ва тишли ғилдиракларга қўйиладиган талабларга қараб червякли фрезаларнинг аниқлик даражаси танланади. Энг кўп кўлланиладиган конструкциялар қуйидаги червякли фрезалар ҳисобланади: бир киримли эволъвента профиллли; йиғма, ўрнатилган айланма рейкали; юқори даражада аниқликдаги эволъвента профиллли.

Эволъвента профилли яхлит червяк фрезалар катта аниқликдаги тўғри ва қия тишли цилиндр ғилдиракларни, червякли ғилдиракларни, валлардаги шлицаларни кесиб ишлашда ишлатилади. Одатда яхлит фрезалар бир киримли бўлади ва турли аниқликлар билан ясалади. ГОСТ 9324-80 да аниқлик даражаси, А, В, С, D, ва АА билан белгиланган тоза кесувчи бир киримли червяк фрезаларни тайёрлаш кўзда тутилган. Энг аниқ даражали червякли фреза - АА тури бўлиб, ундаги юксак аниқ фрезалар модули 1-10 мм. бўлади. 11-14 мм. модулли фрезаларнинг аниқлик даражаси исталганча, 16-20 модулларида эса - АА ва А турлари бўлади.

Хомаки ишлов берадиган червякли фрезалар камроқ аниқлик билан, кўпинча профиллни силликламасдан тайёрланади. АА ва А аниқликдаги червякли фрезалар билан кесилган ўрта модулли тишли ғилдиракларда тишларнинг ён томони ғадир-будурлиги $R_2=2,5\div2,0$ мкм. Оралиқда бўлади.

Айланувчи йиғма рейкали червякли фрезалар асосан ялпи ишлаб чиқаришда кўлланилади. Бу фрезаларнинг рейкаси узун (таксиинан 200 мм.), 2-3 киримли, қаттиқлиги HRC 66-68, рейкалар сони 10-17 та. Улар ейилишга жуда чидамли ва юқори аниқлик ва меҳнат унумдорлигини таъминлайди.

Юқори аниқликка эга бўлган эволъвента профилли червяк фрезаларнинг афзалликлари бор. Масалан, йиғма фрезаларга қараганда ташки диаметри кичик, тишлар сони кўп, юқори меҳнат унумини таъминлайди; тишлар қаттиқлигининг пасайиш ҳавфи йўқ (силликлаганда шундай бўлиб қолиши мумкин). Бундай червякли фрезаларнинг камчилиги сифатида ишлов

аниқлиги бир даража паст юришини күрсатиш мумкин. Эвольвента профиллли червяк фрезаларни тозалаб тиш фрезалашда ва силлиқлашда фойдаланилади.

Тиш фрезалашда иш унумини ошириш усулларидан бири-кўп киримли червякли фрезалардан фойдаланишдир. Битта киримли фреза факат битта винтга эга, шунинг учун у бир марта тўлиқ айланганда ишланаётган тишли ғилдирак битта тишга буралади.

Демак, червякли фрезанинг кирими қанча кўп бўлса, ғилдирак заготовкаси шунча кўпроқ тиш қадар бурилади. Бу-кўп киримли чевяк фрезаларнинг асосий афзалигидир. Бир киримли фрезалардан икки киримли фрезаларга ўтилганда меҳнат унуми w-50 % га, уч киримлига ўтилганда 60-70% га ортади. Кўп киримли фрезалар асосан шевинглаш ёки силлиқлашдан олидин хомаки кесища ишлатилади. Уларни тозалаб тиш кесища ҳам ишлатса бўлади, факат юқори даражадаги аниқлик талаб қилинмаслиги керак. Масалан, юлдузча шаклли тишли ғилдиракларни, двигателнинг залвор ғилдирагидаги тишли гардишни тайёрлашда ишлатиш мумкин.

Цилиндрический ғилдиракларда тишларни ўйиб очиш. Бу усул автомобилсозликда кенг қўлланади; тишлар эвольвента шаклида чиқади; маҳсус тиш ўйиш станокларида бажарилади. Тиш ўйишда ғилдиратиш ва нусха олиш усуллари қўлланади. Думалоқ ўйичлар билан тиш очишда асосан ғилдиратиш усули қўлланади. Бунда тишли ғилдираклар жуфти илашган, деб фараз қилинади. Жуфтлардан бири тиш очилаётган ғилдирак заготовкаси бўлса, иккинчиси-кесувчи асбобдир. Бу асбоб-думалоқ ўйич бўлиб, шакли эвольвента профиллли тишларга эга бўлган корритирланган ғилдирак кўринишида. Ишланаётган ғилдиракда айнан шундай тишлар ўйиб очилади. Ўйичлар тўғри ва қия (винт)тишларини ғилдиракнинг ташқи ёки ички юзасида оча олади.

Тўғри тишларни ўйишда худи шундай тишли ўйич, қия тишларни ўйишда эса, худди шундай қияликка эга бўлган ўйич ишлатилади. Кейинги ҳолда ўйич маҳсус нусха оловчи ёрдамида қўшимча равишда буралади. Бу буралиш ишланаётган ғилдирак тишларининг қиялик бурчагига тўғри келади. Нусха оловчи эса, станок шпинделлининг юқори қисмига ўрнатилади.

Автомобилсозликда 8-даражада аниқликдаги ўрта модулли тишли ғилдираклар икки амалда кесилади: Тиш ўювчи бир станокда хомаки кесиши ва иккинчисида-тоза очиш. Серияли ишлаб чиқариш шароитида худди шундай ғилдираклар бир амал ва икки ўтишда (хомаки ва тозалаб ўйиш) тайёрланади. Ўтишлар маҳсус кулачоклар ёрдамида автомат тарзда бажарилади. Швенгланмайдиган 7-даражада аниқликдаги ғилдираклар ҳам икки амалда ишланади, лекин тозалаб тиш ўйиш икки ўтишда бажарилади.

Цилиндрический ғилдираклардаги тиш қирраларини юмалоқлаш ва тишларнинг кўндаланг юзасида рах олиш. Юриб кетаётгандан алмашлаб уланадиган узатмаларнинг хизмати муддатини ошириш ва тишли ғилдираклар бир-бири билан енгил илашиши мақсадида тишларнинг кўндаланг юзаси юмалоқланади. Юмалоқлик шакли ишлаш шароитлари, технологик имкониятлар ва тишли ғилдирак ўлчамларига боғлиқ. Юмалоқлаш усули универсал бўлиши, юқори унумдорликни ва сифатни таъминлаш керак. Бу амал тиш юмалоқ-лайдиган станокда бажарилади.

Цилиндрический ғилдираклар тишига тоза ишлов бериш. Катта кучларни катта тезликда узатадиган тишли цилиндрический ғилдираклар шовқинсиз ва равон ишлаши керак. Шунинг учун уларни жуда аниқ ва кам ғадир-будурлик билан тайёрлаш керакки, бунинг учун тоза ишлов берилади.

Тобланмаган тишларга тоза ишлов бериш усуллари - шевинглаш ва калибрлаш, тобланганларига эса - силлиқлаш ва хонинглаш, ҳисобланади.

/ғилдирак тишларини шевинглаш тоза ишловнинг самарали усули бўлиб, тиш фрезалаб ёки ўйиб очилгандан кейин, қаттиқлиги HRC \leq 32 бўлган цилиндр ғилдираклар учун қўлланилади. Энг кўп тарқалган асбоб-диски шевер бўлади. У ҳам уч хил тайёрланади: мос равишда 6,7,8 даражада аниқликдаги ғилдиракларга мўлжалланган.

Шевер ҳам тишли ғилдирак кўринишида бўлиб, корригирланган ва тобланган, тишининг ён томонларида кескич қирралари бор. Шевер тишларининг қиялик бурчаги шевер ўқи билан

заготовка ўқи қандай бурчак билан кесишуига қараб ясалади. Тұғри тишли ғилдираклар учун кесишу 5-15⁰, қия тишилілар учун - 5-12⁰. Агар ғилдиракдаги тишининг қиялиги 5-18⁰ бўлса, шевернинг тишлари тұғри жойлашган бўлиши керак. Шевер диаметри станокнинг имкониятига қараб иложи борича катта қилиб тайёрланади. Шевернинг тақсимлаш диаметри ГОСТ га биноан тайинланади. Унинг ташқи диаметри қанча катта бўлса, ишлов аниқлиги шунча юқори ва асбоб турғун бўлади. Шевер тишлари сонининг ишланаётган ғилдирак тишлари сонига нисбати каррали (бутун) сон бўлмагандан ишлов аниқ чиқади.

Шевер ва ғилдирак заготовкаси бир-бири билан ҳеч қандай тиркиш қолдирмаган ҳолда илашиб туради ва иккови ўқлари бир нүктада кесишадиган винтли узатма ҳосил қиласи. Ўқларнинг кесишуви тишларнинг профиллари бир-бирининг устида сирпанишига ва шевер қирралари ғадир-ғудурларни кесиб кетишига олиб келади. Сирпаниш тишининг узунлиги йўналишида содир бўлади, тезлиги - кесиши тезлиги ҳисобланади. Ғадир-ғудурларни тушириш кесишининг натижавий ҳаракати тезлигига содир бўлади. Заготовка тишларининг ён томонидан тушириладиган қириндига кўринишида бўлади.

/илдирак тишларини фрезалаб ёки ўйиб очган пайтда йўл қўйилган хатоларнинг 60-80 % шевинглаш жараёнида йўқолиб кетади. Тишларнинг профилли ва қадамидаги хатолар сезиларли йўқолади, аммо тишларнинг йўналиши, радиус бўйича уриши ва нормалнинг умумий узунлигидаги хатолар кам даражада тузалади.

Ўрта модулли тишли ғилдиракларни шевинглаш билан қуйидаги аниқликка эришиш мумкин: ўқлараро ўлчанадиган масофа оғишининг ғилдирак бир марта айланғандаги қиймати 0,02-0,04 мм., битта тишка 0,010-0,015 мм. Тиши йўналишининг 25 мм. узунликдаги оғиши 0,005-0,040 мм.дан ошмайди, асосий қадамнинг оғиши 0,005-0,010 мм., умумий нормал узунлигининг оғиши 0,02-0,04 мм. оралиғида, тишли гардишнинг радиус бўйича уриши 0,010-0,025 мм., тишларнинг ён томони ғадир-будурлиги $R_2=2,5\div0,63$ мкм.

Тиши шевинглашнинг асосий усуслари - параллел, диагонал, уринма ва кесиб қириш усуслари.

Параллел шевинглашда шевингнинг суримиши - ишлов берилаётган заготовка ўқига параллел кечади. Бу усул универсал, кенг ғилдиракларга энсиз шевер билан ишлов бериш мумкин. Усулнинг камчилиги - бошқаларига нисбатан кам унумлигидадир.

/илдираклар тишини силлиқлаш - кам унумли ва қиммат жараён, бироқ тобланган ғилдиракларга ишлов беришнинг ягона ҳамда юқори аниқликни таъминловчи усуслар. Унинг бир қанча афзаллуклари бор: силлиқлашдан чиқсан тишларнинг аниқлиги бошқа усусларнидан анча юқори, олдинги ишловнинг аниқлик даражасига боғлиқ эмас.

Цилиндрисимон ғилдираклар тишини силлиқлашнинг амалдаги ҳамма усуслари эволъвента ва тиши профилли хатосини йўқотади, шундан, тишли ғилдиракларнинг хизмат муддати узаяди. Амалда кўп қўлланиладиган силлиқлаш усуслари учта: нусха олиш, даврий равишда бўлиб-бўлиб чиниктириш, чиниктира туриб, узлуксиз силлиқлаш.

Нусха олиб тиши силлиқлашнинг унумдорлиги юқори, лекин аниқлиги пастроқ, чунки силлиқловчи доира бир текис ейилмайди. Унинг профилли ғилдирак тишлари тубига мос тушади. Бу усул кўплаб ва йирик серияли ишлаб чиқаришда тұғри тишларга бериш учун қўлланади.

Гардишга ўрнатилган силлиқланувчи ғилдирак силлиқловчи доиранинг хар қайси қўш ҳаракатидан кейин автомат тарзда тишларнинг бир ёки бир неча қадамича бурилади ва цикл қайтарилади. Бир томонга берилган қўйим - 0,10-0,12 мм. доиранинг ариқча бўйлаб 3-4 марта ўтишида олинади. Бу усул 6-даражада аниқликни ва тишларнинг ён томонлари ғадир-будурлигини $R^2 = 1,25\div0,63$ мкм. миқдоррда таъминлайди. Силлиқловчи доирани эквовальента профиллига мослаб чархлаш пантографлар ва нусха олувчилар ёрдамида бажарилади. Ўрта катталиқдаги модулга эга бўлган битта тишини силлиқлашга 6-12 вақт кетади. Ариқчанинг бор профилли битта доира билан силлиқланади. Силлиқловчи доирада тишининг эволъвента ёки ўзгартирилган шаклни ҳосил қилиш учун, у маҳсус мослама билан тишлишади. Қия тишларга ишлов берадиган силлиқловчи доирани профилллаш катта

қийинчилик билан боғлиқ, чунки ғилдиракнинг ўлчамлари ўзгарса (тишлар сони, уларнинг қиялиги, модули ва х.к), доиранинг профиллини яна ўзгартириш зарур бўлади. Даврий равишда бўлиб-бўлиб чиниқтириш усулида тишларни силлиқлаш иккита ликопча шаклидаги доира ёрдамида бажарилади. Ликопчалар бир-бирига нисбатан шундай жойлашадики, уларнинг текисликлари тасаввурдаги рейка тишлари профиллини ҳосил қиласди. Заготовка гўё шу рейка бўйича тебраниб туради. Бунда заготовка обкаткаловчи сектор ва обкаткаловчи пўлат тасмалардан чиниқтирувчи ҳаракатлар олади. Тасмалар ўлчамлари эволъвента ўлчамларига мос келади. Силлиқловчи доираларнинг ейилиши автомат тарзда чархлаш билан компенсация қилинади. Кичик ва ўрта модулли ғилдираклар ишлов беришда иккита доира битта ариқчага, қўшни тишларнинг турли томонларини силлиқлайдиган қилиб ўрнатилади.

Бу усул эволъвентанинг ва тишлар йўналишининг юқори аниқлигини таъминлайди, бироқ нусха олиш усулига қараганда кам унумли: столнинг иккиланган юришидан кейин заготовка автомат тарзда битта тишга бурилади. Бундан ташқари технологик жиҳозлари қиммат туради (ҳар бир тишли ғилдирак учун ўзининг обкаткаловчи сектори бўлиши керак). тишларни силлиқлашдан олдин «мўйловли» червяқ фреза билан ишланади. Бундай червяқ жуда қимматга тушади. Чиниқтириш усули билан силлиқланган ғилдираклар 5-даражада аниқликка ва тишлар ён томонининг $R_a=0,63$ мкм ғадир-будурлигига эга бўлади. Тишнинг иккала томони учун силлиқлаш қатлами 0,10-0,12 мм. бўлади ва икки ва ундан кўпроқ ўтишда олинади.

Жилвир червяқ билан узлуксиз чиниқтириб силлиқлаш кинематика жиҳатидан тиш фрезалашга ўхшайди, бироқ бунда червякли фреза ўрнига бир ёки икки киримли жилвир червяқ ишлатилади. У рейка профиллида ясалади. Силлиқлаш 30-35 м/с тезлик билан айланётган жилвирли червяқ айланётган заготовка тишлари билан илашган ҳолда бўлади ва узлуксиз равишда унинг тишли гардишига кириб (кеслан ҳолда) боради. Бунда у кўплаб маротаба кесади ва шу йўл билан эволъвента профилни шакллантиради.

Жилвир червяқ билан силлиқлашнинг унумдорлиги юқори, айниқса, модули 5 мм.гача бўлган тишли ғилдиракларга ишлов беришда. Бундай унумдорлик ишловнинг узлуксиз ва бир вақтнинг ўзида тишнинг иккала ёнини, заготовка тепага чиқиб-тушгандаёқ ишланиши ҳисобига эришилади. Усул тишлар қадамини аниқ таъминлайди, лекин профиллдаги ва тиш йўналишидаги хатоликларни буткул йўқота олмайди.

Икки томонлама конусли жилвир доира билан тишларни силлиқлаш чет элларда қўлланади. Бунда заготовкани силлиқловчи доиранинг тўғри ёнли профилли билан силлиқланади. У тасаввуридаги рейка тишларини эслатади. Чиниқтириш ҳаракати заготовка ўз ўқи атрофида икки томонга айланishiдан ва марказдан бошлаб бўйлама сурилишидан иборат. Бу ҳаракатлар бўлувчи ва чиниқтирувчи «гитара» ларнинг алмашинуви тишли ғилдираклари томонидан бажарилади.

Аниқлик ва унумдорлик талабларига қараб тишнинг ён томонларини бирваракайига ёки олдинма-кейин силлиқлаш мумкин. Усул юқори аниқлик ва унумдорликни таъминлайди, станокни қайта созлаш кўп вақт олмайди, бироқ энг кўп самара модули 5 мм ва ундан ортиқ тишли ғилдираклар тайёрлашда бўлади.

/илдирак тишларини хонинглаш. Ғилдирак заготовкасининг тишлари жилвир хоннинг тишлари билан зич илашиб туради ва иккови айланади. Икковининг ўқи бир-бири билан $10-15^0$ бурчак остида кесишади. Туташ профилллар (заготовка ва асбоб)нинг сирпаниш тезлигини ошириш учун заготовкага айланма ҳаракатдан ташқари ўз ўқи бўйлаб бориб-келадиган ҳаракат ҳам берилади. Жилвир тишли хоннинг айланма йўналиши столнинг ҳар бир йўналишида ўзгаради. Заготовка тишининг ён томонлари ғадир-будурлиги $R_a=2,5$ мкм.дан $R_a=1,25\div0,32$ мкм.гача.

Хонинглашда тишларнинг илашиш элементларидағи хатоликлар билинар-билинмас камаяди. Тишларни хонинглаш учун маҳсус ишлов қатлами берилмайди, лекин бу ишлов тиши қалинлигини 0,01-0,03 мм.га камайтиради.

Тиш хонинглаш махсус станокларда, икки усул билан бажарилади: радиус бўйича куч бериб, айланга бўйлаб куч бериб. Биринчисида заготовка ва асбоб тишлар зич илашиб туради, иккинчисида асбоб ва заготовка ўқлариаро масофа ўзгармас бўлади, лекин илашган тишлар орасида ён томондан тирқиш бўлади. Биринчи усул кенг қўлланади. Асбоб ўрнатилган бабка 350-450 Н кучга эга бўлган пружина ёрдамида заготовкага қапиштирилади, натижада тишлар зич илашади. Хонинглаш жараёнида заготовка тишларининг учи хон тишлари ариқаси тубига доим тегиб туради, шунинг учун тишнинг ўтқир қирралари юмалоқланиб қолади. Бу - тишли ғилдирак яхши ишлашивуни таъминлайди.

Тиш хонинглайдиган станоклар ҳам икки хил бўлади: горизонтал ва вертикал жиҳозланган. 5913 моделли станок горизонтал жиҳозланган бўлиб, диаметри 30-320 мм. ва модули 6 мм.гача бўлган тишли ғилдиракларга мўлжалланган. Етакловчи куч - асбобдан, заготовка ўрнатилган бабкада тормоз бор. Унинг айланма кучи таъсирида тишлар хонингланади. 5915 моделли станок вертикал жиҳозланган, диаметри 40-500 мм. ва модули 10 мм.гача бўлган тишли ғилдиракларга мўлжалланган.

Тишли цилиндрисимон ғилдиракларни текшириш. Тишли ғилдираклар ҳар бир амалдан кейин ва тайёр бўлганда, назорат устаси қабул қилаётганда текширилади. Қабул назоратига, тишлар пардозлашдан ўтиб бўлгач, ўз жуфти ёки этalon ғилдирак билан бирга қабул қилинади.

Амаллар назорати цех шароитида ва лаборатория шароитида бўлади. Цех назоратини оператор ёки созвочи бевосита иш ўрнида-тишларга ишлов берадиган станок ёнида бажаради. Бунда оддий ва хизмат асбоблар, мосламалар ишланаётган заготовка (детал)нинг ўлчамларини, масалан, ғилдирак битта айланганда ўқлараро масофанинг оғишини, тиш ўлчамларини ишловга берилган қатламларни тезгина текширишда қўлланади. Вақти-вақти билан станокнинг сози ва асбобнинг ўрнатилиши текширилади. Бундай назорат смена бошида, станок созланиб, асбоб алмаштирилгандан кейин ва станок ишга тушгандан кейин ҳар 1,5-2 соат оралиқда албатта текширилади. Дуч келган заготовка (детал)ни эмас, ҳар бир станокда ишланган заготовкалардан дастлабки иккитаси назорат қилинади.

Лаборатория назорати цехга яқин жойлашган махсус хонада ўтказилади. Технологик жараён бораётган пайтда тишли ғилдиракларнинг ҳар бир элементини текшириб бориш ишлаб чиқаришда пайдо бўлган носозликларни аниқлаб, тезда бартараф этиш имконини беради. Тиш профилли ва йўналишининг аниқлиги, умумий нормал узунлигининг оғиши, қадамлар аниқлиги, шовқин даражаси ва бошқа кўрсаткичлар назорат қилинади.

Қабул назорати, бу-туашган тишли ғилдираклар тўпламидаги хатоликларни жамлаб (100%), тўпламни иш шароитларига яқин муҳитда ишлатиб текширишdir. Тишли ғилдиракларнинг тайёрлаш аниқлиги стандартларда кўрсатилган жоизликлар билан чегараланган. Цилиндр ғилдиракларга мўлжалланган ҳар бир стандартда 12 аниқлик даражаси кўзда тутилган: дастлабки рақамлар аниқ тишли ғилдираклар учун, кейингилари-бундайроқлари учун мўлжалланган. аниқлик даражасининг ҳар бири 3 серия меъёрларга эга: кинематик аниқлик, ишнинг силлиқ (майин)лиги ва турли узатмалар учун тишларнинг тугаш излари.

Тишли ғилдиракнинг кинематик аниқлиги бир профилли назорат мажмуасига мўлжалланган махсус асбоблар ёрдамида этalon ғилдирак билан бирга ишлатиб текширилади. ғилдираклар бир марта айлангандаги бурилиш бурчагининг хатоси (энг катта миқдорри) кинематик аниқлик даражасини (хатосини) кўрсатади.

Тишли ғилдирак ишининг силлиқлиги циклик хато билан ўлчанади. Циклик хато деганда тишли ғилдирак бир марта айланганда кўп марта қайталанадиган кинематик хатонинг ташкил этувчиси тушинилади. Айнан шу ташкил этувчи узатувларда пайдо бўладиган зарбалар, титрашлар ва шовқинни келтириб чиқаради.

Туташ изни назорат килиш-илашган тишлар бир-бирига қандай туташганлигини кўрсатади. Бу назорат ғилдираклар жуфтини махсус назорат-чиниқтириш станокларида, енгил куч таъсирида ўтказилади. Иккала ғилдирак тишларининг ён томонига юпқа буёқ

суртилади ва жуфтлар турли йўналишларда айлантирилади. Буёқ изи ГОСТ билан белгилаб қўйилган.

Шовқин даражасини назорат қилиш тишли ғилдираклар назоратида муҳим ўрин тутади.


Шовқин даражасини турлича: тишли гардишнинг уриши, тишларнинг ён томонидаги нотекисликларнинг баландлиги, қадам хатоси ва бошқалар. Бу назорат 5798 моделли шовқин текширадиган станокда бажарилади. Шовқин даражаси назоратчининг эшитиш қобиляти билан аниқланади. Шумомер деган асбоб аниқ назорат қиласи.

Червякли узатмаларни назорат қилишда червякнинг қўйидаги кўрсаткичлари текширилади: винт чизигининг аниқлиги, ўқ бўйлаб қадам ва профилнинг аниқлиги, червяк ўрамининг радиус бўйича уриши, ўрамнинг қалинлиги. Червяк жуфтининг қабул назорати комплекс текширувдан иборат бўлиб, унга ўқлараро масофани, туташ изларнинг шакли ва жойлашувини, ён тирқиши текшириш киради.

4. Конуссимон ғилдиракларни доираси юзасида тишлар очиши.

Айланма тишли конус ғилдиракларнинг кўзга яққол кўринган мисоли-автомобилнинг орқа кўпригидаги бош узатманинг жуфтидир. Тишли конус узатмалар ҳам ҳар хил бўлади: баъзиларида етакчи ва бошқарилувчи конусларнинг учи бир нуқтада кесишади, бундайлар ортогонал дейилади; гипоидли деб аталадиган бошқа хилида конуслар уч бир нуқтада кесишмайди, орасида масофа бўлади; уни гипоид сурилиш, деб аталади. (44-расм.)


Тишли конуссимон ғилдирак заготовкасини ясаш. Бундай заготовка кривошибли прессларда (хом ашё иссиқ ҳолда)-«КШП-Исс»ҳажмли штамплаш йўли билан ёки яримавтоматларда дастлаб тишларни эзib чиқариш йўли билан олинади. (45-расм)



44-расм. Қия тишли конус ғилдираклар узатмаси схемаслари.

Яримавтомат билан юзаларга бир томондан токарлик ишлови берилади. Тешикни хомаки ва тоза йўниб кенгайтириш, кўндаланг юзаларни қирқиши ва рах олиш.

Ўша токарлик ишловлари иккинчи томондан берилади. Конус тешикни йўниб кенгайтириш ва конусларни йўниш, тешикни йўниб кенгайтириш, радиусни кесиш, кўндалангига рах олиш, кўндаланг юзани қирқиши.



45-расм. Конус ғилдираклар заготовкасини тайёрлаш усуслари.

На зорат.

Яримавтоматда ЮЧТ билан қиздириб, айланма тишларни эзib чиқариш.

Назорат.

Термик ишлов: юқори бўштиш, НВ 157-207

Саккиз шпинделли вертикаль-токарлик яримавтоматда заготовканинг икки томонидан тоза токарлик ишлови бериш.

Назорат.

Махсус пармаловчи,

24

шпинделли яримавтоматда 12 та тешик очиш ва цековка қилиш.

Узлуксиз ҳаракатли (текис силлиқловчи) яримавтоматда кўндаланг юзани силлиқлаш.

Назорат.

Тишнинг рахини олувчи яримавтоматда эзib чиқарилган тишларда рах олиш.

Тиш кесувчи яримавтоматда айланма тишлиарни тоза кесиш.

Заготовкаларни содали қайноқ эритмада ювиш.

Назорат-чиниқтириш яримавтоматда ғилдиракларни қирқиши, туташиш ва шовқин бўйича назорат қилиш.

Термик ишлов: лементация ва штампда тоблаш.

Ички силлиқловчи станокда тешикни силлиқлаш.

Тишли ғилдиракларни жуфтларга ажратиш ва бормашинали тиш текширувчи яримавтомат ёрдамида қировни олиб ташлаш.

Тишини ишқаловчи яримавтоматда жуфт тишли ғилдиракларни бир-бирига мослаштириш.

Керосинда ва содали эритмада ювиш.

Назорат-чиниқтириш яримавтоматда якуний назорат қилиш.

Тишли ғилдиракларни мисс билан қоплаш.

Тишлиарни дастлаб эзиз чиқармасдан, заготовкага фақат кесиб ишлов бериш технологик йўналиши (схема) бошланғич амалларда юқорида келтирилган технологик схемадан фарқ қиласди.

Биринчи амалда заготовка А ва Б конус юзалари билан асосланади, шунинг учун тишли ғилдиракларга мос конус шаклиси сикувчи губкалар ишлатилади. Олтишпинделли вертикал токарлик яримавтоматда айланма тишли конус ғилдирак заготовкасига ишлов бериш схемаси қўйидагича:

1. Заготовкани ўрнатиш ва қотириш, тайёр детални ечиб олиш.

2. «В»тешикни хомаки ва тоза йўниб кенгайтириш.

3. Кўндаланг юза (Г) ни хомаки йўниш ва айни вақтда ички кўндаланг юза (Д)ни қирқиши, рах олиш.

4. Кўндаланг юза (Г) ни тоза йўниш ва тешикларда ташқи рах ҳосил қилиш.

5. Ички кўндаланг юза (Д)ни тоза йўниш ва тешикларда ички рах ҳосил қилиш.

6. «Е» юзани йўниб кенгайтириш.

Кейинги кесиб ишлашларда асос юза қилиб ишловдан чиқсан тешик ва таянч кўндаланг юза олинади. Термик ишловдан кейин шу тешикнинг ўзи силлиқланадиганда асос юзаси сифатида айланма тишлиарнинг ён томонлари олинади. Бунинг сабаби шундаки, орқа кўприк редуктори йигилаётганда детални ўрнатиш учун айнан шу тешик ва кўндаланг юзага мўлжал қилинади. Демак тишлиарнинг тўғри илашиши, ўларнинг шу икки юзага нисбатан жойлашувига боғлиқ экан. Асос юза сифатида ички цилиндрический юза билан кўндаланг юза ҳам олинади.

Айланма тешикларнинг ён томонлари силлиқланмайди, шунинг учун асос тешик ва асос кўндаланг юзани силлиқлаб бўлгач, катта (бошқарилувчи) ва кичик (етакчи) ғилдиракларни бир-бирига мослаб ажратиб олинади ва ўзаро ишқаланади. Бормашина билан жиҳозланган ярим автоматлар ғилдиракларни саралаб олади ва ғадир-ғудурларни кетказади. Бундай ярим автомат бир соатда таҳминан 28 жуфт ғилдиракка ишлов беради. Жуфтлар монтаж тирқишининг силжиш катталигига қараб серияларга ажратилади. Бош узатма жуфтларини саралаб олиш ва ишқалаш қулай бўлиши учун тишли ғилдирак ясадиган оқимли қатор ёнма-ён жойлаштирилади. Ишқалаб мослаштирадиган ярим автоматлар етакчи ғилдирак вални ясадиган оқимли қаторга, ишлов оқимини бузмайдиган ва ғилдиракларни ишқалаш амалига қулай узатадиган қилиб ўрнатилади. Бунда иккала оқимли қаторнинг умумий такти сақланиб қолади.

Конуссимон ғилдиракларда айланма тишлиар очиши. Автомобилсозликда ортогонал ва гипоид узатмалар шароитида ишлайдиган конус ғилдираклар тишини очишнинг асосий усули-ғилдиратиш усулидир. Бу усул билан тиш очиш жараёнида кескичларнинг тўғри чизикли қирраси (кескичлар каллагига ўрнатилган) тасаввурдаги ясси, қирқувчи ғилдиракнинг тишлиарни худди ўзида тақрорлайди. Станокнинг тебрангичига ўрнатилган кескичлар каллаги ўз ўки атрофида айланади ва бир вақтнинг ўзида тасаввурдаги ғилдиракнинг ўки атрофида тебранади. Тасаввурдаги ғилдиракни тебрангич ўз ўки атрофида айланни билан ўхшатади. Заготовканинг айланиши тебрангичники билан мослаштирилган.

Хар бир кескич тиғининг ҳаракат йўналиши (траекторияси) тасаввурдаги ясси ғилдирак тишларининг ариқасига тўғри келади. Ясси ғилдирак кесиши жараёнида маълум микдоррдаги бурчак билан икки томонга оғиб туради. Тиш очиладиган ғилдирак шундай ўрнатиладики, унинг конус учун тасаввурдаги ғилдиракнинг марказига тушсин. Тебрангич айлана бошлаганда кесилаётган ғилдиракнинг бошланғич конуси ясси ғилдирак устида сирпанади. Бу ҳаракат кескичлар каллаги ўз ўқи атрофида айланиши билан боғлиқ эмас.

Тишлар орасидаги ариқча кесилгандан кейин ишланаётган ғилдирак автомат тарзда кескичлар каллагидан узоқлаштирилади ва бир қадамга бурилади, кейин яна кескичлар каллагига яқинлаштирилади ва кейинги ариқчани очиш учун иш ҳолатига тургизилади. Тебрангич шу вақтда червяк ёрдамида ҳаракатга келтирилади ва дастлабки ҳолатни эгаллайди. Ҳаракат йўналиши кесиши йўналишига тескари кечади.


Агар конус жуфтнинг узатиш рақами 3:1 ва ундан ортиқ бўлса, ғилдираклар ярим обкат усули билан тайёрланиши кифоя. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бошқарилувчи ғилдиракнинг айланма тишларини тоза кесиб очиш нусха кўчириш йўли билан амалга оширилади. Етакчи ғилдирак вал тишлари эса, ортогонал узатмалардаги сингари ғилдиратиш усули билан очилади. Шундай қилиб бошқарилувчи ғилдирак тишлари рейкали профиллга эга бўлади ва ғилдиратиш усули билан очиладиган эгри чизиқли профиллга қараганда, тепаси ва асоси энлироқ чиқади. Тишлар махсус, кескичли каллак-сидиргичлар ёрдамида очилади.

Туташ тишли ғилдирак-заготовканинг тишлари стандарт кескич каллаклар (ГОСТ 19902-77 - 11906-77) ва тишларни ишлашнинг оддий технологияси ёрдамида ғилдиратиш усули билан очилади. Тиш профилдаги эгриликнинг йўқлиги яримобкат усулида очилган тишларнинг юқорисидан ва асосидан металл қирқиб ташлаш билан қопланади. Бунинг учун станок махсус созланади.

Тишини хомаки очиш - ишланаётган заготовка ва станок тебрангичи кескичлар каллаги билан бирга, бир-бирига мос равишда айланаётганда амалга оширилади. Тишларни хомаки очиш учун икки-уч томонли стандарт кескич каллаклар ишлатилади. Одатда тишлар бир йўналиш (юқорига ҳаракат)да очилади, шунда ариқчалар бир хил кенгликда бўлади. Чап ва ўнг томонга айланадиган каллаклар ишлатилади. Кескичлар каллаги очилаётган тишлар чизиги йўналишига тескари айланса, асбоннинг юқори даражада турғунлиги таъминланади. Тоза ишлов берадиган кескичларнинг тепаси ариқча тубига тегиб кетмаслиги учун хомаки тиш кесища тозалаб кесищдагига қараганда 0,20-0,25 мм. ортиқ қатлам олинади.

Икки томонлама кескичли каллакларда ички ва ташқи кескичлар бор. Улар корпус чукурчаларига навбатма-навбат ўрнатилган. Бундай каллак ғилдиратиш усули билан тиш очища ишлатилади. Уч томонлама кескич каллакларда ташқи, ички ва оралиқ кескичлар бўлади, улар айланма тишларни нусха кўчириш усули билан очади. Бу каллаклар икки томонлама каллакдан унумлироқ. Ташқи ва ички кескичлар тишларнинг ён томонини очади ва ариқча тубига тегмайди, шунинг учун умумий каллаклар сони икки томонлама кескичли каллакларга қараганда икки марта кам. Ўрта кескичлар ариқча очади ва уларнинг микдорри каллакдаги тишларнинг ярмисига teng. Ўрта кескичларнинг баландлиги ташқи ва ички кескичларнидан 0,20-0,25 мм. катта.

Тишини тоза очиш - нусха кўчириш ва ғилдиратиш усулида амалга оширилади. Нусха кўчириш усули катта ғилдирак тишларини яримобкат усулида амалга оширилади. Нусха кўчириш усули катта ғилдирак тишларини яримобкат усулида, махсус, тиш сидириш станогида очища кўлланилади. айланма тишлар махсус, кескичли каллаклар - сидиргичлар




46-расм.Обкат усули билан тиш кесими схемаси

тишиларни ишлашнинг оддий технологияси ёрдамида ғилдиратиш усули билан очилади. Тиш профилдаги эгриликнинг йўқлиги яримобкат усулида очилган тишларнинг юқорисидан ва асосидан металл қирқиб ташлаш билан қопланади. Бунинг учун станок махсус созланади.

ёрдамида қирқилади. Сидиргич бир айланишда тиш ариқчаларини ишлайди. Нусха күчириш усулида ишлов бериш ғидератиш усулига қараганда 10-20% аниқроқ натижада беради, асбобнинг ейилишга чидамлилиги 2-3 марта ортиқ бўлади.

Кескичли каллак-сидиргичнинг бир конструкцияси кўрсатилган. Кескичлар корпусга ўрнатилиб, винтлар билан қотирилган. Кескичлар радиус йўналишида поналар ва винтлар ёрдамида ростланади. Калибрловчи кескичлар остидаги поналар шпилка билан қотирилган бўлиб, улар ростланмайди. Ташқи кескичлар ён қирраларининг жойлашув радиуси, биринчисидан бошлаб бир текис ўсиб боради, ички кескичларнинг радиуси эса, аксинча, бир текис камаяди.

Бир кескич оладиган қатlam 0,02-0,04 мм, тишнинг бир томонига бериладиган қўйим, модулга боғлиқ ҳолда 0,2-0,5 мм оралиқда бўлади. Охирги икки калибрловчи кескичлар ва шундай ўрнатиладики, уларнинг бири ишловни тугатгач, иккинчиси бошлайди. Калибрловчи кескичларнинг баландлиги бошқа кескичлар баландлигидан 0,05-1,0 мм кам. Биринчи кескич билан охирги калибрловчи кескич орасида оралиқ бор. У асбобни узоқлаштирмай туриб, ишланаётган филдирак бир тиш энича буралишига имконият яратади.



47-расм. Гир айланасига кескинлар ўрнатилган сидирувчи каллак.

Конус ғилдиракнинг айланма тишларини сидириб очиш кўрсатилган. Тасаввурдаги ғилдирак сифатида ички, тўғри профиллли тишларга эга бўлган конус ғилдирак хизмат қиласи. Кескичли каллак сидиргич битта тиш вазифасини бажаради. Тасаввурдаги (ясовчи) ғилдирак тишларининг шакли ғилдирак заготовкасида очиладиган тишлар шаклини аниқлайди. Тиш сидириш станогида ички тишларга эга бўлган ясовчи конус ғилдиракни

ҳосил қилиш учун кескичли каллак-сидиргич (1)ни заготовка (3)ни ҳисоблаб топилган зарурий ҳолатга келтириладиган қурилма мавжуд.

Филдиратиш усули билан тоза кесиши кенг қўлланади. Тишлар универсал станокларда икки томонлама ва бир томонлама тоза кесувчи каллаклар билан кесиб очилади. Каллак ўнг ёки чап томондан кесувчи бўлиши мумкин. Икки томонлама тоза кесувчи каллаклар асосан катта конус ғилдиракни хомаки ишловдан кейинги тоза ишловда қўлланади. Бир томонлама тоза кесувчи каллаклар етакчи (кичик) конус ғилдирак учун ишлатилади. Уларда фақат ташқи ва ички кескичлар бўлади. Бир томонни кесувчи каллак ташқи кескичлари билан тишларнинг ботиқ томонига, ички кескичлари билан-қавариқ томонига ишлов беради. Тиш ариқчаларидан биттаси кесиб бўлингандан сўнг заготовка автомат тарзда каллакдан узоқлаштирилади ва бир қадам (тиш қадам)га буралади, кейин каллакка яқинлаштирилиб, кейинги ариқчани очиш ҳолатида туриб қолади.

Айлана тишли конус ғилдираклар кескичли каллак билан ишлов берилгандан сўнг 7-6 даражада аниқликка эга бўлади. Тишлар ён томонларининг ғадир-будурлиги ишлов усулига боғлиқ: ғилдиратишдан сўнг $R_z = 20$ мкм дан $R_a = 2,5$ мкм гача, нусха кўчиришдан сўнг $2,5 < R_a < 1,15$ мкм. тоза кесиши қатлами 3-10 мм ли модуллар учун, тишнинг иккала томонга 0,5-1,0 мм берилади. Тишлар ариқчасини нусха кўчириш усулида хомаки ишлаш 17-35 с, ғилдиратиш усулида тоза ишлаш 15-42 с вақт эгаллади.

Айланма тишли конус ғилдиракларни жуфтларга саралиш. Конус ғилдиракларга термик ишлов берилганда тишларнинг шакли ўзгаради (деформация), натижада тишлар илашадиган жой ўзгаради (туаш доғ-из орқали билинади). Шунинг учун термик ишловдан кейин туаш из яхши жойлашиши мақсадида ғилдираклар йиғишидан олдин назорат-чиниктириш станоги ёрдамида жуфтларга сараланади. Танланадиган жуфт чизмада кўрсатилган асос масофасига қўйилади; тишларга юпқа мой бўёқ суртилади ва енгилгина куч

остида (тормоз орқали берилади) конус ғилдиракларнинг секин айлантириб, нуқсонлар вағадир-ғудурлар аниқланади. Ғадир-ғудурлар силлиқловчи машина (бормашина) билан йўқотилади. Шундан кейин етакчи ғилдиракнинг асос масофасини кўпайтириб ёки камайтириб, туташ из энг мақбул жойда пайдо бўлганида, айланиш силлиқ ва шовқинсиз бўлган пайтда тўхтатилади. Бошқарилувчи ғилдиракнинг асос масофасини ўзгартириб, ён тиркишни берилган чегарага келтирилади. Асос масофанинг амалдаги қиймати етакчи ғилдиракнинг тишига ён тиркиш эса - бошқарилувчи ғилдиракнинг тишига ёзиб қўйилади. Тартиб рақамлар иккала ғилдиракда ҳам кўрсатилади. Орқа кўприк редукторини йиғиша етакчи ғилдиракни, унда ёзилган асос масофасига қараб қўйилади, кейин катта ғилдирак ўқ бўйича сурилиб, тища ёзиб қўйилган ён тиркишга эришилгандан сўнг тўхтатилади.

/илдиракларнинг уринган жойларини ва ғадир-ғудурларини тозалаб жуфтларга ажратиш, якуний назорат алоҳида станокда бажарилади. Ундан ташқари, конус ғилдиракларни бир-бирига ишқалаб мослаштиришдан олдин жуфтларга ажратиш ва силлиқлаш ишлари шовқиндан тўсилган алоҳида хоналарда бажарилиши керак.

Конус ғилдираклар тишларини ишқалаш. Тишларни ишқалаш жараёни шундан иборатки, жуфт конус ғилдираклар енгил тормоз кучи таъсирида айлантирилади ва ишлаган тишлар орасига жилвир зарралар аралаштирилган суюқлик-кремний карбиди кукуни (ёки синтетик олмос, кукунлари) ва қуюқ мой аралашмаси берилади. Аралашма тишларнинг ишчи юзасини ишқалаб, металл зарраларини ювиб кетади. Бу циклда иккала ғилдиракларнинг нисбий ҳолати автомат тарзда ва муттасил уч йўналишда ўзгартириб турилади, натижада тишларнинг ишчи юзалари тўла ишловдан чиқади. Вертикал йўналишдаги ҳаракат туташ изни тишнинг узунлиги бўйича - катта ва кичик радиуслар орасида - ўзгаришини таъминлайди. Етакчи ғилдирак ўқи бўйлаб горизонтал ҳаракат туташ изни тиш профилли баландлиги бўйича силжитади. Цикл давомида тишлар орасидаги ён тиркиш учинчи ҳаракатни таъминлайди. Бир-бирига ишқалаб, мослатирилган иккала конус ғилдирак автомобилнинг умри давомида ажралмас тўплам бўлиб хизмат қиласи.

Тобланган конуслардаги тишларни ишқалаб мослаштириш ғадир-будурлигини $R_2=1,25$ мкм.дан $R_2=0,16$ мкм.гача камайтиради, туташ из (юза) яхши жойлашади, шовқин даражаси ортогонал узатмаларда 6 дБ гача, гипоид узатмаларда 12 дБ гача камаяди, шунингдек, термик ишловда пайдо бўлган ўзгаришлар йўқолади.

Ишқалаш учун маҳсус станоклардан фойдаланилади: 5П720 моделли универсал станок-конус ғилдираклар диаметри 125 мм.гача ва ўқлар орасидаги бурчак 90^0 га тенг бўлмаган ҳолда; 5П725 моделли станок-конус ғилдираклар диаметри 500 мм.гача ва ўқлар орасидаги 90^0 бўлган ҳолда (ортогонал узатмалар). Тишнинг томонлари алоҳида-алоҳида ишқаланади. Бу жараён учун қўйим берилмайди. Тишнинг бир томонини ишқалаш учун асосий вақт 1-3 мин. бундан кўп вақт ишқалаш узатиш сифатини пасайтиради, чунки туташ юза (изи) профилл баландлиги бўйича қисқариб қолади. Оғир юк автомобилларининг гипоидли узатмаларни ишқалашда асосий вақт 8-12 минут, енгил автомобилларда 4-6 мин. гипоид узатмаларда тишларнинг сирпаниши бир текис кечади, шунинг учун улар узокроқ вақт ишқаланиши мумкин. Оптимал вақт тажриба йўли билан аниқланади.

Айлана тишли конус ғилдиракларни назорат қилиши. Тишли цилиндр ғилдираклардаги каби тишли конус ғилдиракларда ҳам 12 даражада аниқлик белгиланган (ГОСТ 1758-81). Ҳар бир аниқлик даражаси учун учта меъёр киритилган: аниқлик, ишнинг силлиқлиги (майнинглиги), тишларнинг туташ юзаси изи. Бу уч серия меъёр ва ён тиркиш бўйича туташув тенг хуқуқли бўлган бир нечта мажмуадан иборат. Назорат турли ўлчов асбоблари ва мосламалари ёрдамида, амал бажарилаётганда ҳам, ишловидан чиқсан маҳсулот қабул қилинаётганда амалга оширилади. Айлана тишли ғилдиракларнинг қабул қилишда назорат маҳсус станокда бажарилади ва қуйидаги асосий элемент текширилади; туташ изининг шакли ва жойлашуви; шовқин даражаси; ён тиркиш; тишларнинг ён томони ғадир-будурлиги.

Туташ тишли ғилдираклар, қоида бўйича, бирга ишлатиб қўйиб (чиниктириб), асосий иш шароитига яқинлашган ҳолда текширилади. Юк автомобилларининг айланма тишли конус

ғилдиракларини назорат қылганда асосий эътибор туташ изнинг шакли ва шовқинсиз ишлашига диққат қилинади. Одатда, ишқалаб мослаштирилган жуфтларни якуний назорат қилишдан олдин, улар осма конвейерда кўп секцияли ювиш агрегатидан ўтказилади, у ерда деталлар ювилади, қуритилади ва нормал ҳароратгача совитилади. Назорат-чиниктириш станоклари шовқиндан ҳимояланган алоҳида хоналарга ўрнатилиб, станоклар орасига тўсиқлар қўйилади, ҳар бирига кириш йўли алоҳида бўлади. Туташ изларининг шакли ва жойлашуви иккала конус ғилдиракнинг асос масофасини кўпайтириш ёки камайтириш билан ўзгартирилади, бунда вертикал силжиш ўзгармайди, у гипоид силжишга teng келади ёки ортогонал узатмада нолга teng бўлади.

Тишли ғилдираклар жуфтидаги шовқин субъектив усулда, туташ из талаб этилган ҳолга келгандан сўнг текширилади. Баъзи заводларда таққослаш усули қўлланади: танлаб олинган жуфт шовқин даражаси ва туташ из бўйича этalon сифатида қабул қилинади.

Жуфт тишларининг ён тирқиши айлана бўйлаб teng масофаларда жойлашган 4 та тища, тиш чизигига перпендикуляр чизик билан ўлчанади.

5. Валларда шлица очиш.

Буровчи моментларни узатиш ва қўзгалувчи деталларнинг ҳолатини қатъйлаштириш (барқарор, турғун) мақсадида валлар ва гупчаклар шлицаларнинг профиллари ҳар хил бўлади: тўғри бурчакли, эволвентли, трапецияли ва учбурчакли. Кўп қўлланадигани-тўғри бурчакли шлицалар.

Тўғри бурчакли шлицаларни туташ детал тешигига марказлаштириш З усулда бажарилади: шлицали валнинг ташки диаметри бўйича, валнинг ички диаметри бўйича ва шлицаларнинг ён томони бўйича. Усул шлицали бирикмаларни тайёрлаш технологик жараёнига жиддий таъсир этади.


Валларда шлицаларни хосил қилиш усуллари ҳам кўп: шлицали червяк фрезани ғилдиратиш; битта-биттадан тақсимлаб, профилли диск фреза билан кесиш; ёйиб очиш; эзиз чиқариш. Юқори аниқликни талаб қиласидиган шлицали валлар термик ишловдан кейин силлиқланади.

Шлицали червяк фрезаларни думалатиш. Валларга бу ишловни тиш фрезаловчи станокларда берилади. Бу усул билан шлицалар очиш ғилдиракларда червякли фрезалар ёрдамида тиш очиш жараёнига ўхшайди. Шлицаларни ўлчамлари ва юза сифати бўйича маромига етказиб ишлашда куйидаги кесиш режими танланади: кесишдаги бош ҳаракат тезлиги w-50 м/мин., асбобнинг сурилиши 0.8-1.5 мм/айл. Тишларнинг қалинлиги бўйича силлиқланган фреза билан очилган шлицаларнинг ён томони 0.04-0.05 мм ва ундан кам; шлицалар ён томони ғадир-будурлиги $R_{z\text{K}}=40$ мкмдан $R_{z\text{K}}=10$ мкм га камаяди.

Профилли диск фреза билан шлицалар очиш. Бу асбоб билан шлица фрезаловчи яримавтомат ёрдамида шлицаларни битта-биттадан тақсимлаб очилади. Диск фрезанинг профилли валда очиладиган шлицалар ариғига мос келади. Ишлов жараёнида фреза айланиб туради, заготовка эса, тақсимлаш каллакка ўрнатилган ва олдинги бабка маркази билан қисиб қўйилган ҳолда ўз ўқи йўналишида стол билан бирга сурилади. Битта ариқча очилгандан сўнг, стол тезлик билан орқага қайтади ва шу қайтишнинг охирида кейинги ариқча очиш учун вал айланаси керакли миқдоррда тақсимланади. Ҳамма шлицалар очилиб бўлгач, станок автомат тарзда тўхтайди.

Айланани битта-биттадан, шлица учун тақсимлаб, кесиш усули ҳар қандай профиллли шлицаларга тўғри келади. Бу усулнинг иш унуми ғилдиратиш усулига қараганда 20-30 % ортиқ, битта валда 18-20 та шлицани очиш имкони бор, шлицаларнинг ён томонлари ғадир-будурлиги кам, қадам бўйича аниқлик юқори, кесувчи асбобни тайёрлаш осон ва арzon. Шлицалар қалинлигининг аниқлиги 0.03-0.05 мм, ён томоннинг ғадир-будурлиги $R_{z\text{*}}=20-10$ мкм, $R_a=2.5-1.25$ мкм.

Шлицаларни эзиз чиқариш усули серунум ва самарали: ишлов сифати юқори, металл тежалади, асбоблари арzon.



48-расм. Валларда шлицаларни эзib чизик қариш схемаси.

Шлицаларни эзib чиқаришнинг кўп қўлланадиган икки усули бор: планетар роликлар ёрдамида, тишли рейкалар ёрдамида.

Планетар роликлар билан ишлаш қўйидагича кечади. Иккита думалатувчи каллак ва бир-биридан маълум масофа ва 180^0 бурчак остида (бир чизиқда) ўрнатилган. Уларга бир ёки бир нечта ролик бириктирилган. Уларнинг ишчи профилли шлица ариқчасини акс эттиради. Эзib чиқаришда каллаклар бараварига, лекин бир-бирига тескари йўналишда айланади, бу вақт роликлар гоҳ-гоҳ заготовка билан туташади ва унга ботиб кетади. Заготовка эса, ҳам айланади, ҳам ўз ўқи йўналишида сурилади. Ролик каллак атрофида бир марта тўлиқ айланганда заготовка битта шлица қадамига бурилади. Натижада иккита ариқча ҳосил бўлади. Бунда валнинг ташқи диаметри ортади (кенгаяди). Мехнат унумдорлиги 3-4 марта кўп, шлицалар ён томони ғадир будурлиги $R_a=1.25-0.63$ мкм.

Якуний назорат. Шлицалар калибрлар ёрдамида текширилади. Улар асосан икки серияга бўлинади:

1) элементли ўтувчи ва ўтмайдиган калибр-тиқинлар ва шлицалар профилли элементлари (D, d, b, S)ни назорат қиласиган скобалар;

2) шлицали ўтувчи калибр-тиқинлар (шлициали тешиклар учун) ва халқалар (шлициали ўқлар учун) мажмуаси (шлициалар профилли элементларининг жойлашувини текширади).

16-мавзу: Думалоқ бўлмаган стерженсизмон деталлар (ричаг)ни тайёрлаш.

Режа:

1. Ричагларнинг конструктив ва технологик хусусиятлари.
2. Автомобилни олдинги кўприги балкасини ясаш.
3. Юқ автомобилининг бурилиш цапфасини тайёрлаш.

1. Ричагларнинг конструктив ва технологик хусусиятлари.

Бу турдаги кўндаланг кесими доира бўлмаган узунлиги кўндаланг кесими ўлчамидан 2 марта ва ундан кўп маротаба катта бўлган тўғри ва эгри таёклар киради. Масалан, автомобилнинг олдинги балкаси, двигателнинг шатуни, узатмалар қутисининг айриси, шайнин (коромисло), айлантирувчи кулачок ва ҳ.к.

Ричагларнинг конструктив тузилиши турли-туман, тайёрлашнинг технологик жараёнлари ҳам ўзига ҳос хусусиятларга эга. Шунга қарамай, ричагларнинг ишлов бериладиган юзаси- бир учидаги текис жойи ва ундаги тешигидир. Баъзи ҳолларда, масалан заготовканинг ўлчами талабга жавоб бермай қолса, ричаг кесиб ишланиши мумкин. Бир-бирига нисбатан катта аниқлик билан, параллел тешикли ричагларни ясаш (масалан, шатун) кўп меҳнат талаб қиласи.

Ричаг заготовкаларига ишлов беришда хомаки технологик база (асос) бўлиб, асосий тешикнинг кўндаланг юзаси ва бу тешик бўртмасидаги ташқи чизиқлар хизмат қиласи. Кейинги ишловларда тешикнинг ўзи ва кўндаланг юза доимий технологик асос бўлиб қолади. Кесиб ишлаш пайтида заготовка кўзгалмайди.

Ричагларнинг типик кўринишлари сифатида юқ автомобилининг олдинги кўприги-балкасини ва айлантирувчи кулакни кўрсатиш мумкин.

2. Автомобилни олдинги кўприги балкасини ясаш.

Юк автомобилининг бошқариладиган олдинги кўприги пўлат балка бўлиб, кўндаланг кесими-двутавр, олдинги рессорлар билан маҳкам уланади. Балканинг икки учидаги бўртмалар тешигига шкворен ёрдамида айланма кулаклар ўрнатилади. Шкворен балкага киритилганда понасимон штифтлар билан қотирилади.

Иш жараёнида бу балкага катта кучлар тушади. Автомобилнинг олдинги ғилдиракларига тушадиган хамма оғирликни балка кўтаради. Двутавр шаклидаги кўндаланг кесим металлни камроқ сарф қилган ҳолда зарбаларга, эгувчи кучларга қаттиқ қаршилик қиласди. Балканинг ўрта қисми икки чеккасига нисбатан ботик қилиб ишланган. Бу автомобил рамасини пастрок ўрнатиш ва оғрилик марказини тушириш имконини яратади. Балкалар 45,30Х ва шу каби русумли пўлатдан ясалади.

Балканинг кесиб ишланадиган юзалари: иккита бўртманинг кўндаланг юзалари (деталнинг вертикал ўқига нисбатан 8^0 қиялик билан жойлашган), штифтлар учун мўлжалланган иккита цилиндр тешик, телескопик амортизатор бармоқчаларига мўлжалланган иккита конус тешик, рессорлар таянадиган иккита текислик, шкворенлар учун иккита тешик, рессорлар текислигидаги икки томони очиқ ва бир томони берк иккита тешик балкага кесиб ишлов беришда қуйидаги техник шартлар бажарилиши керак: 1) шкворен тешикларининг диаметри 7-квалитет аниқликда, юза ғадир-будурлиги- $R_a=1,25$ мкм; 2) шкворен тешигининг ўқи билан штифт тешиги ўқининг бир-бирига нисбатан перпендикулярликдан оғиши $\leq 0,07$ мм; 3) бўртманинг баландлиги 7-9 квалитет аниқликда, юза ғадир-будурлиги - R^*20 мкм; 4) бўртма кўндаланг юзаларининг шкворен тешиги ўқига нисбатан перпендикулярликдан оғиши $\leq 0,12$ мм; 5) штифт уриладиган тешик диаметри 11-квалитет аниқликда, юза ғадир-будурлиги- $R_a=20$ мкм; 6) шкворен тешиги ўқининг қиялик меъёридан оғиши ± 15 .


Заготовка олиш. Балка заготовкаси кўндаланг кесими тўғри тўртбурчак бўлган металл прокатдан ясалади. Даствор 3-5та балкага етарли кесма олиб босқичма-босқич жўваланади, кейин алоҳида балкаларга бўлинади. Ҳосил бўлган балка заготовкасини қиздириб, болғали прессда штампланади. Заготовка керагидан узун бўлиб кетса, қуйидаги ишлар бажарилади: аввал, қиздирилган заготовканинг бири учини 3 ариқчали штампда босилади (ҳар томондан кесиш, эгиш ва яқуний босиш-штамплаш); сўнгра пресс ёрдамида ғадир-ғудурлар туширилади; заготовканинг иккинчи томонини қиздириб, худди шу ишлар такрорланади. Кейин шаблон ёрдамида заготовкалар узунлиги бўйича сараланади, лозим бўлса, 900-1000 0 га қиздирилиб чўзилади, ёки чўқтирилади. Шундан кейин ҳаммаси назоратдан ўтади, нормаллаштириш термик ишлов бажарилади, балка совуқ ҳолда тўғриланади, сўнгра 830-840 0 С ҳароратда тобланади; қаттиқлиги текширилади ва иккинчи бор тўғриланади. Нуқсонларни аниқлаш мақсадида маҳсус агрегат ичидаги нуқсон бартараф этилади.

Кичик ва ўрта микдоррда юк кўтарадиган автомобилларнинг балка заготовкалари яхлит штампланади, рессорлар таянадиган текисликлари эса зарб қилинади.

Ҳосил бўлган боғланма қуйидаги техник шартларга жавоб бериши керак: 1) қаттиқлиги Бринелл бўйича HB240-285; 2) ғадир-ғудурлар каллакда -1 мм атрофида, бўртмадан рессор текислигига ўтиш жойларидан-3мм гача; колган жойларда-2 мм гача; бўртманинг буралиши-100 мм узунликда 1 мм гача; 3) ишлов бериладиган ва берилмайдиган жойлардаги дарзлар, майда ёриклар ва эзилишлар чукурлиги-1.5 мм гача; 4) рессорлар таянадиган текисликларнинг қийшиқлиги 2 мм гача.

Кесиб ишлаш. Балка заготовкаси автомат қаторларда кесиб ишланади. «ГАЗ» юк автомобилининг балкасига ишлов берадиган 1Л154 автомат қатор схемаси кўрсатилган. Қатор 3 та участка ва 11 станокдан иборат. Ишловга келаётган заготовкалар осма конвейердан автомат курилма ёрдамида олиниб, юкловчи транспортёрга (Т3), текислиги билан пастга қаратиб қўйилади. Транспортёрга 10 та заготовка сифади. Транспортёр балкаларни храповикили илмоғи ёрдамида айлантирувчи барабанга беради. Барабан балкани бўйлама ўқи атрофида 180 0 га айлантиради ва қаторнинг биринчи участкасига узатади. Бу ерда заготовка рессор текислиги орқа томонининг зарб қилинган хошияси устида сурилади.

Суриш айланувчи думалоқ штангали ва қаттиқ штирли транспортёр томонидан бажарилади. С2 станогигача балка заготовкаларини бўртмасидан тутиб ташилади, ундан кейин – текисликдаги, ишловдан чиқсан бирорта тешикдан тутиб тортилади.



49-расм. 1Л154 автомат қаторнинг схемаси

томони берк тешик (7) очилади. Бунда иккала текисликни қамраб оладиган шпинделли каллак билан пармаланади. Булардан ташқари С2 даги ёнма-ён жойлашган иккита горизонтал каллак ёрдамида шкворен штифтининг иккита тешиги (2) ва телескопик амортизатор бармоқчасининг иккита тешиги (3) очилади. С3 станогида иккала бўртма (1)нинг кўндаланг юзаси фрезаланади. С3 станогининг тузилиши С1 га ўхшайди. С4 станогида рессор текислигидаги тешиклар цековка қилинади, шкворен штифтининг тешиклари (2 – асос тешиклари) вертикал каллак ёрдамида, амортизатор бармоқчасининг тешик(3)лари иккита горизонтал каллак ёрдамида развёртка қилинади. С5 станогида (2) ва (3) тешиклар зенкерланади, С6 да – улар развёртка қилинади.

Шу билан биринчи участкадаги ишловлар тугайди. Заготовкалар айлантирувчи барабанга узатилади. Заготовка бўйлама ўқи атрофида 180° га айлантирилади ва кўндаланг транспортёрга тушади. Ундан айланма стол (ПС) га узатилади ва вертикал ўқ атрофида 90° га бурилади.

Қаторнинг иккинчи участкасида (С7, С8, С9)ги ишлов шкворен ўрнини (5) пармалаш билан (С7 станогида) бошланади. Бу тешик С8 да зенкерланади, С9 да развёртка қилинади. Заготовка ишловдан чиқсан рессор текислиги ва иккита асос тешиги билан ўрнатилади. Бу станокларнинг ҳар бир вазиятига бир вақтнинг ўзида иккитадан балка сиғдириш мумкин.

Учинчи участкада (С10 ва С11) шкворен тешикларини пуллаб, текшириб бўлгач, цековка қилинади (С10)ва бўртманинг кўндаланг юзалари нозик фрезаланади (С11). С11 станоги станинасининг вертикал қирраларида горизонтал чизиққа нисбатан 8° бурчак остида йўналтирувчи плиталар ўрнатилган. Бу плиталар устида фрезаловчи каллаклар сурилиб юради. Каллакларга гардишга бириктирилган кўндаланг юза фрезалари маҳкамланади.

Қаторнинг 2 ва 3-участкаларида балкалар транспортёра, храповикли илмоқлар ёрдамида ташилади.


Қатордаги ишловлар мойловчи-совитувчи суюқлик остида бажарилади. Суюқликни марказдан қочирма ҳайдагич (насос) соатига 30 m^3 ҳажмда етказиб беради. С7 станогида шкворен тешиги очилаётганда қириндиларни тезроқ ўйқотиш ва асбобни яхши совитиш мақсадида суюқлик қўшимча ҳайдагич (тишли ғилдиракдан ташкил топган) ёрдамида асбобга катта босим билан берилади.

Қаторда йигилган қириндилар махсус транспортёр ёрдамида чиқариб ташланади. Биринчи участка бўйлаб бир транспортёр, иккинчи ва учинчи участка бўйлаб-иккита параллел транспортёр қўйилган. Булардан ташқари С1 ва С3 станокларда шнекли транспортёр қўйилган. Қўшимча бу транспортёр қириндиларнинг асосий транспортёрга чиқариб беради.

Қаторда 68 та шпинделга эга бўлган 26 та куч узели ишлайди; қаторнинг номинал унумдорлиги соатига 50 та детал.

3. Юк автомобилининг бурилиш цапфасини тайёрлаш.

Бурилиш цафалари (ўнг ва чап) автомобилининг олдинги ғилдиракларини қўприк балкаси билан улаб туради. Автомобилнинг ҳаракатида цапфага катта динамик кучлар тушади. Юк автомобилнинг цапфаси кўрсатиган. Унинг уч томонида ғилдирак гупчагининг подшипниклар кигизилган иккита цилиндр бўйни, мойтутқич ўтказиладиган бўйин ва оғир фланес бор. Фланесда тормоз шитини ўрнатишда мўлжал қилинадиган бўртма бор ва унга тормоз шити маҳкамланган. Фланеснинг юқориги ва пастки томони иккита оғир каллак бўлиб ўсиб чиқкан. Каллакда шкворен ўтадиган цилиндр тешик ва рул тортқиларининг ричагини қотиришга мўлжалланган конус тешиклар бор. Шкворен тешигига бронза втулкалар уриб киргизилган. Уларни мойлаш учун иккита тешик очилган. Тешикка мойлагични бураб киритиш учун конус резьба хам кесилади.



заготовканинг учидаги ҳосил бўлган ортиқасини совиган ҳолда кесиб ташлаш. Шундан кейин заготовкага термик ишлов берилади. Боғланма қаттиқлиги –НВ240-280 бўлиши керак.

Кесиб ишлаш. Бурилиш цапфаси автомат қаторларда кесиб ишланади. Бу ишловларнинг муҳим ҳусусияти – цапфа учининг ўқи билан шкворен тешиклари ўқи орасида аниқлбурчак ($9^0 \pm 8^0$) бўлишидир. Цапфанинг учидаги юзалар, каллаги, шкворен тешиги ва майда тешиклар кесиб ишланади. Автомат қатордан ташкарида цапфа учининг кўндаланг юзаси фрезаланади, юқоридан кўндаланг юзада, пастдан-фланесда марказ чуқурчалар очилади. Кейинги амал айланма столли яrimавтоматда (вертикал фрезаловчи, марказловчи, вазиятли, икки томонлама ишлайдиган, олти шпинделли) бажарилади. Асос сифатида подшипникларнинг ишлов берилмаган бўйни ва фланеснинг кўндаланг юзаси олинади. Юқорида айтилган марказ чуқурчалар заготовка учидаги юзаларга токарлик ва силлиқлаш участкаларида ишлов беришда асос бўлиб хизмат қиласи. Автомат қаторидаги кейинги ишловларда подшипник кийгизиладиган юзалар ва фланеснинг кўндаланг юзаси асос бўлади; заготовкани бурчак бўйича мўлжалга олиб ўрнатишда фланесдаги бирорта тешик олинади.

17-мавзу. Кузов ва кабина деталларини тайёрлаш технологияси.

Режа:

1. Деталлар ва материалларга бўлган умумий талаблар.
2. Автомобил ва трактор деталларини пайвандлаб йиғма бирликлар тайёрлаш.
3. ЗИЛ-130 автомобили кабинасини ишлаб чиқариш ҳусусиятлари.

1. Деталлар ва материалларга бўлган умумий талаблар

Қанотсимон деталлар ва уларнинг йиғма бирликлари, совитиш тизимининг агрегатлари, ҳаво ва мой тозалаш тизимининг агрегатлари ва яна бир қатор маъсулиятли конструкциялар тунукани совук ҳолда штамплаб ясалади ёки аввал штамплаб, сўнг бир-бирига ёпишириб ясалади. Бу усулда ясалган деталларнинг бошқа усулларда тайёрланган деталлардан

афзалликлари бор: ўзи мустаҳкам ва қаттиқлбўлган ҳолда массаси кам; кам меҳнат талаб қиласи; металдан фойдаланиш коэффициенти юқори. Совуқ штамплашда қора ва рангли металлардан, уларнинг қотишмаларидан тайёрланган тунука прокат ишлатилади. Ясси деталларни чўзмасдан штамплашда исталган металдан фойдаланиш мумкин, лекин чўзиб, турли чукурчалар ҳосил қилишда чўзилувчан металл ишлатилиши шарт. Бу хусусият нисбий узайиш, кўндалангига торайиш, мустаҳкамлик чегараси, оқиши чегарасининг мустаҳкамлик чегарасига нисбати, қаттиқлик-HRB каби кўрсаткичлар билан ўлчанади. Биринчи иккита кўрсаткичи катта бўлган, учинчи ва тўртинчи кўрсаткичларининг фарқи кўп бўлмаган материалдан чўнқир деталларни штамплаш яхши натижа беради. Бундай штамплаш учун қаттиқлиги HRB < 36-48 бўлган пўлатдан фойдаланиш тавсия этилади.

Тажрибалардан маълум бўлишича, чўнқир чўзма деталлар таркибида 0,05-0,15% углероди бўлган пўлат тунукалардан ясалади. Ҳар қандай камуглеродли пўлатдан чўнқир чўзма детал ясад бўлмайди. Штампланган детал юзасининг сифатига хомашё металли доналарининг катталиги ҳам таъсир этади. Бундай пўлатлар учун оптимал аниқланган донадорлик: тунуканинг қалинлиги 0,8-2,0 мм бўлганда, дона ўлчами 26-37 мкм; 2,0-5,0 мм да – 37 – 52 мкм, 5,0-6,0 мм да 70-80 мкм. Бундай майда донали пўлатнинг қайишқоқлиги кам ўз ҳолига қайтишга интилувчанлиги (эластиклиги) кучлироқ бўлади. Йирик донали тунукадан чўнқир чўзилган деталнинг сирти нозик пардозлашга ярамайдиган даражада ғадир-будур бўлиб қолади.

Автомобилнинг жуда чўнқир чўзиб тайёрланадиган ва сиртига юқори даражада ишлов бериладиган деталларни штамплаб олишда қўлланадиган тунукага қўйидаги талаблар қўйилади: оқиши чегарасининг мустаҳкамлик чегарасига нисбати.....*0,6 нисбий чўзилиши □*44%; қаттиқлиги HRB*38. юпқа варақли; конструкцияли, сифатли пўлат (совуқ ва иссиқ жўваланган) уч гурухга бўлинади: ВГ-жуда чўнқир чўзмалар учун, Г-чўнқир чўзмалар учун, Н-нормал чўзмалар учун. Биринчи гурух Ст 0.5 дан Ст гача бўлган русумли пўлатларни, иккинчиси-Ст0.8 дан Ст 35 гача, учинчи гурух-Ст 0.8 дан Ст 50 гача русумли пўлатларни ўз ичига олади. Совуқ жўваланган пўлатнинг нисбий узайиши иссиқ жўваланган пўлатнига нисбатан кўпроқ. Автомобилнинг қоплама деталларига ишлатиладиган совуқ жўваланган пўлат тунука қалинлиги бўйича қатъий жоизликка эга, юзаси эса, юқори сифатли қилиб тайёрланади. Масалан, совуқ жўваланган 0.2-1.2 мм қалинликдаги тунуканинг қалинликка берилган жоизлиги $\pm(0,03 \div 0,09)$ мм, 0,5-1,2 қалинликдаги иссиқ жўваланган тунуканини $\pm(0,05 \div 0,11)$ мм. Юзасининг ҳолатига қараб штампланадиган пўлат 4 гурухга ажратилади: 1-юзаси жуда юқори сифатли пардозланган; 2-аъло сифатли пардозланган; 3-яхшилаб пардозланган; 4-маромида пардозланган.

Совуқ жўваланган пўлат тунуканинг 1-гурухи ўнг томонида ҳеч қандай юзаки нуқсонлар бўлмаслиги керак: текис томонидан озгина чўтирилик ёки жоизликнинг 1/4 улушича тирналиш бўлиши мумкин. 2-гуруҳ тунуканинг ўнг юзасида бир оз чўтирилклар ва жоизликнинг 1/2 улушича тирналиш рухсат этилади; текис томонидан енгил чўтирилик, майда бўшликлар, ғоваклар, енгил тирналишлар ва жоизликнинг 1/2 улуши қадар битган жўва излари бўлса ҳам ишлатилаверади. Совуқ ва иссиқ жўваланган пўлат тунуканинг 3-гурухи ўнг томонида чўтирилик, майда тирналиш, майда чизиқ-белгилар, жоизликнинг 1/2 улушича жўва излари рухсат этилади. Терс томонида чўтирилик, майда тирналишлар, чизиқлар, майда чукурчалар ва ғоваклар, жоизлик чегарасида жўва излари бўлиши мумкин. Иссиқ жўваланган пўлат тунуканинг 4-гурухининг икки томони 3-гуруҳ тунуканикига ўхшаш ва жоизлик чегарасидаги нуқсонларга рухсат этилади. Тескари томонида эса, ўша чегараларда эзилган жойлар бўлиши мумкин.

Совуқ жўваланган ялтиратилмаган пўлат тунука юзасининг ғадир-будурлиги $R_a=1,25$ мкм, ялтиратилганда $R_a=0,32$ мкм бўлади. Пўлат тунука маромида штампланганда йиртилиб кетса ёки ёриқлар пайдо бўлса, сабаби қўйидагилар бўлади: пўлатни қиздириб юмшатиш нотўғри кечганидан таркиби жуда йирик донали бўлиб қолган; металлинг юзаси занглашган (занг ишқалашни кўпайтиради, демак пўлат чўзилаётганда тормозланади ва узиқ-юлиқ жой ҳосил бўлади); пўлат таркибида қил ва бошқа бегона жинслар бор (улар пўлат

мустаҳкамлигини камайтиради); ички кучланишлар бор; тунука қаланлиги бир хил эмас ва шу каби сабаблар.

Чүнқир чўзиб тайёрланадиган, катта ўлчамли деталларнинг конструкциясини яратиш учун ишлаб чиқариш катта бўлиши, қимматга тушадиган технолик жиҳозлар ўзини оқлаши керак. Ишлаб чиқаришнинг миқёслари кичик бўлганда йирик ўлчамли детални майдада бўлаклар билан штамплаб, кейин уларни пайвандлаб ёки мих парчин билан улаш мақсадга мувофиқ. Детал кам ишлаб чиқариладиган бўлса, соддалаштирилган ёки ҳаммабоп штамплардан фойдаланиш керак.

Ялпи-оқимли ишлаб чиқариш шароитида конструкциянинг металл сарфини ва ишлаш қийинлигини камайтириш муҳим аҳамиятга эга. Мехнат сарфини камайтириш учун деталнинг энг мақбул шаклини топишдан ташқари амалларни устма-уст тушириш, кўп қаторли штамплаш, жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш, оқимли ва автомат қаторларни ташкил этиш йўлларидан ҳам фойдаланиш даркор. Масалан, қалинлиги 2,5 мм гача бўлган пўлат тунука ўрамидан заготовкалар кесиб олиш учун автомат қатор жорий қилиш қайчиси билан кесишдек оғир ва сермехнат ишнинг ўрнини босади ҳам заготовка аниқ кесилади.

Битта штампда бир нечта амални қамраб олиш детал аниқлигини оширади, меҳнат сарфини ва технологик цикл вақтини, штамплар ва зарурий ускуналар сонини камайтиради. Буларнинг ҳаммаси цех ичидаги ташишларни камайтиради ва технологик режаларни соддалаштиради. Штамплаш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш қўйидаги чоралар билан амалга оширилади: пресс-автоматлар ва штамп-автоматларни кўллаш; материални иш минтақасига узатишни ва ундан узоқлаштиришни автоматлаштирувчи маҳсус қурилмаларни кўллаш; автоматлаштирилган ва автомат қаторларни яратиш.

Мураккаблик жиҳатдан, цилиндр деталларни штамплаш-энг осонидир; айланиб ишлайдиган поғонали деталларни ва кутича шаклли деталларни штамплаб олиш мураккаброқ; ичи бўш, фазовий шаклли деталларни (масалан, автомобил қопламаси) бу усулда тайёрлаш анча мураккаб.

Автомобил кузови ва кабинасининг штамплаб тайёрланган қоплама деталлари юзаси юқори сифатли бўлиши керак, чунки уларга юпқа пардоз берилади. Пардоз қопламаси эзилган, тирналган, бўртма, қат-қат нотекисликларни кўтармайди. Чўнқир чўзилган деталларнинг шакли иложи борича соддароқ бўлиши керак. Конструкциянинг баъзи элементлари чуқурлигини детални шакллантириш шартларидан олиш керак. Меъёрий маълумотлардан фойдаланиб турли ўтиш жойларидағи радиусларни тўғри танлаш керак.

2. Автомобил ва трактор деталларини пайвандлаб йиғма бирликлар тайёрлаш.

Алоҳида деталлардан йиғма бирликлар тайёрлашда пайвандлаш кенг кўлланади. Пайвандлаш парчинмыхга нисбатан тез бажарилади. Парчинмыхлар ва қоплама металл тежалади, уланадиган деталлар деворини юпқалаштириш ва профилли прокатлардан фойдаланиш ҳисобига конструкция енгиллашади; парчинмых билан уланган конструкцияларга қараганда 20% гача, қуйма конструкцияларга нисбатан 50% гача металл тежалади; ишлаб чиқариш жараёни соддалашади ва ишлов қатлами камаяди.

Автомобил ва тракторларни ялпи ишлаб чиқариш шароитида пайвандлашнинг илғор усуслари қўлланади. Автомобил саноатида жуда кўп деталлар пўлат тунукадан ясалади, бу нуқтали пайванд усулини қўллаш имконини беради. Бундай пайвандлаш жуда тез бажарилади. Пайвандловчи машиналар битта циклда 100 дан ортиқ нуқтани улади, унинг электродлари турли режимларда ишлайди. Бу машиналар автомат ва яримавтомат циклида ишлайди; ялпи ишлаб чиқаришда автомат тарзда пайвандлайдиган қаторларни қўллаш мумкин.

Пайвандловчи машиналарнинг унумдорлиги ошириш мақсадида пайвандлаш жараёнини механизациялайдиган ва автоматлаштирадиган турли-туман гидравлик, пневматик, электрик куч қурилмаларидан фойдаланилади. Электрон қурилмалардан фойдаланиб, машинанинг ҳамма ҳаракатларини бошқариш мумкин. Пайвандлаш ишини автоматлаштириш унумдорликни ошириш билан бир қаторда ишчининг шахсий омиллари таъсирини

камайтириб, пайванд сифатини оширади. Автомат тарзда пайвандлаш кўпинча саноат роботлари кучи билан бажаради.

Серияли ишлаб чиқариш шароитидаги тез-тез қайта созлашлар автоматик ва автоматлаштирилган пайвандлаш усулидан фойдаланишни чеклаб қўяди, кўпроқ ҳаммабоп пайвандлаш машиналари қўлланади. Улар қайта созлаш учун кам вақт талаб қиласди. Кам углеродли пўлат тунукаларни нуқтали пайвандлашда, пайвандлаш машинасининг турига қараб қуйидаги тўпламларни бир-бирига ёпишириш мумкин: 1.5-1.5 мм; 2.0-2.0 мм; 2.5-2.5 мм; 5-5 мм ва х.к.

Юк автомобиллари ва тракторларни ишлаб чиқаришда электр ёйи билан пайвандлашнинг автоматлаштирилган тизими кенг қўлланади.

Автомобилларнинг пайвандланадиган деталлари кўпинча тунукадан штамплаб, баъзан - қўйма ёки қизиган ҳолда штамплаб тайёрланади. Пайвандланадиган деталларнинг материалини танлашда деталнинг ишига бўлган талаблар, штамплаш ва пайвандлаш талаблари ҳисобга олинади. Бир турдаги металларни пайвандлаш яхши натижа беради: турли металларни пайвандлаш деталлар материалыга, металл таркиби ва юзалар ҳолатига (тозалиги, микронотекисликлар, юзадаги плёнка, бўшлиқлар ва х.к.) боғлиқ. Агар пўлат таркибидаги углерод 0.3 % дан кўп бўлса, унинг пайвандланиш хусусиятлари пастроқ ва металл тоблашда ҳосил бўладиган таркибга ўтиб қолиши мумкин. Агар пўлат таркибida кўпроқ углерод (0.4-0.5 %) бўлса, детални пайвандлашдан олдин қиздириб, пайванд тугагач, секин совитиш керак. Шунда тоблаш таркиби ёки дарзлар ҳосил бўлмайди. Металл таркибida 0.3-0.8% марганец бўлиши пайванд сифатини оширади, марганец миқдорининг яна ҳам кўпайиши металлнинг тобланувчанигини кучайтиради.

Пайвандлаш чок минтақасида кучланишлар ва деформациялар ҳосил қиласди. Бир жойнинг қаттиқ қизиб кетиши детал танасида кескин фарқланувчи ҳароратлар ҳосил қиласди. Агар деталнинг конструкцияси оддий бўлса ва қотиrimаган ҳолда бир текис қиздириб пайвандланса, совигандан кейин қолдиқ кучланишлар бўлмаслиги мумкин, чунки совиётганда деталга механик қаршилик кўрсатилмайди. Агар деталлар мосламаларга қотирилган ҳолда, дастлаб қиздириб олмасдан, ҳароратдаги катта фарқлар билан пайвандланса, катта ички кучланишлар пайдо бўлиб, детал буралиб кетиши ёки мосламалар буралишга йўл бермаса-дарз кетиши мумкин.

Қолдиқ кучланишларни конструктив ва технологик чоралари ҳисобига камайтириш мумкин. Конструктив тадбирлар турли-туман бўлади: пайванд чокини кўпроқ жойга тарқатиш; конструкциянинг эркин деформацияланишини таъминлайдиган мосланувчан элемент киритиш; пайванднинг яхши сифатини таъминлайдиган материал танлаш ва х.к. Технологик чоралар детални пайвандлашдан олдин ҳаддан зиёд қотириб ташламаслик; пайванддан кейин бир текис совишини таъминлаш; чок қўйишнинг энг мақбул тартибини танлаш; пайвандланган минтақани тезроқ совитиш ва х.к.

Шунингдек, деталнинг энг катта ўлчамларини ҳам ҳисобга олиш керак. Улар ҳар қандай пайвандлаш машинасини қўллаш имконини бермайди. Газ билан пайвандлаш зарурати металлнинг қалинлигига боғлиқ. У 2 мм дан ортиқ бўлмаган ҳолларда мақсадга мувофиқ. Уланадиган қалинлик 6 мм дан ортиқ бўлганда туташадиган юзалар киррасидан раҳ олиб, кейин пайвандлаш керак.

3. ЗИЛ-130 автомобили кабинасини ишлаб чиқариш хусусиятлари.

Кабина тайёрлашнинг технологик жараёни схемасини қуйидаги босқичлар билан ифода этиш мумкин: детал тайёрлаш (асосан, тунукадан, штамплаб), йиғиш ва пайвандлаш, бўёққа тайёрлаш ва бўяш, тайёр кабинани автомобилни йиғув цехига узатиш.

Катта ўлчамили деталларни штамплаб тайёрлашда уларнинг ўлчамида, шаклида ва фазовий жойлашувида оғиш кўп бўлади. Бу оғишлар хомашё тунуканинг сифатига, аниқлигига, заготовка бичимларининг аниқлигига, штампларнинг ейилиш даражасига, штамплаш шароитига, операторнинг малакасига ва х.к. омилларга боғлиқ.

Ўз навбатида, ялпи ишлаб чиқариш шароитида штампланган деталларнинг ўзаро алмаштириш мумкинлигини таъминлаб, йиғув ва пайвандлаш қаторини автоматлаштириш

мумкин. Бу ерда ўзаро алмашинувчанлик, деганда штампланган деталларнинг чуқурлиги барқарор бўлиши, сифати ҳам талаб даражасида ва бир хил бўлиши тушунилади. Шунинг учун ҳам ЗИЛ-130 автомобили кабинасини тайёрлашда катта деталларнинг заготовкасини кесиш учун автомат қаторлар қўлланган. Бу қаторлар тунука металл ўрамидан керагича кесиб олиб, заготовка уриб (тайёрлаб) беради. Қаторларда одатий қайчилари ўрнига тўрт устунли кесувчи пресслар қўйилган уларнинг конструкцияси бир уришда иккита заготовка олиш имконини беради. Бундан ташқари ўрамни бичиши, мураккаб шаклли заготовка чиқарбериши мумкин.

18-мавзу: Автомобилларни йғишининг асосий тамойиллари

Режа:

- 1. Буюм ва унинг таркибий қисми.**
- 2. Йиғувнинг технологик жараёни ва унинг қисмлари.**
- 3. Йиғувда буюмнинг технологиябоплиги.**
- 4. Яқунловчи бўғиннинг берилган аниқлигига эришиш усуллари.**
- 5. Уланмаларнинг турлари.**

1. Буюм ва унинг таркибий қисми.

Автомобилсозлик ва тракторсозликда автомобиль, трактор ва уларнинг айrim қисмларини маҳсулот (буюм) бирлиги деб қабул қилиш мумкин. У муайян холатда ишлаб чиқариш обьекти билан белгиланади. Масалан, карбюратор заводи учун маҳсулот – тайёр карбюратор, карданли вал заводи учун - карданли вал ва х.к. Буюм алоҳида йиғма бирликлардан ташкил топади. Ҳар қайси бирлик мустақил ҳолда йиғилади. Лекин, ҳаммасини ҳам йиғма бирликлардан ҳоли тарзда йиғиб бўлмайди. Буюм таркибий қисмларга асосан технологик белгисига қараб ажратилади. Баъзан, бажарадиган вазифасига кўра ажратиш мумкин. Масалан, двигателнинг газ тақсимлаш механизми, мойлаш тизими ва х.к. Маълум вазифани бажаришга мўлжалланган ва буюмнинг таркибига кирган қисмлар технологик жиҳатдан йиғма бирлик хисобланади.

Йиғувнинг технологик жараёнларини лойиҳалашда йиғма бирликлар мураккаблиги бўйича биринчи тартибли, иккинчи тартибли ва х.к. турларга ажратилади. Мураккаб йиғма бирликлар бир нечта соддароқ йиғма бирликлардан ташкил топади, улар йиғилувчи деталлар ёрдамида бир-бирига уланади. Содда йиғма бирликлар алоҳида деталларни бириқтиришда ҳосил бўлади. Деталлар эса, номи ҳам, русуми ҳам бир хил бўлган материалдан, йиғув амалларисиз тайёрланади. Баъзан пайвандланиши, кавшарланиши, елим билан ёпиштирилиши, уриб киргизилиши мумкин. Мисол тариқасида пайвандлаб тайёрланган газ чиқариш клапанини, залвор ғилдиракни кўрсатиш мумкин. Агар йиғма бирлик тартибли йиғма бирлик ичига кирса, иккинчи тартибли йиғма бирлик, дейилади. Шу тартибда иккинчи, учинчи ва ҳ.к. тартибли йиғма бирликларни ажратиб олиш мумкин.

Мисол кўрамиз. Москва шахридаги АЗЛК заводининг маҳсулоти-«Москвич» енгил автомобилидир. Двигател илашма ва узатмалар қутиси билан бирга умумий йиғув цехига йиғма бирлик сифатида келиб тушади. Аслида, у учта биринчи тартибли йиғма бирлиқдан иборат: двигател, илашма ва узатмалар қутиси. Двигател энг мураккаб йиғма бирлик биринчи тартибли йиғма бирлик ҳисобланади; мустақил тарзда йиғилган соддароқ йиғма бирликлардан, яъни иккинчи тартибли йиғма бирликлардан ташкил топган. Буларга мой насоси, залворли ғилдирак билан йиғилган тирсакли вал, шатун қопқоқлари, кичик каллакдаги втулка, болт ва гайкалар билан бирга, поршен ҳалқалар, бармоқча ва иккита тўхтатувчи сим-ҳалқалари билан бирга киради.

Шатун ва поршеннинг йиғма бирликлари бир-бири билан йиғилса, мураккаброқ йиғма бирлик: шатун-поршен йиғма бирлиги-йиғма тўплам ҳосил бўлади. Бундай тўпламни яна ҳам мураккаброқ йиғма бирликка (масалан, двигателга) ўрнатилаётганда қисман ёки тўла ажратишга тўғри келиши мумкин. Масалан, двигател йиғилаётганда шатун қопқоғини ечмай

иложи йўқ. Тўпламлар бўйича йиғишнинг технологик схемаси ҳар қандай йиғма бирликники сингари бўлади, лекин бунда ажратиш бўйича бир қанча амаллар қўшилади: болт гайкаларини чиқариш, шатун қопқоғини ечиш, шатунни тирсакли валнинг бўйнига киргазиш, қистирмани текшириш, шатун қопқоғини болтларга ўтказиш, гайкаларни илинтириш ва қотириш.

2. Йиғувнинг технологик жараёни ва унинг қисмлари.

Йиғувнинг технологик жараёнларига тегишли асосий тушунчалар қўйида берилган.

Йиғиш-буюмнинг таркибий қисмлари бирлашмасини ҳосил қилишдир. Бу иш алоҳида деталлар ва йиғма бирликларнинг зарурий ўзаро алоқасини таъминлайди. Йиғиш обьектига қараб узелли йиғиш ва умумий йиғиш бўлади.

Таркибий қисмларни йиғиш-узеллий йиғиш дейилади. Бевосита буюмни йиғиш-умумий йиғишга киради.

Буюмни йиғиш босқичи - буюм ёки унинг таркибий қисми технологик жараёнига тегишли, йиғув схемасига биноан ажратиб кўрсатилган, тугалланган қисмидир.

Йиғишнинг технологик жараёни заготовка ёки буюмнинг таркибий қисмлари бирлашмасини яратишга ва ўрнатишга тегишли ҳатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Йиғиш амали - заготовка ёки буюмнинг таркибий қисмлари бирлашмасини яратиш ва ўрнатишнинг технологик амалидир. Йиғиш амали битта йиғма бирлик устида бўладиган ҳамма ҳатти-ҳаракатларни қамраб олади. Масалан, вал учига қўйилган подшипникларни уриб ўрнатиш бир ёки икки амалда бажарилади. Подшипникларни олдинма-кейин валнинг бир томонидан, кейин иккинчи томонидан пресслаб ўрнатиш икки ўтишда бажарилган бита амални билдиради. Агар подшипниклар ўрнатиладиган бир тўп валларнинг ҳаммасига дастлаб бир томонидан подшипник ўрнатилиб, кейин иккинчи томонидан ўрнатилса, бундай йиғув, ҳар бири битта ўтувда бажарилган икки амалдан иборат бўлади. Йиғув усуллари кўпинча бир вақтда бажарилади. Масалан, кўп шпинделли бурагичлар билан ғилдирак гайкаларини бураш.

3. Йиғувда буюмнинг технологиябоплиги.

Йиғувда буюмнинг технологиябоплиги - буюм хусусиятларининг мажмуи бўлиб, унга қўйидаги хусусиятлар киради: йиғув ишларини тайёрлаш технологиясига ва йиғув жараёнига мослик; нисбий сарф, яъни буюмга сарфланган меҳнат, воситалар, материаллар ва вақт қийматларининг худди шундай шароитда, шунга ўхшашибошқа буюмларга қилинган сарф қийматларга нисбати.

Йиғма бирликка кирган деталлар сони иложи борича кам бўлиши керак. Бунга йиғишнинг энг оддий схемасини танлаш ва бир неча детални битта технологиябопроқ йиғмага келтириш билан эришилади.

Йиғишнинг соддалиги ва қулайлиги, йиғиладиган жойларга қўл ёки асбоб билан бориш имкониятлари конструктив ечимлар орқали ҳал қилинади. Масалан, туташув ёки бири иккинчисига прессланувчи деталларда рах олинса ёки йўналтирувчи қисм ясалса, йиғиш осонлашади.

Иккита ҳар хил юзаси билан ўрнатиладиган деталларни бир йўла иккала юзаси билан эмас, олдинма-кейин ўрнатиш керак. Шунда деталлардан бирини иккинчисига таранг қилиб ўрнатилса, қўзғалмас ўрнатувли участкада деталнинг сурилиши энг кам миқдорда бўлади.

Ялпи ва гурухли ишлаб чиқаришдаги йиғув жараёнида айрим деталларга қўшимча ишлов бериш ҳам, туташган деталларнинг икковига бир йўла ишлов бериш ҳам мумкин эмас. Йиғувда буюмнинг технологиябоплиги ишлаб чиқариш миқёсига мос келиши керак. Йиғишнинг ҳамма усулида уланмаларнинг ўзаро алмашинувчанлиги энг юқори бўлишига интилмоқ керак. Бу-йиғиш ва таъмирлаш жараёнини соддалаштиради. Конструкцияда иқтисодий нуқтаи назаридан йиғув тирқишилари ва тарангликлар кўзланган бўлиши керак. Жуда ҳам қаттиқ талаблар кесиб ишлаш ва йиғув жараёнларини мураккаблаштиради, жоизликни кўпайтириш эса, автомобилнинг ишлатиш кўрсаткичларини пасайтиради. Ўлчамларни таҳлил қилиб, бу масалани оптимал ҳал қилиш мумкин ва кўпинча, унинг

натижасига қараб йиғма бирлик конструкциясига ўзгаришлар киритиш мүмкін, шунингдек, ўлчамлар ва жоизликларни күрсатиш тизими ўзгаради, компенсаторлар киритилади.

Деталлар ишончли уланишини таъминлайдиган технологиябоп йиғув усулларидан бири-деталларнинг ҳолатини шлицалар ёрдамида турғун қилишдир. Шлицали уланмаларнинг, ичида энг технологиябопи-ташқи диаметр бўйича ишлаш, ички диаметрга ишлов беришга қараганда кам меҳнат талаб қиласди.

Конструкцияларда тебранма подшипниклар кенг қўлланади. Бундай подшипникларни корпусли деталларга ўрнатиш ва қотиришда корпус тешигининг поғонасига (ариқасига) пружинасимон халқа қўйилади. Йўниб кенгайтирилган тешик поғонасига таяниб подшипникларни қотириш йиғув нуқтаси назридан қулай, лекин кесиб ишлаш жиҳатидан технологиябоп эмас. Пружинасимон халқа билан ёки иккита пружинасимон халқа ва битта оддий халқа билан қотириш технологиябоплироқ.

Конус подшипникларга таянадиган валларни йиғишида айланиб ишлайдиган деталга эътибор бериш керак: вал корпус ичида айланадими ёки корпуснинг ўзи айланадими? Бу варианктарда ташқи ва ички халқалар ўтувчи ўрнатувларнинг бири билан қотирилади, уларнинг жуфт халқалари эса-сирпанувчи ўрнатув билан қотирилади. Подшипникларнинг таранглиги халқаларни суриш ҳисобига таъминланади.

Зўлдирили таянч подшипниклар билан вални йиғишида хусусият шуки таянч ва радиал подшипниклар бир бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрнатилиши керак. Уларнинг эркин ва мустакил ўрнатилиши маромида ишлашни таъминлайди. Конструкция мутлақо технологиябоп эмас. Унда иккала подшипник ҳам ўқ бўйича, ҳам корпус бўйича қатъий марказлаштирилган. Бу – йиғма бирликнинг маромида ишлашини қийинлаштиради.

Автомобил ва тракторлар йиғма бирликларини лойиҳалашда червякли илашмаларни ва тишли конус узатмаларни ростлайдиган қурилмаларнинг технологиябоплигига катта эътибор бериш керак. Бундай илашма ва узатмалардаги аниқлик, энг аввал, кесиб ишлашнинг аниқлиги билан таъминланishi лозим. Уларни йиғув жараёнида қистирмалар ёки втулкалар ёрдамида ҳам ростланади.

4. Якунловчи бўғиннинг берилган аниқлигига эришиш усуллари.

Йиғма бирликларнинг чизмаси динамикани, кинематикани ва ўлчамларни, асосида ишлаб чиқилади. Ўлчамлар ҳисоби деталларнинг ўлчамларини, уларнинг ўзаро жойлашувидағи рухсат этилган оғишларни, шунингдек, йиғма бирликлар ва деталлар ўлчовидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш имконини беради. Ўлчамлар занжири, деб ёпиқ контур ҳосил қилган, қўйилган масалани ҳал қилишда бевосита иштирок этадиган ўлчамлар мажмуига айтилади. Ўлчамлар занжирининг схемаси-ёпиқ контур қўринишида бўлади. Бу занжирни ҳосил қилган ҳар бир ўлчам звено (халқа, бўғин, таркибий қисм) ҳисобланади. Бўғинларни ҳарфлар билан ифодалаб, ҳар бирига тартиб рақами берилади. Масалан, юзалар ва ўқларни бевосита туташтирувчи ўлчам, нисбий масофа ёки маълум бурчакка бурилиши таъминланадиган ёки аниқланадиган ўлчамни бошланғич (дастлабки), йиғишида эса-якунловчи дейилади.ЛОИХАЛАШДА ЎЛЧАМЛАР ЗАНЖИРИНИ БОШЛАБ БЕРАДИГАН БЎҒИН-ДАСТЛАБКИ БЎҒИН ДЕЙИЛАДИ. Ўлчамлар занжирининг йиғмада охирги бўлиб аниқланадиган халқаси якунловчи бўғин дейилади. Бу бўғинларнинг ҳаммаси «В» индекси билан белгиланади. Дастлабки ва якунловчи бўғинларга йиғма бирликнинг асосий аниқлик талаблари қўйилади. Ҳар қайси ўлчамлар занжирларида фақат битта якунловчи ёки дастлабки бўғин бор.

Ўлчамлар занжирининг бошқа бўғинларини ҳам таъкидлаш зарур. Булар-ташқил этувчи (кўпайтирувчи, камайтирувчи), компенсацияловчи ва умумий бўғинлар. Бўғиннинг ташқил этувчиси ўзгарганда дастлабки ёки якунловчи бўғини ўзгаради. Ташқил этувчи бўғиннинг кўпайтирувчи тури-бу ҳам бир бўғин, лекин унинг кўпайиши дастлабки ёки якунловчи бўғинни кўпайтиради.

Компенсацияловчи бўғин хомаки танланади. Уни ўзгартириш йўли билан жоизлик майдонидан чиқиб кетган оғишлар бартараф этилади, якунловчи буғиннинг талаб этиладиган аниқлиги таъминланади. Якунловчи бўғин ифодасида «К»индекси бўлади.

Компенсацияловчи сифатида махсус шайбалар, ўрнатувчи халқалар, қистирмалар тўплами ва ҳ.к.лар қўлланади.

Умумий бўғин-бир вақтнинг ўзида бир неча ўлчамлар занжирига тегишли бўғиндир, чизмада ҳамма ўлчамлар занжирининг ҳарфи билан кириши керак.

Ўлчамлар занжирининг турлари. Кўйилагн масаланинг мазмунига қараб ўлчамлар занжири конструкторлик, технологик ва ўлчамли турларига ажратилади. Ҳар бири ўзига яраша вазифани бажаради. Биринчиси буюм ёки унинг қисми конструкциясини ярататганда талаб этиладиган аниқликни таъминлаш шартларини кўрсатиб беради; иккинчиси-буюмни ясаш жараёнида аниқликни таъминлаш шартларини кўрсатади; учинчиси-буюмни ёки унинг таркибий қисмлари аниқлигини билдирадиган катталикларни ўлчаш шартларини кўрсатади.

Булардан ташқари асосий, ҳосил, параллел, кетма-кет аралаш ўлчамлар занжирлари ҳам бор. Асосий ўлчамлар занжирининг ҳар бир бўғини кўйилган масалани ҳал қилишда иштирок этади. Ҳосила ўлчамлар занжирида дастлабки бўғин сифатида асосий ўлчамлар занжирининг бир бўғини иштирок этади параллел боғланган ўлчамлар занжирининг камида битта умумий бўғини бўлади. Аралаш ўлчамлар занжирларининг умумий бўғинлари ва асослари бўлади. Ҳар қандай йиғма бирликда бир-бири билан маълум боғланишда бўлган бир неча йиғма занжирлар бор.

Бўғинларнинг фазовий жойлашувига қараб ўлчамлар занжири чизиқли ва бурчакли, текис ва ҳажмли турларга бўлинади. Чизиқли ўлчамлар занжирида ҳамма бўғинлар чизиқли ўлчамлардан, бурчакли занжирда-бурчак ўлчамларидан иборат. Текис ўлчамлар занжиридаги бўғинлар параллел бўймаслиги мумкин. Ҳажмли ўлчамлар занжирида бўғинлар параллел бўймаган текисликларда жойлашади. Ҳажмли ўлчамлар занжирини ҳисоблашда занжири учта текис ўлчамлар занжирига келтирилади. Бунинг учун бўғинларнинг ҳаммаси учта координата текислигига проекцияланади.

Текис ўлчамлар занжирини ҳисоблаш. Агар йиғма бирликни лойиҳалашда топилган ўлчамлар занжирининг дастлабки бўғини катталигига талабалар қўйилган бўлса, тўғри масала ечилади: ўлчамлар занжирининг ҳамма бўғинларига тегишли номинал қийматлар, жоизликлар майдони ўртасининг қийматлари ва ўлчамлари ва энг чекка оғишлар аниқланади. Агар бўғинларнинг микдори аниқланган бўлса, тескари масала ечилади: якунловчи бўғиннинг номинал қийматлари, ёйилиши майдонининг қийматлари ва ўртасига тегишли координаталар ва энг чекка оғишлар аниқланади.

Тўлиқ алмашинувчанлик билан йиғиши қўшимча ишлов бермасдан ёки бўғинлар (деталлар)нинг ташкил этувчисини танлаб ва саралаб ўтирумасдан якуний бўғиннинг берилган аниқлигини таъминлаши мумкин. Бу усулда чиқарилаётган ҳамма русумдаги автомобилларнинг йиғма бирликлари талаб этилган аниқлик билан йиғилади. Демак, йиғма бирликка кирадиган уланувчи (туташувчи) деталлар ўлчамига конструктор томонидан бериладиган жоизликлар ўша ўлчамларнинг ишлаб чиқариш ташкилини соддалаштиради, уни оқимли қаторга ўтказишни осонлаштиради, ишлатишда қулайликлар тугдириб (еийлган ёки синган деталларни янгисига алмаштириш), ширкатлаштириш имконини беради.

Чала алмашинувчанлик билан йиғиши шундан иборатки, ўлчамлар занжиридаги якунловчи бўғиннинг талаб этилган аниқлиги йиғилган ҳамма объектлар учун эмас, балки илгаридан шартлашилган қисми учун таъминланади. Шу йўл билан, илгариги усулга қараганда, занжири ташкил этувчиларнинг ҳаммаси бўғинига кенгрок жоизликлар тайинланади. Натижада, баъзи объектлардаги якунловчи бўғин тайинланган (йиғма) жоизлик чегарасидан чиқиб кетиши мумкин, бошқача айтганда, маълум даражада хатар бор.

Гурухли алмашинувчанлик билан йиғиши. Бу усул кам бўғинли, якунловчи бўғинидан катта аниқлик талаб этилувчи йиғма ўлчовлар занжирида қўлланади. Берилган аниқлик занжирига ташкил этувчи бўғинларни қўшиш билан таъминланади. Бу ташкил этувчилар ўзлари илгари ажратилган гурухлардан бирига тааллукли бўлиши керак.

Жойига мослаштириб йиғиши шундан иборатки, якунловчи бўғиннинг берилган аниқлигига эришиш учун металл қатламини йўниб компенсацияловчи бўғин ўзгаририлади.

Бунда шаберлаш, эговлаш, ялтиратиши, ишқалаш, жойига қараб тешик очиш амаллари күлланади.

Ростлаб йиғиши якунловчи бўғиннинг талаб этиладиган аниқлиги металлни кесмасдан таъминланади. Бу-қуидагича изоҳланади. Якунловчи бўғиннинг жоизлигини сиқишириш эса, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Бўғинларга оширилган жоизлик берилганда, жойига мослаштириш усулидаги каби, компенсация миқдорини аниқлаш керак. Компенсацияловчилар кўзғалувчи ва қўзғалмас бўлади. Кўзғалувчиларга винт билан қотириладиган втулкалар, халқалар ва ҳ.к. деталлар киради. Агар якунловчи бўғиннинг аниқлиги ўлчамлар занжирига кўзғалувчи компенсатор киритиш билан таъминланса, бўғинларнинг жоизлиги максимал даражада эркин белгиланади. Кўзғалмас компенсацияловчилар сифатида халқалар, шайбалар, қистирмалар ва ш.к. ишлатилади.

Автомобилсозлика йиғиши асосан тўла ўзаро алмашувчаник, жойига мослаш ва ростлаш усуслари билан амалга оширилади.

5. Уланмаларнинг турлари.

Деталларнинг уланмалари нисбий сурилиш имкониятига кўра-кўзғалувчи ва қўзғалмас, бўлакларга ажралишига кўра-ажралувчи ва ажралмас турларга бўлинади. Ажралувчи уланмаларни буюмнинг таркибий қисмларини бузмасдан туриб бўлакларга ажратиш мумкин. Ажралмас уланмаларда бундай қилиб бўлмайди.

Кўзғалувчи ажраладиган ва ажралмас уланмалар. Кўзғалувчи уланмаларни олиш учун туташувчи деталлар уланманинг ҳаракатчанлигини таъминлайдиган ўрнатувнинг жоизликларига биноан тайёрланади. Бундай талабга жавоб берадиган ўрнатувларнинг ифодалари: h, g, f, e, d (сирпанувчи, кўзғалувчи, юрувчи, енгил юрувчи, бемалол юрувчи). h ўрнатув нўлга яқин энг кичик тирқиши қолдиради. Масалан, қамраб олинувчи детал (втулканинг цилиндр тешиги)энг кичик ўлчами билан, қамраб олинувчи детал (силиқ вал) эса-энг катта ўлчами билан тайёрланганда шундай бўлади. Уланма тирқишининг қиймати йиғма бирликини лойиҳалаш жараёнида конструктор томонидан қўйилади. Технолог шундай технологик жараён ишлаб чиқиши керакки, унга риоя қилинганда ўлчамларга берилган жоизликлар, шакл оғишлари рухсат этилган даражада таъминлансан. Кўзғалувчи уланмалар асосан ажраладиган қилиб тайёрланади.

Кўзғалмас ажралувчи уланмаларга резьбали, шпонкали, шлицали, штифтли уланмалар киради. Штифтли уланмалардан бошқа ҳаммаси n, m, k, js (сидирға тирқишиз, таранг, зўриққан, зич) ўрнатув ва конусли ўрнатув билан бажарилади.

Резьбали уланмаларда шпилкалар, болтлар, винтлар ишлатилади. Шпилкалардан, одатда, текис юзаларни бевосита ёки қистирмалар орқали улашда фойдаланилади. Улашдан олдин асос қилиб олинган деталга маҳсус қурилма ёрдамида шпилкалар бураб кигизилади. Қўл билан ишлатиладиган қурилмалар бу ишда кўп унум бермайди, шунинг учун каллаги ўз-ўзидан очиладиган электр бурагичлардан фойдаланилади. Шпилкаларни бураб кигизишда уларнинг ўқи туташ юзага қатъий перпендикуляр туриши керак ва бу юзадан чиқиб турадиган қисмининг баландлигини таъминлаш зарур. Бу қисмининг перпендикулярликдан оғиши ҳар 1мм узунликда 2 мкм дан ошмаслиги керак.

Туташувчи деталларда икки томони очик тешиклар бўлса, болтлар билан уланади. Буюмни ишлатиш жараёнида тез-тез бўлакларга ажратиш зарурати туғилса, винтлар ишлатилади. Шу сабабдан винтли уланмаларда тирқишли ўрнатувлар резьбаси очилади, шпилкали уланмалардаги каби сирпаниш ўрнатувининг резьбаси очилмайди уланмалар болтлар ва винтлар ёрдамида бирлаштирилса механизацияланган кўчма қурилмалар-электр ва пневмо гайка бурагичлар ишлатилади. Улар пружинали посангиларга осиб қўйилади. Механизация воситаларини кўллаш резьбали уланмаларни тайёрлашда иш унумдорлигини оширади ва болтлар ёки винтлар бир текис тортилгани сабабли сифат ҳам юқори бўлади. Электр гайка бурагичлар бир ёки кўп шпинделли бўлади. Кўп шпинделли гайка бурагичлар бир вақтнинг ўзида кўплаб гайкаларни бурай олади (масалан, ғилдиракларни ўрнатишда), лекин массаси оғир бўлгани сабабли кўпинча уларни пармалаш станогига ўрнатилади.

Болтлар, шпилкалар ва винтларни қотиришда буровчи момент қийматини даражаланган асбоб ёки динамометри бурагич билан текшириб борилади.

Шпонкали уланмалардан понали ва призма күринишли, сегмент шпонкалар ишлатилади. Понали шпонка воситасидаги йиғма қамровчи деталнинг ўқи қамралувчининг ўқига нисбатан четга сурилади. Бу сурилиш тирқиши билан боғлиқ ва қамровчининг радиус бўйича уришига сабаб бўлади. Бундан ташқари шпонканинг қияликлари ва қамровчи деталдаги ариқча хатолари уланувчи деталларнинг шпонка валига таранг ўрнатилади, шпонка вал ариқчасига пресс ёки винтли струбцина ёрдамида туширилади.

Кўзғалмас шлицали уланмаларда қамраб оловчи детал (шлицали втулка)ни 80-120⁰C ҳароратгача қиздириб бажарилади. Натижада пресслаш кучи камайиб, деталлар бир-бирига тўғри ўрнатилади валга пресс slab ўтказишда маҳсус мосламадан фойдаланилади; шундан кейин қамраб оловчи деталнинг ўқ ва радиус бўйича уриши текширилади. Енгил ажраладиган шлицали уланмалар учун пресслаш кучи талаб этилмайди.

Штифтли уланмалар конус ёки цилиндр штифтлар ёрдамида бажарилади. Штифтлар улашдан ташқари деталларнинг ўзаро муайян ҳолатини ҳам таъминлайди. Деталлар конус юзалари билан туташадиган бўлсалар, штифт тешигини қамровчи детални улаган ҳолатда очиш керак. Қамралувчи деталда тешик илгаридан очиб кўйилган бўлиши мумкин.

Кўзғалмас ва ажралмас уланмалар. Буларга прессланган, жўвалаб пачоқланган, парчинланган, пайвандланган, елимланган уланмалар киради.

Прессланган уланмалар пресс ўрнатув ёки деталларни қиздириш билан бажарилади. Ўрнатувларнинг S, u, x турларига тегишли жоизликлар билан тайёрланган деталлар пресс становига уланади. Бунда қамровчи детал валга кийгизилади ёки вал қамровчига тикилади (поршен бармоқчасини поршенга пресслаш). Бундай уланмаларнинг туташ юзаларида катта босим ҳосил бўлади. Пресслашда кўзғалмас ва кўчма пресслар, кўтаргич (домкрат)лар, туташувчи деталларни тўғри ўрнатиб қийшайиб олишига йўл қўймайдиган қискичлар ва скобалар кўлланади.

Агар туташувчи деталлар оғир шароитларда ишласа, уларни қиздириб туриб бир-бирига кийгизилади. Бунда ўрнатув мустаҳкамлиги оддий пресслашга нисбатан икки марта юқори бўлади; микро-нотекисликлар эзилиб, текисланиб кетмайди, балки бир-бирининг орасига кириб, қапишиб қолади. Мисол учун, двигателнинг залвор фидираги билан унинг тишли гардишини кўрсатиш мумкин. Деталларнинг уланган жойи зич ва ҳаво ёки сув ўтмайдиган қилиниши зарур бўлса, ўша жой жўвалаб пачоқланади. Бу иш пармаловчи станокда, маҳсус ускуналарда, маҳсус асбоб – жўва ёрдамида бажарилади. Жўва туташган деталлардан бирининг қиррасини эзib, деформациялайди. Бунда деталнинг материали тўғри танланиши катта аҳамиятга эга. Бу хил уланмалар автомобилларнинг тормоз ёки мойлаш тизимида кўп учрайди.

Парчин михли уланмалар юқори ҳароратда ишлайдиган, коррозияга учрайдиган, катта зарбали ва титраш кучлари таъсирига учрайдиган конструкцияларда кўлланади. Парчинлаш жараёни сикилган ҳаво ва электр кучи билан ишлайдиган парчинловчи болгаларда, яrimавтомат ва автомат прессларда бажарилади. Яrimавтоматларда ишланганда парчин михлар маҳсус қурилма ёрдамида узатилиб туради. Автомат прессларда ҳамма амаллар: тешик очиш, парчин мих кўйиш, парчинлаш автомат тарзда бажарилади.

Пайвандли уланмалар автомобил транспортида кенг қўланилмоқда, шунинг ҳисобига парчин михли уланмалар камайиб бораяпти. Пайвандлаш материал ва меҳнат сарфини камайтиради. Пайвандлаш жараёнининг технологик хусусияти электр пайванд машиналарини бевосита йиғув оқимига ўрнатиш имконини беради. Ёйли автомат ва яrimавтомат пайвандлашда қўпроқ қўлланади. Кавшарлаш автомобилсозликда айrim нуқсонларни (масалан, радиатор найчаларидан суюқлик оқиши) йўқотиш учун қўлланади.

19-мавзу. Автомобил двигателини йиғиши.

Режа:

- 1. Умумий қоидалар.**
- 2. Двигателларнинг йиғма бирликларини йиғиши хусусиятлари.**
- 3. Двигателни умумий йиғиши.**

1.Умумий қоидалар.

Двигателнинг конструктив хусусиятлари ва техник кўрсаткичлари (цилиндрлар сони, сиқилиш даражаси, қувват, масса, тирсакли валнинг айланиш частотаси, буровчи момент) уни йиғиши технологик жараёнини белгилаб беради. Цилиндрлари бир қатор ва айрисимон жойлашган двигателларни йиғиши бир-биридан анча фарқ қиласи. Ҳаво оқими билан совитиладиган двигателларни йиғиши суюқлик билан совитиладиганларга қараганда бошқача. Биринчисининг блоки алоҳида цилиндрлардан иборат бўлиб, йиғув жараёнида двигател картерига маҳкамланади. Иккинчисидаги цилиндрлар блоки эса – монолитдир.

Ички ёнув двигателларидаги энг муҳим йиғма бирлик кривошип-шатун механизми ҳисобланади. Бу механизм ўзгарувчан ҳарорат ва кучлар таъсири остида ишлайди, шунинг учун уни йиғиши ишларига, айниқса туташ деталлардаги тирқишиларга ва тарангликларга қатъий талаблар кўйилади. Туташувларнинг зарурый аниқлиги деталларни ҳақиқий ўлчамлар бўйича хомаки гурухлаш ва уларга тегишлича белги кўйиш билан таъминланади. Масалан, поршенлар, поршен бармоқчалари ва цилиндрлар бир неча гурухга сараланади ва уларга ҳар бир гурухнинг ўз белгиси кўйилади. Белгилар бўёқ билан кўйилади: поршенда бўртманинг пастки қисмида, поршен бармоқчасида – ички юзасида, шатунда – юқори каллак олдида.

Поршенли ва шатунли йиғма бирликлар массаси бўйича танланади, айланиб ишлайдиган деталлар – тирсакли вал ва залвор ғилдирак – мувозанатлаштирилади. Массаларнинг фарқи двигателнинг айлантириш тезлигига боғлиқ. Масалан, «Москвич» автомобилида поршен массаларининг оғиши 4 г дан ошмайди, шатунларники – 8 г гача; «ГАЗ» автомобилларида поршенлар массасидаги фарқ 6 г гача, поршен билан шатун тўплами учун – 14 г гача. Массаси бўйича сараланиб олинган поршенлар ва шатунлар гурухларга ажратилади ва тартиб рақамлар билан белгиланади.

Залвор ғилдираклар ва тирсакли валлар, уларни тайёрлаш жараёнида алоҳида мувозанатланади, катор ҳолларда – йиғма кўринишида. Номувозанатлик двигател турига боғлиқ. «Жигули» автомобили двигателининг тирсакли вали номувозанати 12 г см дан ортмайди; «ГАЗ» автомобилларининг двигателларида залвор ғилдиракнинг номувозанати йиғиши олдидан 35 г см дан ошмайди, тирсакли вал ва илашма билан бирга – 70 г см гача бўлади.

Двигателнинг асосий йиғма бирликлари – шатун ва поршен гурухи, цилиндрлар блоки, блок каллаги, тирсакли вал, мой насосидир.

2. Двигателларнинг йиғма бирликларини йиғиши хусусиятлари.

Шатун-поршенли узелни йиғиши. Поршен, шатун ва поршен бармоқчаси бир-бирига мос ўлчамлар гурухидан олиб тўпланади. Поршенлар этакнинг ташқи диаметрига қараб, цилиндр гильзаларининг ўлчам гуруҳига, поршен бармоқчаларининг ўрни диаметрига боғлиқ ҳолда танланса, шатунлар – юқори каллакдаги тешик диаметрига қараб ва бармоқча диаметрига боғлиқ ҳолда танланади.

Шатун-поршенли узел, одатда, автомат ва автоматлаштирилган қаторларда йиғилади. Бундай қаторларда ювиш-қуритиш агрегати ва йиғувчи автоматлар кетма-кет ўрнатилади. Даствлаб, поршен, шатун ва бармоқчалар билан йиғилади, кейин бу йиғма кейинги йиғув автоматига узатилади. У ерда бармоқчанинг иккала томонига ҳалқа кўйилиб сурилмайдиган қилинади. Шундан сўнг бўй йиғма поршенга ҳалқаларни (ҳаво сиқувчи ва мой сидирувчи) кийгазадиган автоматга узатилади.

Автомат тарзида йиғув кўп позицияли автоматларда ҳам бажарилади. Йиғиладиган деталлар (шатундан бошқалари) конвейрлардан тўплагичлардан берилади. Шатун бармоқчалари катта каллакдаги тешиги билан кийгизилади ва иккита штифт билан турғун

ҳолга келтирилади. Поршен йиғув позициясига, қаторга ёндашган ювиш-куритиш агрегатидан узатилади. Бармоқчалар позицияга ариқча бўйлаб сирғалиб келади. Поршен роликдан айланма харакат олади. Поршен бу роликда гидро юритгичдан харакатга келадиган иккинчи ролик билан ёпишади. Поршен маълум бир бурчак ҳолатини эгаллагач йиғув позициясига келиб тушади. Стол ҳам шатун билан бирга айланниб, йиғув позициясига келади. Бу ерда механизм ёрдамида кўтарилади ва шатун поршенга киради. Кейин поршен ва шатуннинг мос келиб қолган тешикларига бармоқча пресслаб кийгизилади, сўнгра, шатун поршен билан бирга пастга тушади, стол эса айланади.

Кейинги позицияда поршенга пресслаб кийгизилган бармоқчанинг икки томонига ҳалқа кийгизилиб, қотирилади. Ҳалқалар тўплагичлар иккита механизм ёрдамида узатилади. Шундан кейин поршенга ҳалқалар кийгизилади. Ҳалқалар гоҳо бир-бирига ёпишиб қолади, шунинг учун баъзи автомат қаторларда уларни уюмдан олиб ўрнатилади.

Цилиндр блокларини йиғиши автомат ва автоматлаштирилган қаторларда бажарилади. Автоматлаштирилган қаторда, одатда, йўналтирувчи втулкалар ўрнатилади, блок ўзак подшипниклар билан йиғилади, болтлар бураб киргизилади. Ўзак подшипник қопқоқлари йўналтирувчи втулкалар ёрдамида цилиндрлар блокига нисбатан мўлжалланади. Втулкалар блок тешигига ва подшипник қопқоғига пресслаб киргизилган бўлади. Цилиндрлар блокини ўзак подшипник қопқоқлари билан йиғадиган автомат қаторда тўртта агрегат бор. Биринчи агрегатда блокга ўзак подшипник қопқоқлари ўрнатилади, иккинчисида-қопқоқ болтлари бураб киргизилади, учинчисида-болтлар муайян бураш моменти билан қотирилади, тўртинчисида-қопқоқларга белгилар кўйилади. Бир вакт, болт кирган тешиклар сиқилган ҳаво билан пуфлаб тозаланади, болтларнинг қотирилиши чуқурлиги текширилади.

Цилиндрлар блоки каллагини йиғиши автоматлаштирилган қаторда бажарилади. Бундай қаторда блок каллагиузелини йиғиш қўйидаги тартибда кечади технологик тешикларни тиқин билан беркитиш; блок каллагини мосламага ўрнатиш (турли ҳолатларда турғун қилиш мақсадида); клапанларнинг йўналтирувчи втулкаларни пресслаб киргизиш; каллакни горизонтал ўқ атрофида 180^0 айлантириш; втулкалар ичига газ киритувчи ва чиқарувчи клапанларни жойлаш; ҳамма клапанларни бир вактда ўз ўрнида ишлатиб ишқалаш; блок каллаги ва клапанларни ювиш; клапанларни ўрнатиш ва улар ҳаво ўтказмаслигини, ёнув камераси киргазмасини ва уни винтлар билан қотирилишини назорат қилиш; шпилкаларни, найчалар ўрнатиладиган шпилкаларни, форсункалар қотириладиган шпилкаларни, мой оқиб чиқадиган найчалар маҳкамланадиган тирсакни бураб киргизиш; клапанларни узил-кесил ўрнатиш, уларнинг уч томонига пружина, ликопча кигизиш ва сухарларни ўрнатиш; йиғилган узелни текшириш.

Автомат қаторда йиғув позицияларидан ташқари ёрдамчи амаллар ҳам бажарилади. Блок каллагини автомат қаторда йиғиши қўйидаги тартибда бажарилади: газ киритувчи ва чиқарувчи клапанлар тўпламини ўрнатиш, ўрнатувни назорат қилиш, белги қўйиш, ишқаланиш, каллак ва клапанларни ювиб қуритиш; ёнув камераларига киргизмаларни ўрнатиш; ёнув камераларининг бўртмасини текшириш; клапанлар пружинаси тўпламини ўрнатиш; клапанларни пружиналар билан йиғиши; шпилкалар, чақмоқлар ва штуцерларни бураб киргизиш.

Йиғув ишлари автоматларда бажарилади, блок каллаклари ва деталлар йиғув жойига конвейерлар, титратиб узатувчи манбалар ёрдамида етказилади. Улар гидро ва электр юритгичлардан куч олади. Қатор автомат тарзда бошқариш тизимиға эга.

3. Двигателни умумий йиғиши.

ЗИЛ-130 автомобилининг айрисимон двигателини йиғадиган автоматлаштирилган қатор ишини кўриб чиқамиз. Бу қаторда айрисимон двигателларнинг турли қўринишларини йиғиш мумкин. Қатор учта участка (I-III) дан иборат бўлиб, ҳар бирида 31 тадан йиғув позицияси бор. Ҳамма позициялар сони 93 та. Двигателнинг йиғув амалларидан бир қисми автомат тарзда ишлайдиган йиғув станокларида, қолган қисми йиғиши агрегатларида бажарилади. Бу ускуналарнинг ҳаммаси ёқалаб қадамли конвейерлар ёрдамида, автомат тарзда сурилиб боради. Конвейер бир тўхтайди. I ва II участкаларда двигателлар йўлдош-мосламасиз

сурилади, уларнинг ҳар қайси позициядаги зарурий ҳолати блокнинг пастки қисмидаги технологик тешикка чеклагич қўйиш билан тўхтатилади. Двигател конвойерда пружина илгакли штанга ёрдамида сурилади. Штанга илгарига суриладиган илгак двигателни кўзғалмас планка устига суреб, кейинги позицияга ўтказиб қўяди; штанга ортга юрганда илгаклар двигателга тиради, ўз ўқи атрофида айланаб кетади ва двигателнинг остида сирпаниб, тагидан ўтиб кетади.

III участкада двигателлар йўлдош-мосламаларга қўйилади. Йўлдош-мослама кўзғалмас планкаларга маҳкамланган роликлар устида, айланувчи думалоқ штанга ва бикр илмоқлар ёрдамида сурилади. Сурилишдан олдин штангалар шундай айланадики, илмоқлар вертикал ҳолатни эгаллайди. Илмоқлар йўлдош-мосламага тиради, уни бир қадам илгари суради. Кейин штанга ва илмоқлар тескари йўналишда айланади ва дастлабки ҳолатга қайтади. Йиғув позицияларида йўлдош-мосламани турғун килиш учун бошқа бир штанга ва унинг бикр таянчи айланаб, йўлдош-мосламани уясига кириб қолади. Участка охирида йиғилган двигател туширилади ва бўяшга узатилади, йўлдош-мосламалар эса, қатор остидан ўтган хандакда жойлашган махсус конвойер ёрдамида дастлабки ҳолатга қайтарилади. Двигателни қатор бўйлама ўқига нисбатан мўлжаллашда айланувчи столлар ва барабанлар қўлланилади.

Автоматлаштирилган йиғув қаторининг бошқарув тизими маҳсулотни берилган тект билан чиқариш имконини беради.

I ва III участкаларда двигателнинг ўқи ташиб йўналишига перпендикуляр, II участкада – параллел (схемада стрелка билан кўрсатилган). Автоматлаштирилган қаторда двигателни йиғишин технологик схемасини кўриб чиқамиз; йиғув жойлари кўрсатилган.


I участкада қуйидаги ишлар бажарилади: С 1 станоги ёрдамида тақсимловчи вални блокдаги жойига ўрнатиш; цилиндр гильзалини ўрнатиш; С 2 станоги ёрдамида ўзак подшипниклар қопқоғидаги, илашма картери қопқоғидаги болтларни бўшатиш; ўзак

подшипник қопқоқларини ечиш; цилиндрлар блокига вкладишлар ва мой тутқичи ўрнатиш; С 3 станоги ёрдамида тирсакли вални ўрнатиш; С 4 станоги ёрдамида ўзак подшипник қопқоқлари болтларини бураб киритиш; олдинги қопқоқлава илашма картери қопқоғи болтларини бураб киргизиш. С 2 ва С 4 станокларидан олдин блок 180° га айлантирилади. Тирсакли вал блокга кўтарувчи-айлантирувчи қурилма ёрдамида қўйилади. С 2 станогида бажарилган ишлардан кейин двигателнинг йиғув жойи ўзгармайди. Кейин тирсакли валга таянч шайба, тишли фидирак ва шкив кигизилади, илашманни ишлатиладиган айри, илашма картерининг қопқоғи ва шити ўрнатилади. Йиғила бошлаган двигател I участкадан II участкага ташиб кетилади.

II участкада бажариладиган ишлар: С 6 станок ёрдамида чап қатордаги, С 8 станоги ёрдамида ўнг қатордаги поршен гурухини (тўпламини) йиғиш ва ўрнатиш; С 9 станоги ёрдамида мой

насоснинг тўсигини, мой картерини ва ўзини ўрнатиш ва болтлар билан қотириш. Ўнг ва чап қатор поршен тўпламини ўрнатиш учун иккита айлантиргич қўйилган.

III участкада бажариладиган ишлар: блок каллагини газ чиқарувчи коллектор ва турткичлар билан бирга йиғилган ҳолда ўрнатиш; газ киритувчи кувурни фильтр ва центрифуга билан йиғилган ҳолда ўрнатиш; рул бошқармасининг гидрокучайтиргич насосини йиғма ҳолда, компрессорни, сув ҳайдагични йиғма ҳолда, компрессорни, сув ҳайдагични йиғма ҳолда ўрнатиш.



Бу участкада 7 та автоматлаштирилган станок бор: С 12 ва С 13 чап блок каллагини йиғиш учун; С 14 ва С 15 ўнг блок каллагини йиғиш учун; С 16 ва С 17 блок каллаклари болтларини қотириш учун; С 18 газ киритувчи қувурлар гайкасини бураш учун қатордан ташқаридаги С 10 ва С 11 станоклар шатун гайкаларини ечади. Қолган амаллар қўл кучи билан бажарилади.

III участкада ҳаммабоп манипулятор ўрнатилган. II участканинг охиридаги барабан-айлантиргич йиғилаётган двигателни 180^0 га шундай айлантирадики, барабандан тушаётганда мой картери билан паст томонга қараган бўлсин; кейин двигател конвейер билан сурилади (К стрелка йўналишида). Конвейер тишли ғилдираклар ва рейка устида бир марта юрганида турткич барабандан айлантирилган двигателни чиқариб, ўрнига бошқасини киритади. Айлантирилган двигател кўтаргичнинг қўзғалмас планкаларига қўйилади. Кўтаргичнинг қўзғалувчан супачаси бўлиб, гидроюритгич таъсирида вертикал йўналишда ҳаракат қиласи. Йўлдош-мослама занжирли конвейер ёрдамида супачага қўйилади. Супача йўлдош-мослама билан бирга кўтарилиб, уни йиғилаётган двигател остига тўғри келтиради. Шунда илашма картеридаги тешикларга иккита бармоқча кириб қолади ва двигател мослама билан қимирамай туради. Илашма картеридаги ва олдинги қопқоқдаги асос юзалар йўлдош-мосламадаги таянч юзаларга тирагиб туради. Двигател блоки ва мосламанинг ҳолати турғун қилингандан кейин бошқа конвейер мосламани илиб олиб, кейинги йиғув позициясига олиб кетади.

III участканинг охирида йиғилган двигател туширилади ва бўяш участкасига жўнатилади. Йўлдош-мослама қўзғалувчан супачаларга ўхшаб юқори ва пастки ҳолатда турадиган майдончага сурилади. Конвейер йўлдош-мосламаларни юқорида турган супачага юклайди. Шундан кейин супача мослама билан бирга пастга тушади, занжирли конвейер мосламани III участканинг бошига обориб қўяди.

Шундай қилиб, III участка мосламалар вертикал текисликда, ёпиқ тўртбурчак шаклидаги конвейерда ҳаракат қиласи. Унинг тепадаги қисмида, йиғув ишлари бажарилади ва мосламалар «К» йўналиш бўйлаб, йиғилаётган двигател билан бирга сурилади. Конвейернинг пастки қисмида мосламалар «Б» йўналишда қайтиб келади. Қаторнинг бошида мосламалар керакли баландликка кўтарилиб, охирида-шунча пастликка тушади.

Автоматлаштирилган йиғув қаторида назорат позицияси (КА) ҳам бор. Агар йиғилган двигател керакли жойда олинмаган бўлса, чекка узгич ишлаб, двигатели бор супача пастга тушмайди.

20- мавзу: Трансмиссия ва осмаларни йиғиш.

Режа:

1. Дифференциални йиғиш.
2. Орқа кўприк редукторини йиғиш.
3. Автомобил орқа кўпригини йиғиш.

1. Дифференциални йиғиш.

Дифференциал яримўқларнинг тишли ғилдираклари қутисидан, сателлитлардан, уларнинг ўқлари ва штифтдан иборат. Уни йиғиш жараёни қуйидаги амалларни қамраб олади.

1. Дифференциал қутисига ярим ўқларнинг иккита тишли ғилдиракларини қўйиш. Бундан олдин ғилдирак бўйнига двигател мойи сурилади.

2. Иккита сателлитни қўлга олиб, уларнинг тишини яримўқ ғилдиракларининг тишлари билан ишлатиш; технологик ўқни сателлитларга киргизиш ва уларни қўл билан ёки динамометрик бурагич билан айлантириб, қути ичига киргизиш. Бунда энг катта буровчи момент 20 Нмдан ошмаслиги керак.

3. Сателлитлар тешигини дифференциал қутиси тешиги билан мос келтириш, двигател мойига ботириб олинган сателлит ўқини олиб, уни мос келган тешикларга тиқиш. Шунда технологик ўқ чиқиб кетади.

4. Қутидаги Ø5 мм тешикни сателлит ўқидаги худди шундай тешик билан мос келтириш, унга штифт қўйиб, учини керн билан пачоқлаш.

Дифференциал йигилиб бўлгач, кўздан кечирилади: тўпламнинг бутунлиги, қути фланеснинг кўндаланг юзида урилган жойлар бор-йўқлиги, яримўқнинг тишли ғилдиракларини айлантирадиган буровчи моментнинг қиймати текширилади. Йиғилган дифференциалдаги тишли ғилдиракларнинг бурчак бўйича ҳам текширилади. Яримўқларнинг тишли ғилдиракларидан бири тўхтаб турганда лиқиллаш 14 дан ошмаслиги керак. Текширувдан ўтган дифференциаллар орқа кўприк редуктори йиғиладиган жойга узатилади.

2. Орқа кўприк редукторини йиғиши.

1. Редуктор картерини сиқилган ҳаво билан пуллаш.

2. Картерни йиғма ўлчамини ўлчаш.

3. Етакчи тишли ғилдиракнинг орқа томонидаги асос юзаси подшипникнинг ички ҳалқасига тирагиб қолгунча пресслаб киргизиш.

4. Йиғма ўлчами махсус стенда ўлчаш (етакчи тишли ғилдирак билан орқа подшипникнинг йиғма ўлчами). Ўлчам-еткчи тишли ғилдирак каллагини йиғувдаги ҳолатини ўлчаш. Бу ҳолатни ростлаш учун қистирманинг ўлчамини аниқлаш. У координатаси орқали аниқланади.

5. Олдинги ва орқа подшипникларнинг ташқи ҳалқаларини редуктор картерига пресслаб киргизиш. Бунда ҳалқалар бўртмага тирагунча ёки ўлчами таъминлаб прессланади.

6. Етакчи тишли ғилдирак подшипникларининг таранглик қийматини аниқлаш; бу тарангликни ростлайдиган қистирмалар тўпламининг қалинлигини ҳисоблаб топиш ва тўпламни саралаб олиш.

7. Сараланган қистирмалар тўпламини ўз жойига қўйиш.

8. Етакчи тишли ғилдирак-валнинг учига (редуктор картеридан чиқиб туради) таянч шайба, мойтутқич ва фланес кигизиш.

9. Ўша жойга шайба кигизиш, бураш ва уни 145-160Нм момент билан қотириш.

10. Йиғма масофани текшириш: етакчи тишли ғилдирак каллагининг эркин кўндаланг юзидан картер қулоқларидаги тешиклар ўқигача бўлган масофа-53,4 мм.

11. Етакчи тишли ғилдирак фланеси уришини текшириш.

12. Картер қулоқларидаги тешик ўқларининг етакчи тишли ғилдиарк ўқига нисбатан перпендикулярликдан оғиши 0.03 мм атрофида бўлади.

13. Дифференциал қутисини редукторнинг бошқарувчи тишли ғилдираги ичига, фланеснинг кўндаланг юзига тирагунча пресслаб киритиши.

14. Фланес тешигига 8та болтни шайбаси билан қўйиб бураш ва гайкабурагич билан қотириш. Буровчи момент 50-65Нм.

15. Бошқарилувчи тишли ғилдирак кўндаланг юзасининг дифференциал қутиси таянч бўйнининг ўқига нисбатан уришини 0.03 мм атрофида ростлаш.

16. Дифференциал қутиси таянч бўйинларига ўрнатиладиган подшипникларнинг ички ҳалқасини пресслаб киритиши. Иккала ҳалқа бир вақтда, тирагиб қолгунча прессланади.

17. Бошқарилувчи тишли ғилдирак кўндаланг юзасининг подшипникларнинг ички ҳалқалари кўндаланг юзасига нисбатан уришини; махсус мослама ёрдамдада бажарилади; уриш 0.05 мм гача.

18. Картерни бошқарилувчи тишли ғилдирак билан йиғиши.

19. Редукторни стендада синаш.

20. Редукторга ростловчи гайкаларнинг тўхтатувчиларини ўрнатиш ва уларни болтлар билан қотириш. Болт тагига пружинали шайба қўйилади.

Кўйида технологик амалларнинг тафсилотлари келтирилади.

Иккинчи амални бажаришда картер мосламага ўрнатилади ва йигма ўлчам ўлчанади. Бу ўлчам асос кўндаланг юза ва дифференциал подшипниклари қўйиладиган иккита асос тешиги бўйича ўлчанади. Бунда подшипник тешикларига иккита ўрнатувчи тиқин қўйилади. Индикаторнинг кўрсатиши берилган X_{A1} (116,25 мм)дан оғишини кўрсатади. Оғишини, мусбат ёки манфий ифодаси билан бирга картерга ёзиб қўйилади. Ўлчов аниқлиги 0.01 мм.

Индикаторни «0»га қўйишда эталондан фойдаланилади. Этalon 116,25 mm ўлчам бўйича 0.005 mm аниқлик билан тайёрланади.

Тўртингчи амал махсус стендда бажарилади. Унинг иш цикли подшипникларнинг ташқи халқасини айлантира туриб, радиус бўйича йўналган куч билан сиқишдан иборат. Бунда подшипникка пресс ёрдамида ўқ бўйича йўналган куч берилади.

Стенднинг иш цикли бошланганда индикаторнинг кўрсатгия ёзиб олинади. У X_{A2} ўлчам эталондан қанча оғишини кўрсатади. Етакчи тишли ғилдиракнинг эркин кўндаланг юзаси бўйича X_{A3} йиғма масофани тузатувчи катталикнинг қиймати ва ифодаси аниқланади. Шундан сўнг, етакчи тишли ғилдиракнинг йиғма ҳолатини ростлайдиган кистирма (компенсатор)нинг керакли қалинлиги ҳисобланади:

$$X_{AK}=X_{A2}-(X_{A1}+X_{A3})$$

бу ерда: X_{A1} - картер йиғма ўлчамининг эталондан оғиши; X_{A2} етакчи тишли ғилдирак ва орқа подшипник йифиндисининг йиғма ўлчами эталондан қанчалик оғишини кўрсатади; X_{A3} -етакчи тишли ғилдиракнинг эркин кўндаланг юзаси ҳолатидаги оғиш; X_{AK} – компенсатор ўлчами (қалинлиги).

Ҳисоблар натижасига қараб, тишли ғилдиракнинг редуктор картери ичидаги ҳолатини ростлайдиган кистирмалар тўплами танланади. Сўнгра, компенсаторнинг куч таъсир қилгандан кейинги ҳақиқий ўлчами, стендда қайтадан текширилади.

Подшипникка куч билан таъсир этиб, бир неча бор айлантирилади-да, ҳар айланиш учун индикатор кўрсатаётган рақам ёзиб олинади ва улардан ўртача қиймат чиқарилади. Индикаторни 62,865 mm ўлчамга мўлжалланган этalon бўйича «0» белгига созланади. Этalon 0.005 mm аниқлик билан тайёрланади.

Стендда ўқ бўйича таъсир этадиган куч 3000-10 N га teng бўлади.

Подшипникнинг ташқи халқасини радиус бўйича сиқиш кучи диаметрига бериладиган тарангликнинг ўртача қийматига мос келиши керак (таранглик 0.03 mm). Қалинлиги 0.05; 0.8; 0.12 mm бўлган қистирмалардан тўплам сараланади, шу билан бирга бир хил қалинликдаги қистирмалар иккитадан ошмаслиги керак.

Бешинчи амал прессли махсус мосламада бажарилади. Подшипник халқаларини пресслаб киритишдан олдин двигателни мойга ботириб олиш керак. Олдинги подшипникнинг ташқи халқаси мосламанинг конус оправкасига, орқа подшипникнинг ташқи халқаси эса-пресс плужжерининг конус учига кигизилади. Редуктор картери тортмали тагликка йиғма фланеснинг тескари тарафи билан, иккита тешикка асослаб ўрнатилади. Шундан кейин махсус мослама картерни пресслаш минтақасига узатади. Бу ерда картернинг ҳолати турғун қилиниб, асос фланеси билан мосламанинг асос плитасига маҳкамланади. Кейин пресс ишга туширилади ва иккала халқа бир-бири томонга силжиб, картер уясиға кириб қолади. Халқаларни пресслаб киритадиган куч уларнинг кўндаланг юзасига тушиши керак; тебранма ҳаракат қилувчи обьект-конус роликларга тўғри келиши мумкин эмас.

Олтинчи амал тўрт ўтишда бажарилади. Биринчи ўтишда етакчи тишли ғилдиракни орқа подшипникнинг ички халқаси билан йиғилган ҳолда стенд марказига қўйилади ва подшипникларнинг дастлабки таранглиги ростланади. Кейин тишли ғилдирак ўқининг учига тиргак втулка ва олдинги подшипникнинг ички халқаси кигизилади. Пресс ишлатилади, халқалар ва тишли ғилдиракнинг асос кўндаланг юзасига сиқиб келтирилади ва индикатор кўрсаткичини «0» белгига қўйилади, сўнгра стенд ўчирилади.

Иккинчи ўтишда тишли ғилдиракни олдинги подшипникнинг ички халқасидан суриб чиқарилади. Учинчи ўтишда етакчи тишли ғилдиракни орқа ғилдиракнинг ички халқаси ва тиргак втулка билан бирга йиғилган ҳолда картерга ўрнатилади. Шундан кейин картер стендга қўйиб подшипникларнинг дастлабки таранглиги ростланади. Етакчи тишли ғилдирак-валининг учига олдинги подшипникнинг ички халқаси кигизилади. Пресс ва картерни айлантирувчи механизми ишлатилади индикатор стрелкасининг «0»дан ўртача оғиши қайд этилади. Картерни айлантирувчи механизми ва пресс ўчирилади.

Тўртингчи ўтишда етакчи тишли ғилдирак подшипникларининг дастлабки таранглиги ростлайдиган қистирмалар тўпламининг зарурий қалинлиги ҳисоблаб топилади. Бу қилинлик картерни стендда айлантирганда индикатор стерлкаси оғишининг ўртача қийматига 0.03 mm-тиргак втулка ва картернинг эластик (ўз ҳолига қайтувчи) деформациясини ҳисобга оладиган рақам. Бу деформация гайкани бураб қотириш натижасида юзага келади.

Пресснинг кучи 3,0-3,5 кН оралиқда бўлиши керак. Шунда олдинги подшипникнинг ички халқасини тиргак втулкага тиralгунча пресслаш мумкин. Подшипникларга куч таъсир қилган ҳолда картер ками билан 3-4 марта айлантирилиши керак.

Еттинчи амални бажаришда етакчи тишли ғилдиракни олдинги подшипникнинг ички халқасидан суриб чиқарилади. Бу ғилдирак ўқининг учига қистирмалар тўплами кигизилади. Кейин олдинги подшипникнинг ички халқаси кигизилади.

Саккизинчи амал прессловчи маҳсус мосламада бажарилади. Картер, етакчи тишли ғилдирак билан бирга прессли мосламага ўрнатилади. /илдирак ўқига таянч шайба кигизилади. Пресснинг штокига мойтутқич кўйилади. мойтутқични ва олдинги подшипникнинг ички халқасини тиравиб қолгунча пресслаб кигизилади. /илдирак ўқига, унинг шлицаларига шлицасини мослаб фланес кигизилади ва уни таянч шайбанинг кўндаланг юзага тиralгунча прессланади. Мойтутқични кийгишидан олдин уни мойга ботириб олиш керак.

Тўққизинчи амал маҳсус стендда бажарилади. Гайка буралиётганда тишли ғилдирак ҳам айланади. Уни 145-160 Нм момент билан қотирилади. Етакчи тишли ғилдиракни айлантирадиган момент подшипникларда 1.5-2.5 Нм га тенг бўлади.

Ўнинчи амални бажаришда ўлчов асбоби кўрсатаётган рақамни қайд этиш назорат мосламаси ишлаб турган ҳолда бажарилади. Индикатор асбобни «0» рақамга созлашда 53.4 мм ли этalon ишлатилади. Асбоб оғишнинг микдорри ва ифодаси (мусбат ёки манфий) тишли ғилдирак каллагининг эркин кўндаланг юзасида ёзиб кўйилган оғиш микдорри ва ифодаси билан мос тушиш керак. Мос келмаслик (+0.02)+(0.05) мм оралиғида бўлиши мумкин. Агар йиғма масофа рухсат этилган бу оғишлардан чиқиб кетса, редуктор сараланади. Мосламанинг ўлчов штокидаги куч 100 Н дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ўн биринчи амал маҳсус стендда, тишли ғилдиракни айлантирган ҳолда бажарилади. Етакчи тишли ғилдирак фланеси кўндаланг юзасининг ва бўртмасининг 35 мм радиус чегарасидаги уриши 0.1 мм атрофида рухсат этилади.

Ўн учинчи амалда дифференциал қутисини пресслаб киритиш учун прессли мосламадан фойдаланилади. Бу амалга дифференциал йиғилиб, тайёр ҳолда, конвойр билан келтирилади. Дифференциал қутиси бошқарилувчи тишли ғилдиракнинг резьбали тешиклари билан устма-уст туширилгандан кейин, пресслаб ташланади.

Дифференциал қутиси ва бошқарилувчи тишли ғилдирак йиғмасини ўрнатув бўйинлари билан мосламанинг призмасига қўйиб, тишли ғилдиракнинг (15-амал) уриши текширилади. Дифференциални таянчлар устида қўл билан айлантирилади. Бошқарилувчи тишли ғилдиракнинг уриши 0.03 мм атрофида рухсат этилади.

Ўн саккизинчи амал маҳсус мосламада бажарилади. Унга картер етакчи тишли ғилдирак билан йиғилган ҳолда, оғзи билан пастга қилиб кўйилади. Дифференциал подшипниклари қопқоғининг 4та болти ечилади, қопқоқларни болтлари билан чиқарилади (қопқоқлар ўзаро алмашинмайди). Шундан кейин дифференциални бошқарилувчи тишли ғилдирак ва подшипниклар билан йиғилган ҳолда (17-амалдан чиққан) редуктор картери ичига қўйилади. бунда подшипниклар редуктор қулоғига қўйилади, ғилдиракнинг тишилари сезиларли тирқиши билан илашади; тишли ғилдираклардаги ёзувлар бир-бирига мос тушиши керак. Картернинг резьбали ва яримцилиндр юзали қулоғига ростловчи гайкалар буралади қулоққа қопқоқ ёпилади ва иккита болт билан қотирилади.

Шундан сўнг илашган тишларнинг ён тирқиши ростланади. Индикатор таёқчасини бошқарилувчи ғилдирак тишига қўйиб, бу тирқиши текширилади. Агар тирқиши бўлмаса ёки жуда кам бўлса, қуйидагича ростлаш иши бажарилади. Ростловчи гайкани 1/4 айланага тескари бураб, дифференциал подшипникларнинг қопқоғи бўшатилади. Ён тирқиши 0.05-0.10 мм бўлмагунча гайка (бошқарилувчи ғилдирак томонидаги) тескарига айлантираверади. Бунда нариги ростловчи гайка подшипник халқасига тегмай туриши керак. Ростланган томондаги подшипник қопқоғининг болтлари буралади ва 68-75 Нм момент билан қотирилади. Кейин нариги гайка буралади. Уни шундай тортиш керакки, подшипник қопқоғининг болтлари 68-75 Нм момент билан бураб қотирилгандা ён тирқиши боя ўлчангандиша 0.12-0.17 мм оралиқда бўлсин. Тирқиши камида 0.10 мм, кўпи билан 0.22 мм бўлиши керак. Тирқишининг ортиб бориши бир текис бўлиши керак. Иккита, ёнма-ён тишда ўлчангандиша

ён тирқишиларнинг фарқи 0.05 мм дан ошмаслиги, ғилдиракларда ўлчанган тирқишиларнинг фарқи кўпі билан 0.08 мм бўлиши керак.

Редуктор (19-амалда) маҳсус стендда синовдан ўтади. Редуктор стендга маҳкамланиб, юритувчи валга уланади. Унинг ўнг ва чап томонидан технологик яримўқлар тиқилади. Бошқарилувчи ғилдирак тишлари пастга суриласди. Дифференциал иши ҳар томондан навбат билан текширилади. Синовда редукторнинг ғилдираклари айланиши аста кўпайтириб борилади ва 1000-1500 айл/мин гача олиб чиқилади. Редуктор иши кучи остида ва салт юришда эшитилади. Кейин редукторни тескари томонга айлантириб, ўша кўрсаткичлар текширилади. Иккала йўналишдаги тишларнинг туташ юзаси текширилади.

Йиғиш, синаш ва назорат амалларининг ҳаммаси бажариб бўлингач, редукторлар конвейр билан орқа кўприк йиғиладиган участкага юборилади.

3. Автомобил орқа кўпригини йиғиш.

Бу автомобилнинг орқа кўпригини йиғиша асосий детал қилиб картер олинган. Қуйида келтирилган технологик жараёнда орқа кўприкни йиғиш бўйича асосий амаллар берилган.

1. Ярим ўқларнинг иккита мойтутқични картер фланесларига икки томондан бараварига пресслаб киритиш.

2. Мой тўқадиган тешикнинг тиқинини картерга қистирма билан бирга бураб киритиш. Қотириш моменти 40-50 Нм.

3. Нафас олгич (9; сапун)ни йиғма ҳолда картернинг резъбали тешигига бураб киритиш.

4. Картернинг редуктор қўйиладиган фланесига қистирма қўйиб, устидан йиғма редуктор қўйилади. Фланесларнинг тешиклари мос келтирилиб, уларга 10та болт пружинали шайбаси билан бирга киритилади ва гайкабурагич билан қотирилади.

5. Тормоз билан йиғилган яримўқни орқа кўприк картерига жойлаш. Бунда яримўқнинг шлицали тишли ғилдирак шлицалари билан мос келтирилади. Подшипник орқа кўприк фланесига пресслаб киритилади (тиралиб қолгунча). Ярим ўқ 4та болт ва шайбалар билан қотирилади. Худи шу амаллар орқа кўприкнинг нариги томонида бажарилади.

6. Орқа тормозларнинг суюқлик найчаларини ўрнатиш.

7. Картерга қўл тормоз тросларини маҳкамлаб ётқизиб қўйиш.

8. Тормоз барабанларни йиғма ҳолда яримўқ фланесига ўрнатиш ва винтлар билан қотириш.

9. Суюқлик найчаларини картерга маҳкамлаш.

10. Тормоз тизимишининг зичлигини текшириш. ғилдиракларнинг тормоз цилинтри ишини текшириш.

11. Картерга гипоидли узатмалар мойини қўйиб, орқа кўприкни синаш.

12. Йиғув сифатини текшириш.

13. Орқа кўприкни ювиш, қуритиш ва совитиш.

14. Бўяш ва қуритиш.

Айтилган амалларнинг тафсилотлари қуйида келтирилади.

Тўртинчи амал пол устидаги конвейерда бажарилади. Уни бажариш учун иккита йўналтирувчи технологик оправка редуктор ўрнатиладиган фланеснинг қарама-қарши жойлашган икки тешигига тиқилади. Шу оправкаларга мўлжаллаб фланесга қистирма ётқизилади, кейин картер ва редуктор фланеслари туташтирилади. Сўнгра оправкалар чиқариб олинади ва редуктор фланеслари туташтирилади. Сўнра оправкалар чиқариб олинади ва мос келтирилган тешикларга, илгаридан зичловчи паста суркалган ва пружинали шайба кигизилган болтлардан 8 таси киритилади. Болтлар 28-36 Нм момент билан қотирилади.

Бешинчи амалда, аввал, яримўқлар тормоз билан йиғилган ҳолда конвейерга қўйиб чиқарилади. Бунда тормозга қараб, қайси бири ўнг томонга, қайси бирлари чап томонга терилади. Яримўқлар юқорида айтилгандек картер ичига киритилади, подшипник прессланади. Яримўқларни 4та болт билан қотириш учун уни айлантирилади, фланесдаги туйнук орқали болтлар навбатма-навбат қотирилади. Болт каллаги остига пружинали шайба аввалдан кигизилади. Болтлар 44-56 Нм момент билан қотирилади.

Орқа тормознинг суюқлик найчаларини ўрнатиш (6-амал) шундан иборатки, ғилдиракнинг тормоз (гидро) цилинтри тешигидан тиқин чиқариб олинади ва ўрнига

суюқлик найчасининг штуцери бураб киритилади. Худди шу амал орқа кўприкнинг нариги томонида ҳам бажарилади. Суюқлик найчалари дастлаб, сиқилган ҳаво билан пуфланади.

Суюқлик найчаларининг бўш турган учидаги штуцерлар коллекторга бураб киргизилади ва пружина шайбали болт билан картерга пайвандлаб қўйилган кронштейнга маҳкамланади. Шундан сўнг, суюқлик найчалар энг чеккадаги скобалар орқасига ўтказилади ва штуцерлар узил-кесил бураб қотирилади.

Кўл тормози трофи (7-амал) фидиракнинг тормоз шитидаги қувурча ичидан ўтказилади; кейин унга кесилган шайба қўйилади. Троснинг уни фидирак тормозининг ёйилувчи ричагига киритилади, кейин трофи химояловчи қувурча шит қувурчаси ичидан ўтказилади. Худди шу амал орқа кўприкнинг нариги томонида ҳам бажарилади.

Троснинг иккинчи учига химояловчи қувурча кигизилади. У трофи бўёқ тегишидан сақлайди. Кейин трофи орқа кўпригига шундай ўраб қўйиладики, ўрам иплари тормоз шитининг ташки диаметридан чиқиб кетмасин. Айни шу амал кўприкнинг нариги томонидан ҳам бажарилади.

Тормоз барабанларини яримўқ фланесларига кигизиб, қотиришда (8-амал) тормоз колодкалари сиртида мой юқи бўлмаслиги керак. Акс ҳолда уни жилвир қофоз билан ишқалаб кетказиш лозим. Тормоз барабан фланесга иккита винт билан маҳкамланади. Винт каллагининг кўндаланг юзаси барабан текислиги билан бир чизиқка тушиши керак. Айни шу амал кўприкнинг нариги томонида бажарилади.

Суюқлик найчаларига 5 та кистирма кигизилади, улар скоба остига суриб қўйилади (9-амал). Найчалар скоба билан ўраб қўйилади.

Тормоз тизимининг зичлиги маҳсус стенда, 10 МПа босим остида, 30 ± 5 с вакт давомида текширилади. Тормоз суюқлиги оқиб чиқса найчаларнинг гайкаларини бураб, қотириш керак. /идирек тормозлари яхши ўрнатилган ва ростланган бўлса, гидротармоқда босим бўлган пайтда яримўқлар айланмаслиги лозим.

Ўн биринчи амални бажаришда орқа кўприк синов стендига ўрнатилиб, маҳкамланади. Мой қўйиладиган тешик тиқин олинади ва орқа кўприк ичига гипоид узатмаларга ишлатиладиган майдан тешик сатҳигача қўйилади. Шундан кейин орқа кўприкни автомобилнинг олдинга ва орқага юришга мослаб, 3000 айл/мин частота билан айлантирилади. Яримўқлардан бирининг айланнишини секинлатиб, дифференциал иши текширилади.

Орқа кўприк иши текширилаётганда (12-амал) қаттиқ, дағал товушлар, тиқирлаш ва шунга ўхшаш нуқсонлар бўлмаслиги керак. Туташ жойлар, пайванд чоклар, мойтутқичлар кўздан кечирилади, улар мой ўтказиб юбормаган бўлиши керак.

Орқа кўприк кальцийлаштирилган соданинг 15% ли эритмасида ($70-80^{\circ}\text{C}$ ҳарорат билан), сўнг $70-80^{\circ}\text{C}$ ҳароратдаги сув билан ювилади. Конвекцияли қуритиш камерасида, $80-90^{\circ}\text{C}$ ҳароратда қуритилади. Советувчи камерада, 40°C ҳароратгача советилади.

Орқа кўприк электростатик камерада, алкайдстиролли эмал билан қопланади (14-амал). Бўяш қийин жойлар қўл билан бўяш камерасида, пуркагич ёрдамида бўялади. Бўёқдан чиқкан кўприк қуритиш камерасида қуритилади. Охирида тросларнинг учидан химоя найчаси олинади, бўёқ сифати текширилади ва орқа кўприк кейинги йиғувларга жўнатилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ф.П. Гурин, В.Д. Клепиков, В.В. Рейн. Автомобилсозлик технологияси. I-II китоб. Тошкент, 2001.
- 2.Т.Абдулжанов, О.В.Лебедев, В.Ш.Ахмедов. «Транспорт машинасозлиги технологияси», ТошТЙМИ, Тошкент, 2003.
- 3.Ф.П.Гурин, М.Ф.Гурин, «Технология автомобилестроения», 1986, 246 стр.
- 4.С.М.Қодиров, О.В.Лебедев, А.М.Хакимов, под общей редакцией К.М.Сидикназарова, «Восстановление деталей автомобиля», Тошкент, Ўқитувчи, 1995, 272 стр.